

РАЖАБВОЙ РАУПОВ

МАШХУР КИШИЛАР ҲАЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси
мустакиллигининг 14 йиллигига багишиланади*

Муаллиф

УСТУН

роман-хотира

(иккинчи тўлдирилган нашри)


Тошкент - 2005

Р.Раупов. Устун. Роман-хотира (иккинчи тўлдирилган нашри).
Т., «Fan va texnologiya» нашриёти, 2005 й. 240 бет.

Ражаббой Рауповнинг «Устун» роман-хотирасининг биринчи нашри 2002 йил А.Қодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриётида чоп этилган эди. Шундан сўнг муаллиф асар қаҳрамони Ҳабиб Абдуллаев ҳақида уни яқиндан билган сафдошларидан кўплаб янги маълумотлар олди ва шу асосда асарнинг тўлдирилган иккинчи нашрини тайёрлаб, Сиз азиз китобхонларга армугон этмоқда. Асарнинг икинчи нашри ҳам сизларга мазкур бўлади деган умиддамиз.

Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти илмий женгашинда тасдиқланган.

№ 32083
292



ISBN 5-86484-041-6

© Миролим Аҳмедов, 2005 й.
© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2005 й.

АЗИЗЛАР!

Кўлингиздаги асар ҳақида нима дейиш мумкин? Гап Марказий Осиёда ҳозирги давр геологиясининг отахони - улкан тадқиқотчи, ҳайратланарли тақдир соҳиби Ҳ.М.Абдуллаев ҳаётни ва ижодий фаолияти ҳақида бораяпти.

Роман моҳияти, бу, Ҳабиб Абдуллаев инсоний феноменини илк бор ҳаққоний ва жиддий тушуншига қилинган ҳаракатдадир. Назаримда, муаллиф замон руҳиятини - чигаликларини ҳолатларнинг ўткир драматизми орқали кўрсатишга эришган. Асарда иштирок этувчи (персонаж)лар саноқли ва қаҳрамон фаолияти ҳам кенг кўламда тасвирланмайди. Бундай вазифа қаҳрамонларнинг ҳаракатига юкланаади. Буни муаллифнинг мувоффакияти, десак арзиди, албаттa.

Ушбу асарни Ўзбекистон мустақиллигини бутунicha орзу қилиган, бунинг учун жонини ҳам аямаган халқимизнинг мард ўғлонлари-академиклар Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ойбек босиб ўтган йўл ва чин маънода улар фаолиятини ўрганишининг бошлиниши деб биламан. Хулоса шуки, ёшларимиз бундай асарларга жуда ҳам чанқоқ. Нури, озод ва қудратли келажакка интилаётган ёшлар ортда қолган тарихимизга назар ташласалар, ўқиб-ўргансалар – хулоса чиқарсалар, ўйлайманки, янада бойийдилар, маънан куч-қудратга тўладилар.

Тўрабек ДОЛИМОВ, академик

МУАЛЛИФДАН

Минг түққиз юз түқсон бешинчи йилнинг 31 март куни. Ушбу кун Туркистон саройида мустақил республика геологларининг касб байрамлари нишонланди. Маъданшунос Миролим Аҳмедов билан худди шу жойда учрашишга келишган эдик. Фурсат яқинлашган сари улкан сарой олди гавжумлашиб, бутун Тошкент, вилоятлардан вакиллар, фахрийлар тўпланди. Шунтacha мен Ўзбекистон геологларининг бир жойда йигилганини кўрмаган эдим. Демак, биз қалам аҳли мамлакатимизнинг иқтисодий томирлари ҳисобланмиш конларда заҳмат чекувчи, заминимизниг турли томонларига тарқаган кўп сонли «армия» ҳақида кам биларканмиз..

Ўйга чўмиб нари-бери юрарканман, бехос тепадан шундай бир овоз мени таъқиб эта бошлади:

- САМИМИЯТ ИНСОННИ ЮКСАЛТИРАДИ!

Овоз мингларча оломон ғовурини назар-писанд қилмай бошим узра тоғ баландлаб, тоғ пастлаб, қулогимга аниқ уриларди. (Мен бу ҳақида кўп ўйладим...) «Самимијат инсонни юксалтиради!» - кейинчалик (ушбу асарни ёзиш жараёнида) ҳам менга таниш ўша овоз бошим узра жаранглаб турди.

...Ўшанда кутганим - Миролим ака билан учрашиб, таклифларини қабул қилдим, ҳуллас, мен академик Ҳабиб Абдуллаев ҳақида ёзишни ният қилдим.

Аллома ҳақида кўплаб хотиралар, илмий мақолалар, ёдномаю очерклар ёзилган. Шунга қарамай дастлаб менга ўзбекнинг жонкуяр-жонфидо фарзанди, садоқатли шаън ўглони Ҳабиб Абдуллаев шахси, фаолиятини, умуман, олимнинг миллий кадрлар тайёрлашдаги хизматларини англаш учун икки йил керак бўлди. Ўтган фурсатда Ҳабиб Абдуллаев шахси мен учун қўл етмас осмон, чиқиб бўлмас чўққи каби юксала борди. Ҳайратланарлиси - бир вужудда тўпланган

гайрат, орзулар, ақлу фаросат, ўзига ишонч, миллий гуур, миллатта содиқлик, бутун иймон - булар бари қалам аҳлининг ақлини шошириб қўядиган фазилатлар эди. Буюк истеъдод сиймосини бадиий тафаккурдан ўтказиш осон эмас. Шундай эса-да, мен ниятимга ишондим, ниятимга суюндим. Инсоф билан айтганда, Ҳабиб Абдуллаев фаолиятининг залворли юкини кўтариш ва бу юкни эсон-омон манзилга етказиш борган сари мушкуллашди. Иккиланишлар ғолиб келган чоғлар ёзиш ниятимдан воз кечсаммикин, деган ўйларга ҳам бордим. Шукрлар бўлсинким, дастлабки қўрқув-иккиланишлар ўтиб, сўнгги лаҳзалар мен учун ўзининг мўъжизакор эшикларини очди, гўё сеҳрли бир куч - имкон мени ҳамиша рағбат қанотида олиб юрди...

Хўш, бунгача-чи?

Бунгача, ушбу муқаддимани ёзаётib эслаганим - аразли, тушкун бир ҳолда эдим. Назаримда менинг инон-ихтиёrim, имконим тўсилгандек эди. Қалам аҳли руҳиятида бальзан шундай ҳоллар ҳам кечадики, у гоҳида хафа, курсанд бўлади, гоҳида ёлғизлик, чорасизлик гирдобига шўнгийди. Муҳими, вақт етиб, ҳаммаси ўтади. Секин-аста у ўз мувозанатини тиклайди... Шундай дамларнинг бирида Ёзувчилар уюшмасидаги хизмат хонамга нотаниш бир одам кириб келди. У жуда сокин, мулоим, ораста, нуроний киши эди. Танишдик. Бу, ўша - юқорида эслаганим, геолог Миролим Аҳмедов эди. У:

- Мен Ҳабиб Муҳамедовичнинг шогирди, ҳамюрти бўламан, - деб ташриф сабабини изоҳлади. - Илгари ҳам касб дошлиарингиз билан учрашиб, домламиз ҳақидаги материалларни йигища кўмаклашганман, натижা эса ... Мени тўгри тушунинг, ука, вақт ўтаяпти, биз - Ҳабиб Абдуллаевнинг шогирдлари у киши ҳақида бадиий асар ўқишини истаймиз, биздан кейинги авлод домланинг кимлигини билсин, геологияда мактаб яратган, халқимизнинг обрўли олимини фарзандларимиз танисин. Менимча, Ҳабиб домланинг ҳаёти ибрат - китоб бўларли даражада қизиқ, мураккаб ...

Унинг сўзларини ҳайрат ила тинглаб турибман:

- Мен «Геология ва минерал ресурслар» давлат қўмитаси раиси номларидан вакил бўлиб келдим. Улар мендан жавоб кутади. Мана, қўлимда ёзувчиларнинг номлари ёзилган рўйхат, унда сизнинг номингиз ҳам бор, - дея Миролим ака қоғоз узатди. - Кўплари билан учрашдим, таклиф маъқул, лекин, вақт, турли ташвишлар уларни банд қилиб қўйган. Сиз ёшсиз-ку, йўқ демассиз. **Хоҳласангиз**, сизга геологиядан сабоқ беришга ҳам тайёрман...

«Сиз ёшсиз-ку, йўқ, демассиз?» - ана шу бир оғиз сўз мени аниқ қарорга келишимга туртки бўлди.

Шу ўринда Миролим ака ҳақида икки оғиз айтгим келди. Оила, иш, тириклик синови, бу- ҳар бир оиласинг, ҳар бир эркагу аёлнинг елкасидаги азалий ташвиш. Ана шу зилзамбил юқдан ортиб, ўзгалар ташнишида қуюниб юрган Миролим акани ҳадеганда тушуниш қийин, чунки сабр-қанонат, яхшиликка суюнган киши тоқатли бўлади, у биронга хиёнат қилмайди, қатъийлик, ҳалоллик, садоқат, фидойилик каби шиорга айланган сўзлар уларнинг ҳаёт мазмунини ташкил этади.

Хуллас, ўшлик икки ҳамюртга қиёс излайман: бири - Ҳабиб Абдуллаев, академик, минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилда вафот этган, иккинчиси - Миролим Аҳмедов, маъданшунос, олтмиш икки ёшда, ҳаёт. Икки ўртада мансабу манфаат отлиғ восита йўқ, сезганим - фахр, садоқат, меҳр... Ҳамюртлик туйғусини очиқ-ошкор эътироф этиш (агар кимдир шунга лойиқ бўлса), фахрланиш ўрнига, бу сўздан доимо эҳтиёт бўлишга интилганмиз. Миролим ака мени кун ора бир ҳамюрти билан таништиришдан чарчамасди. Атоқли олим, драматург Иззат Султон менга ёзилажак асар учун қимматли маслаҳатларини таклиф қилганларида, яна ўша - мададкор Миролим ака ёнимда эди. Сўнг гўзал Аравон қишлоғи билан танишиш, Ўшдаги машҳур Сулаймон тоги манзараларини кузатиши...

Илк дафъа учрашганимизда Миролим аканинг, сизга геологиядан сабоқ бераман, деган гаплари шунчаки сўзмас - жиддий экан. Маъданшунослар гуруҳига қўшилиб, мамлакатимиз тогларида яшадим... ва англадимки, тогларда сир-синоат, гап кўп экан. Оллоҳ қудратини ҳис этиш учун тогларга боқиш керак, ҳеч бўлмагандан тоғда бир кеча тунаш лозим... Ўшанда кўнглимдан рост ва ёлғон, манфаат ва нафс, садоқат ва хиёнат каби қиёслар кечди. Туғилгандан то умр поёнита қадар Оллоҳга бандалик, Ватанга фарзандлик умиди илиа яшаганлар ичра чин фарзанд киму, тириклий аталмиш чалғитувчи, баҳонаталаб давронга қул бўлиб, қўл бўлиб ўтган ким?

Вақт, виждон бизга шундай синов йўлласа, билингки, бу синов эмас - имкон, дардимизга малҳам бўлғувчи, майишган елкаларимизни юқдан халос этгувчи чора. Ният қилдимки, ҳар кимга ҳам шундай чора насиб этсин. Юртимизнинг Ҳабиб Абдуллаевдек фарзандлари бор экан, улар бизга ҳамиша покланишга имкон берадилар, йўлсизга йўл, чора-сизга чора бўлиб қайта дунёга келадилар.

Сўзим охирида шундай иқрорим бор: асарни бошлаш жараёни осон кечмади. Ўша кунларнинг бирида мени Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раҳбариятига таклиф этдилар. У ерда гап дангалига кўчди:

- Бизлар, бу ерда маслаҳатлашиб, сиздан Ҳабиб Муҳамедович ҳақида роман ёзишингизни илтимос қўлмоқчимиз. Мустақиллигимиз шарофати билан Ҳабиб Абдуллаев номи тикланди, 1992 йили Президентимизнинг қарорлари билан, фандаги улкан ютуқлари учун Ҳ.М.Абдуллаев номидаги «Олтин медаль» таъсис этилди. Биламиз, сиз геолог эмас-сиз, тогу тошдан йироқ одамсиз, лекин сиз ёзувчиларда туйғу, тасаввур кучли! Сиз инсон ҳақида, ўз миллати, диёнати учун жонини аямаган инсон ҳақида ёзинг. Домла ўз даврининг хизматини қилиб, даврдан ўзган инсон. Домла ўз даврига хизмат қилиб, ўзбекнинг шаъни учун курашган инсон! Ҳаммамиз яхши биламиз, ўтган мустабид даврда

УСТУН

шахс амалда тан олинмас, шахсий ғалабалар, ютуқлар, кашфиётлар иложи борича умумлаштириларди. Лекин ўша пайтларда ҳам Ҳабиб Абдуллаев Шахс эди, ўз сүзи, эътиқодида мустаҳкам, мустақил, айтиш мумкинки, ўз миллатининг қалъаси, устуни эди... Ёзинг...

Бор гап шу. Менга шундай имкон-у, журъат бахш этган улуг ҳамюрларим даъватига суяндим: ёздим.

1996 йил. Ноябрь-Тошкент.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҚАНОТ

- Мушкул шароитда ўз олдига улуғ мақсадлар қўйган Ҳабиб Абдуллаевдан эшитган ва менинг ҳаёлимда қолган ҳикматлардан бири: «**УЛУФ НИЯТЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРИШ – АМРИ МАҲОЛ**».

Москвага қисқа муддатда тўрт юздан ортиқ ўзбекни аспирантура ва докторантурага юборганда, Ҳабиб «ТЎҒРИ ЙЎЛДАН» бормади, чунки Ўзбекистонда энг муҳим амалларда ўтирган шовинистларга бу иш ёқмас эди. Шовинистлар гафлатда қолиб, бу воқеадан кеч хабар топдилар... Кейин Ҳабибдан бу иши учун бешафқат ўч олдилар. Шу иши ва ўзбек халқининг манфаатларини кўзлаб қилган кўпгина бошқа ишлари учун Ҳабиб Ўзбекистон Фанлар академияси президентлиги вазифасидан кўққисдан олиб ташланди...

* * *

... Ўзбекистонда «иккинчи»лар яккаҳокимлиги мустаҳкамланиб, СССР аталмиш құдратли империянинг «демократия»га елимланган беозор - «байнамилал» усуллари синовдан ўтаётган пайт эди. Бошқарув тизимининг ҳуқуқ-имкони тўлалигича комфирқа ихтиёрига ўтгач, Ўзбекистоннинг асосий иши пахта стиштиришдек топшириқни бажаришга йўналтирилди. Халқнинг орзу-умиди, турмуш тарзи, оддийгина кун кўриш илинжи билан ўрин алмашди. Пахта сўзи ўзининг лугавий маъносидан чекиниб, сиёsat қуроли - туловга айланди.

ПАХТА - СИЁСАТ - МОСКВА! - Республиканинг меҳнаткаш деб таърифланган катта-кичик аҳолиси ана шу формула - юк тўла аравани тинимсиз тортишга мажбур эди.

Ҳаёт шу тарзда давом этар, бир қарашда бу мамлакатнинг ички ишидек - оддий, таҳликасиз, гўё пахта, ер. сув сиёсати бундан ўзгача бўлиши мумкин эмасдек эди. Ҳар лаҳза тарихга кўчиб:

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ -

совет халқларининг бунёдкорлиги ва халқлар дўстлиги мавзусини кўйлар;

СТАТИСТИКА -

совет турмуш тарзидаги ақлни шоширадиган афзалликни қайд этар;

КОМФИРҚА ҚУРУЛТОЙ ҚАРОРЛАРИ -

қоғозларда эса Совет халқларининг тенглиги акс этарди ...

Юқорида эслаганимиз, «иккинчи» Ўзбекистон Марказқўмининг иккинчи котиби Ефим Николаевич Мельников республикага социалистик тенглиқ, биродарлик ғояларини сингдириш, ўзбек халқига оғаларча ёрдам ва раҳбарлик қилиш учун жўнатилган «арбоб» эди. Айни кунларда фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев билан Иккинчи котиб Мельников орасидаги пинҳон кечган узоқ йиллик тўқнашув яна ошкор тус олди. Иккинчи билан «оши пишмаган» ҳар қандай лавозим згаси қамалиб ё ўлиб қутиласди. Давомли жанжал натижасидан хабардор Марказқўм аъзолари сукут сақлар, кимсан — Мельников, чекланмаган сиёсий ҳокимиятга эта Иккинчи, Абдуллаевдек маҳаллий кадр билан бу қадар узоқ курашмаган, Ўзбекистонда ким бўлишидан қатъи назар, у ҳар қандай зўрни букишта, иродасини синдиришига қодир эди.

Мана саккиз йилдирки, у коммунистик жазо халтасидаги синалган айбларни бирма-бир ишга солиб, Абдуллаевга чоҳ қазайди...

Куни кечча у айни туш пайтида Ҳабиб Муҳамедовични ҳузурига чақирди. У ҳеч маҳал тушилик вақти бирорни қабулига чақирмас, чақирса-да, ҳаловатли тушилик нашъасини тоттунича яқинига йўлатмасди. Унинг «иккинчи» лавозимини эгаллаганидан бери ерлик қадим подшоҳлар урфига тақлидан ўргангани - хос хонаю сархил мева-лар, кўкатлар, газаклар, сара милллий таомлар тўла ҳашамли дастурхон эди. Тез фурсатда якка ҳокимлик жиловини қўлига олгач, ишончли ҳамсухбат даврасида ўзбек дастурхонига бўлган иқро-рини шундай ошкор этди:

«...урсант-да, сўксанг-да барибир, сени аяиди. Яна, ўртада ҳеч тап ўтмагандек, дастурхонига таклиф этади. Гинаси йўқ бу халқнинг! Бунча сабрли бўлмаса бу халқ! Мени, сен - дўстим Жўхад Кабулидаени дастурхончи ювошларга йўллаган ўртоқ Никита Сергеевичга раҳмат, Жўхад, ол, азизим, шунинг учун ичайлик, омад учун! Агар худо кўрсатмасин, бошқа жойга, айтайлик, Кавказга, сенинг юрtingга тушиб қолганимизда, бу қадар яйролмасдик, Жўхад, яйролмасдик. Кўз тегмасин, сен билан менга осон, истасам, ҳар лаҳза пойимда эгилган сон-саноқсиз тилсиз, гунг- соқов бошлар, мен фақат уларни сўкиб, ҳакоратлаб, камситиб чарчайман! Улар эса жим, - Мельников навбатдаги қадаҳни симириб, лабини кўрсаткич бармоги билан артди-да, гапида давом этди. - Баъзан қўрқиб кетаман, ўтирган ўрним, кўрганларим - бари рўёдек, тушдек, улар - ўзбеклар - саҳнада худди муте, қўрқоқ қул ролини ўйнаёттандек туюлади.

Худо ҳаққи, Жұхад.. бир күн уйғонаман-да, саңнани тарқ әтаман, қаршымда құл әмас, ҳақиқий ўзбеклар пайдо бўлади. Улар - Темур авлодлари мендан ҳақ-ҳуқуқ, эрк талаб қилишади. Нечундир титрайман, олдинги журъатим йўқ, суюнган курсим, партия қудратини сезмайман, улар ёрдамга келмайди, аксинча, мендан қочади...»

«Бас, сен режиссёр әмас, сиёсий раҳбарсан, ақлингни иғиб ол, Ефим! - Яқин дўсти Жұхад Мельниковни кескин огоҳлантириб, вақтида ҳушёрликка чақирди. - Сенга бундай романтик тост ярашмайди. Биз реалистлармиз! Билиб қўй, боя сен хато гапирдинг, сенга осон бўлса бордиру, аммо менга осон әмас...»

Абдуллаев унинг машҳур баднафслик одатини билса-да, баригири, чақирилган муддатда қабулхонасига етиб борди. Ким билсин, балки аразни унугиб, иш козасидан чақиргандир, ҳар қалай унга ишониш қийин...

Ёрдамчининг:

- Ефим Николаевич бандлар, муҳим масалани муҳокама этишапти, - деганига ишонмади. Йигитнинг кўзларига ёлғон сўзлаяпсан, дегандек тикилиб турди. У хижолатли кулимсираб:

- Сиз жиндек кутуб туарракансиз, чой ичасизми ёки қаҳва буюрами? - дея илтифот кўрсатди.

Абдуллаев унга миннатдорчилик билдириб, ҳеч нима ичмаслигини айтди.

Ўн, ўн беш дақиқа ўтди ҳамки, ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўриндиққа қулагай ўрнашиб олган Абдуллаев ўзини анча босиб олиб, ўйлай бошлади. «Орамиздан нима ўтган эди ўзи. Ефим билан нимани талашапман? Мен танлаган фан - геологияни, у эгаллаган мансаб - иккинчи котибликни на Ефим ва на мен ўйлаб топганимиз. Менинг ўзбеклигим, Ефимнинг руслиги - миллат-да, ихтиёрдан ташқари. Сиёсат талаби билан, у вақтинчалик Ўзбекистонда ишлаётган экан, мени камситишга ҳаққи борми?.. Ўртамиздаги фарқни у мансаб ёки илмда әмас, қарамлиқда деб тушунади.

Умумий давлатимиз ҳисобланмиш Совет Иттифоқининг барча қонун-хужжатларида ёзилган эрк, адолат сўзини қачонки, ўринида ишлатсанг, шу кундан сен ётсан - душман! Ҳамма бало шундаки, бу сўзларни фақат ўқиши учун ёзганларнинг мақсади ошкор бўлиб бормоқда. Ефим иккимиз талашган «мерос» - аслида шу! Миллий туйгу, орият, тил- улар яшаётган қасрларини аллақачон ушбу туйғулар устида тиклаганлар. Афуски, буни дунё билса-да, бизникилар билмайди, билишни исташмайди. Елкасига ботиб бораётган зулм гошларини силкитиб ташлаётмайди, қаршилик кўрсатишга ожиз.. Фитрат согинган журъат, Қодирийнинг иймони қапи,

Чўлпон куйлаган Ватан қани?... Э, воҳ, бизлар йўригини йўқотган халқмиз. Темурдан сўнг биз йўриқсиз, бошсиз бўлиб қолдик...» у шошиб ўрнидан туарар экан, осиғлик девор соатга, сўнг ўзининг қўйл соатига қараб олди-да:

- Ортиқ кутмайман! - деди ёрдамчига. - Абдуллаевнинг юз-кўзлари қизариб, жигарранг тус олди-да, рақибини ўзбекчалаб сўқди.

Ёрдамчи унинг ўзбекча «сийловини» ичida такрорлаб, бош чайқаб қўйди.

Бу даргоҳда ҳали ҳеч ким Мельниковни сўкиш у ёқда турсин, кўзига тик қарамаган, ҳамиша иззатини жойига қўйиб, чўчиб туришган.

Ўшанда Ефим Николаевич уни атай қабул қилмаган, махсус ошпазлари пиширган бедана кабобни лаззатланиб чайнар экан, осиёлик қайсан номдорни куттириб хуморидан чиқмоқчи, нари борса, икки ҳафтага чўзиладиган жангни поёнига етказиб, сўнг мутлақ галаба нашидасини сурмоқчи эди.

* * *

Ҳабиб Абдуллаев кечаги соҳта таклиф тафсилотини унудиб, бир неча филолог олимларни чақириб, янги «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг босилажак биринчи сонини муҳокама этарди. Президентнинг хизмат хонасида тўплланган тилчи ва адабиётшунослар ўз журналларига эга бўлишларидан мамнун кўринсалар-да, айни пайтда уларни ҳаяжон ва хавотир қамраган, ишнинг оқибати нима билан тугашини ҳеч ким билмас эди. Чунқи ҳар бир янги нашрнинг Москва руҳсатисиз чиқарилмаслиги кундай равshan. Абдуллаев темир тартиби четлаб ўтиб, бутун маъсулиятни ўз бўйнига олиш, янги журнал ташкил этишга буйруқ берди.

У журнал таҳхир ҳайъати ёзилган рўйхатни кўздан кечирди-да, Ойбекка узатиб:

- Сизларга ишонаман, - деди. - Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, дадил бўлинглар! Абдуллаев шу курсида ўтирган экан, фанимиз учун зарур нашрга бирордан руҳсат сўрамайди. Биз ҳукуматта қарши яширин варақа эмас, ўзбек тили ва адабиёти тарихи, назариясига багицланган илмий журнал чиқармоқчимиз. Қоғоз, босмахона, жамики ҳарражатлар академия зиммасида, сизлардан талаб қиласидиганим - аҳиллик, ҳалол хизмат...

Телефон жиринглаб, Абдуллаевнинг сўзи бўлинди: у вазминлик билан дастагни кўтариб қулогига тутди:

- Абдуллаевман, - у бир неча сония жим турди-да, - Ефим Николаевич, сиз билан тортишишта тоқатим йўқ, - деди. - Кеча Марказкўм аъзоси сифатида хонангизга тўппа-тўғри киришга ҳаққим

УСТУН

бор зди, лекин кирмадим. Эшитаяпсизми, кирмадим, - Абдуллаев тағиғ сукут сақлади, чамаси у сұхбатдошини тинглаёттан зди.

- Яхши, бораман, аммо, бу гал күтиш имконини сизга қолдира-ман, жиіддий масала устида кенгашаяпмиз, тугасин, йұлға чиқа-ман, - у дастагни қўйиб қаршисидагиларга бир қараб олди-да. индамай дераза олдига келди. Шу алфозда күчага тикилиб, сұнг хонани хотиржам айланди. Ўз-ўзига гапиргандек сокин:

- Ҳамиша, ҳамма вақт сотқин, қўрқоқларга дуч келаман, - деди. - Улар кўпинча панадан тош отишади. Аммо, бугунгисига тан бер-май иложим йўқ, жуда тезкор «ишлабди». Қачонки, азгу бир ишга қўл урмай, кушандаси ўзимиздан чиқади... Агар, билсанглар зди, ана шу ўзимизникилар учун мен ҳар нарсага тайёрман, ҳатто... жонимни...

- Бас, айтманг, айтманг! - Уни ҳайрат билан тинглаёттан Ойбек бехос ўтирган курсисини орқага суриб қаддини ростлади. У шоши-линч тураг экан, бу билан түё дўсти Ҳабибининг оғзидан чиқибоқ чаңг соладиган ўлимнинг олдини тўсмоқчи бўлди. Даврадагилар бир Абдуллаевга, бир Ойбекка қараб, икки ўзбек алпининг бир-бирига нақадар мос, фидойилигидан ҳайратга тушиб, кўнгилла-рида ғурур туйишиди. Ҳали Ҳабиб домла тирик экан, ҳали Ойбек мунофиқликка қарши бутун заковати, қалби ила курашишга шай экан, ўзбекнинг араваси лойта ботмайди.

.. Абдуллаев йигилганларга жавоб бериб, Ойбекни олиб қолди. Хонани сукут қамради. Улар ҳамон тик туришар, сўэсиз сўзла-шар, ҳаётда, фанда, сабру тоқатда ўхшашлик - қисматдошлик иккисини мустаҳкам ришиналар билан боғлаган зди. Абдуллаев оҳис-та келиб, дўстининг елкасига қўлини қўйди:

- Ойбек ака, - деди ҳоргин овоода, - Мельников билан жангимиз поёнига етган кўринади. У мен билан шунчаки пўписа эмас, чинакамига жанг бошлаган. Мельниковлар эгасига шунчалик со-диқки, на муросани, на андишани билишади. У ҳеч кимни тан ол-майди, улуг миллатчилик қон-қонига сингиб кетган.

Ойбек биродарининг сўзини тинглаб турди.

- Баъзан қоним қайнаб, ўша малланинг оғзига жилов солиб, миниб хуморидан чиқгим келади. Устига қоплаб пахта юкласам, дейман!

Ойбек гулдираб кулди.

- Рост, унга худди шундай, тўпори усул кор қилмаса, бошқаси писанд эмас! Сиз ёзувчисиз-да, у билан тўқнаштан кезларингизда, сўқишимагансиз, сенсираб ҳовуридан туширмагансиз. У ҳар гал мендан баланд кела бошласа, дарров сенлашга ўтаман, пастга ту-шади.

Ойбек сукут-у, кулгиси билан дўстининг чарчаган асабларини бир зумга бўлса-да, чалғитди. Абдуллаев бироз енгил тин олиб,

ҳамроҳини ўтиришга таклиф этди. Қарама-қарши ўтиридилар. Бу гал Ойбек сўзлади:

- Ҳабибулла, шу кунгача қисматда борини кўрдик, энди, қолганига ҳам тайёрмиз. Боя жуда тўғри айтдингиз, Мельниковлар эгасига содиқ, қолаверса, тарбияси, кўрсатмаси, шундай. Мен уни аллақачон тушунганиман, ахир у сизни, мени нишонга олмай кимни нишонга олсин? Бу, унинг вазифаси, еб турган кони-ку, ахир! Айтишингиз мумкин, индамай мутеликка қоришиб юраверамизми, деб, йўқ, сизнинг ишларингиз, босаётган ҳар қадамингиз - жавоб, чора! Ҳа, чора, биз даъвосини излаётган дардга бундан ортиқ малҳам йўқ...

- Қойилман сизга, адаб, қойилман, - Абдуллаевнинг чехраси очилиб ҳазиллашди, - сиз ёзувчиларда инсофу диёнат кучли-да, ашаддий душманимни бир пасда дўстга айлантиргингиз...

Ойбек ҳазилта ҳазил билан жавоб берди:

- Шиоримиз шундай: «Яшасин дўстлик, биродарлик!»

- Э, ҳа, ана энди сиёсий жиҳатдан пишибисиз! Ёзувчилар уюшмаси раислигига муносаб номзод яна ўзингизсиз! Борганимда «Тегирмончи»га айттами? - Мельников ўзбек зиёлиларини сиёsat тегирмонидан ўтказа бошлагач, Абдуллаев томонидан «Тегирмончи» номини олган, у ҳозир шунга шаъма қилаётган эди.

Ойбек дўстининг ҳазилидан таъсирланиб, аввал, икки қўлини «таслим» дегандек баланд кўтарди-да, сўнг «қуллук, раисликдан тўйтганман» маъносида қўлларини кўксига босди, хиёл бошини этди.

Улар хонадан хуш кайфиятда чиқдилар.

* * *

Мельниковнинг чақируви дўстларни вақтингчалик ажратса-да, йўлда Ҳабиб Абдуллаев хаёлан Ойбек билан бирга эди. У Марказқўм биноси томон пиёда кетар, Ойбек академия президентининг хонасида эмас, ташқарида - баландда туриб, бутун Тошкент бўйлаб ҳайқиради:

«Сизнинг ишларингиз, босаётган қадамингиз - жавоб, чора! Ҳа, чора, биз даъвосини излаёттан дардга бундан ортиқ малҳам йўқ!»

«Шошқалоқлик қилдим, негадир у билан ҳазиллашгим келди. Ойбекни тинглаш керак эди... Биз давосини излаётган дард, - Абдуллаев Ойбекнинг сўзларини бот-бот тақрорлар, уни таниб, ёнидан салом бериб ўтаётганларни кўрмас, эшитмас эди. - Топиб айтди, озодликнинг бугунти исми - дард!»

У Марказқўм биноси ёнидан ўтиб кетди.

«Ҳамманинг саркарда бўлиши шартмас, деди. Уларни қурол билан енгиш мушкул, деди ...» - у ҳамон Ойбекнинг айтмоқчи бўлган гапларини хаёлан тақрорлаб борар эди.

«Сиз ҳақсиз, биродар! Биз ҳар соҳанинг очқич нуқталарини эталлап шимиз шарт! Шошилиш керак! Ўтаётган куннинг ҳисоб-китоби бизнинг зиммамизда! Қани эди, сиз айтган «дард» мұждасини башорат қылгувчи топилса...агар, у жоң сүраса, жонимни берардим! Аммо ўша кун қақочон келади, ўша кунни тасаввур қилиш мүмкінми?..»

Мельников рақибини сукут билан қаршилади. У ҳар галги Мельников бўлса-да, бугун жант услубини ўзgartаришга қарор қилди. Ўзоқ йиллик тортишув ҳамонки Абдуллаев фойдасига ҳал бўлаётган экан, у энди бўлак усул танлашга мажбур. Ҳомийлар қўлладими ёки хорижга чиқсан ном - обрўсими, нима бўлганда ҳам юртидан қадами узилмай турибди. Тезроқ қадамини узиш керак, қулатиши керак Абдуллаевни, у жуда хафли. Уни ўз ҳолига қўйиш, вақтни бой бериш янада хавфли. У ҳар сонияни ўзбек манфаатига бўйсундиришга қодир. Биз чақираётган мутахассисларни хушламайди, у ёқда - Москвада ҳам унинг ўзига маъқул одамлари бор, керагида таклиф қиласиди, режаси амалта ошгунча ишлатади, сўнг қарабсизки, «ҳурмат» билан чақирилган «меҳмон» - нафақахўр ўринида эса Ҳабибининг шогирдлари - ўзбеклар...

Ҳа, жуда пухта ўйланган режа бу! Илм аҳлига бош бўлиб, атрофига катта гуруҳ тўплаган. Ҳар қанча бекитмасин, орасида бизга хизмат қиладиганлар ҳам топилади. Барининг кушандаси ёнида юрибди. Ойбекдек алломасига топилган кушандада Абдуллаевга топилмайдими?! Топилади! Бундайларни кўпайтириш керак, рағбатлантириш керак. Улар бизнинг қўл-пёқ, қуловимиз, згарланган отимиз бўлиши керак! Мана, қўлга тушди, - у ўзидек сукутга чўмган Абдуллаевга зимдаён қараб, - учқур жийрончамизнинг хизмати бу! - деди. - Баракалла, Мельников, зўрсан, ўзининг нонини ўзига ушаттин-да, раҳматни сен эшишт, Мельников, сен! Бу сенинг ички шиоринг, партиявий услубинт бўлсин!. . .

Дилдан тилга кўчмаган фикрлар жангни давом этар, ҳар икки «жангчи» ўзининг сўза қуролига ишониб, бир-бирини аёвсиз саваларди.

«Ефим дегани жуда ҳаддидан ошди-да, у мени индамай енгмоқчи, сукутидан шайтоннинг нафаси келади-я! Ўртамизда миллат аталмиш тогдек таянч ва унинг манфаатлари бор экан, биз ҳеч қақочон келишполмаймиз. Мельников ўзини қонуний хазинабон деб билади. Мен эсам тошу тарозини тенг бўлишини истайман. Республика ўз раҳбари, Конституциясига эга, номи Ўзбекистон бўлса-ю, яна иккинчилар етагида қадам боссак. «Юқорининг талаби», «Катта оғамиз» ибораси ёзилмаган қонун шаклида онгимизга сингиб бо-

ряпти. Республикалар бўйлаб тарқалган Иккинчилар Москва сиёсий шартларининг ҳосиласи-ку, ахир. Тарихан шундай - Мельников суюнган мафкуранинг мақсади зўравонлик! Улар зўравонлик қиличини қўлдан ташламас экан, бизга кун йўқ, имкону журъатимиз қамалда. Кўрқув ҳукмрон юртнинг фарзандлари ўзалигини унутади, чатиштирилган авлод шаклида пайдо бўлиб, азалий одатлардан воз кечади, яшаш, фикрлаш тарзи ўзгаради.

Миллатлар тақдири устида ўтказилаётган синовнинг окири хатарли. Ҳеч замонда бир миллат иккинчи миллатга ўз номи, қиёфасини ихтиёрий бериб қўймаган. Ном, шакл-шамоил, тил - бу, ҳар бир халққа Оллоҳ томонидан берилган инъом...»

- Қулогим сизда, Ефим Николаевич, - ниҳоят жимликни биринчи бўлиб Абдуллаев бузди. - Сукутимиз узоқда чўзилди, тинчликми?

Мельников Абдуллаевнинг сўзларига гўё бепарводек секин ўрнидан турди-да, хона бўйлаб беш-олти қадам юрди ва қайтиб жойига ўтирад экан, қатор телефонлардан бирининг дастагини кўтариб, тезда жойига қўйди-да:

- Ўртоқ Абдуллаев, - деди. - Қачонгача ўзбошимчалик қиласиз?! Президентлик лавозими сизга яширин фаолият билан шугулланиш кафолатини бермайди. Фан тараққиёти ниқоби остида миллатчилик, гуруҳбозликни авж олдиришга йўл бермаймиз! Бизда ҳамма нарса очиқ, маслаҳат тарзида, кенгашиб, сўраб ҳал этилади. Сиз тилми-ей, адабиётми, аллақандай тарихга багишиланган хуфиёна журналлар, илмгоҳлар очиш пайдасиз! Республикада маданий инқиlob ясаб, совет ҳукуматини қулатмоқчимисиз?

Буюк Ленин тилини Иттифоқ халқлари ўз она тили ўрнида қабул қилишаётган бир пайтда, Сиз, қай журъат билан байналмилал Ленинча сиёсат йўлини тўсмоқчи бўласиз, жавоб беринг!

- Ўртоқ Мельников, - деди Абдуллаев босиқлик билан, - хайрияtkи, ҳимоянгизда Ленин, байналмилал деган сўзлар бор. Тасаввур қилинг, агар бу сўзлар бўлмаганида ҳолингиз нима кечарди, менимча, Ўзбекистонни харитадан ҳам тополмай ўтиб кетардингиз ...

- Ҳаддингиздан ошайлсиз, академик!

- Сўзимни бўлманг, Ефим Николаевич! Наҳотки, сиздек арбоб, муддаосини шу тарзда етказса? Юқорида санаганим - сизнинг суюнчиқ сўзларингиз ва яна талай ҳимоя воситаларингиз бор. Мен нима қилай? Келинг, бир зум пастга тушиб, сиз иккинчиликни, мен президентликни унугиб гаплашайлик. Розимисиз? - Абдуллаев сұхбатдошига қатъий тикилиб турди.

Мельников тўнг қиёфада жим турарди.

- «Яширин фаолият», «Миллатчилик», «Гуруҳбозлик» «Хуфиёна илмгоҳлар...» ахир, бу айблар бир кўшига кўплик қилмайди-

УСТУН

ми? Үшбу сиёсий калтакларнинг ҳар бири юзлаб «айбдор»ларга бас келади-я! Шафқат қилинг, ўртоқ Мельников, «айбим»ни тан оламан. «Айбим» - юртимни дейман, шу тупроқ, шу номга боғлиқ вижданим ҳамиша пок бўлсин дейман.

Сизга етказишган тил, тарихга келсак, ўзбек тили, адабиёти биз учун «аллақандай» эмас, муқаддас тил ...

- Етар! - деди Мельников чап қўлини кўтариб, - сизни кўп тингладим, эрк бердим ва ишондимки, сиз ўзгармайсиз, мафкурангиз ёт, бизга бегонасиз!

- «Ўртоқ мусулмонлар! Шуни билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунишингиз керак!» Биласизми кимнинг сўзлари бу? - Абдуллаев иккичига синчковлик билан тиқилди: Мельниковнинг қиёфасида ички гурур, севинч ифодалари пайдо бўлди.

- Туркистон халқ комиссарлари советида маҳсус топшириклар бўйича нозир, ўлка Шўролар ҳукуматининг аъзоси Успенский қурултой минбарида шундай нутқ сўзлаган. Орадан қирқ икки йил ўтибдики, сиз - Мельников билан Успенский ўртасида фарқ сезмаяпман.

- Тарихни титкилаш менинг зиммамга кирмайди, - Мельников аждодлари жасоратидан мамнун жилмайди. Сиздек «зукко» олимларнинг иши бу! Ўртадаги фарққа кёлсақ, сиз, сизга ўхшаган аждодлари босмачи ўтган, аламзадаларгина ўзгармаган! Совет Иттифоқи фуқароси бўлишдек шарафли номга нолойиқсиз! Кимнинг кимлиги энди аёндир? Барига жавоб берасиз, вақт етди...

Мельников Абдуллаевни жиноят устида ушлагандек ўзини голиб ҳис этди. «Гапир, яна қандай сўзинг қолди» дегандек, нописанд кутди.

Абдуллаев сездики, Мельников соатлаб асабларини қақшатишига тайёр. Бу унинг суюмли иши. Аммо, вақт ўтаяпти. Жазоласа жазоламайдими? Кун ора гуноҳкор, жиноятчисан, деб эговлаш унга ҳузур бағишлийди. Тўплаган далилларидан кўнгли тўлмаяпти, йўқса, у чўзиб ўтирмасди. Хўш, нима қилиш керак, этак силкиб чиқиб кетса, нафсоният йўл бермайди, айтишиб ўтириш эса жонига тегди. Касофат, режалаштирган ишларнинг белига тепди-я! Майли, кўнгил гаш бўлиб кетгандан кўра, у билан айтишган маъқул. Эҳ, расмий тўсиқлар бор-да, йўқса, у билан муштлашган маъқул...

Мельников лаҳзалик сукунти ўзича баҳолади:

- Сиз ўйлайсизки, ўртоқ Абдуллаев, катта унвону аъзоликлар, мукофотлар мени асрайди деб. Йўқ, янглишасиз, сизгача ҳам кўп машҳурлар ўтган! Улар ўз оёғларидан осилди. Чунки, улар Со-

* К.Я.Успенскийнинг Туркистон ўлкаси шўроларининг 1918 йил январда бўлиб ўтган IV Қурултойида сўзлаган нутқидан.

вет Иттифоқининг душмани эди. Сиздек раҳбарлик ўринларини эгаллагач, мақсадлари тезда ошкор бўлди. Икромов, Хўжаев... яхши биласиз-а, уларни?

- Ҳа, албатта. Улар ҳақида ўз фикримга згаман. Улар даврнинг қурбони бўлишиди. Афсуски, бугун уларнинг ўрнини босадиганлар кам.

- Нега энди? - Мельников кинояли жилмайди. - Сизчи, сиз? Илмий ишларим билан жаҳонни забт этдим, деб ўйлайдиган Абдуллаев-чи? Ахир сиз ўзингизни уларнинг гоявий меросхўри деб ҳисоблайсиз-ку, шундай эмасми?.. Сизларга ишониш қийин, сизлар ўзтараисиз, ҳар эгри қадам ортида ким тургани бизга аён... Майли, бугунча етар, ўйлайманки, мен сиз билан баҳслашмадим, бу жой - мен ўтирган курси, - Мельников столни чertiб қўйди, - институт кафедраси эмас. Мен баҳслашмайман, танбеҳ бераман, огоҳлантираман... шунда ҳам ҳушингизни йигмасангиз...

- Отаман, осаман, хуллас, жазолайман, шундайми, тўғри англабманми, Ефим Николаевич? - тортишув чўзилган сари Абдуллаевнинг юраги гашланди, лекин гапирмасликнинг-да иложи йўқ эди. Назарида на тергов, на баҳсга ўхшамаган фурсат ўтган сари маъносини йўқотиб борарди. Очиқ-ошкор пўписа-ю қўрқитишга чорланган Мельников, албатта, вақт кутяпти, лекин у кутган фурсат ҳали етмаганга ўхшайди...

- Дуруст, ўртоқ Абдуллаев! - Мельников ҳамон баланддан келиб мийигида кулиб ўтиради. - Ўтиз еттинчи Йилларда судда ҳамюртларингиз гуноҳларини тан олишгач, ўзлари ўзларига жазо сўрашган. Боя мен сизни бекорга уларнинг гоявий меросхўри деб айтмадим. Сизда гап кўп!

Абдуллаев истаса «Тегирмончи» сиёсий «маъруза»сини давом эттиришдан чарчамасди. «Соқовнинг охирини тингла» деган гап бор. Аммо Мельниковни охиригача тинглаши оғир. Бирор чорасини тошиб, бугунги «панд»ни тугатмаса, охири жанжалга айланиши ҳеч гап эмас. Шундай чора топсинки, у бутунлай гантиб қолсин.

- Ефим Николаевич, - деди Абдуллаев қадрдан дўстита мурожат эттаётгандек сенсираб, - агар, йўқ демасанг, менда таклиф бор.

Абдуллаевнинг гап оҳанги уни чиндан ҳам ажаблантириди. Кўзларини катта очганича академикка қараб қолди. Абдуллаев чўнтагидан ёнгоқдек ялтироқ тош чиқариб, Мельников томон чўзди-да:

- Биласанми, бу нима? - деб сўради.

Мельников олтин ранг тошга тикилиб беихтиёр ўрнидан туриб кетди. «Олтин-ку!» - дафъатан хаёлидан шу сўз кечди.

«У мени пора билан аврамоқчи, агар чиндан ҳам олтин бўлса, арзийди, қойил, топган чораси муросага арзийди... Ахир, калтабин Файзулласи ҳам Совет ҳукуматига яқинлашиш учун отамсерос ол-

УСТУН

тинларини қўш-қўллаб топширмаганмиди? Фақат, фарқи шундаки, у ошкора - расмий тарзда топширган эди. У сиёсатчи эди, ҳушёр эди... »

Мельников ўзини босиб Абдуллаевнинг чўзилган қўлидан кўзларини олди. Қайта жойига ўтирас экан, ялтироқ нарсани секингина столи устига қўйишини кутди.

Абдуллаев гўё ҳеч нима сезмаган каби пирит минералини чўнтағига солди-да:

- Менда таклиф бор, - дея Мельниковнинг кўзларига қараб тураверди, гапирмади.

Мельников безовталаниб, нима дейишини билмай ичидаги сўкиниб қўйди: «Нима демоқчисан, галварс, гапирсанг-чи тезроқ!»

Абдуллаев муддаосига эриши: шу топда Мельников чўнтағидаги оддий пирит минералини олтин чамалаб, тезроқ ўзиники бўлишини бетоқат кутаёттанидан завқланди. «Ана энди ўзингга ўхшадинг, Мельников! Москва олисда қолиб кетди. Партия олисда қолиб кетди.. Катта оғам Мельниковнинг кўзлари эса менинг чўнтағимда!»

- Агар, йўқ демасанг, Ефим Николаевич, эртага сени тоққа олиб чиқаман.

Мельников Абдуллаевнинг муддаосини тушуниб-тушунмай жим тураверди.

- Шунда иккимизга ҳам осон кечади. Ахир сен меҳмонсан, - дея Абдуллаев Мельниковни бегоналигига шаъма қилиб, уни буткул довдиратиб қўймоқчи эди.

- Меҳмон эмас, сиёсий раҳбарман, буни асло ёдингдан чиқарма! - Мельников қатъий эътиroz билдириди.

- Тўғри, шундайку-я Ефим Николаевич, аммо, жуда қувлигинг бор-да! - Абдуллаев овозига қувноқ тус берди. - Кел, бу ҳақда тортишмайлик, эртага мен билан тоққа чиқасанми? Розилигингни кутаяпман.

Мельников гап нима ҳақида кетаётганини ўзича тахмин қилди.

«Сен Ўзбекистонга меҳмон, бугун бор, эртага йўқсан, шундай экан, мен билан тортишма, яхшиси, у ёқда, тогда чўнтақларингни олtingга тўлғазиб, курсанд қиласман, демоқчи ... Ишонса бўладими унга ё менга тузоқ қўймоқчими? Аммо, тақлифи чаккимас, ўйлаб кўриш керак. Ҳар эҳтимолга қарши, ортимдан қўриқчиларим боради. У мени тўрга тушиromoқчи бўлса, ўзининг гирибонидан оламан. Агар муросаси чин бўлса, унда Абдуллаевдан фойдаланиш керак...»

- Ефим Николаевич, нега жимсан? - Абдуллаев кутилматанда ҳужумга ўтди.- Эшитяпсанми, шунда иккимизга ҳам осон кечади. Биласман, сен ҳали-вери шаштингдан тушмайсан, яхшиси, ўзбекнинг кенг даласига чиқайлик-да, мен билан хоҳлаганингча сўкиш, кучинг етса муштлаш!

«Ҳали шундайми? Сен мени билмас экансан, Абдуллаев!» - Мельников икки жагини маҳкам босди, чакка томирлари бўртиб чиқди.

- Абдуллаев, - деди у қатъий. - бугунги ҳазилингни ёзib қўй, эсингдан чиқмасин, бу сенга жуда қимматга тушади! Энди эса бўшсан!

Абдуллаев эшик томон йўналар экан, Мельников:

- Тўхта, - деди. - Дўстинг Ойбекка салом айт! - у Абдуллаевга тақлидан жумбоқли гапириб, рақибини танг ҳолда чиқариб юбормоқчи бўлди. Қолаверса, ҳали унинг отилмаган «ўқ»лари бисёр. Мельников ҳеч кимдан ентилмаган. Абдуллаевнинг ҳовлиқишига йўл бермайди, жанг қандай бўлишини у билиб қўйсин.

- Ҳа, айттандай, янги қўшни билан табриклайман, - у хотиржам сўз қотди, - эртага улар сеникига кўчиб ўтишади. Ўйлайманки, қароримиз ватангарвар олимни маломатдан асраб қолади. Уйжой танқислиги даврида, кимсан - Абдуллаев етти квадрат метр ошиқча уйда яшаса, яхшимас. Бунинг устига сен раҳбар, коммунистсан! Гарчи, сен бу ҳақда ўйламасанг-да, партия сенинг шаънингни ўйлайди. Майли, бу гал ҳам сени аяймиз...

Абдуллаев бурилган жойида тўхтаб қолди. «Нечун у Ойбекни тилга олди? Демак, Мельниковнинг қора рўйхатида Ойбек ҳам бор эканда! Тушунарли, ҳазилим жон-жонидан ўтиб кетди. Ниҳоят, алтин кучини кўрсатди! Энди у қутиради, дуч келган жойдан қопади».

Мельников рақибини аллақачон яраланган ҳисоблаб, полга гурсиллаб қулашини кутар ва сўнгги ўқларини жанг охиригача моҳирона асрой олганидан мамнун эди. У кўзларини ярим юмиб, ўзини курси суюнчигига ташлади. Ишорали телефонга қўл узатиб, дастагни қулогига тутди: симнинг нариги томонидан хизматга шай турган ишончли овоз эшишилгач, дастагни мамнун жойига қўйди. Абдуллаев нимани биларди? Мельниковни кўз кўрмас қўриқчилари бор, имосини маҳтал кутишяяпти, улар ҳар вақт Мельниковнинг ҳимоясига тайёр! Мельников дегани Москва дегани! Мельников дегани сиёsat дегани! У Абдуллаевга айёrona кўз ташлаб, зимдан рақибини кузатди.

Абдуллаев Мельников кутганидек йиқилмади, аксинча, жиддий тортиб, қаҳрли тикилганича секин ортга қайтди.

Мельниковнинг ороми бузилди. У аллақандай қоғозларни титкилар экан, келбатли Абдуллаев кутилмаганда тепасида пайдо бўлди.

«Яна нима дер экан, наҳотки у йиқилишни ўйламаса...»

- Янги оиласи жойлаштириш бир гап бўлар, Ефим Николаевич.

- Абдуллаев ўйчан, сокин тапириди. - Аммо, сен менинг ҳимоямга ҷўзилган қўлларингни йиғиштириб, чўнгатингга солиб ол! Бундай арзимас ишга партияни суқма! Биласан, биз, ўзбеклар бағри кенг халқмиз. Яна шуни унутмаки, бугун Ўзбекистонда сен тенги авлод-

УСТУН

нинг болалари, неваралари яшайди. Биз русларга сен келмасингдан олдинроқ - қирқ биринчи йилдаётк уйимиздан жой берганимиз, боққанмиз уларни! Вагонларда оч-юпун келган Россия болаларини шахсан ўзим кутиб, ўзим жойлаштирганман! Сени қараю, сен бўлсанг, етти квадрат ошиқча жой, янги оила, деб мени қўрқитмоқчи бўласан. Билиб қўй, Ефим Николаевич, мен қўрқув ёшидан ўтганман, ёлриз Оллоҳдан қўрқаман! - Абдуллаев кетмоқчи бўлиб кескин бурилди-ю, яна тўхтади, елкаси оша Мельниковга қараб:

- Ойбекка «салом» етказишдан аввал сенга унинг болалигиви эслатмоқчиман, - деди.

Мельников ҳамон тош қотиб, ажабланганича қовогини уйиб ўтиради.

- Оқ подшо миршаби Ойбекнинг бобосига танбеҳ бериб «Болани савалаб туринг, болангиз ёмон, оқ подшо олий ҳазратлари давлати соясидаги Туркистон мамлакатининг катта-кичик фуқаролари мўмин-қобил бўлмоги лозим, ўргатинг буни болага» дейди. Эшилдинг-а, Ефим Николаевич, аксига Ойбек ҳам, мен ҳам мўмин-қобил бўломидик. Афсус, бугун сен қанчаликлистама, биз етагингга юрмаймиз, юролмаймиз. Хайр!

* * *

□

Марказқўм биноси ертўласида жойлашган маҳсус қўриқчилар Мельниковдан топшириқ олишгач, бажаришта киришиши. Мельников эса бу пайтда ютоқиб чекар, Абдуллаевга тегишли ҳужжатлар тўпламини қайта ўрганишга чоғланмоқда эди. У пўлат сандиқ ёнида тик турганича ўйга чўмди. «Қўрқун ёшидан ўтганман» дейдия! - заҳарханда кулди. - Қўрқув ёш танламайди, Абдуллаев! Қўрқасан, қўрқмасанг - қўрқитамиз. Суянганинг олтин бўлса, менга бериб қутиласан! Биламан, шунча йилдан бери бекорга тогу тош кезмагандирсан?! Ҳар қайси шогирдингга биттадан буюрсанг, чўнталинг олтинга тўлади. Сен бўлсанг, бир донасини мендан қизғандинг-а, зиқна! Сенинг нописанд юришларинг, тилингнинг бурролиги - ҳаммаси олтиннинг кучи! Қўрамиз ҳали! Йиқканингни ўзинг қўшқўллаб инъом қиласан».

Мельников темир сандиқда сақланашётган Абдуллаевга тегишли ҳужжатларни олди. Якка тартибда йигилган шикоятлар, аризалар, академия президентлигига тайёрланган шахсий делосидан қўчирмалар билан тўлдирилган тахлам Мельниковни сира ҳам каноатлантирумасди. Ҳозирданоқ зътиборли, сўзи тош босадиган шарлий кадрларни «эшитиш» керак, уларда гап кўп, деган тўхтам-

та келган эди у. Абдуллаевни калтак билан уриш эмас, автомат билан отиш керак, шундагина у йиқилади. Вақт ғанимат, бир дақиқани ҳам бой бермаслик керак! У оддий одам эмас, табиати тобеликка ёт, уни мансаб билан алдаш қийин, қолаверса, Ўзбекистонда Абдуллаев эришмаган амал қолмаган..

Мельников тик турганча телефон рақамларини терди:

- Мельниковман. Тарбиячи аёл билан гаплашдингларми, ёэдими? Яхши, кутяпман, ҳозироқ етказинглар! - у телефон дастагини қўяр экан, хазина топгандек суюнди. Кафтларини бир-бирига ишқаб «Қўрамиз!» дея ҳуштак чалиб қўйди. - Майли, ҳозирча, сен билан Ойбек қайсарлигинча қолавер, менга юввош ҳамюртларинг бўлса, бас. Улар бир эмас, сон мингта. Ўшаларнинг ўзи сендек қайсарларнинг оёқ-қўлини боғлаб, оёқларим остига ташлайди... Эҳ, дўстим Жўқад, сенга айтмабидим! Бу қўймижозларни уриш-сўкиш шартмас, қаттиқроқ йўталсанг кифоя деб. Дунёда буларчалик бир-бирини осон, арzonга сотадиган топилмайди. Булар ана шунаقا - антиқа нав! Агар, олимлар қўрқув устида тажриба ўткизишни резжалаштиrsa, тап-тайёр лаборатория Ўзбекистон! Афсуски, биз бундан етарлича фойдаланмаяпмиз..

Мельников жойига ўтирас экан, Абдуллаевнинг таржимаи ҳолини овоз чиқариб ўқий бошлади:

- Минг тўққиз юз ўн иккинчи йилда Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон қишлоғига тугилган. Ўш-Аравон туман комсомол қўмитасида ишлаган. Йигирма етти-үттизинчи йилларда етти йиллик мактабни тўрт йилда тугатиб, Ўрта Осиё Давлат Университетининг тайёрлов курсида ўқиган. Курсни тамомлагач, Ўрта Осиё индустрия институтининг^{*} Тоғчилик факультетига ўқишга кириб. ўттиз бешинчи йили институтни имтиёзли диплом билан тугатади ва «Ўрта Осиё геология трести»нинг геология-қидириув дала гурӯҳига раҳбар этиб тайинланади. Шу йили Оржоникидзе номидаги Москва геология-қидириув институтининг фойдали қазилмалар кафедрасига аспирантурага юборилади. Ўттиз тўққизинчи йили «Лангар вольфрам қони геология ва генезиси» мавзуусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, институт аспирантураси бошлиги ва кафедра ассистенти лавозимларида ишлади.

Мельников сигарет тутатиб, ўқишида давом этди. - Минг тўққиз юз қирқинчи-қирқ биринчи йиллардан Ўрта Осиё Политехника институтининг директори, Ўзбекистон Марказий Қўмитаси саноат бўлимининг мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Давлат режа қўмитаси раиси, Вице-президент, Вазирлар Конграши раиси муовини, хуллас, академик, эллиқ олтинчи йилдаи

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти... - Мельников чуқур нафас олиб, оғриниб ўрнидан турди.

У Ҳабиб Абдуллаев таржимаи ҳолига доир талай мұхым саналарни ўқимади, ўқишига тоқати етмади. Кетма-кет бостириб келаётган масъул мұваффақиятлар залворига дош беролмади. Оғринди.

«Наҳотки, бари рост бўлса, - деб ўйлар эди у, - Худди республикани елкасида тутиб турганга ўхшайди!» Наҳотки, биринчиликка интилмаган бўлса? Наҳотки, уни бирор ўз соҳасидан чалгитмаган? Йўл дегани ҳам шунчалик тоза, равон бўладими? Ахир, бизда бундай бўлиши мумкин эмас, наҳотки, у партия «назари»-дан четда қолди. Йўқ, мумкин эмас, Абдуллаевнинг андоғаси бизга тўғри келмайди! Уни ёйиш мумкин эмас, бунақада Абдуллаевлар СССРни олиб қўяди! СССР эса битта, ягона, у бизники - русларники бўлиши керак!»

- Йўқ, қогозлар сўйлаётган ёлғонга ишонмайман, мумкин эмас, мен учун Абдуллаев йўқ! - Мельников столда ётган Абдуллаевнинг таржимаи ҳоли устидан чизиқ тортиди.

* * *

Абдуллаев қабулхонадан чиқаётib ентил нафас олди. Мельников билан бутунгидек очиқчасига тўқнашмаган эди. Назарида, иккиси ҳам муросасиз тортишишди. Мельников Абдуллаев ҳақидаги барча гумону далилларини яна бир бор синовдан ўтказди. Энди иккиланмайди.

Абдуллаев марказқўмнинг кент, узун йўлкаси бўйлаб зина томон кетар экан, қаршисидан чиққан таниш қиёфаларга бепарво - уларнинг мулоим, тавозели саломларига бош силкиб қўя қоларди. Унинг бутун хаёли Мельников билан банд эди: «Нима бўлганда ҳам муддао аниқ. Майдонга тушдимми - қайтмайман! Шу топда ишончли маслакдошлар керак. Лекин уларни қаердан топай? Енимдагиларнинг барी ҳимояга мұхтож. Наҳотки пешонамга ёлғизлик ёзилган?»

Абдуллаев бир зум тўхтаб теварагидаги залворли эшикларга, баланд шифтга қаради. «Алам қиласди, - дея фигон чекарди унинг қалби, - алам қиласди! Тегрангдаги мана шу замин сеники бўлсаю - менини деёлмассанг, эгалик қилолмассанг, сасинг чиқса оғзингга уришса, қачонгача чидаш мумкин?! Ҳалқнинг бўйнига ип солиб Мельниковлар қўлига тутқазишган. Юрт бўйлаб сочилган жафоқаш жигарларим йил бўйи қаддини букиб паҳта ўстиради, паҳта теради. Дунёда паҳтадан бўлак нарсалар ҳақида ўйламайди ҳам. Уларни паҳтага бойлаб қўйишган. Онгига қизил тамга босилган кишилардан жасорат кутиш мумкинми? Нега шундай бўлди? Барига ўзимиз сабабчи эмасмизми?».

Берк эшиклар қия очилиб, Абдуллаевни ўгринча пойлашди. У беихтиёр қарышидаги ним очиқ эшикка яқын юриб: «Агар, биқиңиб ўтирган ана шу қуллуқчилар ўз нафсими ўйламаганида, сал ботирроқ бўлишганида, атрофига теранроқ боққанида эди, биз шу кўйга тушмасдик», - қалбини тилиб ўтган аламдан тоқатсизланиб, эшик тутқичини ўзига тортид. Пойлоқчилар тапир-тупир хона деразасига урилиши. Улар деразага қапишиб қолгандек Абдуллаевга қаролмасдилар.

- Уялманглар, биродарлар, уялманглар! - деди у. - Эшикни каттароқ очиб, пойламасдан бемалол қарайверинглар! Эссиз, шу топда қўлларингда биттадан тош етишмаяпти-я! Булар ўзимизники эмиш, садқаи ўзимизники, деган ном кет! Икки оёқли бу молларни ахта қилиб кўйишган...

- И, нега ундаи дейсиз, Ҳабиб Мұҳамедович, - салом, - дея ўгирилиши улар.

- Ваалайкум ассалом! - Абдуллаев саломга астойдил алик олиб, ходимлардан бирига тикилиб қолди:

- Йигит дегани домласидан шунчалик қўрқадими? Ахир сенгинани қўлингдан тутиб шу жойга эккан ким? Унутдингми?

- Домла... мен...

- Тўхта, яқинлашма! - Абдуллаев дудуқланиб қадам босаётган йититни жойига қотириб қўйди-да: - Сен, албатта, ўсасан, Давронқул, ўсасан! - деди. - Кўзингни кўр, қулорингни кар қилиб, юзингга мой суриб, жилмайиб тураверсанг, марра сеники... Эртага «катта»... «одам» бўласан! - Абдуллаев эшикни ёпиб йўлида давом этди. Шу пайт таниш раҳбарлардан бири - Зухра Бобоева шошиб ўтиб қолди. Абдуллаев у билан сўрашмоқчи эди. Марказқўм котибаси у, қолаверса - қўшниси, бунинг устига, аёл киши. Зуҳрахон нега бу қадар шошилинч, худди устига том қулаётгандек қочди?

Абдуллаев зиналардан хаёлчан туша бошлади. Охириги зинани босиб-босмай икки ёнида фуқаро кийимидағи йигитлар пайдо бўлди. Улар Абдуллаевнинг қўлтиғидан беозор тутиб:

- Домла, бир дақиқага-, дейиши. Йигитлар, гүё Абдуллаев-нинг қулогига шивирлагандек айтишиди бу гапни. Уларга кўзи тушган ҳар бир киши Абдуллаевни эъзозлаб олиб кетишаётганига шубҳа қиласди. Улар Абдуллаевни на тўхтагани, на ортга қайтгани қўйишарди. Ўн-ўн беш метр нарида Марказқўм биносига кириб-чиқаётгандарнинг ташриф қоғозларини текшириб турган милиционерлар ўзларини кўрмаганга олиши.

«Ўлмаган қул - шу кунларга ҳам етди, - деб ўйлади Абдуллаев. - Ойбек болалигига кўрган миришабларга мана, камина ҳам дуч келди. Қизиқ, менинг ҳисобимча бунга ҳали уч-тўрт ой бор эди-ку? Бу қадар тезкорлик, қойил, Мельников вақтдан унумли фойдаланди...»

Милиционерлар кириш эшигини ёпишди. Кириш-чиқиши түхтади. Йигитлар Абдуллаевни бўзи турган кийим илгичлар томони етаклашди. Бурчакка етишгач:

- Чўнталингиздагини чиқаринг! - деб буйруқ беришди. Абдуллаев бир лаҳза ҳайрон қотди. Чўнталида нима бўлиши мумкин, ҳеч нарса йўқ эди-ку? Еки улар қуроли бор деб гумонсираяптими?

- Ўзингизни гўлликка солманг, акс ҳолда... тиллани чиқаринг! - муддао ойдинлашгач, юз берган воқеа жиддийлигини йўқотди.

- Э, ҳа, - деди Абдуллаев. - Галварс, пиритни олтин деб ўйлабди, сўраса берардим-ку, сизларни овора қипти-да, а, нодон! - у пирит минералини чўнталидан чиқариб, йигитлардан бирига узатди. Улар пиритни қўлта киритишгач, дарҳол қоғоз, ручка чиқаришиди. «Ашёлар рўйхати» деб ёзилган қоғозга кўзи тушгач, на жиддий, на ҳазилга монанд бу ўйин Абдуллаевни ўйлатиб қўйди.

- Марҳамат, имзо чекинг!

Абдуллаев ҳамон нима қилишини билмасди.

- Домла, беҳудага чўзаяпсиз, бизни кузатишлари мумкин.

Абдуллаев шарт ручкани олди-да «Пирит минерали, бир дона, оғирлиги тахминан йигирма грамм» деб ёзди ва остига имзо чекдида, силтаниб улардан тирсагини бўшатди, эшик томон кетди...

* * *

- Нима бу? - Мельников ёрдамчиси қолдирган қоғозларни тит-килай туриб сўради.

- Адабиёт институтидан юборишибди, Ефим Николаевич!

- Падарингга лаънат Юра, қачон тўгри сўзлашни ўрганасан? Минг марта айтганман, адабиёт институти эмас - Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, деб. «Тил-пил», «ва-па»сини айтмасанг айтма, лекин улуг Пушкинни айтмасликка ҳаққинг йўқ! Уқдингми?!

- Ҳа-ҳа, уқдим, Ефим Николаевич!

Мельников Юрага кетавер, ишорасини қијгач, қоғозларга шўнгиди. Ҳафта олдин у Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, ёзувлчилар уюшмаси ҳамда Марказкўм фан бўлими раҳбарларига республикада янгидан ташкил этилажак туман, қишлоқ, кўча, мактаб ва турли жойларга байналмилал ном топишни буюрган эди. Кўрсатмасига мувофиқ атамалар рўйхатининг лойиҳаси тайёр бўлибди. У рўйхатда қайд этилган номларни бирма-бир ўқий бошлилади:

- Ленин, Ульянов, Ильич, Октябрь, Ленинградская, Россия, Правда, Пролетар, Куйбишев, Фрунзе, Киров, Свердлов, Луна-чарский, Суворов, Солдатская, Некрасов, Лопатин, Федченко, Макаренко, Крупская, Волгоградская, Саперная, Кафанова,

Курск, Коммунистическая, Харьков, Иваново, Смоленск, Кастрома, Калинин, Воронеж... А, ҳа, - Мельников рўйхатни шу тахлит ўқиб чиқди-да, охирида «Кемерово», «Саратов», «Тамбов» сўзларини ёзиб қўйди:

- Бор-йўги саксонтами, ярамаслар, барибир, маҳаллийчиликка боришида! Нима, байналмилал сўзлар қуриганми? - у зудлик билан Марказқўм мафкура котибаси Зуҳра Бобоевани чақирди.

Бобоева жилмайиб, тавозе билан кириб келса-да, Мельников қовогини очмади.

- Мафкура ишлари ўлда-жўлда, ўртоқ Бобоева! - дея у рўйхатни суриб қўйди. - Сизнинг ўрнингизда ҳам мен ишлалапман. Республиkaning биргина шаҳрига ҳам етмайди бу номлар. Олинг, юздан ошириб, менга мурожаат этинг! Биз сизга ишонган эдик... - Мельников атай жим бўлиб қолди. Одатда бундай жимлик кўп нарсаларни ҳал этишга қодир. Бобоева бунчалигини яхши билади. Агар у хоҳласа, шу топда Бобоева на фақат Ўзбекистонга, дунёга ўт қўйишга тайёр.

Мельников зимдан Бобоевага қаради. У тоқатсизланиб, буйруққа шай туради.

- Ҳамма жойни эски удум, ном босиб кетди, - Мельников бир қадар сокин гапирди. - Сиз билан биз миллый масалани жуда нозик тушунишимиз керак. Бу масалада хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Мен сизга оддийгина тушунтирай. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси. - Сиз билан биз яшаёттан республиканинг тўлиқ номи шундайми?

- Ҳа, албатта!

- Совет ҳукумати инсониятни баҳтли қилиш учун, айниқса сиз ўзбекларни деб озмунча қон тўкканми? Шундай экан, бугун биз уларнинг хотирасини, гояларини қадрлашга, улуғлашга қарздормиз. Икки-уч кўчанинг бирига эмас, ҳар кўчани иккига бўлиб, ярмига уларнинг номини берсак, арзимайдими?

- Нега иккига бўлиб, Ефим Николаевич, бутунича бериш керак! Мен шундай фикрдаман.

Мельников унинг сўзини эшитмагандек давом этди:

- Бу билан Ўзбекистонни ер ютмас, пешонасига шарафли ёрлиқ осган кўчалар, шу кўчаларда яшаётган халқ фахрланмайдими бундан? Айниқса, ёш авлод. Чорсу-порсу, олмазор-полмазор, деган ном қайдаю, Москва, Ульянов, Пролетар деган ном қайда! Фарқини сезаяпсизми? Халқнинг қаддини кўтариш керак. Бу сизнинг - мафкуранинг иши! Сиз билан биз ёш авлодни шакллантиришда ҳисса қўйсак, аввало, партиямиз программасида қайд этилган улуг вазифани бажарган бўламиз. Содиқлик дегани аслида шу!

- Ефим Николаевич, мен ҳаммасига тайёрман! Сиз бугун зиммәндаги улуг вазифани яна бир карра эслатдингиз, миннатдорман! Сиз сиёсий билимлар қомусисиз, бизга сиздек йўлбошчи керак. Бусиз мумкин эмас, Ефим Николаевич. Биз сиз билан бирга...

- Умуман, мен сизларни тушунмаяпман, - Мельников муддаосини айтишга фурсат етилганини англади. - Айниқса, сиз сусткашликка йўл қўяяпсиз. Абдуллаев масаласида-ку, бир қадам ҳам олдинга силжимадингиз. Икки-учта ариза йигиш билан иш битмайди...

- Уэр, Ефим Николаевич, қараб турганим йўқ, Бобоева сал жонланди. - Ҳатто, қўшничиликни ҳам йигиштиридим. Кирди-чиқди йўқ. Мен у билан жиддий шугуулланаяпман. Кеча муҳим бир фактни қўлга киритдим. Абдуллаев рус йигитидан ўзбек тилида ариза талаб қилиб, қийнапти. Мен бундай миллатчи билан ҳеч қачон келишомлайман!

Мельниковнинг кўзлари чақнаб «Шундайми, яхши» дея жилмайиб қўйди-да, даъфатан хаёлига келгандай:

- Ҳа, айтгандай, Зуҳрахон. - деди, - биз, ҳаммамиз Абдуллаев ҳақида ёз хulosамизни ёздиқ, биринчи бўлиб мен ёздим. Мана, - столида ётган бир папкага қўл тегизиб давом этди, - бу ерда ўртоқларнинг сўзлари тўпланган. Бу ишда ҳам сиз ортда қолдингиз, - Мельников дўстларча кулиб қоғоз узатди:

- Абдуллаев билан асло келишполмаймиз. Билганларингизни ёзинг, боя айтган фактлар билан тўлдириб, имзо чекинг ...

- Уйда ёзсанчи, Ефим Николаевич, ишончлироқ, чиройли чиқади.

- Уйга вазифа эмас бу, хоним, қолаверса, мен сиздан инно олаётганим йўқ, хатосини текширсам. Ёзаверинг! Уйга бошқа топшириқлар бор...

Бобоева Абдуллаев ҳақида «билганлари»ни ёза бошлагач, Мельников қониқиши ҳосил қилиб, ўзини анча ентил сезди. Турди. Қўлини белига қўйиб, Бобоева атрофидан айланана бошлади. Айни дамда у совет фани- адабиёти ва санъатининг улутвор вазифалари ҳақида ўйлаб, шу йўналишда Бобоева зиммасига вазифалар юкламоқчи эди. Умуман, Бобоева ёмон кадр эмас, у Мельниковнинг ҳар қандай топширигини бажаришга шай туради. Мана, ҳозир ҳам Абдуллаев масаласида биринчилардан бўлиб ишга киришди. Мельниковга қолса-ку, биринчи котиблик ўрнини Зуҳрахонга багишилган бўларди, афсус, тепадагилар сиёсатни рўйчилик қилиб йўл беришмайди-да! Аслида-ку биринчилик Зуҳрахонга муносиб...

- Марҳамат, Ефим Николаевич, - Бобоева қоғозни узатди. - Ўқинг-чи, тағин тўлдиришга ҳаракат қиласман.

Мельников қоғозни олар экан:

- Хатоси йўқми, ўртоқ Бобоева, қани қизил сиёҳ билан текшириб кўрайлик-чи, зора беш чиқса! - дея айёrona кулди. Бобоева шер овлаётган қуёндек мамнун жўр бўлди.

- Эндиғи асосий масала, - Мельников Бобоева имзолаган қозозни папкага жойлаб, давом этди, - бу, мафкура. Мен Ўзбекистонга сиёсий жиҳатдан масъул бўлсам, сиз, Бобоева мафкура бўйича жавобгарсиз. Пахта, чорва, пилла - Мельников қўй силтади, - булар, бари бўладиган нарсалар. Қолаверса, бу матоҳларнинг ўз кишилари бор! Такрор айтаман, сиз билан менинг ишим пахта эмас, пилла эмас - сиёсат. Сиёсат эса мафкурага суняди! Кўраяпсизми, Бобоева, партия ва ҳукуматимиз сизга қандай юксак лавозимни раво кўрган! Ишончни оқлаш керак. Маҳаллийчилик, миллатчиликка қарши шафқатсиз курашинг! Ҳар лаҳза ҳушёр бўлинг! Ёшлир, айниқса, илм аҳли ўтасида ниш ураётган милллий гуурурни юлиб ташланг! КПСС тарихи, жамиятшунослик каби мұлтабар фанларимиз дастурига қатъий амал қилинг! Бизда ягона давлат, ягона миллат ва ягона манфаат ҳукмрон! Мамлакатимиз ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Унутманг, жамиятимиз тараққиёти халқ манфаатларига бўйсундирилган. Капитализмдаги каби мулкдорлар манфаатига бўйсундирилган жамиятдан фарқимиз ҳам шунда.

- Тўгри айтасиз Ефим Николаевич! - Бобоева жим ўтиришни ўзига ноқулай деб билди. Қолаверса, у социализм руҳида тарбияланган ўзбек қизи номига муносиблигини шу топда намоён этмаса, қачон намоён этади?

- Фоят муҳим вазифани давом эттиришга тўгри келади, - Мельников қўлига ручка олди. - Сиз, Бобоева, шу ишта масъулсиз. Мен академия тепасида турган миллатчи олимларга ишонмайман. Узоқни кўролмайди улар, тарих ва маданиятдан йироқда улар. Совет адабиёти Коммунистик партия томонидан белгилаб берилган улугвор вазифа - инсон камолотини ўзида гармоник мужассамлаштирган янги одамни тарбиялаш вазифасини ҳал этишда муҳим восита-лардан бири ҳисобланади. Ушбу тарихий вазифани бажаришда ижтимоий фанларнинг салмоғи катта Ҳозирданоқ номзодлик, докторлик диссертациялари мавзусини қайта ёзиб Абдуллаевга топширинг. Улар биз берган йўналишдан чиқмасин. Масалан, - Мельников бир зум тараддулланиб, сигарет тутатди. Бобоева дафтар-часини очиб, унинг оғзига тикилиб турди.

- Масалан, «Рус-ўзбек маданий алоқалари», «Рус-ўзбек адабий алоқалари», «Ўрта Осиёнинг Россияята қўшиб олинишининг прогрессия аҳамияти» ёки «Буржуа жадид адабиёти ва унинг реакцион моҳияти» - каби муҳим мавзулар етарлича ишланмаган. Масалан, жадид адабиёти ўзбек милллий буржуазиясининг мафкуравий жарчиси сифатида майдонга келганлиги ҳақида ҳамон жиммиз.

- Тұғри, жадидлар ватан хоинлари зди, - Бобоева жүшиб кетди. - Улар инглиз, америка империалистларининг агентлари сифатида иш күрдилар...

- Бор экансиз-ку, Бобоева! - Мельников қайта сигарет ёқди. - Баракалла! Шу таҳлит давом этамиз. Улар, яъни жадидлар Туркия ва Эрон каби қолоқ феодал давлатлари билан тил бириктириб, империалистик давлатлар ҳимоясига суюндилаар. Ўрта Осиёни Россиядан ажратиш учун, ўзбек меҳнаткашларининг дўсти, озодлик йўлидаги курашида ҳамкори бўлган рус пролетариатидан жудо қилиш учун тиришдилар. Шундай эмасми?

Бобоева ўрнидан туриб давом этди:

- Жадидлар пантуркизм, панисломизм каби ашаддий реакцион назарияга суюниб, гоҳ турк давлати, гоҳ ислом давлати тузмоқчи бўлдилар. Уларнинг мақсади Ўрта Осиёни йиртқич империалист давлатлар мустамлакасига айлантириш зди.

Мельников:

- Октябрь революциясидан сўнг жадидлар очиқ-ойдин контреволюция лагерига ўтиб кетдилар. Улар Англия, Америка ва Туркиядан ёрдам олиб, босмачилик ҳаракатини уюштирудилар. Қўлларига қурол олиб, ёш советлар республикасига қарши курашдилар.

Бобоева:

- Шонли Партиямиз раҳбарлиги остида, улуг рус ишчилар синфининг бегараз ёрдами ...

- Стоп! - Мельников қўлини кўтарди. - Етади! Давомини аспирантлар ёзсин. Шу руҳда ёзаоладиган ҳар бир талантни рагбатлантириш, қўллаб-қувватлашни сизга топшираман!

- Яна, - Бобоева Мельниковнинг охирги сўзини ёзиб, кўзига термулди.

- Менга раҳмингиз келсин, хоним, ахир, икки кишининг юки оғирлик қиласи менга, чарчадим, - Мельников бўшашиб нафас олди.

- Йўқ, йўқ, - Бобоева эркаланиб зътиroz билдириди. - Сиз, Ефим Николаевич, нафақат икки киши учун, бутун Ўзбекистон учун ишлайпсиз. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, бутун Ўзбекистон учун...

* * *

Назарида кўчалар шовқини тинди: атрофни сукут қоплаб, елкаларига совуқ-этни жунжиктирадиган оғирлик чўқди. Бундай лаҳзаларда Абдуллаев ҳеч қаерга сиғмас, ёлғизлик, дилхунлик онла-

• Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1966 й., 297-299-бетлар асосида.

рини парчалаб, жисмини чирмаган пўлат боғичларни узиб ташлағиси келарди.

У бир муддат ҳавода муаллақ қотди; гўё атрофини оломон қуршаган очиқ майдонда қўл-оёғи, бутун танасини занжирбанд этишган кучлар таъсирида мажолсиздек туриб қолди.

«Йўқ - йўқ, йўқ, Мельниковлар келиб кетаверади! - Абдуллаев кескин бош чайқади, - аммо бизнинг карвонимиз эсон-омон манзилга етиши шарт...» У шу дамда ўзи бошқараёттган фан карвонининг келажаги ҳақида ўйлар, бу йўлнинг қийинчиликлари ҳаливери тугамаслигини биларди. Хаёллар таъсирида аста илгарилар экан, фанлар академиясига яқинлашганида кўзи шофёри Ҳамдам акага тушди. Анча йиллардан бери бир-бирига қадрдон, ҳар қандай вазиятда кайфиятини сўёсиз англайдиган Ҳамдам ака бугун ҳам унинг истиқболига пешвоз чиқиб, ишорасини кутиб турарди. Абдуллаев ҳеч қачон бирорнинг заҳрини бирордан олмас, оғир дамларда ўзини тута билар, у қаршисида сезгир, биродари янглиг садоқат изҳор этиб турган шофёри билан ҳазиллашишга куч топди:

- Инсоф борми ўзи сизда, а Ҳамдам ака? - деди у шофёрининг кўзига тик боқиб. Домланинг жиддий гап оҳангидан Ҳамдам ака довдираб қолди. Тили калимага келмай зарур бир топшириқни эсидан чиқаргану, гўё шу топда домла таъна қилаёттандек хижолат тортди, кўзлари жовдираб беихтиёр елкасини қисиб, панжалари ни ёйди. Унинг ҳолидан завқланган Абдуллаев:

- Э, қойил, яна бу одам ўзини билмаганга олади-я, -дея машинаға ўтириди.

Ҳамдам ака машина рулини тутиб, домлага хижолатли қаради.

- Бир ҳафтадан бери бозорга йўлатмайсиз, нима, қасдингиз бормиди менда, қани, кетдик!

Шофёр шундагина «гуноҳи»ни англади. Кўпинча домланинг ҳазилу чинини англаш қийин. Нима бўлганда ҳам бугун домланинг руҳиятида ҳаловатсиз бир ўзгариш - тогдек нохушлик сездию, гапиришга ботинаолмади. Ҳар қалай домланинг бозорни қўмсаб қолиши бежиз эмас. Вақти-вақти билан харид қилиш, бозор баҳона турли ташвишларни бир дам бўлсин унтиш, яйраш унинг одатига айланган эди. Тошкент бозорлари унга кутилмаган завқшавқ багишлар, олис-яқин қишлоқлардан йигилган турфа одамлар, турфа ранг, ширин мевалар шахри - бозорни тез-тез қўмсаб турарди. Деконлар билан хушчақчақ савдолашиб, сұҳбатлашиб, олма, анор, нок, сабзавотлар-у, барра кўкатларни танлаб-танлаб харид қилганида у ҷарчогини унтиб, севимли қишлоқидан хурсанд қайтгани каби яйраб остонасидан кириб борар - ушбу машгулоти ўзига бениҳоя ёқар эди.

- Домла, сиз қадам қўйган бозор кўзимга файзли кўринади, - шоффёр самимий сўз қотди. - Харидингизни четдан кузатган кишининг ҳаваси ортади. Баъзан сизга тақлидан бозор қилмоқчи бўламан, ҳеч бир чиқмайди, дент.

- Бурунги замонлар бўлгонидами - Абдуллаев атай «Г» ҳарфини «Г» атаб мутойибага ўтди, - сизни, жаноби шофферимиз лутф қилдилар, лутф, деб сийлаган бўлардим.

- Домла, мен рост айтдим, ишонинг, - шоффёр хижолат тортди.

Абдуллаев унинг самимиятини тўғри қабул қилиб, мавзуни яна бозорга бурди:

- Билсангиз, бизнинг бозорларимизда ўзгача файз яшайди. Бозор фақат тирикчилик воситасигина эмас, унда ҳикматлар илми яширин. Катта шаҳарларнинг бозорлари атроф-муҳитга таъсир ўтказиб, гўёки бир мактабдек ўз ўқувчисини тарбиялайди. Ҳеч бир киши бозорга шунчаки қадам босмайди. Бозорнинг бекорсозио ўтрасигача, очи, тўқигача, ишбилармону сотувчисигача аниқ режа, ҳисоб-китобга эга. Шарқ бозорларининг таърифини Қодирий домла билан Ойбекдан ўтказиб таърифлай оладиган ёзувчи йўқ.

- Умрингиз узоқ бўлсин, домлажон, мен бир оми кишиман, - шоффёр домланинг сухбатта мойиллигидан вақти чор бўлиб, уни бироз бўлсин чалгитмоқчи, қалбининг туб-тубига чўккан оғриқни уннуттирицга ҷоғланди. - Тўғри, бозорда ҳикмат кўп, деб эшиттанимиз, шунинг учунми «Отант бозор, онанг бозор» деб айтишган-да.

- Бозор таҳрирсиз, безаксиз бир саҳна, - деди домла янада руҳланиб. - Мен унда арzonни ҳам, қимматни ҳам, қадрлию қадрсизни ҳам кўраман. Бозорда ҳамён билан бирга ақл, инсоф, умуман, тирикчиликнинг қўлидан туттан барча воситалар баравар от суради.

- Домла, ўрни келди, бир гапни айтай. - Ҳамдам ака пешойнадан Абдуллаевнинг чеҳрасига қараб олди, - аммо, хафа бўлманг, сизни аяганимдан..., - у «Айтсамми, айтмасамми?» дея бир зум иккиланиб қолди.

- Феълимни яхши биласиз, дангалига кўчинг!

- Сиз, баъзиларга ўхшаб, «халқ-халқ» деб гапирмайсизу, лекин, оддий кишиларнинг юмуши учун ўзингизга ғалва сотиб оласиз. Нима, ўшалар кунингизга ярармиди? Тешик қулоқ ҳаммада бор: эшитамиз, ҳамкасларингиз сиздан кир излаб, айномалар тўқишаётган бир дамда, сиз фан номзодлари ўзимиздан чиқсин, олимларнинг маоши кўпайсин деб...

- Аҳмоқ бўлиб юрибсиз, дент, шундайми? - Абдуллаев ўриндиқда қайта ўрнашгандек бутун гавдаси билан қимирлаб қўйди.

- Узр, домла, ундей демоқчимасман, сиз шу халқнинг фарзандлари учун жон куйдираёттанингизни, худо кўрсатмасин тұхмат-

ларга қолаёттанингизни билишармиди? Оддийгинаси, мана, бозорга боряпмиз, бирор кило олмасини текинга берармиди? Ҳамма қўлингизга қарайди. Улар сизни эмас, қайтанга айтган нархига олиб, сиз уларни хурсанд қиласиз.

Домла бир нуқтаға тикилгандек ўйчан бўлиб қолди. Машина тутқичини маҳкам сиқиб, уни кескин рад этишга оғиз жуфтладио, негадир ўзини тийди, сукутини бузмади. Дақиқалар шу тахлит ўта бошлади. Домланинг сукути шофёрига ҳам кўчиб, юрак ҳовучлаб, бутун дикқатини йўлга қаратди. «Аҳмоқ бўлмасам, катталарнинг ишига бурнимни суқармидим» деб ичиди ўзини койиган бўлди у.

- Аслида-ку, гапингиз хафа бўлгулик, Ҳамдам ака, - Абдуллаев ўзига-ўзи айтаётган каби босиқ гапирди. - Лекин сизни тушуман... Билсангиз, мен ўзимнинг кимлигимни асло унутмайман. Шуни билингки, агар ҳамма ўзини ўйласа, эртаю кеч ўзини деб ишласа дунё дунёлигидан кечади. Аллоҳ бандасини синовлар, имтиҳонлар гирдобига ташлаган. Буни сезадиган, сезмайдиган, амал қиласидиган, амал қилмайдиган бандалари бор. Оллоҳ берган умр давомида сизу мен ҳам синов гирдобидамиз... Тасаввур қилинг, мен Уники бўла туриб, нечун ўзимни ўйлайман? Инсон боласи бир-бирини тушунимас, тушунишга ҳаракат қилмас экан, у одилликни, инсофни қўлдан бой беради, адашади. Атрофга қаранг, турфа одамлар. Уларнинг нияти, истагидан қатъи назар Оллоҳнинг бандаси, деган улуғ ҳамда тенг рутбаси бор.

Сиз айтган деҳқонга келсак, у менга олмани текинга бермасин, аввало, уйида тинч, тўқ бўлсин, одамдек яшасин. Ана шунда мен уларда ўзимни кўраман. Мендан хато излаган ҳамкасб, баъзи раҳбарларга муносабатим, уларни тушунишга ҳаракат қиласман. Тариҳда шуидай лаҳзалар бўладики, миллатнинг тақдирини ёргуллик ёки бутунлай зулмат томонга буриб юбориш мумкин. Шундай лаҳзаларнинг бошқарувчилари бўлади, улар злнинг тақдирни учун масъул, воситачи кабидирлар. Тақдир менга ҳам шу юмушдан зигирдеккина улуш берган...

Абдуллаев чуқур тин олди. Лабларини қимтиб яна бир нуқтага тикилди. Шу тахлит бироз юришгач:

- Хушламайдиган кишингизни бир лаҳза яхши кўринг, уни тушунишга ҳаракат қилинг, кечиринг, - деди. - Тўрт кунлик дунёнинг қусурларини сизу мен ўйлаб топганимиз йўқ. Кўрқоқлик, сотқинлик, барча ҳийлаю найранглар тирикчилик йўлидаги синовлардир. Тўғри, ҳеч бир мард йўқки, ушбу қусрларни қадрдан дўсти истиқболига пешвоз чиқандек хуш қаршилаёлмайди. Ўзингдек инсонлар томонидан отилаётган тошлар, албатта, юракни жароҳатлайди. Чидаш керак!

Мен ҳар эрта Оллоҳдан сўрайдиганимни сўраб, охирида ўзимдан енгилмай, деб ният қиласман. Дастваб, сўз очганингизда сиздан жаҳлим чиққан эди. Йўқ, сиз ўртага фикр ташлаб, тўтири қилдингиз. Ҳозир ўйласам, бизнинг суҳбат икки киши ўртасидаги хуфиёна шивирлашиб эмас, кенг аудиторияни, айниқса, ёш олимларни, талабаларни жалб этадиган мавзу экан.

- Худога шукр! - Боядан бери домлани жон дили билан тинглаб, суҳбатни узмаслик учун машинани атай секинлатиб, олисроқ йўлдан бозор томон кетаётган Ҳамдам аканинг чеҳраси ёриши. - Рости, сиз айтгандек сўзларни мен мана бундай, - у машинасининг олд қутисидан Ойбекнинг «Навоий» романини чиқариб кўрсатди, - китоблардан ўқиб, ҳа энди бу кўхна тарих-да, дея қўйардим. Янглишган эканман.

Шу лаҳза Абдуллаевнинг чеҳрасида қувонч порлади. Китобни кўлига олди-да, гурур билан боқиб:

- Навоий ҳазратлари халқимизнинг фахри, улуғи, Ойбек эса буюқ ёзувчимиз, - деди. - Қани, энди айтинг-чи, романни ўқиган бўлсангиз, бундай халқни, миллатни севмаслик мумкинми? Беш юз йиллик тарихни қаршингизга кўзгу мисол тутган ёзувчига тан берасизми - йўқми?! Ўтмишга боқсам, юртимизнинг ҳар бир хаси кўзимга тўтиё янглиғ кўринади. Юртни камситишларига тоқат қилолмайман, - Абдуллаев романни дуч келтан жойидан очди-да, қўйидаги сатрларни жимгина ўқишига тушибди: «Афтидан ювош кўринган бир мўйсафид йиги-сиги билан Султонмуродга шикоят қилди: «Подшоҳ мусулмон, вазирлар мусулмон. Лекин бунчалик жабрни кофир ҳам ўз элига раво кўрмайди. Юртдан инсоф-адолат кўтарилиганд! Шариат хор! Ҳонавайрон бўлдик!»... Султонмурод қайнаган оломон ичиди туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди. Ҳақорат, газаб, алам билан айтилган узук-юлуқ гаплардан бу ғалаённинг асли сабабини уқиб ола билди: подшоҳ ва бир кўп вазирлар Ҳиротни тарқ этиши билан закот ишларини идора қилувчи Ҳўжа Абдулла, Ҳўжа Қутбиддин Бахтиёр ва ҳоказо маъмурлар, ўз билтиларича, халқда янги солиқ соладилар...

Замон олимларининг саромади бўлиштагина интилган Султонмурод шу вақтгача халқ тириклигидан узоқ яшар, унинг дардларига бегона эди. Унинг бутун фикри илмий назариялар самосида, қалин китобларнинг чанглари орасида, олимона мунозараларнинг сўз майдонида парвоз қиласади. Халқ ким, у нима билан тириклилик қиласади, нима ўйлади, дарди нимада, ўз мушкулотларини қандай ҳал этади - мана бунинг сингари масалаларни асло ўйлаб кўрмаган эди...»

* Ойбекнинг «Навоий» романидав. 64-бет.

«Ха, ҳазрат Навоий даврида ҳам олимлар кўп, ҳаётини илмга багишлаган Султонмуроддек йигитлар оз эмас эди, - Абдуллаев китобдан кўз узмай беихтиёр ўйлай бошлади. - Замон олимларидан ўзган Навоийнинг устунлиги шундаки, у бутун бошли миллатнинг дарди, қайғуси, манфаати деб яшади, демакки, миллатнинг тогдек хизматига бел боғлади, шоирман, деб ўзини четта олмади. Навоий буюк даҳо, даҳо у! Шукрлар бўлсинким, ҳар соҳада буюк тимсолларни ўзимиздан яратиб, насл-насабимизни фахрга тўлдириб, баланд толе билан сийлади...»

Шофёр Чорсу бозорига етиб, машинани енгилгина тўхтатиб кутиб туради. Домла ҳамон китобдан бош кўтармас, роман воқеалари уни ўз дамига олган, у Навоий замони билан нафас олар эди. Бу дам ўзга бир машинанинг тасодифий чинқириги Абдуллаевни ўзига келтирди, китобдан бош кўтариб атрофга қаради: таниш манзара - югурик оломон, бақириқ-чақириқ, катта-кичик кунда шундаларга кўзи тушиб, беихтиёр жилмайди, китобни эгасига узатиб, машинадан тушибди.

Сершовқин бозор ҳар иккисини ўз багрига олди.

* * *

.. Сараланган мевалару барра кўкатлар, тоза сабзавотлар билан тўлган халталарни қўлтиқлаган шофёр Ҳамдам аканинг вақти хуш, айниқса губорлари тарқаган домланинг руҳи тетик, хариддав кўнгли тўқ эди. Ҳамдам ака эса ҳар галгидек ҳайрон: «Бозордан ҳам шунчалик завқ оладими киши? Агар қўйиб берса, домла бутун давлатини бозорчиларга улашишга тайёр-а?»

- Ҳаммасини қўйинг, гуручни зўридан олдик-да! - кетаётиб хурсаид гап қотди Абдуллаев. - Боя эшиздингиз, якшанба куни тушиликка ош, ҳамشاҳарларни таклиф қилдим.

- Ха, энди гурунч Ўзганникида, домла! - Ҳамдам ака топиб гапириди.

- Баракалла, мен билан бозорлашиб, гурунчни ҳам фарқлаб қолдингиз, - Абдуллаев маънодор кулимсиради.

- Энди навбат одам танишга, демоқчисизда-а, домла?

- Бунинг учун ўзингизни қийнаш шартмас, чунки камина билан ҳамиша биргасиз-ку?!

- Э, қойил, - шофёр яйраб кулди, - Сиз билан ҳазиллашиш осон эмас! Лекин шуки аниқ биламанки, бозорда харидорсиз турган ҳар қандай молни Ўзганники, деб Сизга яхшигина пуллаш мумкин.

- Яна янглишдингиз, тақсир, бизнинг юртда ёмонлик ўсмайди, жамики зўр одамлар, неъматларгача илдизи Ўшга туташ, - Абдуллаев мутойиба йўғрилган шавқини гууруга тўлиб айтди.

Хүш-хурсанд уй томон кетишар экан, бир соат олдинги дил-хиралык тумандек тарқаган, гүё күчаларга ўзгача файз тараалтандек қараб түймас, қараган сари вужуди сеҳрли бир куч билан тұлиб, Абдуллаевни курашта чөгларди. Бундан унинг ўзи ҳам ҳайрон: «Қизиқ, - ўйлар эди домла, - инсон табиати ўзгаришта мойил, ийқса, у қотиб қоларди, муаммолар ечимини тополмасди. Уни яраттан Зот жамики мушкулотлар қалитини оддий ҳодисалар, ҳаралатлар ичра яширган. Буни ҳамиша ҳам фарқлайвермаймиз. Хурсандлик, хафалик каби иккى ҳол тавсифи учун, уларнинг сабаб ва моҳиятими тушунтириш учун ўнлаб олимларнинг умри, мушоҳадаси керак. Фандан фан ясайвермай ўзимизни тадқиқ этсак тұғри бўлмасмикан? Баъзилар «Қардошлиқ алоқалари»мией ёким «Диннинг реакцион моҳияти» каби замонасоз мавзу талашиб, олимликта даъво қилишади. Ижтимоий соҳалар қачонки инсон моҳиятига чуқур кириб борсагина ҳақиқий фан саналади».

Машина бекаттаға яқын ўрнатылған қызил чироққа тұхтади. Шу асно Абдуллаевнинг күзи чөгроқ халта күтартған кампирни судра-ётган милиционерга тушди. Онахон халтасини маҳкам сиққаныча унинг чаңгалидан қутылишта интилар, атрофда гала сломон уларни бефарқ кузатиб туришарди. Кампир нимаси биландир Абдуллаевга онаси Ибохон аяни эслатди. У титраб:

- Машинани четта олинг! - деди.

Абдуллаев шашт билан «Волга»дан тушди-да, шошилмай бир-бир босиб, уларга яқинлашды, қарі аёлни аямай тортқилаёттан йигитта қаҳрли тикилганича:

- Нима гап?! - деди.

Пешонасига ўроқ-болға, беш юлдуз құндирилған фуражкасини қийшайтирироқ кийган олифта йигит:

- Күрмайсизми, буни, - деди иописандлик билан, - ҳайдаган билан, чора күрган билан уруги камаймайди буларнинг! Ўзини гүлликка солиб, қонундан пеш чиқаман дейди!

- Торт құллингни! - қутылмаганда буйруқдек янграган овоз йигитни довдиратиб қўйди. Аммо, у паст тушгиси келмай атрофидаги сломонга бўйинини чўзиб қараш қилди-да:

- Чайқовчи, спекулянтнинг ёнини олиб, чакки қиласиз, гражданин! - деди. Абдуллаев унинг ўта қуруқ, расмий муомаласидан зисаси қотса-да, эшитмагандек шоффёри томонга қайрилиб қаради. Зумда ёнида Ҳамдам aka пайдо бўлди.

- Онахонни машинага олинг, - Абдуллаев кампирга меҳрла боқди. Саросима ичра қолган кампир не қиларини билмай дам Абдуллаевга, дам совет милициясининг навқирон вакилига термулар, қутылмаганда пайдо бўлган - шу дамгача учратмаган мурувватли кишилар қаршиисида кимга ишонишни билмай мубҳам қотиб қолди.

- Бардам бўлинг, ая! - Абдуллаев кампирга далда берди. Шофёр унинг қўлидан халтасини олиб, қўлтигидан суюди.

- Йигит! - Абдуллаев унинг қаҳрли кўзларига, тўнг башарасига қаттиқ тикилди. - Қонунни ҳимоя қилиб тўғри қиласан, аммо сен жиноят билан жиноятчани фарқига бормас экансан. Онанг тенги аёлга кўрсатган ҳунаринг, кимлигингни айтиб турибди. Афсус, минг афсус, ҳайф сенга шундай имкон! - Абдуллаев нафрат билан ортига ўгрилар экан:

- Ўзингдан чиққан бало? деб шунга айтадилар-да! Ишонганимиз шуларми ҳали, йўқ, булар билан узоққа бориб бўлмайди. Бундайлар ота-онасини ҳам танимайди-дэя ўкинди.

Машина оқиста илгарилар экан, Абдуллаев олд ўриндиқда ўтирган, ўзига ҳамон ҳадиксираброқ қараб турган аёлнинг елкасига қўлини қўйиб:

- Она, нима гап ўзи, қаерлардан сўраймиз? - дэя мурожаат этди.

Кампир ўз даҳмазасини ортга суриб, шу дамгача минмаган ҳашамли машина эгасининг кимлигига қизиқди:

- Болам, ўзинг кимсан, раисмисан? - кампир билтан, таниган амалдорлари ичра энг каттаси «Раис» ва «Райком» зди. - Йўқ, раис десам, раисга ўхшамайроқ турибсан...

Кампирнинг самимият тўла қалби, ўтказган ва ўтказаётган тирикчилиги юзу кўзларида, сўзларида намоён зди. Унинг оҳори тўқилган кийимлари, меҳнатда тобланиб қорайган ранги ҳар фаслда ўзгариб турадиган юмушларининг турфа ташвиши қишлоқ аёлларининг тимсоли зди гўё.

Абдуллаев унинг содда, пок қалбини тинглар экан, кампирни қучиб, юзларидан ўпиб, бутун дунёнинг ҳаловатию имкониятларини багишлагиси келар зди. «Ҳа, оналар бахтга лойиқ, фақат бахтга лойиқ! Қариган, меҳрибон, фарзандли-неварали аёлларнинг тимсоли йўқ», - дэя у ичдан энтикиб қўйди.

- Биттагина ўғлим бор, - кампир оловдек меҳр, иззат қуршовида яйраб, ўзини хотиржам тутди. - Худойимга шукрки, ўзидан кўпайди, еттита неварам бор, тўрттаси мактабга қатнайди. Харна ўғлимга кўмак, деб озроқ кунгабоқар экканман. Шуни дeng, озронини қозонда тоблаб, бозорга чиқувдим. Чайқовчисан, деб ҳалиги мелиса бола роса таъзиримни берди. На бозорга қўяди, на бекатта. Болам, қани айтчи, ўз томорқамда битган ҳосилни сотсан, чайқовчи бўламанми? Барака топкур гафимни ѡч тингламайди-tingламайди. Ишқилиб, мени англамади, тушунмади.

- Куйинманг, она, у бизнинг тилни тушунмайди, унинг ота-онаси эгнидаги тўқими, у шунга ишонади!

- Йўт-е, болам, у ўзимизнинг йититлардан, ўзбек, - кампир унинг қуйиниб айтган сўзларига соддаларча эътироz билдириди. Аб-

дүллаев эса шу чогда бу оқкүнгил аёлнинг мушкулини осон қилиб, тезроқ қувонтиргиси, умри тирикчилик таپвишларига қоришиб, ҳалол яшаган қарияни заҳматдан буткул қутилишини истар эди.

- Буни қаранг-а, биз излаб тополмаган нарсани, сиз шундоқ қўлимизга тутқаздингиз, раҳмат, - Абдуллаев узоқ ахтариб тополмаган матоҳини бехос учратгандек қувнаб кампирга миннатдорчилик изҳор этди. - Харидор ўзимман, ҳаммасини оламан!

- Йўғ-е, болам, мени уялтирма, андишанг кўнглимни төг этди, мени суюдинг, сени худо суюсин, - кампирнинг дийдаси юмшаб кўзи ёшланди. - Сенга писта сотиб ўлибманми, шундайича олавер, болаларингга совга, багишладим...

Ўзбек хонадонининг қалби дарё, меҳрибон онаси самимияти қаршисида буткул лол қолган эди у. Суҳбатини давом эттирса, нечундир, кўнгли тўлиб, вужуди алланечук бўшашпаётгандек ҳис қилди ўзини. Имкони топилсаю кампирни уйида онаси дек асраса, унга меҳр, ҳимоя улашса. Йўқ, у ўз уйини, ёлгиз ўғлию невараларини ҳеч кимга, ҳеч нарсага алишмайди. Ҳар қандай ҳаловатдан кечиб ўзини уларга багишлашга тайёр у.

- Онажон, мен шу жойда қоламан, - Абдуллаев машинани тўхтатди. Шоғерга кампирни қишлоғига етказиб, иккиси бозордан харид қилган барча нарсаларни онахоннинг уйига киритиб беришини тайинлади ва ўн сўмликдан бир неча дона чиқазиб:

- Пистанинг пули, онага бериб қўйинг, - дея ортига ўгирилди. Икки қадам босмай тўхтади ва кампирни таажжубга кўмиб, унга жилмайиб меҳр билан боқди, қўлини сал кўтариб, «Хайр» деди. Машина жилгач, уларнинг ортидан қараб қолди.

* * *

Тун. Ҳабиб Муҳамедович муштини иягига тираганча чуқур ўйга толган. Стол устида минг тўққиз юз эллигинчи йилда чоп этилган «Руда ҳосил бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик алоқаси» китоби турарди. Геология оламида шов-шуввларга сабаб бўлган ушбу асар муаллифи сингари мураккаб тақдирга эга эди. Асар Абдуллаевнинг номини СССР аталмиш улкан ҳудуддан ташқари - Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Англия каби мамлакатларга ҳайрат, янгилик, каашфиёт қанотида олиб кирди. Метал маъдан коялари ҳосил бўлишининг назарий қонуниятини яратиш фанда унинг номи билан боғланди. Ўзбек ўглонининг тафаккури или ёритилган каашфиёт миллат, тузум, сарҳадларидан чиқиб дунё геолог олимларининг соғлом зътирофи, қўлланмасига айланди. Саноат ривожланиши олим каашф этган мезонлар тартиботига суюнган, кўплаб мамлакатлар унинг назарияси бўйича аллақачон ама-

лий иш бошлашган эди. Инсоният тафаккурида пайдо бўлган жаммики илғор кашфиётлар сингари олимнинг бу иши ўн йилдирки, уни шон-шуҳрат чўққисига кўтаргани ҳолда, айни дамда тортишувлар, қаршиликлар, аниги, кураш тўғонига отди. Дастреб, бари табиийдек кечган тўқнашув, илмий баҳслар ой сайин чигаллашиб милллий, мағкуравий ярголар билан қуролланиб олимнинг бардошига чанг солди. Шунга қарамай, у фан, миллат бодининг серҳосил дарахти эдикни, ҳар йил, ҳар фасл танасини синдириб, мева-ларини юлқиб олишса-да, барибир, мева беришда давом этар, умрини садоқатла багишлагани - тоғлар сингари кўксини зарбаларга тутиб берар эди.

Боядан бери сас чиқармай кузатиб турган рафиқаси Фотимахон бошини эшик рахига қўйганича қўзлари ёшланиб эри ҳақида ўйларди. Домла ҳеч қаҷон рақиблари зарбидан нолимас, унча-бунча дилхизаликни уйига ташимас, фарзандлари Пўлатжон, Раънохон, Рустамжонни, аёли Фотимахоннинг тинчини бузмас, мустаҳкам қўрғон каби забардаст қучоги, оталик меҳри ила оиласини багрига босиб, уларга фарогат багишлагувчи эди. Назарида эри дунёда ягона, битта, мана, тун қоронгусида ҳам уйини зиёга тўлдириб ўтирган отанинг дардини фақат у теран англайди, лекин не қисинки, эрининг суюнчиги ёлгиз ўзи, фақат ўзигина шум рақиблари дамини кесишига қодир.

Бу икки тақдирдош ҳаётнинг ҳар қандай зарбасини бир-бираға билдиримай ўзларига, фақат ўзларига олишга тайёр эдилар. Қайгули дамнинг сабабчиси - иғводан иборат фельетоннинг «Правда» газетасида чоп этилиши ҳақидаги хабар эди. Гарчи бу хабарни ҳар иккиси деярли бир вақтда эшитишган бўлсалар-да, сир тутишиди. Ўч олиш истагида ёнган гуруҳнинг чаққонларидан бири ўзига топширилган «иш»ни қойиллатиб бажариб, газетанинг машҳур фельетончиси Семён Наринъянини ишонтирган эди. Эртага фельетон босилиб чиқиши арафасида - тушдан сўнг голибона хабар етказишиди. Ҳа, улар галаба нашидаси и олдинроқ суришмоқда, бу билан ҳам қанотланмай хонадон тинчини бузиб, уларнинг ҳолини пинҳона кузатишмоқда эдилар.

Не қисин, эри билан ўтказган йилларининг' бирор бир дақиқаси йўқки, рақиблари унга ташланмаган бўлсин. Ахир, домланинг айби нимада? У кимнинг зиёнига ишляяпти? Эсини таниганидан бери, ёшгина юрагида илм җаваси уйғонганидан то шу дамгача эли, юрти қайғусида, хизматида суюги қотди. Юртнинг бутунлиги учун, миллатдошларининг номи, гурури учун жонини тиккан. Мақсади йўлида бир дам бўлсин ўзини аямади. Фарзандлари янглиғ суюб, эътибор билан тарбиялаган шогирдлари бунга мисол бўлолмайдими? Республика фани, саноатидаги ўсиш, янгиликлар

бунга мисол бўлолмайдими? Балки шулар боис уни миллатчиликда айлашди. Айлову илмоқларнинг чеки кўринмайди. На қилсин, қандай чора борки, эрига нафи тесга?! Оддий киши бўлганида-ку, бундай ситамлар домлани четлаб ўтарди. Ҳамма бало шундаки, Абдуллаев жўнгина, эл қатори фикрлаб, кўп қатори оқим билан бирга сузмайди. Тақдир уни ўзгача иқтидор, муҳаббат билан сийлади, қалбидаги ҳиссият, жисмидаги куч-қувват, ақл ўзгалирни етаклашга ундейди...

Эр-хотин бир-биридан хабарсиз ҳолда тақдирнинг турфа озорини чекишмоқда здилар. Аёл яхши англарди-ки, эрининг шахси - мардона мақсади ушбу сабабу оқибатларни тўлдирувчи захира эди. Ҳа, эри ҳали-бери нокасу қўрқоқларга ўз кучига ишонмайдиган майдаларга ем бўлиши тайин. Улар Абдуллаевни сотиб кун кўришади, бола-чақа боқишади... Улар нафақат умрнинг эгови, улар жоҳил, улар нонкўр, улар Ватаннинг илдизини кемираётган жирканч қуртлар... Аёл аламли Ўлари зарбидан йиглаб юборди ва бехос эрига халал бермаслик учун ортига чекинди.

Ҳабиб Муҳамедович эти увишиб ўрнидан турар экан, чўзиб-чўзиб қичқирган хўрозлар овозини эшитди. Оғир юриб жовон ёнига келди. Кўзлари билан ниманидир ахтарди. Сўнг жовонда тартиб билан терилган қалин жилдлардан бирини сугуриб жойига қайтди, варақлади. Бундан уч-тўрт йил олдин СССР Фанлар академиясининг геология ва география бўлнимининг академик секретари, академик Дмитрий Степанович Белянкинга мактуб ёзган эди. Икки йирик олим ўртасидаги касбий алоқа йиллар давомида шаклланган, хатлар ва жавоб мактублари йигилган бу жилдни кашфиётлар, турли баҳслар якуни билан боғлиқ ўзига хос тарих деса арзирди.

Саргайган қоғозлар қатида кўмилтан ушбу сатрларга у авайлаб кўз югуртириди: «Қимматли Дмитрий Степанович! Координация Советининг мажлиси тугагандан сўнг бир ойдан кўпроқ Москвада бўлдим, шу вақт ичига Сизнинг қабулингизга кириб, ўз ишим хусусида гапира олмадим. Сизнинг қабулингизда бўлмаганим вақтим йўқлигидан эмас, аксинча, менинг устимда кечаеттсан иғволарни сизга гапиришдан уялганим сабаблидир. Бусиз ҳам Сизга тез-тез мурожаат қилиб турман-ку. Тошкентга қайтгач, Сизга ҳат орқали мурожаат этишга қарор қилдим.

1950 йилда менинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» номли китобим босилиб чиққанидан сўнг баъзи геолог олимлар аввал назариямга, сўнгра ўзимга қарши чиқдилар. Бошлинишида буларнинг ҳаммаси илмий мулоҳаза тарзида бўлиб, улар назариямни ўз мақолаларида ва мажлисларда танқид қилишиди. Энди эса шу кишилар устимдан юқори партия ва совет таш-

килотларига ёзмоқдалар. Авваллари ҳар хил рецензиялар, кейин роқ иғволар ёза бошлашиди. Тошкент шаҳар партия комитети томонидан тузилган комиссия ишни текшириб, уларни ноҳақ деб топтандан сўнг ҳам ёзищда давом этишляпти. Докторлик ишларининг қўллэзмаси устида ҳам катта жанжал кўтаришиди, - Хат шу жойга еттанида Ҳабиб Мұхамедович оғир тин олди, юрагини силаб кўзларини бир лаҳза юмди. Бироз муддат ўтгач, хатни тўлиқ ўқишига сабри чидамай охиррогоидан давом этди:- Энди диссертация ёқлангандан етти йил кейин, нашр бўлганига олти йил тўлгач, улар менга бошқаларнинг материалларидан фойдаланган, бошқа геологларнинг фикрини тақоррлашдан нарига ўтмаган, деб даъво қўлмоқдалар.

Лангар манбаси устида иккита картани мен ишлаб чиққанман, шундан биттасини 1939 йилда Москва геология институтининг ишларида чиқарганиман, иккинчисини СССР Фанлар академиясининг ахборот геология журналида 1941 йили нашр эттирганман.

Бир гурӯҳ геологлар илмий советга ҳам, менинг оппонентларимга ҳам ишончсизлик билдирияптилар. Албаттага, бундай шароитда ҳақиқатни юзага чиқариш жуда қийинидир.

Мен юқорида кўрсатган материалларнинг ҳаммаси ВАКниг эксперт комиссияси томонидан тўғри тушунилди. Бу ҳужжатлар очиқдан-очиқ иғводир. ВАКниг эксперт комиссиясини эътиборсиз қолдириб, бошқа комиссия тузилди. Бу комиссияга Бетехтин бошлиқ, таркибида Вольфсон, нашриёт редактори Дроздов, ишга ва соҳага ҳеч алоқаси бўлмаган профессор Жданов, нефт бўйича мутахассис ва профессор Тюретнов киритилди. Мана шу комиссия менинг ишларини текшириши керак. Тузилган комиссия таркибидан ҳафсалам пир бўлиб. 20 марта Тошкентта қайтдим, энди комиссия қарорини кутиб ўтирибман.

Мана, ишнинг қисқача мазмуни...

Азизим Дмитрий Степанович! Шахсий ва ҷалкашиб кетган ишларим билан Сизнинг дилингизда ҳам ноҳушлик уйротганимдан хижолатдаман, ҳозирги вазият шуни тақозо этяпти. Тез вақтда бундай гаплар тугайди, деган умиддаман. Икки йилдан бери даъвом этаётган бу ишга жуда жиддий киришиштан ва охирига етказиш учун қаттиқ туришибди. Текшириш вақтида геология институти илмий Советидан ва ишлаб чиқарувчилар фикрини сўрашмади... Натижада ҳақиқатни юзага чиқариш қийин бўлаяпти. Мана шу кишилар ўз вақтида В.И.Смирнов устидан ҳам ёзганлар. Дмитрий Иванович Шчербаков ва Ўрта Осиё геологлари ишм ҳақида кўп нарсаларни айтишлари мумкин. Тошкентта қайтиб келиб, ишга тушдим, аммо ҳеч қўлим ишга бормаяпти. Одамларнинг ишлаш ўрнига шундай иғволар билан шугулланиши нақадар ачинарли.

УСТУН

Мен илм билан шуғулланмай, ўнлаб тушунтириш хатлари ёзиш-
га мажбур бўлиб ўтирибман.

Сизга ҳурмат билан,
Ҳ.Абдуллаев.
1953 йил, март.

Абдуллаев хатдан кўз узмай шивирлади:

- Ҳа, чиндан ҳам одамларнинг ҳалол ишилаш ўрнига игволар билан қуролланиши бу, бир кўргулиkdir. Бироннинг шуҳратини бирор тортуб ололмайди. Нега улар бу оддий ҳақиқатдан кўз юмадилар? Мен-ку, тақдирда борини кўряпман, лекин улар-чи? Муттасил тош отиб ҷарчашмаяпти. Кези келганда улар қилимишларини тушунармикин? Одам ниқобини кийиб, елкасида гуноҳ ортган лаббайчиларни сира-сира тушунмайман. Уларда манфаатдан ўзга илинж йўқ. Наҳотки, наҳотки улар учун бироннинг тақдиди ўйинчоқ бўлса! - домла қоғоздан бош кўтариб сукутга толди. Дмитрий Степановичнинг жавоб мактуби сатрма-сатр ёдида эди. Йиллар ўтса-да, узоқдаги касбдошнинг таскинбахш сўзлари, шунчаки сўз эмас, ҳақиқат томонида собит турган азиз елкадошдек зарур бўлиб қолди. У мактубни илк бора кўраётгандек, ички бир иштиёқ, зарурат ҳисси ила ўқий бошлади:

«Азизим Ҳабиб Муҳамедович! Бахтга қарши хатингизни касал бўлиб ётганимда олдим, шунинг учун Сизга жавобни қисқа қилиб қалам билан ёзаяпман. Мен сизни қувватлайман, одамларнинг илм ўрнига игво билан шуғулланишгани жуда ачинарли ҳол. Шунга қарамай, сиз игволар ва тұхматлар натижасида турилган руҳий тушкунликдан мутлақо холи бўлишингиз керак. Мен сизга ишонаман. Ломоносовни эсланг, уни ҳам озмунча эзишмаган. Сиз ўз ишларингиз билан бирдан-бир тўғри йўлдасиз. Биз олимларни йўлларидаги курашлар ажаблантирумаслиги лозим. Чин юракдан салом билан Д.Белянкин.

1953 йил, 31 март»

Абдуллаев хатдан бош кўтариб, Белянкиннинг:

«СИЗ ЎЗ ИШЛАРИНГИЗ БИЛАН БИРДАН-БИР ТЎҒРИ ЙЎЛДАСИЗ» - деган сўзларини шивирлаб тақрорлади. Ҳа, унинг тўғри йўлдалигини рақиблари ҳам билишар эди. Сиёсат-у, мафкура йўригига мос тушмаган ҳар бир ҳаракат, шахс - у ким бўлишидан қатъи назар эгилиши шарт, йўқса, жисман йўқ қилинади. СССРда бу темир қонунни четлаб ўтган кишининг ҳолини тасаввур қилиш қийин. Абдуллаев теварагида бошланган катта-кичик жамики ўйинларнинг асл моҳияти юқоридаги темир қонунга бойланар эди. Фақат бунда ҳар кимнинг улуши бўлак-бўлак: дастёр-

лар ҳамиша рағбатлантирилиб, ҳимоя қилинади. Дастёrlар, асосан маҳаллий кадрлардан таңланар, тайёрланар, иродасиз, бирорвинг етагига муҳтоj чала муллалар ҳамиша ўз касбдошларининг остонасига маҳкам боғлаб қўйиларди. Табиийки, улар хўжасининг садоқатли қўриқчиси эмас, ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган сотқинлар бўлиб етишарди. Шўро ҳукуматининг деярли пул сарф қилмай нишонга урадиган улкан ижтимоий сиёсий қуролли сотқинлар эди. Ўзбекистонда эса бундай қурол билан қуролланмаган бирор-бир идора, ташкилот йўқ эди. Агар хизмат жойингизда, айтайлик, тўртта ҳодимдан биттаси рус ёки русийзабон бўлса, эрталаб:

- Ассалому алайкўм, - деб ҳонангизга кириб келсангиз...

Худо кўрсатмасин, сизни ёмонотлиқ қилиш, миллатчиликда айблаш учун ўзбекча саломнинг ўзи етиб ортарди.

Ҳабиб Муҳамедович шундай шароитда, айтиш мумкинки. Шўро мағкурасининг «жангоҳида», қалтис «фронтлар»да ишиётганини билатуриб, ўз йўлидан қайтмас, миллий ва маҳаллий кадрлар тайёрлаш, республикада аниқ фанлар ривожи борасида ҳамиша жасорат кўрсатар, бу йўлда борини ишга солар эди.

Қиёфа-ю, номда, орзу-ҳавасда ўзига ўхшаш, зоҳирان фарқсиз кўринган юртдошлар озоридан тунни тонгга улаётган аллома баъзан чалкаш воқеаларнинг илдизини пайқамай қоларди. Унингча, барча ноҳушликлар шунчаки майда кишилар хуружи туфайли содир этиляпти. Булар бари ўткинчи, республика раҳбариятининг бир ишораси билан тинчийдиган воқеалар. (Абдуллаев умрининг сўнгти кунигача ушбу ишорани кутди, аммо...)

Бутун тун давомида унга хаёл ҳукмронлик қилди. Инсонга хос жамики торликлар ўйлашга мажбур этди. Атрофида тимирскиланиб юрган шарпалар (ҳа, уларнинг қиёфаси йўқ...)ни англашга уринди, уларни-да, чин миллатдошлари сафида кўришни орзу қилди. У ўзини буткул унутиб, кечиримли, қаноатли бир сас, кўринмас, улуғвор бир сиймо қаршисида гўё адолат билан тиллашмоқда эди:

- Бирорвга яхшилиқ, ёмонлик тиласанг-да, вақт ўтаверади, бир зум бўлсин тўхтамайди. Вақт отлиг тулпор борингни устига јоклаб елдек учаверади. Ҳа, фақат борингни олиб учади, йиллар ўтиб сандиқнинг оғзи очилгандек, кимлигинги элга ошкор этади. Дунё яхши хулқ, бутун иймон, инсоф билан тугал. Бутун ер шари адолатни тоза ҳаводек симириб айланади, дунёнинг қон томирларида адолат оқади. Оллоҳ инсонни тириклик, тирикчилик тегирмонига улоқтириб, бандасининг тоқатини, инсофу иродасини, ўзига ва ўзгаларга садоқатини синовдан ўтказади. Оллоҳнинг улкан имтиҳонини дилдан ҳис этган бандасигина ҳушёрдир, бедордир, бахтиёрдир...

Бехос жаранглаган қўнгироқ садоси унинг хаёлларини тўзгитиб юборди. Абдуллаев бир муддат жойидан жилмай кутиб турди-да, телефон тинмай жиринглайвергач, даҳлиз томон юрди.

Одатда, у ишлаётган вақтда ҳар қандайин йўқловларга доим рафиқаси Фотимахон жавоб берар, баъзан жуда зарур дамда - лозим топсагина эрини безовта қиласр эди. Бу гал ҳар иккиси олдинма кейин телефон тагкурсиси ёнида тўқнашишди. Домла гўшакка биринчи бўлиб қўйл чўзар экан, қалбан нохушлик сасини сезгандек эди. У яхши-ёмон хабарни хотиржам қабул қила билишга, ўзини тутабилишдек қатъиятга эга эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Нариги томондан қисқа, аниқ овоз эшишилди. Бир дақиқага етар-етмас сўзлашув бутун тунни заҳарлашга етгулик огу ила тўла эди.

- Оллоҳга шукр, тирикман! - деган зрининг босиқ жавоби аёлни ҳушёр тортириди. «Яна ўшалар» кўнглидан кечди Фотимахоннинг.

- Ҳар қандай хабарни гул билан кутиши ғолибгагина насиб этади. Кутаман! - Абдуллаев гўшакни жойига қўйди ва хотинини энди кўраётгандек:

- Сиз нега турибсиз, Фотимахон, ухламадингизми? - деб сўради. Аёл телефондаги сұхбатни дилдан ҳис этса-да, чурқ этмай унинг юзига термулиб турди. Эридан сас чиқмагач, қўлидан тутиб хонасига етаклади. Домлани оромкурсига ўтказиб, ўзи ерга чўк тушди, эрининг тиззаларини қучиб, сўзсиз қараф тураверди.

Абдуллаев телефон воқеаси таъсирида бироз паришон, ўз хаёли билан банддек кўрйнарди. Унинг қулоқларига ҳамон ўша сурбет, хира овоз тақрор-такрор эшишиларди: «Ҳали ҳам тирикмисан?! Эртага сени «хушхабар» кутади! Аниқроги, бугун... Яна учтўрт соатдан сўнг «Правда»дан аслингни ўқийсан! Котибанг газетани қўлинингга гул билан тутқазади. Табриклайман!»

Абдуллаев бу таҳлит таҳдидли овозларни кўп бора эшиштан. Аммо, бутунгиси ҳаммасидан ўтиб тушди. Бу қадар пасткашлик - ўзингники оёғингга болта уришга шошиб турса, ўзингники ўзагалар ногорасига ўйнаса, бу қандай бедодлик?! Инсофу адолатни унугтган, муқаддас ғуурурни четлаб ўтаётган гала тушовлар умрини, ганимат вақтининг уволига қолишаёттанини билишармикан?. Бундай дамларда дарду сирингни кўмга айтасан, сени ким тинглаб, ким тушунади? Улар пасткашлик йўлини тутиб, Абдуллаевни ёмонотлиқ қилишга бел боғлашган экан, барча зарбаларини кўтаришга тайёру, ҳали уларнинг белини букишга қурби этади.

- Дадаси, - аёли домланинг бармоқларини силаб аста мурожаат этди, - бироз мизриб олинг. Ҳаммаси яхши бўлади. Ишонинг менга, ганимларингиз ниятига етолмайди, эртага уларнинг айтгани эмас, Оллоҳнинг буюргани бўлади.

Абдуллаев меҳрибон аёл овозини гўё жуда олисдан эшитаётгандек эди. Уни - рафиқасини шундоқ ёнида, тиззаларини қучиб турган ҳолда кўраёттаги эса-да, негадир овозини олисдан эшилди. Унинг қулоқлари шангиллаб битаёттаги эди.

- Фотимахон, мен қаердаман, - у хотинининг қўлларини маҳкам сиқиб сўради, - айтинг, қаердаман?

- Дадаси, нималар деяпсиз, қўрқитманг мени.

Абдуллаев оромкурси суячигидан қаддини тик кўтариб, аёлига:

- Наҳотки, ўз ҳаракатим, интилишларим ўзимга душман тугса? - деди - Ё қисмат деганлари шумикан-а, Фотимахон? Мен бундай бўлишини кутмагандим.

- Бундай саволлар билан қийнаманг мени. Мени билганим - Сиз яхши одамсиз. Рақибларингиздан фарқингиз шу! Яна, яна Сиз Пўлатжоннинг, Раънохоннинг, паҳдаюн Рустамнинг отасисиз. Бошқасини билмайман, билишини истамайман! - аёл турасолиб эрининг бошини бағрига босди.

- Ҳамма сиздек ўйламайди-да, Фотимахон, - Абдуллаевнинг чеҳрасида билинар-билинмас табассум югурди. - Майли, бугунча етар, сиз ёнимда бўлсангиз, эртасию индинини ҳам кўрамиз. Чироқни ўчиrint...

* * *

Үйқусида ҳам кимлар биландир баҳслашиб, кимларгadir топшириқлар берди, хуллас, ҳаловати бузилиб эрта турди. Муздек сувда ювинар экан, академик Иброҳим Мўминов билан учрашишга мойиллик сезди. Илгарироқ ҳам шунга ўхшаш ҳол юз берган, аммо, бугун... Бугун айни шу фурсатда нечун уни истаб қолди?

Ҳар қандай қувончу нохушликни ишлаб қаршилаб, ишлаб хуморидан чиқиш Абдуллаевга одат, унинг ўй-хаёллари, режалари, маъно тўла кўзлари-да, доим иш билан банд бўларди. Назарида, тун бесамар ўтди. Рақибликдан аллақачон душманга айланган гала ишлашга қўймади, чалғитди. Одатий итичалик тартиби уни ҳарлаҳза, ҳар дақиқани фаннинг залворли муаммолари томон оқизишига ундарди. Сўнгги йилларда кечаётган баҳсу мунозара, тортишув ва чақуввлар, игвою бўхтонлар, очиқ-ошқора ҳужумлар - бари вақт қиёфасига кириб гўё Абдуллаевни режали бошқариб, шошилтириар, улгурмаган ишлар ҳакида бош қотиришга ундар эди. Турли соҳаларнинг амалий ҳам назарий жиҳатларини вақтида англаш, зарур чорда хулосалар чиқариш, ечимларини топиш устуворлиги энг масъулиятли - 1941-48 йиллар раҳбарлиги самараси эди. Республика тарихида оғир давр сифатида кирган бу йилларнинг энг олий мукофоти инсон иродасини, чидамини синаш бўлди... У яхши

аңглардикى, фанда ягона соҗанинг ривожи билан күзлагаң маррага эришиш мушкул. У интилган марра эса жуда олис, аммо, учқур отда чавандоздек манзилга етиш орзусида яшар, тез фурсатда тафаккур лашкарини үйғотиб, унинг шаҳдам қадамларини миллат тараққийсида күришдан умидвор эди.

Үшдан то дунёниң узоқ гүшаларигача етган қадами уни ўзлик-дек улкан кашфиёт сари бошлади. У ўзликни кашф этди. Ўзи ва ўзгаларниң кимлигини таниди. Ортида улкан тарих, ўзбек руҳи. Ўзбек илдизлари кўриниб турар, у ҳеч қачон ана шу суюнчиқни йўқотишни истамасди.

Ҳа, ортида чиндан-да, улкан тарих, ўзбек илдизлари.. Буни теран англаганинг сари қалбинг гууррга тўлади, ҳар қандай қўрқув, муроса тарк этиб, руҳинг қарамликка қарши исён бошлайди. Иброҳим Мўминов - томирларида миллат қони оққан ҳар бир фуқарони үйғотувчи тафаккур қўмондони! Абдуллаев Иброҳим Мўминовга писбатан қўллаган таърифини, вақти-вақти билан такрорлашни хуш кўрар, такрорлаганда ҳам баланд овозда:

- Тафаккур қўмондони! - деда гўурланиб айтарди.

Иброҳим домла бу рутбага лойиқ уч бурчакнинг (Ҳабиб Абдуллаев, Ойбек, Иброҳим Мўминов) бири эди. У иккала дўстнинг ҳурматига, ишончига сазовор, событ, камтар, шу билан бирга ичдан қатъиятли, ориятли киши эди. Унинг тароватидан донишлик, фалсафа ёғилиб турар, ҳалқ маънавиятининг тирик тимсоли сифатида жим, сокин, оғиркарвон қиёфада улкан, пўртанали ишлар билан машгул эди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-фалсафий фикри тарихидек масъул мавзуни тадқиқ этаолган олимдангина фидойилик кутиш мумкин. Бизда ёзишмас, ўйлаш тақиқланган мавзулар озмунчами? Даҳшатлиси, ёшлар тарихимизни унутмасин.. Агар, инсон оёқларидан ажраса, қаддини тик тутолмаганидек, қўлсиз, бошсиз-да, қийин. Булар бари биргаликда тугал. Демакки, бизнинг тарихимиз - бу, биз!

Қачонки тарих ҳақида ўйласа, Ойбек ёдига тушар, шунда Абдуллаев ҳамкасбларини бир-бир кўз олдига келтириб:

- Бошқалар ҳам Ойбекдек, унинг «Навоий»идек асар ёэса эди, - деда орзу қиласарди. - Ҳар ким илмда биттадан шундай ишни қойиллатса эди...

Бугун Иброҳим домла билан учрашгач, унга шу ҳақида айтади. Ёш адилларнинг домла билан алоқаси, ёнига маслаҳат сўраб келишлари, тарихий далилларга суюниб асарлар ёзишга чорланишгани кўп улуғ, қутлашга лойиқ тадбир. Ҳа, адилларимизнинг суюнишга лойиқ тоглари - Иброҳим Мўминов бор.

Ойбек ўз ишининг уддасидан чиқди. Энди наебат Амир Темурга етди. Иброҳим домла Темурга яқинлашша олади, ҳа, фақат ундан-

да жасорат кутиш мумкин...

Иброҳим Мўминовга қўнгироқ қилар экан, ишхонада, одатдан эртароқ - шу дамда, ҳозироқ кўришишга келишишди. Аёлининг ҳай-ҳайлаб, чой ичмайсизми, детанига жавобан:

- Қирқ беш йил чой ичдим, шунча йил овқатландим, мана, кўриб турганингиздек, камика ҳамон ўша-ўшаман, - дея ҳазиллашди.

- Товба, шундай топда кўнглингизга ҳазил сиғади-я, домла?

- Фотимахон, Иброҳим домла жиддий одам, ахир уни ўзим йўқладим-ку, кечиксам, одобдан бўлмас. Афсуски, унингдек олимларимиз саноқли... Қани, энди менга оқ йўл тиланг, насиб этса, бугун биз ёнгамиш...

Хизмат машинасини кутмаёқ йўлга чиқди.

* * *

Минг тўққиз юз эллик олтинчи йилнинг кузида Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти, Иброҳим Мўминов вице-президент этиб сайланган эдилар. Иброҳим домла Фанлар академиясининг гуманитар фанлари бўлнимининг раиси ва зифасида фалсафа, тарих бўйича ўз қарашлари, қашфиётлари билан ном қозонган етук олим эди. Илмда, дунёқарашда, миллат руҳини, тарихини англашда икки аллома - Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов бир ўзандан оқаётган дарё эдилар.

Илмда, раҳбарликда ҳар икки олим ўз ўрнига эга эди. Иброҳим домла зоҳиран мулоҳим, оғир-босиқ мулоҳазали кўринса-да ичидаги қалбида пўртанаалар жўш урар, у ана шу ғалаёнларни зўр иродада, ақл кучи или мақсад томон йўналтира олар эди. Сокин қарашларида куч-қудрат, маъно тўла кўзларида Шарқона донишмандлик уфуриб турарди. Кейинчалик, Абдуллаев унинг исму шарифига алоҳида эътибор берди. Иброҳим Мўмин ўғли. Ота-она тилагида яширинган умид, бугун чиндан-да улгайди, миллат қисматида ўз улуши или яшаб, из қолдирди. Шундай шахслар борки, улар оғизда эмас, амалда - илмда, тафаккуру маънавиятда ўз халқини чинакам эркинлик томон қаричма-қарич етаклайди. Иброҳим домла шу тоифага мансуб жасорат талаб шахс эди. Уни англаш учун йиллар керак, у зътиқодига содиқ, номи миллат руҳига сингган аллома.

Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев Иброҳим Мўминов шахсини юқори баҳолашга, тушунишга қодир шахс эди. Эллигинчи-олтмишинчи йиллар ўзбек зиёлиларининг бошида Ҳабиб Абдуллаевнинг туриши уларни жасоратли қадамлар ташлашга унадди. Зиёли аҳлининг аҳиллигидан кўра бир-бирини ташлаш, обрўсизлантиришга рағбатлантирган мафкура қиличи Абдуллаевнинг боши узра доим яланг турарди. Жилови бирорвонинг

күлида туриб от сураётган Ҳабиб Абдуллаев имкон қадар узоқ-роққа манзилни күзлар, бу йўлда учрайдиган ҳар қандай майдалик - гина-қудрат, иғво, шикоятлар, назарида, омонат чиранишлар шаклида кўринарди.

Аслида шундаймиди?

Улуг ният йўлида ҳар фурсат, ҳар ондан, вақт отлиғ ҳарақатдан фойдаланмаслик гуноҳ эканлигини тушунишларини истарди. Афсуски, буюк ният муждаларини ҳамма ҳам кўравермас, англамас эди. Ному нишонда, қиёфада, мансабда юртдошлик даъвоси билан юрганларнинг аксарияти сотқинлик нонини татиб ултуришган, вақт пойлаб, янада каттароқ луқмалар илинжидаги оғизларини очиб туришарди.

Улар ким, номи нима эди уларнинг?

Улар Абдуллаевга, умумай, ўз овози, иқтидорига эга юртдошилларга қарши ҳар қандай тубан хизматга шай «Лаббайчи» лар эди. Лаббайчи! Абдуллаев уларга шундай ном берди. Кейинчалик «Лаббайчи»ларнинг қиёфасию қиёфасизлиги, инсон зотига ёт жамики тубанликлари - асли кейинги авлодларга-да ошкора бўлди. Улар ҳар ерда ҳозир, уларни излаш шартмас, улар «хизмат»ларини жуда арzonга пуллашарди. Авлоду аждодлар руҳи, тарихи, маданияти - ўзликка хиёнат улашишда шубҳасиз, улар биринчи эдилар.

Шундай кунларнинг бирида Иброҳим Мўминов ҳақида шикоятлар ёғилди. Шикоятчилар домлага гуруҳ бўлиб ташланишди. Улар «Лаббайчи»лардан бирини Абдуллаевнинг ҳузурига жўнатиб, шартлар қўйипди...

Домлани аниқ нишонга олишган эди: «Иброҳим Мўминов ўтмишни улуглаяпти...»

Кимки, халқимизнинг маданий-маънавий меросини ўрганишга бел боғласа, у аввало, Москвадаги раҳбарларга, ҳукмрон сиёсатта қарши бош кўтарган «антисовет» сифатида айбланади. Худо кўсатмасин, бу тахлит айблонга қўл, оғинг эмас, этак-баринг илинса - тамом... ҳалолкат. Ҳолбуки, Абдуллаевнинг ўзи, Иброҳим Мўминов, Ойбек ва яна талай сафдошлар бунингдек айблар қуршовида. Худди ким ўзарга пойти бошлашгандек, чақув, хиёнату шикоят тинмайди...

Хат сабабми ёки ўзининг атрофида муттасил кечаетган баҳсу мунозаралар, иғволарми, ишқилиб, Ҳабиб Абдуллаев ўшанда чуқур ўйга толди: бу қандай гап? Буни қандай тушуниш мумкин? Ҳалқимизнинг тушунгандар, саводли, илгор қатлами бўлмиш зиёлилар бир-бирига душман, бири-бирини кўролмайди.

Бизга нима бўляпти ўзи? Наҳотки, қарғиш теккан эл сифатида бутун Иттилоққа шарманда бўлсан? Зиёлиман, дегани борки, гуруҳ- гуруҳга бўлинниб, бир-бирини ейди. Ёзуви ёзуви чиси билан,

тариҳчи тариҳчиси билан ит-мушук! Ахир, билмайдиларми, майдонда ёлгиз от билан улоқ чопиш мумкинмас, ёлгиз от майдонда күрингийди. Майдон биргаликда қудратли, халқ биргаликда бутун!

Биродарларимиз шу оддий ҳақиқатни билиб билмаганга оладиларми ёким, чиндан ҳам билмайдиларми? Нечун биз бу қадар осон йўлга оғдик. Ахир биз катта миллатмиз-ку?!

Ҳа, бир пайтлар катта миллат эдик... Миллат сон билан ўлчанмас экан-да. Ўтган қисқа фурсат бизни кунма-кун қайчилади. Қайчиланиб-қайчиланиб шу ҳолга тушдик. Чидаш мумкин эмас, қараб туриш мумкин эмас.

Ўзлуксиз давом этаётган хиёнатнинг олдини ким тўсади? Томирларимизда ин қўйган сотқинлик боис не-не кишиларимиздан ажрамадик, ахир, улар бизнинг фахримиз эмасмидилар?

Абдуллаев расмийтдан йироқ, эркин раҳбар эди. Ўзини ҳақ ҳисоблаганида унга унча-бунча тўсиқ бас келолмасди. Юртнинг - Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан келган ҳар Йигит-қиз унга қариндош, ватандош бўла олар, Абдуллаев уларнинг ҳар бири билан фахрланар, қувонар, имконидан ортиқ даражада ёрдамлашар эди. У келажакни ёшларсиз илмисиз, аниқ фанлар ривожисиз тасавур этолмас, аниқ-раншанки, буларсиз халқнинг ҳаётини яхшилаш мумкинмас, иқтисодий юксалтан халқ кўп нарсаларга қодир...

Илмий сафарлар ила барча республикаларда бўлганида юмушларидан ортиб, қадами теккан юртнинг маданияти, халқининг турмуши билан танишишга уринар эди. Амалда, барча республикалар тенг саналса-да, баъзи республикалардаги ижтимоий ҳаёт, тарихга муносабат ва миллийлик борасида фарқ кўзга ташланиб турарди. Айниқса, Болтиқбўйи ва Кавказ минтақаларининг қатъиyllиги, бир-бирини қўллаши, хиёнату қўрқоқликдан, мутеликдан йироқлиги Абдуллаевга қаттиқ таъсир эттан, ўртадаги тафовут ўйлашга арзигулик оғриқ эди. Ҳамиша дардга давони ўзидан, атрофидагилардан излар, Оллоҳ ақлу ҳушдан, куч-қувватдан айирмаган экан, чораси бор, дея умидланар, ишлар, бир зум бўлсин режаларидан чекинмасди.

- Каттами, кичикми раҳбарга кўп нарса боғлиқ, раҳбар лашкарбоши сингари жамоани олга силжитиши, тарбиячи каби тарбиялай олиши мумкин, - Абдуллаев халқ тақдирида ҳал қилувчи шижоатни, тубдан ўзгариш, улгайини сабабларини илмли, ватанпарвар раҳбарлар тимсолида кўришини орзу қиласарди. Кўпинча нашуд, курсию нафсидан ўзгани ўйламайдиган амалдорлар ҳафсаласини пир қилтанида:

- Бизнинг тўралар-чи, улар нечун буни тушунмайдилар?, - дея қон ютарди. - Миллат номидан карвонбошилик қилаётган кимсалар, нечун миллат тақдирига бунчалар бефарқ? Улар ўзбек-

сиз, халқимизнинг ўтмишисиз ҳеч ким эмаслар! Наҳотки, улар мувакқат давроннинг қулига айланганлар? Минг афсус... Инсон эртами-кечми, барибир ўлади. Шундай экан, мардларча яшашига нима етсин?! Халқи, миллати учун савобга интилганни Оллоҳ ҳам қўллайди. Атрофимда икки-учта содиқ дўстлар бор экан, ишласа бўлади...

Ҳабиб Абдуллаев шу кун - Иброҳим Мўминов устидан шикоят олган кун академия тарихида учрамаган ажабтовур синов бошлиди. Синовни сирлигича қолишини истаган зди.

У шикоятни ўқиши давомида кўп мулоҳазаларга борди. Бир хат баҳона хаёлан Иттифоқнинг турлги республикаларди: Латвия, Литва, Грузия, Арманистон, Озарбайжон... каби гўшаларини кеҳди. Ва шундай хулосага келдики, агар уларда Иброҳим Мўминовдек иммий салоҳиятга эга - олим пайдо бўлса, ёмонотлиқ эмас, аксинча, унга келган балога ўзларини уришарди. Ҳа, ҳақ талаб қилгандан, кун талаб қилгандан бало-қазо ҳам чекинади. Бирлашган бармоқлардек ягона мушт улар! Агар бунга ақл, сабру бардош ёрдамга келса... бундай миллат узоққа боради...

У ҳақ сўзини айтдию беихтиёр сукутга толди.

- Қизиқ, бу сўзда Оллоҳнинг номи яширин, - дея ўйларди у. - Бирорнинг ҳақини есанг, тешшиб чиқади, деб беҳуда айтишмаган-да. Ҳақ талаб. Хун талаб. Хун - жон, дегани. Уч ҳарфдан иборат бу икки сўзда ҳикмат мужассам. Ҳақиқат икки карра икки тўртдек оддий сўзлар ичра жойланниб, ўзидан нур, маъно таратиб турса-да, ақли қусур баёдаси буни ҳадеганда кўрмайди, англайвермайди. Тилшунослар нуқта-вергул устида талашиб-тортишгандан кўра сўз маънолари устида ишламайдиларми? Ҳар бир сўз синоати очилтанида дунё кашф этилганидек, тафаккурда инқилоб бўлмасмиди?

Абдуллаев шуурида республикаларнинг айри томонлари, миллатларнинг феъли, иродаси каби фарқли жиҳатлар қўзгаган маънолар кўпиргандан кўпирар, кўзи тушган ҳар бир хас - дов-дараҳт, йўл, одам, тош фалсафага бурканиб кўринарди гўё. У шу топда қудратли, одил, самимий, кечиримли қалбига дунё жойланган, илоҳий фурсат тафтида исинаётган Оллоҳнинг чин бандаси - ҳақ талаб инсонга айланган эди. Айни шу лаҳзалар насиб этган инсон фикран юксалади, жисмонан покланади. Абдуллаев маъно тўла сўзлар таъсирида дунё мушкулолтларини бир пасда ҳал этгандек хотиржам, босиқ фикрларди:

- Оллоҳ инсонни онт билан сийлаб, ўйлашга арзигулик дунё яратган. Инсонни ягона вазифаси ўйлаб, ҳаққа талпиниб, ҳақни деб яшаш. Қолтая барча ҳаракат ҳақни англаш ва топиш йўлидаги уринишлардир. Шундай экан, қусурли бандаларидан ҳуда-беҳуда хафа бўлавермаслик керак. Синов учун сочилганлар қисқа умр давомида не рангларга бўйнамайди, дейсиз. Уларни ҳар гал пинҳона ҳара-

катлари ошкор этади. Ўзингдек биродаринг устидан (агар у ҳақ бўлса) шикоят ёзиш, яхшини ёмонга йўйиш ожизлик юқсан бечораларнинг, bemorlarning иши. Улар ўзларини баҳолаёлмайди, улар кимликларини билишмайди, уларнинг кўзи берк, кўрмайди...

Иброҳим Мўминов мисолида тақдирнинг буюк яқинлашуви - ўҳшашликни ҳис этди. Қудратли инсонлар ҳаракатида, фикр - ўйида ўҳшашлик кечади. Шулар ҳақида ўйлар экан, айни шу бугун домлани йўқлагани тасодифий эмаслигини англади:

- Ёсинлар, ёзаверсинлар, улар ўз ишини, бизлар-да, ўз ишимизни бажарамиз...

Шикоятчиларнинг зид талаблари, оқни қора дейишлари уни фикрлар тўфонига ташлаган эди. У баъзан чалғиб, қўлида титраб турган мактубга кўз югуртириб тўрт-беш қатор ўқиган бўлар-ди: «..Биз тубанда имзо чекувчиilar сиз, муҳтарам президентга шуни маълум қиласизки, Иброҳим Мўминов марксча-ленинча назариядан чекиниб, ўтмишини улуглаш йўлидан бормоқда. У Бедилдек мусулмончиликни тарғиб қилган шоир ижодини кўкларга кўтариб. Совет ёшларининг тарбиясига путур етказди ва етказмоқда... фикримиз исботи учун биз таклиф этган обрўли олимлардан иборат комиссия тузилса... И. Мўминовнинг тепада ҳимоячилари бор, шундай бўлса-да, биз холисликка содиқ қолиб. Москвага ва сизга ёздик, ишончимиз комилки, И.Мўминов масаласида биз билан ҳам-фикрсиз, яъни Улур давлатимиз таянчи бўлмиш Коммунистик партия томонидасиз...»

Хатдан бош кўтарганида қаршисида ўтирган «Лаббайчи»ларнинг вакилига кўзи тушган, унга дуруустроқ разм солиб: «Туппатузук одамга ўхшайди-я, ё мен адашдимми, башараси одамми?» деб ажабланган эди.

- Мен сизни танимас эканман, - Абдуллаевнинг бутун қаҳри, хатга ва «Лаббайчи»га муносабати шу сўзларда жойланган эса-да, лекин шикоятчи буни сезмади, «танимас эканман» деган киноядан ўнгайсизланиб:

- Ҳазиллашайпсизми домла, ахир сиз билан бирга ишлайман-ку? - деди.

- Үнда, сиз ҳам мени билмас экансиз-да! - Абдуллаев ҳамон гап оҳангини ўзgartирмай, жиддий сўзларди. - Ҳа, айтгандай, мавзуйингиз нима эди? Чамамда, сиз докторлик билан бандсиз?

- Ҳа, - ҳа, шундай домла, Совет даври маросимларини ишлайман. Мўминов тикирлик қиляпти, саёз дейди, нимаси саёз...

- О, оламшумул мавзу-ку, бу! Эпласангиз, чинакам кашфиёт!

«Лаббайчи» бир нима деб гўлдираган бўлди, лекин Абдуллаев уни эшитмади.

«Одамни одамдан фарқлаш қийин-да. Йўқса, мана бу нусханинг кийими, кўринишига қараб, нақ фаришта, зиёлининг зиёлиси дейсан... ё ажаб? Бир парчагина юрак, кичик бир жуссада бу қадар гирромлик, жоҳиллик, юзсизлик қандай сиди экан? Бундай юк остида унча-бунча жонивор дош беролмайди-ку, бунинг бемалол, оғринмай туришини қаранг...»

Абдуллаев «Лаббайчи»га ён босган бўлиб:

- Тўгри пайқабсиз, ўргатувчингиз доно экан, албатта, мен сизлар томонда, - деди уни хотиржам қилиш мақсадида.

- Ҳаддан ошганни жиловлаш партиянинг, Сизнинг, ҳамманинг иши, - деди «Лаббайчи» руҳланиб. - Мўминов ўтмишини унугтан шекилли, совет замонида олим бўлди у, мансабга минди. Яримта иони бутун бўлди. Бугун сёққа туриб, ўзини ўнглаб олганида ўтмиш кўзига ёп-ёруг, Совет даври қоп-қора кўринади! Йўқ, Мўминовнинг эсини киритиб қўйиш керак. У кимлигини билсий...

- Хатда шулар ёзилганми?

- Албатта-да, домла, ўқинг, ҳаммаси..

- Тўхтанг, - Абдуллаев қўлини кўтарди. - Ҳамма бало шундаки, Иброҳим Мўминов кимлигини билади-да! Менга қолсаку уни барча илмий даража, унвонлардан маҳрум қилиб, қўл-оғенини боғлаб, сизларга топширган бўлардим, лекин...

- Ҳимоячилари бақувват, демоқчисиз-да, ҳа, домла? - сабри чидамай тапни бўлди «Лаббайчи». - Дадиллик керак, биз кўпчиликмиз, партия олдида унинг ҳимоячилари бир пул, чақа!

«Ҳа, номард, «Биз кўпчиликмиз» дейди-я! Қани эди, биз кўпчилик бўлсак, бу менинг бирдан-бир орзўйим-ку! Бир-биrimизни тушунишга келтанди, биз янада ёлғиз, озчиликмиз....». Абдуллаев тоқатсизланиб ўрнидан турди. Қўлларини мушт қилиб кабинетда нарибери юра бошлади: «Шумликка, тужматта етган қадаминг, наҳот бир диёнатли биродаринг ҳимоясига етмаса? Булардан қутилиш мушкул! Буларни мушт билан, ҳақорат билан енгиш мумкинмас! Буларнинг жазоси ўзи билан. Буларнинг қисматида бизнинг заволимиз ёзилган, умримиз заволи ёзилган! Булар ижрочи, булар лой, ҳеч қаҷон қуrimайдиган балчиқ, булар гишт бўлолмайди, пойdevor бўлолмайди, булардан иморат чиқмайди!»

Абдуллаев оғир хўрсиниб, жойига ўтириди. Қаршисидаги кимсага тикилиб:

- Биргина шикоят камлик қиласиди, дейман-да, боя тўгри айтдингиз. Мўминовнинг илдизлари бақувват, - деди у ўйланиб гўё жумбокни ечмоқидек.

- Камлик қиласиди? Ўнта, юзтасини ёзайликми? Шунда Мўминовни қулатиш мумкиндир?

- Баракалла, гайрат қилинг, биргалашамиз. Аммо, бир гапни олдиндан айтай, ўрнига муносиб номзод топилармикан? Ҳар ҳолда сиз...

- Йүге, домла, мен... лекин, муносиб кишиларимиз йўқ эмас, бор...

- Биламан...

Орага сукут қадалди.

«Лаббайчи» вазиятдан фойдаланиш ниятида эди. Назарида, Абдуллаев унга имкон берди, умидлантирди, нималаргadir шама қилди, хуллас, у шериклари ёнига ғалаба билан боришга ошиқаётган эди.

«Лаббайчи»ни содда дейишга-да, доно дейишга-да, тил бор-мас, гап-сўз, шакл-шамоилда одамдек, фаросату диёнатда қиёфа-сиз бир шарпа эди у.

У ўзигача, ўз даври ва ўзидан кейин пайдо бўладиган, тарқай-диган қиёфадошларининг йигма вакили, мужассам нусхаси эди. У бўш келишни сира истамас, сиёсий ҳушёрлик бобида ҳар соҳадан хабардорлигини ошкор этгиси келарди.

- Домла, - дея мурожаат этди у, - агар, эсласангиз, Ойбекнинг шундай сатри бор эди: «Хонақодан чиқиб фикр фанларни минди...» Ўшанда шоир қаттиқ адашган. У айтмоқчи эдикি, фикр - илм даставвал хонақода пайдо бўлди. Қарант, совет фанига туҳмат қилигани, марксизм-ленинизмни инкор этгани учун таъзирини еди. Ёзувчилар уюшмасида уни қаттиқ дўйпослашган...

- Шунақа денг, Ойбек ҳам унсур экан-да, а? - Абдуллаевга «Лаббайчи»нинг янги «қирра»лари очилиб борарди. - Э, ошна, ёзувчиларга-да, қойил қолмадим, ўшанда жазо юмшоқ бўлган, бира-тўла йўқотиб юбориш керак эди Ойбекни. Шунда у «Навоий» романини ёзолмасди...

«Лаббайчи» жим бўлиб қолди ва:

- Ҳали ҳам кечмас... - деди шивирлаб.

Абдуллаев ўрнидан сокин қўзгалди ва шу қўйи «Лаббайчи»нинг ёнига келди:

- Да-а, - деди чўзиб. - Яшант, керакли кишини энди топдим. Сиз шу пайтгача қаерда эдингиз, ошна? Сиз талантсиз-ку, сиз ҳатто ўтган йилларни қайтаришга қодиру нодир типсиз, нақ аждаҳо! - Абдуллаев алам билан кулди.

Дастлаб, шунчаки - одатдаги шикоятчиларнинг бири бўлиб кўринган «Лаббайчи» чиндан-да, қўрқулик эди. Назарида, у тегирмон тошидек айланиб, олдидан чиқсан ҳар касни - Ойбекни, Иброҳим Мўминовни... ва сўнгигида ўзи - Ҳабиб Абдуллаевни босиб, янчиб янги қурбонлар кутаётган маҳлуқ эди.

Ү котибани чақириб, сув буюрди. Шу лаҳзада бутун танасига олов юрганди. Стаканда вижжиллаб турган муздек маъданли сувни ичар экан, гүё қайноқ сув ютгандек, сув-да, унинг тафтини босолмади.

Бу орада «Лаббайчи» томоқ қириб, унинг дикқатини ўзига қаратди.

Абдуллаев бехос эсган довул таъсирида бўлса-да, уни охирига-ча тинглашга аҳд қилди:

- Хўш, нимада тўхтагандик?

«Лаббайчи» бир қимирлаб олди-да, паст овозда:

- Ойбек... «Навоий», - деди.

Абдуллаев жойига ўтирас экан:

- Боя «ҳали ҳам кечмас» дегандек гап қилдингиз, - деди. - Ёзувчи-шоирлар билан алоқангиз қандай, улардан бир иш чиқармишкан? Қолаверса, олдимиизда ўзимизникилар турибди. Мўминовдан қутулсак, навбат..., - у «менга...» - демоқчи бўлдию ўзини тийди. Ҳамон шу масалада бош қотираётгандек, «Лаббайчи»га ўйчан тикилиб қолди.

- Домла, - деди «Лаббайчи» - Сиз ёзувчиларни билмайсиз шекилли? Бир иш чиқармишкан, дейсиз-а? Уларга тенг келадигани йўқ. Улар биздек хатбозлик қилишмайди. Синаганман. Бос, десангиз, бас! Шунчаки ташланмайди, улар, ейди, нақ кекирдагини узиб олади. Биз-ку, ўнлаб хат билан зўрга бир зааркунандани ийиқитамиз. Ёзувчи ёзувчи-да, тарихдан дейсизми, бугундан дейсизми, нечта мисол керак бўлса, шунча айтаман... Масалан, Чўлпои, Фитрат, Қодирий... Буларни қулатган ким? Майли, булар каттапари, узоққа бормайлик, мана, ёнингизда юрган Ойбек, ахир, яқинда тилга кирди-ку! Кетишига қилча қолдия! Э, домла, шуларни эсласам, ёзувчимаслигимга ачинаман. ...О, улар нафақат одамни, филни қулатади-я!

- Хайрият, - дея бош чайқади Абдуллаев. - Унда биз, сизсиз гирт етим бўлиб қолардик-ку! Феълингизни бузманг, ўзимизга кераксиз. Ишонтирдингиз. Энди рухсат сизга, имзони кўпайтириб, устозларни ишонтириб ҳузуримга шошилинг. Фақат тилга эҳтиёт бўлинг, уқдингизми?

«Лаббайчи» ўрнидан туриб эгилди, қуллуқ қилиб хонани тарк этаёттанида, Абдуллаев:

* 1951 йил 16 апрелда Ойбек сўзлаш қобилиятини йўқотди. Унинг лавозимига итилга, талантига баҳиллик қилган ёзувчилар кам эмасди. Улар Ойбекни қораловчи 22 саҳифада иборат хат ёзиштаги. Улар кимлар эди? Адивинг рафиқаси Зарифа Сайдисирова 1994 йили «Шарқ» нашриётида напр этилтан «Ойбеким менинг» номли хотиралар китобида тұхмат, иғводан иборат шикоятни кимлар ёзib, имзолаганини номма-ном санайды.

- Түхтант! - дея уни олиб қолди. - Бир масалада ойдинлик киритайлик, бизда, олимларда, бир киши неча кишига бас келаोлади, демоқчиманки, қулатади? Ҳозиргина бу борада ёзувчилардан далил келтирдингиз.

«Лаббайчи» пешонасими тириштириб ўйлади, сўнг бош силкиб жавоб берди:

- Узр, шуни билмасканман. Аммо, билинига аразийдиган гап бу. Ўрганаман, сўз бераман сизга!

- Йўқ, қойил қолмадим сизга, ўртоқ Шубҳаларим тўғрига ўҳшайди, бунақада ёзувчиларга етолмаймиз, боринг гайрат қилинг.

* * *

Баъзан икир-чикирлар, майдаликлар азобидан узоқларга қочгинг келади-ю, лекин қаёқда қочасан? Ушбу кун Абдуллаевга азоб етаклаб келди, ушбу кун у ўйламаган сир-синоатни очди. Иносон тубанлигининг қиёси йўқлигидан ҳайратга тушди. Қўл ишга, оғиз сўзга бормайдиган бундай лаҳзаларда нима қилмоқ керак? Ўйлай-ўйлай, ажабтовур синовга журъат этди.

Номзодлик дипломини олган-олмаган йигирмага яқин ёш ва ёши улуг олимларни алоҳида-алоҳида қабул қилиб, бир-бирининг устидан шикоят ёзишга даъват этди. Гўё улар шундай қилишса. мушкули осон кўчади, муаммолари тез ҳал бўлади, бекилган имконлар эшиги ланг очилади, дея уқтириди. Аммо бу иш, ўта маҳфий, сир тутилиши, мулоқот фақат президент билан ўтиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шикоятлар фақат Абдуллаевнинг номига ёзилиши шарт. Муддат бир ҳафта...

* * *

Шунда қизиқ ҳол юз берди. Президент Абдуллаевнинг хонаси ажаб сирлар, тунд чеҳраларнинг очилишига, «қуллуқ», «раҳмат», каби миннатдорчилликларнинг гувоҳи бўлди. Хона саҳна вазифасини ўтади-ю, у бир ҳакам каби хатбозлар «ролини» – кўрикдан ўтказди, томоша қилди... Қиёфалар, ҳаракатлар, бироннинг заволига олдиндан қувонишлар...

Фақат тўрт-бешта ёшлар-у, икки-учта кекса олимларгина таклифини рад этди...

Ҳозир шу ҳақида эслар экан, охири нима билан тугаши номаълум синов, назарида муздек шикоятлар елини олиб келаётгандек эди. Кун сайин юрагини зирқиратувчи, оромини ўғирлаётган воқеалар...

Бухоронинг олис туманларидан бири - Шофириконда туғилиб ўсган Иброҳим Мўминовнинг таржими ҳоли Абдуллаевга яхши таниш эди. У оғир дамларда - минг тўққиз юз қирқ биринчи йили номзодлик, эллигинчىй йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилганди. Ҳамон ёдидат: минг тўққиз юз қирқ учунчи йил Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилди. Ўшанда ҳар иккиси - Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев академиянинг муҳбир аъзоси этиб сайдланган эди...

У Ўзбекистонда ўз соҳасининг йирик олими, биринчи фан доктори. Республикада фалсафа илмининг ривожи унинг номи билан боғлиқ. «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» монографияси, «XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-фалсафий фикри тарихидан» каби докторлик ишининг ўзиёқ Иброҳим Мўминовнинг миллат фахрига айлантирди. Унинг тадқиқотлари тарихий ҳақиқатга содиқлиги, теран фалсафий холосалари билан ажralиб туради. У олди-қочди, муросага яқин, замонасоз «илм»-дан узоқ - ватанинг ижтимоий-фалсафий фикрини ўрганди.

«...XIX асрнинг етмишинчи-тўқсонинчи йиллари давомида рус чоризми Ўрта Осиёни забт этди ва унда мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати Бухоро амирлиги ва Хива ҳонлигини номигагина сақлаб қолиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди...» - Ҳа, бундай аниқ, кескин фикрни биринчи бўлиб Иброҳим домлагина ёзиб, илмий асосслаган эди. Туркистоннинг Россияга қўшиб олингандиги ҳақидаги ёлғонлар китобдан китобга кўчиб, ҳалқа тарихий ҳақиқат, ижтимоий фикр сифатида тақдим этилаётган бир дамда унинг холосаси исёён эди. Ўз ҳалқига содиқ олим - бу улкан инсонни енгиз мушкул! Ҳайриятки, Иброҳим домладек олимлар бор. Унга ишониш, суюниш лозим. Унга юракнинг туб-тубида чўкиб ётган армонлар ҳақида айтса бўлади, унга ишониш мумкин...

Абдуллаев шу таҳлит ўйларга кўмилиб академия томон ошиш қар экан, наҳотки ҳамкаслар ҳамиша событ, ғолиб шахслар тақдидири билан ўйнашадилар, уларга озор етказиб роҳатланадилар, дея изтироб чекарди.

- Бугун мен ҳақимда тарқайдиган ёлғон уларга тавқи лаънат бўлиб тегиши, номлари эл-юрт олдида қора бўлишдан қўрқмайдиларми? Ахир биз олимлармиз-ку?! Наҳот, оқни қора дейиш, шунчалик осон бўлса? Улуғ аждодлар вориси саналган биз, ўзбеклар, наҳотки, шунчалик паст кетсан? Наҳотки, қарамлик барча фазилатларимиз юзига лой чапласа? Ахир, оқаётган сувнинг олди боғланса, тошиб кетади-ку? Биз нега тошмаймиз, орқага оқамиз ...

Абдуллаевни қийнаган саволлар кундалик ҳаёти, шахси билан боғланса-да, аслида, бутун миллатта дахлдор эди. У шу тахлит саволу сүроқлар құршовида қолиб, тақдир уни ўзгалартга бош бўлиш -етакчилик қилишдек қобиляйт билан сийлаганини унугтан эди. Оллоҳ суйган бандасини шу тахлит мукофотлайди. Дунёда одам шаклида туғилиб, яшаб, кимлигини билмай ўтган, ўтаётганлар озми?

Бир пайтлар ёшгина Ҳабибнинг орзуси ўқиб, билимли йитит бўлиш эди. Ўқиди Танилди. Ер қариди сир-синоатини яшириб ётган турли маъданлар қопуниятини топди. Лекин, лекин... бугун атрофидагилар уни тушунишга, ишларини баҳолашга ожизлик қилишяпти. Улардан ягона умиди аҳиллик, ҳамият, мардлик, ҳалоллик эди. Афсуски, улар бу юкни кўтаришга ожиз... Нега ахир?...

У Иброҳим Мўминов ташрифини бугунгидек интиқ кутмаган эди. Ҳали-ҳануз эслайди: «Лаббайчи»лар ёзавериб тинкасини қуриган кезлар, кутилмаганда Иброҳим домла ҳузурига кириб келди. Ўшанда ҳам худди бугунгидек дилхун, руҳан толиққан, адолатдан паноҳ излаган дамлар эди.

Кабинетда ёлгиз ўйга чўмтганча ўтирар экан, ўрталарида бўлиб ўтган айри бир сухбат хотирига тушди:

- Ҳаммасидан хабарим бор, Сизни қийнаётгани, бу, Адолат, - дея айтган эди у. - Адолат эса Оллоҳники! Биз бандалари бу йўриққа қанча кўп амал қиласак, фақат ўзимизга яхшилик тилаган бўламиз.

Бу дунёда инсон инсоини енголмайди, чунки, унинг Яратувчиси бор... Ҳар банданинг гуноҳу савобини кўтаришга қодир ягона Оллоҳдир! Баъзан биз бандасини иложисалик қийнайди, аммо Сиз қайғурманг, яхши-ёмон ўтган, ўтаётган кунларимиз, барчаси тақдирдаги ёзувлардир. Истанг-истаманг, биз уни ўқишга мажбурмиз. Куюнманг, асло куюнманг, Ҳабибулло, булар бари синовдир, синов муборак...

Илоҳий тасаллимиди унинг сўзлари ё мантиқ тўла меҳрибонлик? Домланинг овози хаёлан эшитилди-ю, тагин ажабланади. Оддий киши бу янглиг мэррага етолмайди, бунингдек ростлик моҳиятини англамайди. У чиндан-да, фозил, дониш...

Абдуллаев ўз ўйларидан таъсирланиб, қаддини тик тутди. Кўзлари ёлқинланиб, чуқур нафас олди. Шу топда у ҳар қандай зарбаларга тайёр эди:

- Домла ҳақ экан, қайғуришта арзимайди булар! - деди баланд овозда. - У менга таскин-тасалли эмас, ҳақ гапни айттан. Синов муборак, Ҳабибулло, синов муборак!

Абдуллаев кабинетда ортиқ туролмади, ташқарига ошиқди. Иброҳим Мўминов эндиғина машинадан тушиб, ўзи томон келмоқда эди.

Қўришдилар.

Икки қисматдош бир-бирини сўзсиз англаш турарди. Абдуллаев йўл бошлади, курант томон пиёда кетдилар.

* * *

Қүшлар чугури ила чулғанған бөг. Иккى аллома бир дам сүкүт құршовида қолдилар. Хиёбон деярли кимсасиз, ўриндиқтар бўш эди. Якка-ярим хизматчилар эрталабки юмушларига шошилиб ўтиб қолар, ҳеч ким халал бермас, улар ўз хаёллари билан танҳо эдилар.

Абдуллаев юрагига яқин кишиси билан қолтанида тасодифий кимса англаёлмайдиган бўлак бир суҳбат оҳангини топар, шу дамда ўзбек адабиётини елкасида тоғ каби кўтариб, барча синов - туҳмат, иғволар жабрини яккаш тортаётган Ойбекнинг машқур иборадарини ёдга олмоқда эди. «Навоий» романни халқ орасида машқур бўлиб, ҳатто бутун бошли саҳифаларни ёд айтиб юриш урфга айланган эди. Романин ўқиган борки, тафтида исинар, тарихнинг улугвор қиёфаси бор бўй-басти билан намоён бўлар, ўтмиш фахр, зиддиятлари, бор гўзаллиги, илму урфони ила яқинлашиб, сеҳрлаб қўярди кишини. Айниқса, илм аҳлиниңг тасвири, мантиқ, фалсафа, рамзлар жозибали эди. Модомики, Иброҳим домладек алломани йўқлаган экан, «Лаббайчи»ларнинг доимий хуружидан, фельетондан ғап бошлиш ўринисиз, унинг тошига мос, таклиф, муҳим режалар ҳақида айтса, айни муддао бўлмасми?

Унинг жимтина тўриши-да, устувор, жуссасида ҳар қандай майдаликларни тўсишга, даф қилишга қодир аломатларни кўриш қийин эмас эди.

Ниҳоят, Абдуллаев айтажак залворли бошловни топди:

- Бутун Ҳирот шоирнинг ҳақиқати билан яшар эди! - Абдуллаев Ойбекнинг сўзларини фахрга тўлиб, гуурланиб тақрорлади. Ушбу, биргина гапнинг қалити очилса, мазмуни саҳифалардан тошиб, адолат кенгликлари томон оқарди. Навоий халққа жабр етказган, хўрлаган, мол-мulkини талаб, тинчлигини бузган бир тўёда амалдорларнинг подшоҳ Ҳусайн Бойқаро фармонига биноан жазоланишларини етказганидаги ҳолат эди бу.

Иброҳим Мўминов Абдуллаевнинг заковатига яна бир бор тан берди. У ҳамиша, ҳар доим ўз феълига содик қолар, суҳбатдошига етказиши лозим бўлган мақсадни аниқ, лўнда қилиб айтар, ортиқ-чаликка изн бермас эди. Табиийки, у суҳбатдошидан табига мос жавоб эшилса, хурсанд бўларди.

- Масала адолат ва ҳақиқат масаласидир, - дея жавоб берди Иброҳим домла Навоий тилидан. - Ҳақ сўзни айтган оғизларни тош билан қонатмоқ эмас, ҳақиқат тамалини қуллатмоққа кўтарилигандарни кесмоқ зарур!

Вақтида топиб айтилган жавоб Абдуллаевни беҳад завқлантириди.

- Офарин, Навоий бўлиб кетинг-е, Ойбек ҳазратлари эшитса эди бу жавобингизни!

Мамнун жилмайдилар. Шу тариқа сұхбат мавруди етиб келди. Улар хижилликдан халос бўлган эдилар.

«Лаббайчи»лар боис учрашган дўстлар уларни унугашди. Сұхбат тил, тарих ҳақида бошланиб, тарихдан узилмади.

Улар жазирама пахта далаларида ишләётган ўзбекнинг ғурури, бугуни ва келажаги ҳақида сўзлаётган, режалар тузаетган шудамда Қизил империя ўзини-ўзига едириш сиёсатини қизэгин амалга ошираётган чоғ эди.

Улар шу зайлда сұхбатта берилган, тепаларида эса бевақт ҳазон бўлган миллат гулларининг руҳи маҳзун нола чекаётган эди гүё.

Бошқалар-чи? Бошқалар... уларнинг тарзи, қиёфаси турли, сони шу қадар кўп, барини йигиштириб келганда, ялпи хурсандлик, ялпи хоинлик, ялпи қўрқоқлик ҳолида кун ўтказишар... шу тахлит оқим бўйлаб сузид, хотиржам нафас олаётган, еб-ичаётган бегам оломонни кўриш мумкин эди. Бир қараашда атроф сокия, юрт обод, халқ шод кўринар, бундай давронга фақат шукронна лозимдек эди. Шукроначилар ҳаддан зиёд, қўлни бош, бошни оёқ дегувчилар кўпайган, оломон улар етагида ўтмишга қилич яланғочлаб, ўз-ўзи билан ёвлациб борарди.

Фалокатли эди бу онлар. Бу онлар қурбонталаб, қонталаб эди.

Бу онлар ҳар кимга ҳам осилавермас, топиб қопарди, топиб ютарди, йўқ қиларди...

Ҳабиб Абдуллаев:

- Ўтмишидан бизчалик тез, осон воз кечганини ҳеч жойда учратмадим. Инқилобдан сўнг сохталик шу қадар кучайдики, биз «ilm» воситасида мафкура қуролига айландик. Натижада бола отасини, ста бобосини танимаслик даражасига етдик. Бу борада ким ўзарга бошланган пойтада фильмларимиз байроқни илиб кетяпти. «Ўзбекфильм» - номи шундай холос!

Иброҳим Мўминов:

- Ҳақсиз, кўплаб ёлғонларнинг бошида, биз зиёлилар турибмиз. Ҳур фикрли, қайсар бошлар узилгач, омон қолганлар оммавий қўрқоқлик ноини еб, шу кўйга тушди. Лекин, сабабни сабаб деб кўнишиш зиёлининг иши эмас.

Ҳабиб Абдуллаев:

- Йилт этган учқунни пуфлаб ёндириш сиз ва менинг, бошқаларнинг-да мақсади, ягона бурчи бўлишини истайман. Бу ишга вужудим билан киришганман! Қаршилар кўп, энг хавфлиси, ўзимизнинг шотирлар.

Иброҳим Мўминов:

- Насабини унугашган арzonфурушлар ҳамиша ёнимизда. Улар

УСТУН

биздан айрилмайди. Аммо, мен шундай таскин билан хотиржамманки, буюк Жаҳонгир авлодлари изсиз кетмагай...

Ҳабиб Абдуллаев:

- Миллатнинг гурурини инқилоб еди, кеч тушундик...

Иброҳим Мўминов:

- Пуч авлоддан унган ниҳолларни эгишдан осони йўқ. Улар бизнинг мисолимизда усуллар қўллаяпти. Йиллар ўтади... биз бормизми, йўқми - холосам шундайки, дунёда ҳукмронлик ҳам, қуллик ҳам абадий эмас. Кимдир билиб, кимдир билмай биз интилган манзил томонга кунма-кун илгарилайди. Фақат бунга етмоқ бошқа, кўрмоқ бошқа...

Ҳабиб Абдуллаев:

- Мен бу таскинни яқинроқ, тезроқ келишини истайман.

Иброҳим Мўминов:

- Ижобатни Оллоҳдан сўранг. У,, бизга сабру бардош берсин, ҳаракат берсин. Ҳозирча чекимиизга тушгани иш...

Ҳабиб Абдуллаев:

- Э, домлажон, ишлашга-да, қўйишмаяпти-ку, яқинда буни ўз мисолингизда кўрасиз...

Иброҳим Мўминов унинг нима демоқчилигини англади. У шикоятдан хабардор эди. «Ўз мисоли» шарпаси унга аллақачон етган, бу янгилик эмас, номзодлик ҳимоясининг илк кунлариданоқ устидан ёза бошлашган...

- Нима ҳам қиласдик, - деди Иброҳим домла хотиржам. - Игво ёзиш, игна санчиш уларнинг касби, еб турган нони. Чидаймиз! Энди менга тўғрисини айтинг, Ҳабибулло, нима гап? Сиз қаттиқ изтиробдасиз, яна бошландими?

Абдуллаев изтиробли жилмайди ва жилмайган кўйи:

- Яна бошландими? - дея Мўминовнинг саволини қайтарди. - Кимга тегишли бу савол, домла, менгами ё ўзларигами?

- Тани бошқа дард билмас, дейдилар, - Иброҳим Мўминов бу гал ғамгин сўzlади. - Аммо Сизу бизнинг дардимиз-да, жонимизда, бир, Ҳабибулло!

- Ҳа, - деди Абдуллаев жиддий тортиб. - Бу гал осилсанг, баланд дорга осил, қабилида «Правда»га ёзишипти.

Иброҳим Мўминов жим бўлиб қолди. «Хафа қилишни истамади, - дея ўйлар эди у. - Мени четлаб ўтди, аяди. Ўз бошогриги билан мени чалгитмоқчи, бир кун бўлса-да, шум хабарни кеч эшишимни истайди. Э, Оллоҳ, қандай қилиб, бу одамнинг қадрига етмаслик мумкин? Ориятдан маҳрум кимсаларнинг мақсади не ўзи? Қулатиб тинчийдиларми, ўлдириб тинчийдиларми? Йўқ, улар янгилишган, Ҳабибулло, бу гал ҳам галаба қиласди.

- Иншооллоҳ, «Лаббайчи»лар ниятига етмагай, - деди домла

дилидагини тиљига чиқазиб. - Юрагим сезиб турибди. Номардларча иш туттганинг жазоси шармандалил...

- Қаны эди шундай бўлса, - Абдуллаев ортиқ бу мавзуда гапирмади, гапиришни истамади. Эрталаб дилига туккан мақсадига қайтиб:

- Темур ҳақида бир нарса ёссангиз, - деди. - Зора, хижолатдан қутулсак.

Иброҳим Мўминовнинг эти жимиirlаб, галати бўлиб кетди. «Жуда қизиқ, галати ўхшашилик, - дея ўйлади у. - Ҳа, Ҳабибулло ҳалол одам-да, йўқса менинг ўйларим, унинг ниятида акс этармиди?»

- Кўпдан шу ният билан бандман, - чеҳраси очилиб деди Иброҳим Мўминов. Ёзма манбалар Темур ҳақида холис сўзлайди. Оллоҳ мадад берса, албатта, ёзаман, мени бу ниятимдан ҳеч ким қайтара олмайди.

|Абдуллаевнинг чеҳраси еришиб, дил-дилидан қувонди. У адашмаган эди. Иброҳим Мўминов Темурга ихлос билан яқинлашган экан, Яратга журъатини аямасин, имконини аямасин ундан...

Шу пайт уларнинг шуурида мўъжиза юз берди: боя тепаларида эшитилган садо секин-аста ғамгин куйга айланиб, еру кўкка таралди. Руҳлар ҳақ атрофидан қилич, ўқ, қон атрофидан айланышган каби улар теграсида чарх урар, осмон ва ер ўртасида нурдан кўприк пайдо бўлган эди гўё.

Улар бир-бирларини кўрмоқда, тингламоқда эдилар. Чўлпон яқинлашмоқда, ана, Қодирий, ана Фитрат, Усмон Носир яқинлашмоқда. Ана, Файзулло Ҳўжа...

- Салом, Ҳабибулло!

- Салом, Иброҳим!

- Салом, Ҳабибулло!

- Салом, Иброҳим!

- Салом, Ҳабибулло

- Салом, Иброҳим! - кўқдан шу тахлит салом ёғилди. Ташина Руҳлар фикран ва руҳан озод зурриёллари томон селдек оқа бошлиди. Осмон гумбурлаб, чақмоқ чақди. Гўё кўк иккига ажралди: Амир Темур зулм салтанатини писанд этмай тарихнинг лаҳзалик хиёнатини ортда қолдириб, учқур отида фарзандлари томон, Ватан сарҳадлари томон яқинлашмоқда эди.

Амир Темур бин Тарагай Баҳодир шу тахлит юртга ташриф буюрган, фарзандлар унинг ташрифига, хизматига мунтазир эди.

Қалбда суур билин ўриниларидан туришди.

- Эртага ишга чиқмайман, - деди Абдуллаев.

Иброҳим домла «Нечун?» дегандек унинг кўзларига тикилди.

- Бобур чорлаяпти... Онамни согиндим...

Абдулаев ҳеч замон бирордан сўраб, изоҳ бериб Ўшга кетмас, ўта масъул жойда ишлashingiga қарамай, тепадан ҳар лаҳза йўқлаш-

лари мумкинлиги билан ҳисоблашмай, баъзида тугилган қишлоғи - Аравонга учарди ...

Бугун, илк бор у Иброҳим Мўминовга кўнглини ёзди. Ишонч согинчдан, кўниқкан одатидан-да, устун чиқди. Бир пайтлар Бобур кўнглига ошиён қурган тоғ томон ошиқмоқда эди у.

Биродар, яқин маслакдошта айланган Иброҳим Мўминов Ўшга кузатаётгандек қўлини сиқар экан:

- Биламан, чўрткесарсиз, -деди. - Аммо, рақибларингизга раҳм қилинг. Хижолатта жой қолсин. Ўлмасин улар, доим хижолат бўлсин.

Жавобан Абдуллаев ҳам домланинг қўлини меҳрла сиқиб, сўзларини дикқат билая тинглаётган эди. Инсон бир-бирини тушунишдан, бир-бирига меҳр илинганидан зиёда одиллик борми дунёда? Ҳар иккиси шу ҳолни дилдан туймоқда эди

Мўминов хайрлашиб олдидан Абдуллаев каби ишорали, мутойибага яқин сўз айтиб, биродарини хушнуд этгиси келди:

- Юрта баланд руҳ билан боринг, азизим, - деди у. - Үнутманг, сиз Ҳабибсиз!

Абдуллаев юра бошлиган эди. Тўхтади. Қучогини очди. Икки елкадош бир-бирларини бағирларига босишиди.

* * *

Иброҳим Мўминов билан бирга хиёбондан қайтишпар экан, куннинг улкан кўнгил гашлигидан халос бўлгандек сезди ўзини. Иброҳим домла руҳий, фикрий сирдош, мадад бўлди-ю «Лаббайчи»лар озорини улоқтириб ташлади.

Кун давомида қабулидан одам аримади. Соат ўн иккига яқин хотини Фотимахон қўнғироқ қилиб, «Правда»ни варақлаб чиққани, газетада фельветон босилмагани ҳақида хабар етказди.

Абдуллаев кўпинча тушилкни уйида ўтказар, деярли одатга айланган ушбу тартибни бугун бузишга тўғри келди. Иш билан бўлиб, шумхабарни буткул унутган, қабулита киргандарнинг турфа юмушлари, зарурдан-зарур режалар, ким билан қай вақтда гаплашиш кераклиги хаёлини банд этган эди. Аёлининг қўгиригидан сўнг у яна беихтиёр ўйга толди. Қабул тўхтаб, икки соатлик ҳордиқ ёлғизликда изтироб билан бошланди.

Нима бўлган эди ўзи, бу машъум воқеа - «Правда»да босилажак фельветон қаердан пайдо бўлди? Нафақат Ўзбекистон, балки Иттифоқ геологиясида ўз ўрни, обруғига эга олимнинг тақдирига бу қадар беларвонлик, беписандликми?

Аввалига майдакашликлар, маҳаллий «Лаббайчи»ларнинг барча пастликлари асабига теккан бўлса, кейинчалик, улар воситасида ўзига нисбатан хавфли тузоқ қўйилганини пайқади. Ҳўш, бу

түзөкни ким, қачон қўйган эди?

Москва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мақомида ўзининг ҳукмрон сиёсатини мағкура қуроли ёрдамида мустаҳкам тутиб турарди. Совет мағкураси беозор қурол сифатида ўзининг кучини намойиш этиб, зиммасига юкланган жамики топшириқ, мажбуриятларини содиқлик билан бажариб келаётган қудратли «халқчил» сиёсат эди. Буни меҳнаткаш деб таърифланган халқ - ишчи ва деҳқонлар ҳадеганда тушунавермас, аслида эса Москванинг ният-мақсади - ҳукмронлик сингдирилган мағкура миллий ўйгонишининг «гир» этган шамолини тўсишга қодир, ҳамиша шай эди. Айниқса, бу, маҳаллий кадрлар билан боғлиқ сиёсатда яққол билинар, руслаштириш байнамилалчилик никоби остида амалга оширилар эди.

Совет Иттифоқида яшайсанми - марҳамат, яша, ишла, аммо, шундай шарт билан: яшаш тарзинг, фикр-ўйинг, сўзингда ҳукмрон Москва тортган чизиқ - ўлчовдан нарига ўтма, қарама, биўма, интилма! Яъни сен учун ясалган қолипдан нарига чиқма, ёдингда тутки, сендан кейииги авлодинггача меъёрни Москва белтилайди. Сен бу ҳақида ўйлама, ўйлаш сенинг ишинг эмас, яхшиси сен ишла...

Абдуллаев буни билмасмиди?

Биларди...

Абдуллаев буни тушунмасмиди?

Тушунарди: ҳар ким сезавермайдиган нозик имо-ишораларигача, оммабоп усуулларигача тушунарди.

У тафаккурда, миллий манфаат йўлида аллақачон ҳукмрон мағкура меъёрини бузиб ўтта, ўзига ишонган, тақдирнинг унга аталган умрига содиқ яшаётган ўзбек олими, раҳбари эди. Ҳабиб Абдуллаев ўзига аталган барча зарбаларга нишон - кўксига доим қурол ўқталиб турган мергандан огоҳ эди. Аммо, не қилсинки, ўзга тегирмонга сув қўйишга тайёр ўзимизнинг шотирлар отаётган тошлилар зарбига чидаш оғир эди. Арзоига сотищдек машъум воқеаларнинг авж палласи эди. «Ишшо»га тўхтайдиган, қуллуққа кўникканларнинг уруги урчиб борарди.

Улар битта эмас, иккита эмас, назарида кун сайин тарқалиб, вабо янглиг юрт тарихига, миллат шаънига, ўсиб-унишита чанг солаётган эди. Мағкура шундай бир фурсат, муҳитни туққан эдик, ким-кимга дўст - билиб бўлмас, оғзига талқон солишилик, кўзни юмушлиқ, бош кўтарганни аямаслик, ҳар нарсадан кечиб бўлсада, катта огаларга ёқиши рағбат топган, урфга айланган эди.

Ҳабиб Абдуллаев қўш зарба, қўш тиғ остида яшаётган маҳкум бир пайтда, руда (металл) ҳосил бўлишидек улкан назария - қонуниятини кашиф этди. Фанда у яратган кашифиёт тез орада баҳс-мунозараларга айланди. Ҳатто, баҳс республика ҳудудидан Иттифоқ-

УСТУН

нинг бир қанча илмий марказлари - Москва, Ленинград, Новосибирск, Киев, Северловск, Боку каби шаҳарларига кўчди. Ўзбекистонда геологиянинг отасиман, деб юрган олимлар яқиндагина сабоқларини берилиб тинглаган йигитчанинг улкан қашфиётини ҳазм қилишполмасди. Ундан кутишмагани - жаҳоншумул қашфиёт фавқулодда юз берди.. Уларнинг кўнигиши қийин кечди, улар қараб турмадилар.. Марказ геологик журнallлари Абдуллаевга қарши тош отувчи, унинг ишини йўққа чиқарувчи мақолалар билан чиқа бошлиди. Хуруж авжига чиққан айни пайтда хориж журнallлари Абдуллаев асарлари эътирофига бағишланган тақризлар эълон қилди. Баҳс асосида унинг номи, обрўси янада баландроқ погонага кўтарилиди.

Тарафларга бўлиниб, мунозара давом этди. Ҳар томон ўз сўзининг тўғрилиги учун от сураг, ой сайин мунозара майдони кенгайиб, Иттифоқдаги кўпчилик геолог олимларни гўё уйқудан уйғота бошлиди. Тез орада олимнинг қашфиёти бор бўй-басти билан кўринди.

Машҳур академиклар Д.В.Наливкин, Д.С.Белянкин, Д.И.Шербаков, Д.С.Коржинский, СССР геология вазири П.Я.Антропов кабилар Абдуллаев гоясини ҳимоя қилдилар. Ўшанда академик Коржинскийнинг:

- Азизим Ҳабиб Мұхамедович, сиз ёш бўла туриб оқсоқолларнинг ишини бошладингиз, аъло даражада бажардингиз ҳам, - дегани сира ёдидан чиқмайди. - Аммо мени тўғри тушунинг, бу ишингиз касбдошларга ҳамиша ҳам ёқавермайди, ахир сиз бор-йўғи, ўттиз ёшлилар авлодига мансубсиз, ҳатто, қирққа кирмагансиз..

Йиллар давомида (Сталин даври) фаннинг янгиланиш, яшариш жараёни тўсиб қўйилди. Олимлар хорижлик ҳамкаслари билан касбий мулоқотдан маҳрум эдилар. Ҳудди шу даврда Ҳабиб Абдуллаев руда ҳосил бўлиши ернинг чуқур ёриқликлари билан боғлиқ, деган эски, тан олинган гояга қарши - рудаланиш асосан магма эритмасининг ёндош тог жинслари билан ўзаро модда алмашувига боғлиқлиги ҳақидаги янги гояни илгари сурди, илмий далиллар билан асослади. Марказнинг ўта маҳсуслаштган металлогения ва петрология мактаблари узоқ йиллар давомида поёнига етказа олмаган долзарб муаммони Абдуллаевнинг якка ўзи ниҳоясига етказди.

Профессор А.В.Королев, профессор Ф.И.Вольфсон, А.В.Пуркин, Н.В.Нечелюстов, Г.Г.Грушкин, П.А.Шехтман ва кўплаб олимлар Ҳабиб Абдуллаевга қарши туҳмат ёғдирдилар, уни космополитликда айладилар. Ёнларига маҳаллий «Лаббайчи»лар қўшилиб, уни обрўсизлантиришнинг турли усуулларини ўйлаб топдилар. Улар

¹ М.Эгамбердиев. «Хизр назар қилган олим». «Фан» яшриёти, 1992 йил.

зўр бериб, Абдуллаевнинг қулашини, енгилишини кутишар, улардан талаб қилингани да, шу эди. Аммо, олим ана кетди, мана кетди. деганда, гўё ҳеч нима бўлмагандек, яна қад ростлар, олдинги Абдуллаевдан зиёдроқ куч, галаба сурори ила ишини давом эттиради.

Эрталаб Иброҳим Мўминовнинг айтгани, шунчаки овутиш, кўнгил гапи эмас, «Лаббайчи»ларнинг фигонини чиқазиб, дўстларни шод этадиган буюқ, асл ҳақиқат эди:

«Инсон инсонни енголмайди, чунки, тепасида Яратувчиси бор. Бандасининг эмас, Унинг истагани бўлади...»

Ҳақ кишига исбатан айтилган ушбу ҳикмат Абдуллаев миссолида исботини қайта-қайта топаяпти...

Фельетон ҳақидаги миш-мишлар анча олдин - бир ой илгари қулогига Чалинган, «Лаббайчи»лар совуқ нафаслари билан улуг олимнинг юрагини илгарироқ яралашни мўлжал олишган - гап тарқатиб, суюнишган эди. Абдуллаев миш-мишларга эътибор бермади, унинг ўзи ҳақидаги ҳар қандай иғволарни унутиб ишлашга арзигулик юмушлари кўп эди. У вақтни қизганар, доим вақтдан ўзишга интиларди. Ҳис қилган, бошидан кечираётган жамики қийинчиликларни енгиш усулини ўзича топган - милллий камситиш, зўравонликка қарши ақл билан, маҳаллий қўуллуқчиларга қарши жасорат билан ишлаш, назарида, бундан бўлак йўл йўқ эди. Ақидага айланган ушбу усул уни бир лаҳза бўлсин, фаол ҳаракатдан тўхташга изн бермасди.

Шунга қарамай «Лаббайчи»лар ўзбекнинг алп олими - Ҳабиб Абдуллаевни бир зарб билан қулатишга буйруқ олишди. «Правда» мухбири Семён Наринъяни Ҳабиб Абдуллаев ҳақида фельетон ёди. Ичқоралик, пасткашлик Москнагача етди.

Улар - ўзимиздан унган сотқин, тақдирига майдалик, макр битилган малайлар диёнатли, жасур юртдошнинг қўл-оёқларини иғво иплари билан боғлаб Семён Наринъянига топширган эдилар.

Улар туну кун Абдуллаевнинг ҳаёт-мамоти атрофида тиш қайраб изгиши. Ҳабиб Абдуллаев асарларига буюртма тарзида ёзилган гарразли тақризларни йитиб ва яна олимнинг шахсига айловлар тиркаб, ўта хавфли миллатчидан Ўзбекистонни қутқазишни сўрашди.

Абдуллаевни йиқитиши «Лаббайчи»ларнинг қўлидан келмас, шуннинг учун улар четдан «аскар» ёллаб, Абдуллаевни ўзга куч - восита ила енгишга аҳд қилишган эди...

* * *

Шундай кунларнинг бирида Абдуллаевнинг дўсти, сафдоши Гани Мавлонов, Москвага Бутуниттифоқ геологлари анжуманига чақи-

рилди. У СССР Фанлар академиясининг меҳмонхонасида жойлашиб, бир пас ҳордиқ олмоқчи эди. Абдуллаевга сафдош бу олимни тақдир дўсти сингари бағрикенглиқ, содиқлик, ишчан қобилият билан сийлаган, у ўзбекнинг тантини ўғлони эди.

Фани ака жомадонини қўйиб, ечинмай бир зум дераза олдида туриб қолди. Пойтахтнинг сершовқин, ҳаракат тўла манзараси халлини тортди.

«Бу улкан шаҳарда ҳакқимиз кўп, - деб ўйлар эди у. - Москва биздан ҳали-бери қарзини узолмайди. Аммо, у бизни қарзга змас, ёўравоилик билан босиб олди... Жилов ўзга қўлда экан, улардан қутилиш мушкул. Бу ҳақида ўйлашнинг ўзи нодонлик. Аммо, юрак кўнмайди, кўнгилнинг бир четида зигирча бўйсунмас қаршилик гоҳ-гоҳида бош кўтариб, сас беради. Шунисига ҳам шукр.

Ёргулликка чиқсан жабрдийдадек, бугун тарихни, амалиёт билан боғлиқ барча фанларни улардан ўрганишга мажбурмиз.

Дўстим Ҳабибининг ҳаракатлари ҳукмрон сиёсат мазмунини тегран англағани боиски, бир лаҳза бўлсин, тўхтамайди. Ҳабибининг қиёфасида бир змас, бир нечта ватанпарвар, бир нечта олим, раҳбарни кўраман. Уни тушуниш керак, ёнида собит туриш керак, афсуски, кўпчилигимизда унга лойиқ журъат, мардлик етишмайди. Кўпчилигимиз олиммиз-у, аммо, унинг бўйига қуличимиз етмайди.

Юртга шунчаки ночор саводхон змас, керагида жон берадиган, суюнадиган тиргак керак! Ҳа-а, дўстим, Ҳабиб сен шундай, сенинг ўрнинг бўлак, номинг бўлак, тақдиринг бўлак, сен битта! Ишқилиб соғ бўл, баҳтимизга омон бўл! Сен ҳали..»

Телефон жиринглаб ўйларини тарқатиб юборди. У оғриниб телефонга яқинлашди. Гўшакни қулогига тутиб:

- Эшитаман, - деди оҳиста.

- Салом, Фани Орифхонович, бу мен, Аркадий Даниловичман.

- Салом, салом Аркадий Данилович, овозингни эшитганимдан хурсандман! - у Аркадийни яхши танир, Москва аспирантурасида бирга ўқишган, у биродари Ҳабибининг яқин дўстларидан бири эди. «Нечун у ногоҳонда йўқлаб қолди? Менинг бу ердалигимни кимдан эшитган, ҳойнаҳой, меҳмонхона навбатчисига берилган рўйхат орқали топган бўлса, ажабмас».

- Фани ака, жиддий гап бор, биз ҳозироқ учрашишимиз лозим...

- Марҳамат, мен тайёр, яхшиси кел, меҳмонхонада кутаман. сени, ҳозиргина Тошкетдан учиб келдим... тўғриси, сени меҳмон қилмоқчиман!

- Раҳмат, Фани ака, аммо мен бошқа жойни таклиф қилмоқчи-ман, - деди Каленов. - Сабабини кейин биласиз, биз Ленин номидаги кутубхона ёнида учрашсак, яхши бўларди. Мумкин қадар тез, ҳозироқ йўлга чиқишнинг иложи борми?

- Албатта, мени кут, ҳозироқ йўлга чиқаман!

Фани ака кутилмаган қўнгироқдан бироз саросимага тушди: «Нима бўлиши мумкин, у менга нима демоқчи? Гапи бор экан, нега ҳузуримга келмади?»

Қўнгли аллақандай нохушлик сасини сезгандек, галати бўлиб кетди. Одатда, Москвада ўтадиган катта йигинлар арафасида баъзи республикалардан миш-мишлар, турли шикоятлар тарқалар, хатбозлил, чақувлар, ҳамкасларга қаратса тошлар отиб туриш ҳоллари ҳам учраб турарди. Бу борада, кўпинча Ўзбекистон «байроқ»ни илип кетарди. Тағин шунга ўхшаш бир кор-ҳол юз бермадимикан?..

У зудлик билан йўлга отланди. Келишилган жойда учрашдилар, қисқа салом-аликдан сўнг Аркадий Каленов:

- Ҳабибнинг иши чатоқ! - деди.

Фани ака бўшашиб Каленовнинг тирсагидан тутди, яқинроқдаги ўриндиқлардан бирига бошлади, ўтирилар. У оғир хўрсиниб: «Хавотирим тўғрига ўхшайди, - дея беихтиёр ўйлай бошлади. - Яна биз бошлабмиз-да, ўзбеклар! Э, воҳ, улар «Биз» бўлишини, «Биз» эса «Ўзбек» бўлишини билишганида эди, бу шармандаликтан тийилардилар! Ҳар қандай пасткашликнинг касри миллатга уради-я! Шундай эмасми? - Фани Мавлонов эзилиб бошини кўтарди ва Аркадийга қаради.

У Мавлоновнинг изтиробини англаб турарди. Лекин, начора, ўйлаб, мушоҳада қилишнинг, оҳ-воҳ чекишининг ўрни эмас ҳозир. Тўгрисини, бўлган воқеани айтиши лозим эди.

- Эртага ё индинга «Правда»да Ҳабиб ҳақида фельетон босилади, мен фельетон билан танишдим...

- Наҳотки?

- Ҳа, афсуски, рост, Фани ака. Тасодифми бу, ёким Ҳабибнинг имконими - билмайман, фельетонни менга ҳам ўқитишди.

- Унда нима қиласиз, бирор чораси бордир, ўзинг яхши билсан, ахир, бу гирт бемаънилик, Ҳабибга нисбатан туҳмат-ку?!

- Билматанимда сизни излармидим, гап бундай. Ҳозироқ Семён Наринъянининг ҳузурига шошилинг. Вақт ганимат, ҳеч бўлмаганда фельетонни кечиктиришга эришиш шарт. Сўнгра бир гап бўлар...

Фани ака бир зум қотиб қолди. Абдуллаев ғанимларининг гараз зарбаси уни карахт қилиб қўйган, гўё барча имкони баланд темир тўсиқлар ортида қолгандек чорасиз, гариб сезди ўзини. Ғанимлар шу даражага етишибдими, фельетонни ёздиришибдими, демак, уни ортга суриш мушкул. Геологлар анжумани қатнашчиси, Ҳабиб Абдуллаевнинг юртдоши сифатида у «Правда»дек отахон газета ходимики дўстининг ҳақлиги, шикоятчиларнинг иғвогарлитига ишонтира олармиди? Нима қилиш керак, кимдан мадад кутади?

- Аркадий, сен нима дединг, сендан фикр сўрашгандир?

УСТУН

- Албатта, мен ўз сўзимни айтдим, назаримда, фельетонни бир менга эмас, бошқаларга ҳам ўқитишиган. Менимча, бу ёги сизга, боғлиқ, Ҳабибни яхши билган дўсти, касбдош сифатида қаттиқ туришингизга тўғри келади.

Иккиси дадил суръатда ўринларидан туришди. Энди иккила-нишга, ўйлашга фурсат қолмаган эди. Аркадий Каленов Фани Мавлоновнинг қўйини маҳкам сиқиб:

- Дадил бўлинг, ғалаба билан қайтинг! - дея руҳлантирди. Улар шу жойда хайрлашдилар.

* * *

Фани ака минг ўй, режа билан «Правда» газетаси редакциясига етганини билмай қолди. Машҳур фельетончи Фани Мавлоновни тинглагач:

- Чиндан ҳам Ҳабиб Муҳамедовичнинг ҳимоясига шайланган кўринасиз? - дея кинояли жилмайди.

- Сиз Абдуллаевни билмайсиз, у жуда катта олим, - дея дўстини қизгин ҳимоя қиласарди Фани Мавлонов. - Геология соҳасида уни нафақат Ўзбекистон, балки Иттифоқда ҳам яхши танишади, шубҳангиз бўлса, индинга бўладиган йигинимиз иштирокчиларидан сўраб-сuriштиринг. Машҳур академиклар. Москва олимлари сизга Ҳабиб Абдуллаевнинг кимлигини айтади.

- Қизиқ, фельетон хабарини ким етказди, деган саволимга жавоб бермайсиз, жон-жаҳдингиз билан Абдуллаевни ҳимоя қиласиз? - Семён Наринъяни Фани аканинг кўзларидан кўз узмай яна саволга тутди. - Қани, айтинг-чи, профессор, одатда, сизларда гуруҳлар кўп бўлади, сиз қайси гуруҳдансиз?

- Қандай гуруҳлар ҳақида сўраяпсиз, билмайман, лекин гапимга ишонаверинг, мен холисман,- деди у ишонч билан. - Фельетон босилса, Совет фанини, ниҳоятда катта олимни бадном қилишига ҳисса қўшган бўласиз.

- Ажаб, чиндан ҳам ажабланарли ҳол, - Семён Наринъяни ўйланиб қолди. - Адағанимга ишонгим келмайди. Наҳотки... чиндан ҳам сиз ўзбекмисиз?

Фани ака ҳар йўл билан бўлса-да, дўсти шаънига отилаёттан иervo тошини тутиб қолишга аҳд қилган, шу боис қаршисидаги фельетончининг заҳарли кинояларига тоқат билан чидашга мажбур эди. Жиддийроқ ўйласа, Наринъянда нима айб? Ахир ўзбекнинг номини булғаб, диёнатли биродарини соттан Семён Наринъяни эмас, ўзининг юртдошлари-ку?!

Фани ака ичдан уғ тортди. Сеагир Наринъяни эса рентгент нуридек унинг бутун вужудини кўриб, ўй-хаёлларини уқиб турарди.

- Дүсти, миллати учун курашиш, мардлик саналади. - Наринъяни ростига күчди. - Бу хислатни ҳар бир ижодкор қадрлайды. Аммо, маъзур тутасиз мени, кўп йиллик тажрибамдан маълумки, чақувга мойил сиз ўзбекларни аҳиллигини йўқотган, қўрқоқ деб ўйлайрдим...

«Ҳар қанча аччиқ бўлмасин, бари рост, - дея ўйларди Фани ака. - Тан олмасликнинг сира иложи йўқ, иложи йўқ!»

- Ўзбеклигингизга шубҳам бор, деганим шундан. - Наринъяни эгилиб столи тортмасини тортди-да, қалин бир папка чиқарди. - Мана сизга далил, кўраяпсизми, буларни мен эмас, юртдошлишингиз ёзган, хоҳласам, бу хатлари билан уларни қон қақшатишими мумкин, қурбим етади бунга! Ҳақ сўзим учун менга ташаккур билдирангиз арзиди, профессор! Сиз Наринъянининг ичидагини эшитган биринчи ўзбексиз, буни галаба деса арзиди!

Фани Мавлонов ҳамон миқ этмай турарди.

Семён Наринъяни индамай ўрнидан турди-да, эшик ёнига бориб, Фани Мавлоновнинг кетишини кутиб турди. Фани ака гўё икки ўт орасида қолгандек, нима қилишини билмас, чора тополмай иложисиз ҳолда сўради:

- Фельетон нима бўлади?

- Фельетонми? - Семён Наринъяни айёrona жилмайди. - Ўқимоқ-чимисиз, бу менга боғлиқ эмас. Зарур бўлса, эртага қўнғироқ қилинг.

* * *

Геологлар анжумани - петрография мажлиси бошланishiغا бир кун вақт қолган эди. Фани Мавлоновга индинга бошланадиган йигин қатнашчилари - Иттифоқдош республикалардан келган олимлар ва марказ вакиллари номидан «Правда»га хат тайёрлаш керак, деган ўй тинчлик бермасди. У меҳмонхонага келасолиб, ишга киришиди. Хатнинг бир неча қораламасини ёзди-да, бироз тин олди. Кечга томон меҳмонхона маъмуриятига тушиб, таниш навбатчи аёлдан хатнинг тугалланган нусхасини машинкада кўчириб беришни илтимос қилди...

Машинкада чиройли, тартиб ила кўчирилган хатта бир зум тикилиб турди-да, зудлик билан имзо йигишига киришиди. Икки соат ичida беш-олти олимнинг имзосини олишга ултурди. Нариндан-бери кечлик қилиб хонасига қайтди. Ечинмай ўриндиққа чўзилди. Пешонасини силаб, кўзларини юмди, у қаттиқ ҳориган, Семён Наринъяни билан бўлиб ўтган суҳбат, воқеалар таъсиридан ҳануз ўзига келолмас эди.

Шу алфозда ярим соатлар чамаси вақт ўтди. Аста ўрнидан туриб, бўйинборини ечди-да, ўнг қўлига туттанича дераза ёнига келди.

Тунги Москва чироқларга, шовқинга ўзини топширган, шаҳар бутқул қайғусиз, улкан, салобатли кўринар эди.

Ү қай маҳал Москвага қадам босмасин, ҳар гал дўсти Ҳабиб билан ўтказган кунлари ёдига тушар, мана бугун ҳам худди шу дераза ёнида туриб, Ҳабибни ўйлаган эди. Ўлари поёнига етмай дўсти ҳақида шум хабар эшигиди.

- Бежиз ёдимга тушмаган экансан-да, а дўстим? - у аввалига пичирлаб сўнг ўзи сезмаган ҳолда баланд овозда гапира бошлади. - Бу улкан шаҳарда ҳаққимиз кўп, деганимда сени ўйлаган эдим. Нечундир, Москвада бот-бот ёдимга тушаверасан, бўй-бастинг узоқдан яхшироқ кўринади. Энди тушуннпман сени, ғанимсиз мумкин эмас экан-да, дўстим! Улар борлигингни, кимлигингни элга ошкор қилиб туради. Ўзингни ўзингга танитади...

Аввали охири мансабдор ўтган бир кекса олимни эслайман. Худбинликда, нишонпарастликда тенги йўқ, ҳар байрам ё турилган кунида бир нишон олмаса, бу дунёси куяётгандек сира тоқат килод-мас ва аламини шогирдларига сочиб юарди. Ўша қария йўлиқкан таниш-нотанишни, аспирантларни, салом, деб қўл узатган барчани бир парчагина бодида ишлассан-ишлатган эди. Сўнгроқ қария мисолида англадим-ки, агар кўпчилик унингдек ерга ишласа, бутун олам гулистан, боғу чаманзорга айланар экан.

Ахир, сен, Ҳабиб, бир парча ерга эмас, юрtingга хизмат қила-япсан-ку?! Молу жонингнй хатарга қўйиб ҳамон бизнинг ғамимиз-дасан! Игна кўзидек имкон учун, миллатимиз ҳаққи учун жон бе-риб, жон олишга тайёрсан, - Фани Мавлонов қаттиқ бош чайқади:

- Йўқ, йўқ! - дея сўзида давом этди у. - Қиёсинг йўқ сенинг! Пайғамбаримиз, тоф бир жойдан иккинчи жойга кўчибди, деса ишёнинглар, ёмон одам яхши бўлибди, деса ишонгманлар, деганла-рида нечоғли ҳақ эканлар! Извога қўл урган бу бадбаҳтлар сенинг-ку, қадрингга етмади, демак, улар хор бўлажак! Тақдир сени сийлаган экан, сенга туҳмат ёпишмайди! Сенга осилтанни осиш керак! - Фани ака бўйинбогини чанглалатанича маҳкам сиқиб ту-парди.

- Вой-бай, не қилаётисиз Фани оға? - дея туйқус Қозогистон Фанлар академияси президенти Қўниш Сотпаев кириб келди. - Гу-ноҳисиз бир бўйинбогни нега қийнайсиз!

Қия очиқ турган эшикдан гап овози келавергач, Сотпаев бир зум эшик ёнида туриб қолган ва аста мўралаб; ўз-ўзи билан сўзла-шаётган Фани Мавлоновга кўзи тушган эди. У Фани аканинг ҳара-катларидан бир завқланиб, бир куюниб, сўнгра уни ҳазил билан чалғитмоқчи бўлди.

Сотпаев Фани ака тайёрлаган хатдан аллақачон хабар топган, кечга яқин москвалик дўстлари билан гурунглашиб, меҳмонхонага

қайтгач, уни ўзи йўқлаб қолди. Воқеа тафсилотини сўраб-суриштиrmай:

- Қани, хатни кўрсатинг-чи? - деди. Кутимаган ташрифдан Фани Мавлоновнинг кўнгли төр мисол ўси, мамнунлик билан хатни Қўниш Сотпаевга узатди. Сотпаев хатни дикъат билан ўқиб, остидаги имзоларни овоз чиқазиб таракорлади:

- Смирнов, Шчербаков, Колчанов, Ализода, Аҳмад Сафин, Коржинский, Алиев, Мавлонов, Ҳамробоев, Петров, Каленов, Белянкин, Николаев, - Сотпаев ажабланиб бош чайқади. - От миниб чопсангизда, бунча имзо тўғлаш қийин-ку! Маладес! Ортда қолишини истамасам-да, Ҳабиб учун, сиз учун! - деда столга энгашиб хатта имзосини қўйди. Ва қаддини ростлади, қадрдони Фани Мавлоновга қараб:

- Куонманг, Фани ога, - деди. - Ҳабибни баримиз яхши биламиз-ку, бизнисилар шунаقا: ўзгага тик қараёлмайди, ўзиникининг эса қўзини ўяди!

Сотпаев ҳамон тик турар, Тошкентда бирга ўқиган биродарининг ҳозирги ҳолини юракдан англаб, Фани аканинг толиқкан чехрасига боқиб, нима биландир овутгиси келарди. Тўғриси, унга ҳавас билан боқиб, барчага ҳам унингдек содиқ дўст насиб қилавермаслиги ҳақида ўйлар эди.

- Ичишга не бор? - деб сўради у жўшиб.

Фани Мавлонов бир зум ўлланиб турди-да, у ёқ-бу ёққа қараб, сўнг чақонлик билан жомадонни очди. Бир шиша ароқ, бир шиша конъяк чиқазиб, столга қўйди. Шишаларнинг қопқогини очиб, стаканларга тўлатиб ароқ ва конъяк қўйди. Газагига қази парраклади.

- Во-о, бу ўзбеклар кўп хитир-да, ароқни-да Тошкентдан ташийсизми?! - Сотпаев конъяк тўла стаканни биринчи бўлиб қўлига олди. - Ҳабибнинг соғлиги учун! - иккиси бараварига симириб, бўш қадаҳларни столга қўйишиди.

Қаниш Сотпаев хайрлашмай чиқиб кетди. У яхши билардик, ушбу дам ортиқча мулозаматни кўтармасди.

Шу кечада Фани Мавлонов тўлғаниб тонг оттирди. У қисматида Ҳабиб Абдуллаевдек юртдош битилганидан ҳамиша фахрланарди. Йигитлик дамлари ўқиш-ўрганиш, баҳс-мунозаралар, орзуладар ҳанотида дўстли Ҳабиб билан бирга кечди. Илм сарҳадларини бирга босишиди. Ўшандо, 1930 йилнинг айни ёз кунларида Ҳабиб билан Ўрта Осиё Давлат Дорилфунуни қошидаги ишчилар факультетида таҳсил олишган. Улар танишган кундан бошлаб дўстлашиб қолдилар. Ҳаёт иккисини турли синовлардан ўтказди. Оқибат, топтоза орзуладар, ният уларни улгайтирди.

Кейинчалик Москва геология-қидируг институтининг фойдали қазилмалар кафедрасида аспирантура таҳсилини ҳам бирга олишган. Ҳабибнинг ички-ташқи интилишлари доим биринчиликка ундар, ҳаракатлари сира панд бермас, аксинча, уни тез юзага олиб чиқар эди.

Үн икки ёшда отасидан айрилган Ҳабиб болалик эркаликларидан зартароқ узоқлашди. У ёлғиз онасига суюниб қолган, онасининг эса муштипар аёлт әканлигини зерта анлаган, шунинг учун ҳам хаёлий орзулардан кўра аниқ мақсад томон шошилар, тақдир болалигиданоқ уни аниқлик остонасига яқинлаштириб қўйган эди. Ҳабиб меҳнат деб аталган узлуксиз ҳаракат қонунини болалигиданоқ кашф этди. Ўзига тўқ дехқонлар оиласида, кейинчалик пилла қурти ургуни очирадиган корхоналарда ишлаб, улкан сабоқ билан юзма-юз келди. Тақдир уни турли синовлар ҳукмига ташлади, чархлади. У атрофидаги юзларча, мингларча болаларнинг бири эди. Аммо интилиш бобида тенгдошларидан ажralиб турар, қисматнинг болаликка ажраттан кунлари жуда тез ўтаётганини билмас эди.

...Минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йилнинг охирида Ҳабиб биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Қисқа муддат Москва геология-қидируг институтининг аспирантура бўлими бошлиги вазифасида қолди. Сўнг Тошкентта қайтиб, Ўрта Осиё Политехника институтининг кончиллик факультетида дарс берди. Орадан икки-уч йил ўтмай институтта директор этиб тайнинланди.

Қирқинчи йилнинг айни пишиқчилигига у тошкентлик Муҳаммадқобил нонвойнинг қизи Фотимага уйланди. Хўп ажиб, файзли тўй бўлиб ўтган, тўйда Ҳабибнинг дўстлари қаторида Фани ҳам бел боғлаб хизмат қилган, қувонган эди. Дўстининг ҳар куни, ҳар сонияси яшпин тезлигида кечар, у тўйдан уч ярим ой ўтиб, йигирма етти ёшида институтга бош бўлди. Талабалар қатори институт ётоқхонасининг якка хонасида оиласи билан яшар экан, унинг ҳаёти, турмуш тарзи талабаларига ўрнак, дарс эди...

Зилол сувдек тиниқ хотиралар тун бўйи Фани Маълоновни тарқ этмади. Ҳабиб талабалик йилларидаёқ тенгдошлари орасида биринчи бўлиб Абу Райҳон Беруний дунёсига кирган, улуғ бобомиз илмини тенгқурларга танитган эди. Қизгин интилишлари боис Берунний унга ер илми, маъданлар, қуёш, вақт моҳиятини тафаккурига яқинлаштириб, сир-асрорлари калитини марҳамат ила узатди. Айниқса, у Берунийнинг «Китоб ал-Жамоҳир фи Маърифат ал-Жавоҳир» номли китоби таъсиридан чиқолмади, улуғ бобомиз

Хужжат бўйича йигирма етти ёш, аслида йигирма беш ёшда.

асарини эслаганида вулқон сингари ҳайнаб-тошаётган ҳайратини бошқаларга ҳам айтиб, тушунтириб чарчамас эди.

Ҳабиб улуг Берунийни талабалар қалбига, ҳайратига бошлаб кирган кунгача ҳеч ким аллома бобомиз ҳақида билмас, унинг номи тарих қатларида - узоқда эди.

Тошкентнинг ҳар бир ўқув даргоҳидан ўзига муносиб дўстлар топишга интилиш, иштиёқ Ҳабибни то институтни битиргунича тарқ этмади. Айни шу йиллар улар - тиниб-тинчимас талабалар фанларга оид йиққан, топган янгиликларни Ҳабиб билан ўртоқлашар, баҳслашар, ўтмиш аждодлардан мерос янги бир тўлқин куч йигиб илгариламоқда эди. Ёшлар орасида Ҳабибга дўст, ошно тутингандар кўп эди. Айниқса, Анвар исмли йигит Ҳабибининг геология фанига астойдил қизиққанини билгач, унга Берунийнинг «Қонуни Масъудий», «Минералогия» каби китобларидан немис тилига ўғирилиб, эълон қилинган парчалар билан танишитирди. Анвар домлалари эътиборини қозониб, немис ва рус тилидаги парчаларни қўлга киритгач, асли (арабча) билан қиёсий ўрганишга киришган, келажакда шарқшунос бўлишта бел боғлаган маҳаллий талабаларнинг энг илгори, умидлиси эди.

Ҳабиб Беруний дунёсига шу тахлитда - немис, рус, инглиз ва араб тилида босилтган парчалар: илк таржималар орқали кириб келди. Шарқшунос дўстлари кўмагида билганинни курсдошлирига етказиб бошқаларни да, янгилик излашга даъват этиб юрган чорлари эди. Бир кун қаёқадир шошиб турган Фанини тўхтатиб:

- Биласанми, дўстим? - деди. - Бобомиз ўша китобида қиммат-баҳо тошлар, металларнинг пайдо бўлиши, сочма ва туб конлар борлиги, металлни рудадан ажратиш, хосса хусусиятлари, бирбиридан фарқи тўгрисида ёзган экан. Ўқиб ҳайратга тушдим. Дунёда биринчи бўлиб тошларни турларга ажратган, уларнинг солиши-тирма огирилигини аниқлатан ўзимизнинг Беруний экан! Ўзбек экан!

Гани унинг сўзларини миқ этмай эшишиб турар, йўқса, улар кечагина худди шу мавзуда гапиришган, ундаги ҳаяжон, Берунийнинг таъсири нафақат кечани, балки шу кунгача яшаган умрни фахрға чулгарди. Ҳабиб гўё Беруний билан бирга дунёга келган-у, уни таниб кўз очган...

«Минералогия» деб ҳам номланади К. Шой томонидав 1923-25-27 йилларда «Қонуни Масъудий» З-мақолосининг қисқа немисча таржимаси; М.Фаруқнинг (1929 й.) 4-мақолоси биринчи бобнинг инглизча таржимаси.

“Ўрта Осиёдаги илк олий ўқув юрти Туркистон Шарқшунослик институти мақомида иш бошлаган, махсус курсларда маҳаллий ўқитувчилар билан бирга рус шарқшунос, тарихчилари С.Е.Малов, П.А.Фалев, А.Э.Шмитд кабилар лекция ўқишиди. 1924 йили институт ўрта Осиё Университетининг шарқшунослик факультети таркибида киради (Хозирги Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети).

Во, ажаб, «Ўзимизники!», «Ўзбек!» деган сўзлар унинг қалбидан вулқондек отилиб чиқарди. Биродари, оға-инисидек, нондек азиз, муқаддас тутарди бу сўзларни. Билардики, бу сўзлар япроқ бўлса, остида илдиз отлиғ миллат яшарди. Ҳабибнинг жон риштаси ана шу заминга туташ, мустаҳкам боғлиқ.

Тириклигига уни бу заминдан айриш мумкин эмас эди.

Қўрқитиш, таҳдид, жазо билан уни севиб, суюниб, ўсган заминдан жудо қилиш мумкин эмас эди.

Ихлос, ҳалоллик, ҳайрат, садоқат унинг йўлдоши эди.

У:

- Қаранглар, бобомизнинг фараз ва хаёллари ҳам буюк! - деб, барчанинг диққатини Берунийнинг илмий фаразларига тортарди. - Эҳтимол, ер чоракларидан бўлган икки чорак қуруқликка ҳамқутр (диаметрал) қарама-қарши қуруқлик бордир; худди шунингдек, сув остида кўмилиб қолган бошқа икки чорагининг ҳам бир-бирига ҳамқутр қарама-қарши ер бўлиши зарурдек кўринади». Ахир, бу олис Америка қитъасини хаёлан кўриш, кашф этиш-ку!

Дўстлар, биримиз «Ҳиндистон»ни, биримиз «Геодезия»ни биримиз «Қонуни Масъудий»ни борича ўқийлик, ўрганайлик, тез кунда бу китоблар арабчадан тилимизга ўтирилиб, ажабмаски, қўлимиизга етса... Шу кунни тасаввур қиласизларми? Қандай улуг кун бу!

Ҳабиб кўзларини катта очиб, қўлини кўксига қўйди:

- Юрагим қинидан чиқай дейди, ўйласам, тилимга «Наҳотки?» - дан бошқа сўз келмайди! Эртагаёқ Ҳоразмга кетаман, Беруний туғилган Қиёт шаҳрини кўриш орзуйимга айланди! Ким боришни ис-таса, менга ҳамроҳ бўлсин...

Тез фурсатда Ҳабибнинг қувончи, саъй-ҳаракатлари бошқа тенгқурларига ҳам ўтди. Улар ҳафта ичидан тошларнинг қаттиқлиқ, тиниқлик, оғирлик каби физик хоссалари, магнитнинг тортиш ва итариш хусусиятлари ҳақидаги Берунийнинг далилларини, ҳатто, қабариқ линзанинг йириклаштириш хусусияти баён этилган шарҳларидан олган илк таассуротларини бир-бирига айтишига ошиқар, тўлқин каби шиддат, ҳаяжон сира босилмасди.

Ётөқхонада ҳар бир бола Беруний асарларидан кўчирмалар олиб, каравоти тепасида осиб қўйди.

Гани мўъжаз столчаси устида турадиган безакли гулдондан кечиб, оппоқ қоғоз ёэди, устига қабариқ линза қўйиб, ёнига Беру-

¹ Булук ўзбек қомусий олими Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048ий.) нинг асарлари. «Қонуни Масъудий» астрономия ва математика соҳасида илларги ёзилган барча асарлардан устун ҳисобланган. Бу ҳақида машҳур араб олимлари Ибн ал-Қифтий, Абу-л-Фидо кабилар ёзиб қолдирганлар.

нийнинг ушбу сўзларини майда ҳарфларда ёзиб қўйди:

«Аслида бу ёқут ярим шар шаклида. Текис томони ёзувга қаратилган. Унда майда хатларни ўқиш мумкин. Шунга ўхшаш ярим шарсизмон төр хрустали ёрдамида хатга қараганда қаторлар кенгайиб, катталашади».

Буни кўрган Ҳабиб:

- О, сен, ўртоқ, ҳаммадан ўзиб кетдинг-ку, қойил, хонангда кичик лаборатория, амалий майдон яратибсан! - дея елкасига дўстона уриб қўйганди.

Дўстининг мусаффо қалбига бироннинг зигирча ютуги төр каби улканлашиб, қувонч олиб кирад, у бундай дамларни соғиниб-яшарди...

* * *

Тушмиди, хаёлмиди бу - тонг отгунча дўсти Ҳабиб билан тоғтортишиб, тоғ ён бериб, тоғ аяб чиқди уни. Таалабаликнинг илк кунларидан то бугунга қадар Ҳабибининг кимлигини, салоҳиятини яхши билади у. Олим, раҳбар сифатида Ҳабибга тенг келадиган иккинчи номзодни излаш... бефойда. Шундай пайтда унинг оёғидан чалиш, қалбини яралаш... Буни қандай тушуниш мумкин? Ўзингни ўзагингдан тишлаб турса? Алам қилмайдими?

- Ахир, мақсаднинг сал пинҳон кечгани яхши эмасми? Эҳтиёткорликдан ким панд ебди, Ҳабиб?

- Дўстим, Фанижон! - дея пайдо бўлди у. Вазмин овози хонани тўлдириб юборди гўё. - Танадаги аъзолар яримта бўлиши мумкин. Аммо, инсонда юрак бутун бўлиши керак! Битта қўл, оёқ билан ҳам яшаса бўлади. Аммо, мен ярим эрк билав яшолмайман! Юртимни, ҳалқимни ярим юрак билан, ярим иймон билан севолмайман! Шунинг учун ҳам юрак битта, жон битта, ном бўтта, Ватан битта!

- Ўзингни ҳам ўйласанг-чи, ахир осонми?..

- Сену менга қачон осон бўлган? Тақдирнинг барча сийловларини қабул қилдим, энди озорига ҳам чидайман...

- Сен менга таскин бераяпсанми, дўстим? - Фани ака эътиroz билдириди. - Сенга жонимни беришга розиман.

- Мақтов кўп оғир юқ, уни кўтаролмайман...

Вақт аллақачон эрта ҳисобига ишлаётган, соат тунги уч яримтўрт атрофида эди. Фани Мавлоновни уйқу буткул тарқ этиб, дераза ёнига келди. Кечадан бўён гўё ушбу деразадан цаноҳ топгандек, хаёллари нажот излаб у томонга интилгани-интилган, кўпинча хаёлий жанту жадаллари, нафрати, топган чөраси деразадан тикилиб якун топарди. Дераза унинг ўй - нигоҳини узоқларга узатувчи восита эди.

- Ажаб дунёки, - ўйлар эди у, - зўрни зўр эмас, зўрни макр, пасткаш майдалар қулатади. Майда одам макрга яқин туради, майда одамнинг феъли ҳам майда бўлади! Майдани чўққига олиб чиқсанг-да, майдалигича қолади! Ҳабибнинг обрўсига макр, сотқинлик чанг солтанга ўхшайди. Барча замонларда улуғ аждодларимизни шундай қисмат кутган, яralаган! Улугбек майдаликни кўтапролмади, буюк бобомизнинг осмондан ерга тушиши қийин кечди. Шунинг учун ҳам қул Аббос қўлида ҳалок бўлди...

Мўгул енголмаган Жалолиддин навкарларидан айрилиб, курд қишлоғига паноҳ истаб борди ва тўғри сўзининг қурбони бўлди:

«- Сен кимсан? » - деб сўраган курдга:

«- Мен подпоҳ Жалолиддин Мангубердиман», - деди Яроғли курд ишонмади, «Мени мазах қиляпсан, устимдан куляпсан», - деб курагини деворга суяб, нафас ростлаётган Жалолиддиннинг кўксига найза санчди... ўлдирди...

Шоҳ Бобур-чи?

Ҳиндистон зафаридан сўнг Деҳли Султони Иброҳим Лўдининг онасини онам, деб, ўғлини ўтлига тенг билиб, саройда асретган, буюк самимият изҳор этган эди. Иброҳимнинг ҳарам аҳлига тегмай, тинчини бузмай баланд ҳиммат кўрсатган эди. Оқибат: Иброҳимнинг онаси Бобурга заҳар берди. Буюк меҳр, мурувват, шу тахлит жавоб олди...

Яна қай бирини эслай, қай бирини айтай? Бу чархи даврон кимларни қақшатмади, кимлардан юз буриб, кимларга вафо қилди? Шунча йилу замонлар ўтиб, ўзгариб, улуғ боболаримиз Беруний, Мирзо Улугбекдан сўнг Ҳабиб Абдулла бўй кўрсатганида унинг-да, олис аждодларимиз тақдирига уйқаш шафқатсиалик кутмоқдами? Наҳотки, Ҳабиб имконидаги энг катта кашфиётига ултурган бўлса? Ахир, у ҳали тиним, ором билмас меҳнат, изланиш ўзмимда, ихтиёрини илмга топширган-ку?!

Нима бўлганда ҳам умринг узоқ бўлсин, дўстим! Сен билан мен нафас олаётган дунёда кимлар яшамаяпти, дейсан?! Бу дунёйидун ҳиммат кўрсатса, сен узоқ яшашинг, барча майдаликлар пойингта тўклилиб, уларнинг устидан голибона ўтишинг керак!..

Яқин-атрофдан соатнинг занг чалгани эшитилди. Фани ака шошиб қўлидаги соатга қаради. У шу тахлит хаёлларига якун ясад, москвалик ҳамкасбларини излаб, кўчага чиққанида соат олтидан беш дақиқа ўтган эди. Кечаке у Семён Наринъянинг, Москвадаги катта олимлар, академиклар, сиз ёзган фельветонни тасдиқлашмайди, сўзимга ишонмасангиз, ўзингиз сўраб-суринтиринг, аниқланг, деган эди. Нечундир Наринъяни билан ўтган илк учрашув - сұхбат хийла совуқ, нописанд ўтди. Бутун сұхбат давомида у ўзини жуда баландда, Фани Мавлоновни эса гариб-ночор ҳолда кўрди.

Аслида шундаймиди?

«Правда»нинг бугунги сиёсий сўзи, баланд имкони, ҳукмдек янграйдиган хуласаларини ҳисобга олса, Семён Наринъяни ҳали ҳам ўзини камтар тутди. Йўқса, Фани Мавлонов билан сўзлашмасди. Нима бўлганида ҳам Наринъянининг ижодкорлик, касбий ҳушёрлиги ҳиссиётдан устун келиб, у Фани ака айтмасдан анча илгарироқ фельветонни таниш геологларга ўқитган ва уларнинг холис фикрлари уни ўйлатиб қўйган эди...

Шундай бир пайтда учинчи овоз бўлиб, Абдуллаевнинг ҳамшархи Фани Мавлонов қўшилди. Кутимаганда, ногоҳ пайдо бўлган Мавлоновнинг ҳаракатлари, гап-сўзларида дўстидан кўра ҳақиқатнинг ҳимояси устуноқ кўринарди. Бунчалигини Наринъяни учрашув сўнгига сезиб қолди.

Фани ака барча истиқолани йигиштириб, вақт эрталигига қарамай москвалик академикларнинг уйи томон шошар экан, хаёлида «Ултуриш керак!» деган ўй тинчлик бермасди.

... Академик Белянкинни уйидан топди. Қария эшикни очар экан, ўйқуга тўймаган кўзларини очолмай бироз ланж ҳолда турди. Сўнг Фани Мавлоновни таниб:

- Сизмисиз, киринг, - деди. - ўлай агар, сиздан бошқаси бўлса эшикдан кувиб солардим! Сиз осиёликлар бундай мусомалани кўтаратмайсиз.

У юз-қўлини ювмай Фани Мавлоновни кабинетига бошлади. Қарама-қарши ўтирилар. Дмитрий Белянкин тирикчилик ташвишларидан буткул ҳоли, икки хоиали чоргоқ квартирани ўзига алоҳида иш кабинети қилиб олган, у кўпинча иш билан банд чогларида ёлғиз яшарди. Иши юришиб, хаёл, фараз, илмий далилларини қоғозга кўчириб тутатгач, шу заҳоти ўрнидан учиб турарди-да, кафтини кафтига ишқаб, телефонга ёпишарди:

- Маша, борайми, келасанми?!

Шунда хотини билардики, зрининг вақти чоғ, ҳадемай у қўлида бир даста гул, портфелига бир шиша вино солиб кириб кела-ди... Шундай эса-да, хотини:

- Ёш бўлганингда-ку, мени чақириб ўтирмасдинг, шундай эмасми, азизим, - дея ҳазиллашиб қўяр, бунга жавобан эри: «Ҳозирам ёшман, худди йигитлардек, ишонмасанг келиб, пойла!» дер эди.

Фани ака дабдурустдан нима деб гап бошлашни билмас, тун бўйи ишлаб, ҳолдан тойган қарияга боқиб, уни безовта қилганидан хижолатда эди.

- Хўш, нега жимсиз, мени ўлди, деб эшилдингларми ё Москва-га ўт кетдими? - чол, барибир, Фани Мавлоновни аямади. У беихтиёр кулимсиради, икки кундирки, у кулгини унугтан, Москвада,

хаёлда, еру осмонда ёлғиз қолиб, ўз ёрига қоврилиб юрганида чолнинг нега уйқумдан эрта уйротдинг, дегандек бегараз аразидан култиси келди, енгил тортди. Энди муддаосини айтса бўлар, ахир у ҳеч маҳал Ҳабибга бефарқ эмас, ҳамиша унинг томонида туриб «жант» қилиган.

У шу андишага бориб:

- Ҳабиб Мұхамедович ҳақида фельетон ёзишибди, бугун-эрта «Правда» да босилади, - деди.

- Ким? - қария згик қаддини бироз олдинга ташлаб, бошини күтариб Фани акага қаради.

- Семёй Наринъяни, «Правда»нинг фельетончиси...

- Ё, тавба, шунгача боришди, денг,вой абллаҳлар-ей!

Белянкин ўрнидан турди-да, қўлини белига чалиштириб, хона бўйлаб юра бошлади.

- Йўқ, тушунмайман, нега Ҳабиб Мұхамедовичдек илм кишининг устидан иғво ёзишиади? Илмий баҳолар ўз йўлига, буни тушунса бўлади, лекин..., - қария баъзан тўхтар, баъзан юриб, ўз-ӯзига айтатётган каби жаҳлга миниб, тутоқиб сўзларди:

- Ҳар ҳолда, Семён Наринъяни қаламини кўтариб, юртингизга бормагандир?

- Шундай, ташаббус бизни килардан чиқсан...

- Тушунарли...

Фани Мавлонов: «Шундай, ташаббус бизни килардан чиқсан» деди-ю хижолат босиб, ерга қаради: «Оббо, кўп хунук иш бўлдида. Кечагина менга устоалик қил, илмингни ўргат, деб шуларга яқинлашганимиз. Олим бўлиб юртга қайтганда яна шуларга «Ўзимизни килардан қутқаринг, ҳимоя қилинг» деб, остонасига бош уриб турсак. Ўлим-ку, бу!

Дмитрий Степанович сиёсатдан узоқ, ўз тили билан айтганда, илм кишиси у. Лекин, барибир, у ўз миллати - руснинг вакили!

Тўгри, бундай пайтда Дмитрий Степановичдек одам бизга муруват кўрсатади, бошимизни силайди, ҳатто дўстим Ҳабибни чоҳдан олиб чиқиши ҳам мумкин... аммо... Менга алам қиляпти, нечундир қаттиқ таъсирланаятман, назаримда, одамлигим, ор-номусим худди шу жойда - Белянкин остонасига етганда ерга урилган-дек...

- Хўп, мен нима қилишим керак? - ниҳоят қария юришдан тўхтаб, Фани акага саволчан боқди.

Фани Мавлонов индамай қўлида тутиб турган юпқа жилддая кат чиқариб узатди. Белянкин ёзув столида турган кўз ойнагини тақиб, катни шошилмай ўқий бошлади.

Фани ака ҳамон караҳт, аламзада ўйлар қуршовидан қутулолмай ич-ичидан эзилиб, толиқсан бир ҳолда кутиб турди. Назари-

да, уни кимдир икки елкасидан босиб турар, вақт ўтган сайин мажоли қуриб, ўктам гавдасини тутиб туриш малол келаётган зди.

Дмитрий Белянкин иккиланмай хатта имзо чекди-да, стол чеккасига суреб, телефон рақамларини тера бошлади. Ниҳоят, қулогига овоз эшигилгач:

- Салом, Владимир Иванович, - деди овозига қувноқ тус береб. Сен мендан ўрнак олсанг бўларди, янглишмасам, қотиб ухлаётган эдинг, шундайми? Ҳайронман, бу уйқучилигинг билан ҳачон академик бўласан? Ҳа, майли, бу ҳақида кейинроқ маслаҳат бераман, аммо, билиб қўй, текинга эмас! Гап бундок, Владимир Иванович, сенга меҳмон йўллаяпман, у ҳозир ёнимда. Нима, ким дейсанми? Боргандা биласан, тайёргарликни унутма! Ярим соатда сеникида бўлади у! Ҳайр! - академик Белянкин гапидан ўзи завқланиб гўшакни қўйди-да, тушунарлими, дегандек Мавлоновга қаради.

Фани ака имзолантан хатни олиб, илдам ўрнидан турди:

- Раҳмат, Дмитрий Степанович, раҳмат...

Белянкин уни эшигмаган каби эшикка йўналди. Бўсарага етишганда, у:

- Фурсатни бой берманг, Фани Орифхонович, - деди. - Биласиз, баъзан вақт ҳам ёмонликка ошиқади, йўли тўсилмаса, кўп уят ишлар юз бериши мумкин.

* * *

Тушгача Фани Мавлонов Абдуллаевни таниган, илмини тан олган олимлардан яна уч-тўрттасининг имзосини олишига улгурди. Шунда яна бир бор ишонди-ки, дўстининг оту обрўси изоҳсиз баланд, унинг геология борасидаги ютуқлари, меҳнати Москва олимларининг эътирофига сазовор экан. Қалбағурур, қувонч билан «Правда» эшигидан кириб борди.

Семён Наринъяни хатни олибоқ имзоларга кўз ташлади, хатни ўқимади. Уни имзолар қизиқтириди, қисқа муддатда бутун мамлакатнинг - Иттифоқнинг энг машҳур геолог олимлари Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳимояси учун овоз беришган, овоздарини хат орқали имзолаб етказишган зди.

- Фани Орифхонович, сиздан фақат бир ярсани сўрайман, - деди у қоғоздан бош кўтариб. - Айтинг-чи, фельетон ҳақида кимдан, қаёрда эшигингиз? Кеча сўраганимда айтмадингиз, тушунарли зди, бугун айтарсиз?

Фани ака кўз узмай, пешонасини тириштириб қараб турган Семён Наринъянига:

- Муҳими бу эмас-ку, ўртоқ Наринъяни, - деди. - Ростини айтсан, менинг ўрнимда сиз бўлганингида ҳам айтмасдингиз. Икки кун-

дан буён мени жуда қийин-қистовга олиб сўраяпсиз. Майли, айт-сам-айтақолай, фельетон хабарини Ҳабибнинг яқин дўстларидан бири айтди.

- Ҳўш-хўш, ким экан у?

- Номини айтолмайман...

Тортищув анчага довур чўзилди. Аммо, буниси Фани акага ма-лол келмас, чунки сезаётган эдики, Ҳабибга келган жатар ортга сурилди. «Правда» хатга имзо чеккан машҳур олимларнинг овози билан, албатта, ҳисоблашади. Йўқса, Наринъяни у билан узоқ тортишиб, сўраб-суриштириб ўтирасди.

Охирида Семён Наринъяни яна бир уриниб кўрди:

- Майли, масала бугунча очиқ қолади, эрта иш бошланишига етиб келинг, зора, эртага у сир сотувчини айтсангиз.

Фани ака хайрлашди, эшикдан чиқиши билан Наринъяни:

- Тасодиф десанг, тасодифга ўҳшамайди, - дея шивирлади. - Жуда аниқ нишонга урилган ўқ! Таажжубдаман... Шубҳасиз, курашда бир тараф иккинчи тарафни енгади. Лекин Абдуллаев томон ҳалол, мардларча голиб чиқди!

* * *

Эртасига Фани Мавлонов «Правда»да иш бошлашидан олдинроқ келиб, Семён Наринъянини редакцияга кираверишда кутиб турди. У Фани акага кўзи тушиши биланоқ жилмайди, етишгач, илиқ сўрашди ва елкасига қўлини қўйиб:

- Агар Абдуллаевнинг дўсти шундай бўлса, ишонаманки, ўзи ундан ортиқ бўлса борки, кам эмас, гапим тўғрими?-деди.

- Албатта, минг бора ҳақсиз!

- Сиз мени ишонтирдингиз, ошна! - Наринъяни Фани акани ўзига яқин олди. - Хотиржам бўлинг, фельетон босилмайди, гарчи уни мен ёзган бўлсам-да! Дўстингиз бахтли экан, сиздек дўсти бор. Дўстингиз омадли экан, кимлиги номаълум иккинчи дўстининг қўлига мен ёзган фельетон тушиб қолибди. Қолаверса, ушбу фельетоннинг ёзилиши геологларнинг Москвадаги йигинига тўғри келиб қолганини айтмайсизми? Бутун иштирокчиларни оёқка турғаздингиз-а?!

Фани ака дўстининг галабасидан шод, гўё Наринъянининг сўнгги сўзлари унга жуда олисдан эшитилди. Бир маҳал Семён Наринъяни қўл узатиб хайрлашишга чоғланди:

- Қаёқقا? - деб Фани ака унинг қўлини икки қўллаб тутди. - Ҳозироқ ресторонга борамиз! Сўзингиз рост бўлса, менинг, йўқ... бизнинг хурсандчиликка шерик бўласиз!

Семён Наринъяни құлни Фани аканинг панжаларидан зўрга сүғуриб, хо-холаб кулиб юборди:

- Сиз галабани, мен мағлубиятни нишонлайман, шундайми?

Рани ака бўш келмади:

- Ҳақиқатни нишонлаймиз, ўртоқ Наринъяни, билишимча, сиз ҳақиқат томонида-ку?

Наринъяни таклиф учун миннатдорчилик билдириди, иккиси икки томонга юриб, ажралишди. Кетаётib. Фани Мавлонов:

- Ҳа, дўстим, дўстгинам Ҳабиб! - дея ҳаприқди, ичидагини жўшиб тилига чиқарди. - Сен туфайли «Правда»нинг остонасини ҳам кўрдим!

У газета номига киноя қилиб, дўсти Ҳабиб Абдуллаевга - Тошкентга қўнгироқ қилиш учун шошилди.

* * *

... Абдуллаев ҳар кунгидан эртароқ уйига қайтди. Кунни деярли қабул билав ўтказиб, толиқди. Ганидан қўнгироқ бўлди-ю, миасидан бошланган толиқиш сиргалиб оёғига, оёғидан ерга тушиб, сингиб кетди. Ортиқ кабинетда қололмасди. Турди. Сал боши чайқалиб, кўзлари тингандай бўлди. Сабабини кечати уйқусизлик, хотини билан ўтказган бедор тунга йўйиб, уйга ошиқди...

Рафиқаси Фотимахон эрига тикилиб, унинг хурсанд ё хафалигини билолмади. Нечундир, эри ҳар кунги Абдуллаевга ўхшамас, уйқусизлик, ҳоргиналик, оғир ўй кўзларининг тубига яширингандек эди. Домла бу алломатларни сиртига чиқаришни истамай, гўё у оғир, сиқиқ ҳаводан нафас олишга қийналаёттиб, қийналаётганини сезидирмасликка тиришаётган киши ҳолида кўринди.

Эрининг аҳвол-руҳиятига қараб иш тутиш, бир қараашда уни тушуниш қийин. Аммо, ўтаётган ҳар бир кун уни фақат эр сифатида эмас, балки катта олим, раҳбар қиёфасида билиш, яқинлашишини ҳам тақозо этарди. Гарчи эри бунга даъват этмаса-да, унинг туриш-турмуши, қиёфаси, кўзидан тараалаётган маъно, улуғворлик нафақат Фотимахонни, балки бошқаларни-да, довдиратиб, ўртада масофа тутиб турарди. Эри ҳамиша шундай - ҳаддини, ҳаққини, ихтиёрини бирорга осонликча бериб қўймас, ҳар фурсат вужудидан улуғворлик намойишини уқиш мумкин эди. У жуда соқин, унча-бунча тоқат, куч етмас соқин, қатъий эди.

Эри уйга кирап экан, ҳар галгидек ечинишга шошилмади. Хона ўртасида туриб қолди.

Аёлининг «Тинчликми?» деган саволини юзидан уқиб:

- Ёнимга келинг, Фотимахон, - деди. Хотини ажабланиб эрига яқинлашганида, у:

УСТУН

- Файрлик тогни қулатади, дүстим Фанижон эса ғанимларни қулатди! - деди. - Шу топда уни бағримга босиб, қучгим келяпти... Бу дунёда дүстим борлигидан хурсандман...

* * *

Эртасига Ҳабиб Абдуллаев Ўшга учиб кетди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ТЕГИРМОН ТОШИ

- Тегирмонни биласан-ку, остида бир тош, устида бир тош, ўртада бүгдой! Тош тинмай айланиб бүгдойни янчади, унга айлантиради.

Бизнинг тепамиздаги тош - бу, КПСС, остилиздаги тош - КГБ! - Абдуллаев кули билан бир томонга ишора қилди:

- «Куда томон!»

* * *

Ҳар гал Абдуллаевнинг Ўшига бориши, истамаса-да, гўё хориждан келаётган меҳмонни кутиш даражасида тантанага айланар, даргини эшитган дўст-биродарлар, Андижон вилоятининг раҳбарлари, олимлар, ҳатто бутун водийдан тўпланишиб кутишга чиқишарди. Бирга ўйнаб ўсишган қадрдан ўртоқлари Шодмон Хўжа, Сиддиқ ака ва Умаржон: «Ўзинг, ойда-йилда бир кўринасан, шунда ҳам кетингдан катталарни думдай зргаштириб келасан, нима, биз кутолмаймизми сени, қурбимиз етмайдими?» - деб гина қилишарди.

Айниқса, Шодмонака билан Ҳабиб акаларнинг уй ҳовлилари бир девор бўлгани учун улар жуда ёшликтан бир-бирлари билан яқин дўст эдилар, ахир Сулаймон тоги тигларида биргаликда мол боқишишган, жаннат ариқ сувларида мазза қилиб чўмилишарди.

Шодмон ака ўғилларингизни Тошкентга ўқишига жўнатмайсизам, боҳонада ўғилларингиз орқасидан тез-тез Тошкентта бориб туармидингиз. Айниқса, Козоқжон ўғлингиз жуда зийрак йигитда, билимга чанқоқ, мен билан тепа-тeng гаплашади, келажаги порлоқ!

Шунда Абдуллаев: «Наҳотки шуни ҳам билмасаларинг, мен, ҳу-у, нариги қишлоқдан эмас, Тошкентдан келяпман! Майли, сенлар тушундинг дейлик, бошқалар-чи? Ҳабибулло Тошкентда қирқ йил лайлак ҳайдаб юрган экан-да, дейишмайдими? Фаросатларингга балли-е!» деб вазиятдан осонгина чиқиб кетарди. Уйигача ҳамроҳ бўлганларни кузатгач, ўртоқлари билан дилдан яйрашга вақт топар эди.

Ким билан келмасин, уйи томон яқинлашганида у ҳаёлта толар, фақат ўзигагина маълум болалик кечмишлари, олисларда қолтан ёшлиги ёдига тушар, шиддат билан ўтаётган умри азиз гўшасидан гўё юлиб олгандек, қалбидা ногоҳ соғинч тўла ҳислар епирилиб кирав, армонли ҳислар огушида узоқ-узоқ ёлгиз қолишни истар эди. Аммо, ҳеч маҳал бундай бўлмас, ўйлари тутаб-тугамай, бир зумда шодон ҳамроҳлар қуршовида уйи остонасига, меҳрибон онайизорининг ҳузурига кириб борарди.

* Академиклар Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ ва Ғани МАВЛОНОВнинг ўзаро сұхбатидан.

Онаси Ибохон ая ўгли кириб келмасиданоқ унинг дарагини эшиштар, маҳалла болалари қувончга тўлиб, суюнчига ошиқишар, ая атаганини уларга бериб, ўзи болалардан-да, хурсанд, ўгли истиқболига пешвоз чиқар, бутун қишлоққа қувонч, фахр олиб келаётган қаҳрамон ўглига Оллоҳдан соглик, умр тилар, гўё ўзининг-да кўзи тегишидан чўчиган каби секин «туф-туф»лаб қўярди.

Бир пасда ҳовли қўёни-қўшни, танишлар, болаларга тўлиб кетарди. Йўл бўйида, ариқ бетида турган оптоқ машиналарга болалар сукланниб боқар, қора-қура бармоқлари билан ойналарига номларини ёзib, гўё машиналар уларнинг ном-орзусини узоқ шаҳарга олиб кетишидан хурсанд югуришарди.

Сал фурсат ўтмай ўғлининг номи, қувончигина онаси билан ҳовлида қолиб, ўзини ўртоқлари олиб кетишар, Ибохон ая улгайган ўғлининг шошқин лаҳзаларига тўймаса-да, шукр қилиб, ўзини сабрнинг ихтиёрига топширап эди.

Кейинги вақтларда нечундир ўгли уни Тошкентта олиб кетаман, деб қийин-қистовга олган, келини Фотимахонни ҳам бир неча бор Ўшга жўнатиб, онаси билан бирга қайтишларини тайинлабди. Камирир оёқ тираб, Ўшдан узоқлашолмаслигини, кўнгил узолмаслигини уларга бот-бот тушунтиришга уринарди. Нима қилсин, ўғлини согинади, меҳрига тўймайди, лекин азиз юртидан-да, кечолмасди. Тез-тез Тошкентта тушиб, ўгли хонадонининг бир неча кунлик меҳмони бўлади-ю, тагин, Ўшга қайтади.

Ўғлининг тинчлиги, хотиржамлиги учун жонини беришга тайёр у. Ёлгиз ўглига Оллоҳдан ҳамиша баланд толе тилаган. Раҳматли эри Абдулла Мирмуҳаммад амин ўглига Ҳабибулло, деб ном қўйган. Унинг шукронаси учун катта оқ қўчкорни қурбонлик қилиб, элнинг дуосини олган эди. Ҳабибулло дуо билан ўси, мана, олис юртларда юрибдики, уни ҳамон дуо асрайди. Кечалари уйқуси қочиб, хаёли Тошкент томонларга, ўғлининг дийдорига учади. Қўзларини юмуб, хаёлан уни кўради-да:

- Ё, бисмиллоҳ! - дея ўрнидан туради: юн-бетини ювиб, таҳорат олиб, хонасига киради. Ётган ўрнининг бир қатини ағдариб, устига чўқади-да, Оллоҳга узрини, тавбасини айтиб, сўнг ёлгиз ўғлини дуо қилади. То Бомдодга довур ўрнидан турмайди. Она-болани ажратиб турган олис масофа, вақт қулайди. Ая ўгли дийдорига шу йўсун яқинлашиб, қучади, пешонасидан ўпади. Номини шивирлаб айтади...

- Кўпдан кам қилма...

- Кўпни қаторида асра...

Ҳабибулло ёлгиз ўсса-да, онаси уни доим қўпнинг қаторида сог-саломат кўришни, умри узоқ, мартабаси баланд бўлишини тилаган...

Үғли улгайди. Ниятлари ҳаққа етди. Шукр, у олисда бўлса-да, сопла-сог, мартабаси баланд, илмли, кўпга бош бўлиб юрибди. Оллоҳ унга сўраганини берди, кечакундуз шукронаси дилида, тилида. Баъзан юраги жиз этиб, худди ўғлини ундан тортиб олишаёттандек, у қадами етмайдиган олис жойларга кетиб қолаёттандек бўлаверади. Ибохон ая буни оналик ҳисси, туйгулари билан қалдан сезгандек бўлади-ю, юраги безовталаниб, югуриб ҳовлига чиқади. Ҳаво етишмай бир зум кўз олди қоронгулашиб, боши, айланади, ҳансираф қолади. Ўзига келгач, супа адогида юмалаб ётган гўлага ўтириб ўғли Ҳабибуллони астойдил эслайди...

- Сормикан...

- Унга нима бўлди...

Эшик билан супа адоги узунгина майдон. Ибохон ая тиззаларига қўлини қўйиб, кўзини эшикка тикиб ўтираверади. Шу ўтиришича ўғлини ёнига чорлайди. Кўпинча бундай лаҳзаларда уйга ўғлининг ўзи ёки «Келяпти» - деган хабари етиб келади. Бир пасда онанинг вужуд-вужуди бўшашиб, танаси оғир юқдан халос бўлган каби бошини хиёл орқага ташлаб пичирлади:

- Етказганингта шукр...

Бугун тоғт саҳарлаб яна ўғлини ўйлади. Безовталаниб, кўнгли гашланди. У қилди-бу қилди - ҳеч кўнгил гашлиги ёзилмади. Охири шайтони латъинга ҳай бериб, ўзига-ўзи таскин берди:

- Менга бир бало бўлиби...

- Ҳабибулло ёш боламиди, бунча ўйлайвераман... согинса, онам, деб кириб келар...

Кампир ўртадаги жиндек гинани-ю, тогдек согинчни ўғлининг елкасига юклаб, сал тинчиган бўлди. Одатий юмушларидан бўшаб, кўчага чиқди. Кун чошгоҳдан ўтиб эсли-ҳушли ёшлар мактабга, уйда қолган кичкинтолйлар аллақачсан молларни олдига солиб, тоққа чиқиб кетипган эди. Кўча деярли кимасиз, жим-жит, фақат тошдан-тошга урилиб тез оқаётгас Ҳанинатариқнинг шовқини эшитилади.

Ибохон ая сув бўйига бориб, ариқда тикилиб қолди...

- Ўтганлар умрни оқар сувга ўхшатиб, хўп топиб айтган-да...

Ҳабибулло етти-санкиз ёшлик чоғларида Ҳанинатариқ бўйлаб юргани-юрган, муздай сувга тушиб, сиқми тўлгунча рангли тошлар териб, онаси ёнига югарарди:

- Қаранг онажон, сариқ, қизил, оппоқ?! - дея ажабланиб онасидан сўрар, онаси эса:

- Оллоҳ ранг берган-да, болам, бу дувёда ҳамма нарсанинг ранги, номи, ўрни бўлади,- деб саволларига ўзича жавоб айтарди. Баъзизда эса... ўғли:

- Бу тошнинг номи нима? - дея кўзларига тикиларди.

- Билмайман...

Үшанды тошларга ном бериб, бир нима деб айтса бүларди. Қолаверса, тошга ном нима қылсун? Бироқ у билмаганини билмайман, дер, ўглини алдашни истамасди. Елгон гапиришдан құрқарди..

Шу-шу, Ҳабибулло ултайды, тошларга ном истаб, узоқларга кетиб қолди. Үқиди. Тенгқурлари мұаллимликка ўқиса, унинг боласи шу - күриб турғани тошларга ишқи тушди.. Сүнгроқ билдики, толарда ҳикмат күп экан. Оллоқ унинг ўғли юрагида болалықдан тоққа, тошга меҳр солиб, марқамати ила илмини ҳам ўргатди. Айтишиларича, Ҳабибулло төгінніг катта олими, конлар топиб, ҳамманинг ҳавасини құзгайдыган ипплар қылған.. Бир келганида сұраган:

- Болам, битта қудуқни бир қишлоқ одам иккі-уч кунда казиб, зўрга сув чиқаради. Бир ўзинг төг ковлаб чарчамайсанми? Уйдай кенг ғовакларда ёнингда одам бүладими? Ха, эсім қурсин-а, ахир сен үқиб, бунинг ҳадисини олғансан-да, а?

- Онажон, турған-битганинг ақл!* Сен саволларинг билан ибтидоий геологияни күз олдымга шундай жонлантирдінгікі, ҳеч бир дарслікда сен айтғанчалик аниқ, содда саволни ҳам, жавобни ҳам учратганим йўқ! Мени биринчи мұаллимим ўзингсан! Кўп яхши зсалатдинг-да, Тошкентта боришим билан саволларинг асосида китоб ёзаман...

- Отанг раҳматли гапимдан кулмасди. Сен бола устимдан кулипсанми?

- Йўқ онажон! Гапимга ишон! Сен талабаларнинг хаёлига келмаган саволни ҳам ўзинг топдинг. Жавобини ҳам ўзинг бердинг! Ақл! Биляпсанми шуни?!

Ибохон ая чуқур хўрсинди. Елкалари қисирлаб, манглайини ўглининг кўксига босгандай бўлди. Үшанды ўғли уни бағрига босиб, сўнг чаккасидан икки кўллаб тутиб, кўзларига узоқ тикилған, пешонасидан ўпид қўйған эди. Кампир ўғли ўпган пешонасини силаб, йўлига кўз тикиди:

- Ҳозир у келади...

- Онажон, сени соғиндим, деб келади. Келади...

Олисда бир қора нуқта пайдо бўлди. Сал фурсат ўтмай катталашиб, машина тусига кирди-ю бурилмай, тўппа-тўғри ая томон кела бошлади. Кампирнинг юраги ҳаприқди. Наҳотки ўғли бўлса? Ҳабибулло ҳеч маҳал битга машинада келмаган, қабатида ёр-дўстлари билан кутлашиб кириб келишпарди. Ким бўлди экан, бу машинадагилар?

Машина кампирга яқинлашишдан анча илгари секинлаб, унга еттанды тўхтади. Орқа эшик очилиб, Ҳабибуллога ўхшаш тўлиқ гавдали, ораста кийинган бир йигит тушди.

* Ҳабиб Абдуллаев оиласига болалигидан то сўнгти нафаси - насиятигача «сен» деб эркаланыб мурожаат этган эди.

- Ҳабибулло-ку, келди...
- Үглим келди...

Ҳабиб Абдуллаев онасини күрибоқ унга боладек талпинди. Кампирни бағрига босиб, пешонасидан ўпар экан:

- Онажон, согиндим! - деди.
- Үзингмисан, болам, ишонмайман.
- Нега ишонмайсан, сен ўтлингни согинсанг майли, мен онамни согинмайинми?

Бошлашиб ҳовлига кирдилар. Ибокон ая дуога құл чўзиб, ўглига эсон-омонлик тилади. Келини, невараларининг соғлигини сүраб, ажабланди, бетоқат бўлиб:

- Меҳмон қани, уйга опкирмайсанми? - деди.
- Меҳмон йўқ, кетди.
- Вой ўлмасам, нега?
- Ёлғиз келдим, сендан бошқа ҳеч кимни кўргим йўқ. Ҳеч кимга айтма, ўглим келди, деб ҳеч кимни чақирма. Бугун бир дийдорингта тўйя...
- Ҳо-о, онадан ҳам тўядими киши?...

У бўйинбогини бўшатиб, онаси тўшаб қўйган юмшоқ кўрпачага қўзилди, чалқанча ётиб шифтга кўз ташлади, зумда ён бошига ағдарилиб, қўлини юзига тираб онасига тикилиб ётди.

- Ёстиққа сунн, қўлинг толади, - кампир узалиб ёстиқни сурмоқчи бўлди. У бош силкаб, онасининг қўлидан тутди:

- Қимирлама, бир пас шундай тур...
- Ҳабибулло, сенга нима бўлди, қўрқитма мени, ўзингмисан?
- Нега ишонмайсан, ўтлингни танимаясанми, бу гал сени бошқача согиндим. Энди бу ерда бир кун ҳам қолмайсан, эртага мен билан кетасан, бирга яшаймиз. Йўқ дема онажон, ўтлингга раҳминг келсин...

- Нега ёлғиз келдинг?

Абдуллаев ўрнидан турди-да кўрпачага паловхони ўтириш ясаб:

- Онажон, билсанг, бундай фурсатни оразу қиласадим, қара худди болалигидаги каби ёлғизмиз - она-бала иккимиз ўтирибмиз. Энди бундай дамлар насиб қиласадими-йўқми - худо билади? Бугун ҳеч ким келмасин, сен билан ёлғиз қолай. Ҳозир эшикка занжир соламан-да, уйларингни супураман, чой дамлайман. Оёқларишгни уқалайман...

- Нималар деяпсан? - кампир ўтлини гапиртирмади. - Кўчани тўлдириб, ўртоқларинг билан кириб келганинг яхши экан! Сенга ёлғизлик ярашмаскан, мен бошқа - кўнинкканман. Турай энди, қўни-қўшнига хабар берай, гапларинг мадоримни қурилди, қўрқаяпман. Ўй-уйга ўхласин, келтанингни ҳамма бијисин.

- Ўзингга қийин бўлади, кетиб қоламан, ўртоқларим қўймайди мени...

- Майли, розиман, сени пойқадаминг бўлакча, энди ҳеч маҳал эшикдан бир ўзинг кириб келма, мени ёмон ўргатган экансан, сенга одам ярашади, бўй-бастингга, қадамингга одам ярашади. Ўргилай сендан, бўйларингдан ўргилай болам!

Абдуллаев онасини маҳкам багрига босди. Уй жим-жит эди. Кампир ўзини босолмай йигларди. Онаси шу датъфа бўлакча йиглади, ўзи ҳам эшикдан бошқача кириб келди-да, Тошкентдан чиқишидаёқ нияти бошқача эди. Баъзан у бир зумдан кейин, балки бир ой, бир йил, беш йилдан сўнг рўй беражак воқеа шарпасини олдиндан сезар, фурсат қувлаб, ногоҳ ўша кун етганида эса ҳайратдан ўйга толарди. Ахир, у айни шу кунни, шу воқеани олдиндан кўрган эди-да...

«Ўлсам, онам шундай йигласа керак. Чидаш қийин бунга. йигиси тошни эритади-я! Нима қилай, шундай бўлсин дебмидим? Ҳар ким тақдирита ёзилганни ўқийди-да, товба, ҳеч маҳал ажалнинг юзини ҳозиргилик аниқ кўрмаганман...» - Абдуллаев «ҳай-ҳай» лаб онасини юпатмоқчи бўлди:

- Сенга нима бўлди, онажон, ўзингни тут, мана, ўғлинг ёнингда-ку, келдим-ку?! Қани, кўзларингдан бир ўпай, қара, қандай гўзалсан, номинг ҳам гўзал - Ибоҳон, Ибодатхон!

Ибоҳон ая кўзда ёши билан жилмайди.

- Биласанми, нега гўзалсан? - ўғли саволга тутди. Ая «Билмайман» дегандек бош силкиб жимтина қараб тураверди.

- Менинг онамсан-да, Абдуллаевнинг онаси! Шунинг учун гўзалсан!

Ўғлини тинглаш, чеҳрасига боқиб туриш бир олам ҳузур, қаратан сари қарагиси келар, Оллоҳ унга шундай - бутун, келбатли, ақлли ўтил берганидан шод эди.

- Эртага кетамизми, онажон? Боладек қўлимдан тутиб, Тошкентга етаклаб бор! Одамлар кўрсин, Абдуллаевнинг онаси, десин! Сендайи оламда йўқ, ўзинг билмайсан!

Кампир беозоргина бош чайқади:

- Кетолмайман, Ўшни ташлаб кетиш осонми? Отангнинг қадами, нафаси қолган жойларни согинаман.

- Биз қайда бўлсак, отамнинг руҳи ўша жойда бўлади. Руҳларнинг ўй-жойи, нарсаси йўқ. Уларни эслаб турсанг - бас, йўқса, жуда олисларга, биз билмаган узоқларга кетиб қолади. Йўқ, дема онажон, сенсиз бир кун ҳам туролмайман. Ўй-жойингни жиянларга бер, хоҳласанг бирор муҳтожга ҳадя қил, ҳақига дуо қилади...

- Ўй-жой меникимас, отангдан қолган мерос, сеники у, ихтиёри сенда...

Ибоҳон ая юмшади, ўғлининг таклифига кўнгандек бўлди. Тушгача она-бола дийдорлашиб, иккиси уйда ёлгиз қолишиди.

Түшдән сүңг соат түртлар атрофида Абдуллаевни уйга олиб келган такси дудутлаб, қайтганини билдири. Абдуллаев онасига:

- Хавотир олма, тунда қайтмайман, - дея ўрнидан құзгалди. - Эртага әрталаб келаман. Тайёрлігингни күриб қўй, она-бола Тошкентга кетамиш.

У ўзи билан дўппи, чопон, китоб олди. Онасининг хавотирики босиб, тинчлантириди. Ибохон ая ўғлини худди тушида кўрган, суҳбатлашган каби ортидан қараб қолди. Назарида, Жаннатариқ бўйларидаги ўйнаб юрган ўғлини оқар сув олисларга оқизиб кеттандек юраги унишибди:

- Согинмай кетай, менгина, нима, ўғил бир меңда борми?

- Ишқилиб омон бўлсин, қайда юрса ҳам боши тошдан бўлсин. Ҳайронман, шу келиши мевга ёқмаяпти. Согинчим соғинчга ўхшамаяпти, юрагимта ўт туғландай жизиллаб куяяпти...

* * *

Ҳабиб Абдуллаев Ўшга келишида, аввал онасини кўриб, сүңг Буратогдаги Бобур ҳужрасида бир кечада тунашни ният қилган эди. Анчадан буён кўнглида орау мисол чўкиб ётган ушбу ният ортага чекинаверди, ҳеч тутқич бермади. Бобур Мирзонинг сирли ҳужраси бот-бот ёдига тушавериб, ўзига чорлайнерди, устига она согинчи қўшилди-ю, Ибохон аянинг ҳузурига - Ўшга учди. Согинч баридан устун келди. Онасини телефонда чақиртиrsa ёки машина юбориб, олдирса ҳам бўларди. Йўқ, ўзи йўлга чиқди. Онангни йўқлаб, ўз оёқларинг билан бориб, пойига эгилмасант, согинч босилмайди, зиёратинг ўрнига тушмайди. Дунёда онанг ҳузурига шошилишдан ортиқ яна қандай қувонч бор?

Она-бола ўртасидаги занжирдек боғлиқликни тил билан ифодалаш, англаш қийин. Бу жис сўзга сигмайди. У юракдан юракка кўчиб, сўзсиз, забонсиз, масофасиз юракка етади.

«Агар соғинчнинг оғирлигини ўлчаш имкони бўлса, шубҳасиз, ер юзидағи энг оғир вазн - бу, соғинч бўларди! Икир-чикир ташвишлар, тирикчилик кўйида бир-биrimизни аямай, англамай ортирган кўнгилгашилклар, барча кўнгил қолдилар, ётлик, ёвлашувлар соғинч олдидаги бир пул! Юрагида соғинч яшаган одам булардан устун туради, бирорга яхшилик соғинади. Соғинч, яхшилик бир пасда гир этиб пайдо бўладиган ўткинчи ел эмас, уни қалбимизга Оллоҳ йўллайди...»

Ўйлар қуршовида Буратоққа еттанини сезмай қолди. Кўпдан бери зиёраттоҳга айланган бу жой чиндан-да дилтортар, тарихи узоқларга етган нурли манзил эди. Маҳаллий аҳоли Буратогни «Сулеймантон» дейишади.

У әртага вақтлироқ шу жойда кутиб туришни тайинлаб, шоғерға жавоб берди. Машина құзғалғач, шошилмай юриб, атрофни сокин күзатди. Олис манзиллардан келгандар үзларини зиёратта тайёрладыған айвон томонга күзи тушиб, бир зум тұхтади. Пастроқда әркак ва аёллар учун тикланған ихчамгина айвонлар, ҳужраларда тумонат одам.

«Халқның түсіб қўйиш мүмкін, лекин эътиқодни юракдан суғуриб олиш оғир экан-да» деге ўйлади Абдуллаев.

Вақт шомга яқынлашашыпти, зиёратчилар камаймади. У уйдан атай кечроқ чиққан зди. Бутув қалби ила бу муқаддас жойнинг ганиматлиги - қадрини сезған зди. Мана, күриб турғанидек, элу әлдошларнинг қадами узилмаяпти. «Шукр, ўзингта шукр, Оллоҳ» деге хурсанд бўлди у.

Ниҳоят, кутган фурсат етди, у Буратоққа буткул ёлғиз, одамлардан холи, ўй-хаёлларига эрк бериб, то тонг отгунча қолмоқчи зди.

«Қизиқ, - деге ўйлар зди у . - Бир пайтлар Буратогдан зиёратчиларнинг қадамини узишган зди. Баъзи таъмагирлар - аслида диндан, диёнатдан узоқ кишилар элнинг назр-ниёсига кўз тикиб, ҳаддан ошдилар. Бобур Шоҳ қурдирған чиройли айвонли ҳужра - мўъжазтина кўшкни илоҳийлаштирилар. Кун сайин ҳужрага сиғи-нувчиларнинг сони ошиб, эл-улус тўпланадиган масканга айланди. Тушунарли, оломон тўпланған жойдан биз ҳанузгача қўрқамиз...»

Сулаймонтогнинг шуҳрати, аслида, фирқа раҳбарларининг динга бўлган мағкуравий ёндашуви сабаб, зиёрат тақиқлаб қўйилган зди. Одамлар минг бир баҳона, турли важлар билан барибир, бу жойдан қадам узишмасди. Ҳеч бир қабристон, қадамжоҳ Бобур Шоҳнинг ҳужраси мисол зиёратчиларни ўзига чорламас, ҳужра қанчалик тепада - баландда бўлмасин, олди тўсилмасин, қўриқчилар қўйилмасин, аксинча, эл ёш Бобур орзусини тўлдириб, янада ёшартириб, юраклар тубида асралган эътиқод билан унинг ҳужрасига келишпарди. Билишдими буни ё эл билан, кўпчилик билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқлигини ҳис қилишдими, ишқилиб, одамлар яна турас-турас бўлиб Буратоққа оқа бошлади.

Тўрт юз йил, бундан-да ортиқ замонлардан бери Бобурнинг изи тушгаян жойларни зиёрат қилишади. Дунёда шоир каммиди, Бобурчалик подиҳоҳ ўтмаганмиди?

Бу тупроқ, тогу тошнинг яна бир азиз, шарафли рутбаси Сулаймон Пайғамбарнинг номи билан боғлиқ. Халқ орасида ривоятлар яшайди. Чор-атрофга якка-якка сочилиб ётган оғир тошларни гўё Сулаймондан қутитган девлар отган..

Ажиб табиати, тарихи, салқин, тоза ҳавоси, ранг-бараңг тошлари, ривоятларга тўла сирли шуҳрати, азиз қадамжолари билан

юрагига яқин эди бу юрт. Йиллар ортида қолиб кетган олис болалиги гүё охангрободай тортади, қайта-қайта Ўци ёдига тушаверади. Номи ёдидан кўтарилибди, балки Бобур таърифлаган қадимги Жавзо отлиғ масжид¹ ўрнида тикланган янги масжидда кўркам соқолли, ораста кийинган чоллар зерта тонгдан тўпланишиб намоз ўқиб, давра қуриб ўтиришар, Ҳабибулло уларни яқиндан кўриб, ҳавас қилас, бола тасаввуррида ўзини қачонлардир улгайган ҳис қилиб чоллар даврасида кўрар, ўша дамлар кўп сафоли, қиёси йўқ - тенгиз, ҳузурбахш чоглар эди. Отаси Абдулла қишлоқнинг амини - у билан ҳамма маслаҳатлашар, ўйт сўрар, жамики кориҳол тепасида отаси турарди...

Қуёш тоғлар ортида ботишига яқин у Буратог зиёратгоҳининг савобталаб хизматкори Салим чол билан учрашди. Ниятини ошкор этди. Тўн кийиб, бошига дўппи қўндирган Абдуллаевга узоқ тикилиб қолган қария майин жилмайди, ташрифдан курсанд экани кўзларидан билиниб турарди. Гүё иккиси ҳам илгари бир-бирини билган, танигану узоқ айрилиқдан сўнг бироз тортиниброқ, аммо ичдан яқинлик туйиб, яна учрашиб туришибди.

Чол шошиб ортига бурилди-да, тўхтади, қайрилиб:

- Зиёратчиларга бугунча етар, кеч бўлиб қолди, улар зартага келиш-са ҳам бўлаверади, Сиз ишлик одам, бунинг устига узоқдан келдингиз? - деди.

- Йўқ-йўқ, асло, - деди Абдуллаев чол томони яқинлашиб- Зиёратга келганларнинг бари тент, бу жойдан ҳеч ким озорланиб кетмасин.

Чол Абдуллаевни синаётгандек кўзидан кўзини узмади, ниҳоят гапини охиригача эшитгач, кўзларida яна ўша - олдинги қувонч учқунлади. Шу лаҳза чолнинг чөхраси бутуналай ўзгарди, гүё унинг юзида нур жилвалантандек бўлди. Абдуллаевнинг тикилиб, ажабланиб қараёттанини сезган қария ортига бурилди-то йўлида давом этди...

* * *

Зиёратчиларнинг қадами тинди. Атрофга сокинлик чўкди. Пастдаги кенг саҳн - майдон, ҳаршидаги улуг, ҳайбатли төғ, тоғлар ортига оға бошлаган қўёшнинг қип-қизил шафаги - ҳаммаси қўшилиб, уйгунашиб, бирдан инсон шуурига сиғмас олам пайдо бўлди. Абдуллаев илк бора мўъжиза кўраётгандек ҳайратдан қотиб, кўзларини тогдан узолмасди.

* «Бобурнома»да масжид шундай таърифланади: Шаҳар билан тагнинг срасида бир масжид тушубтур, масжиди Жавзо отли. Тог тарафидин бир улуг шаққўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳви нишаброқ, себардалик, пурсоя, сафолик майдон. Ҳар мусоғир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Ҳар ким анда уйқулласа, ул шаҳжўдин сув қуярлар.

Бир маҳал Салим чол унинг билагидан беозоргина тутиб, кўзи билан айвон томонга ишора қилди. Қўлига оппок сочиқ тутқазиб, ўзи нарироққа бориб, кутиб турди.

...Абдуллаев тог бўйлаб, айланда зиналардан юқори кўтарилилар экан, биринчи зинага «Бисмиллоҳ» деб қадам қўйди. Салим чол индамай, хаёлларига озор бермай жимгина ортидан эргашди. Удар минг бир хаёл, минг бир ўй билан Буратоғ тепасига чиқа бошлашиди. Абдуллаев ҳар жой-ҳар жойда тўхтаб, нафас ростлаб, пастда ажиг тароват или ястаниб ётган гўзал юртга кўз ташлаб, табиатнинг бекиёс таъсиридан қувватланиб яна олдинга интиларди.

Ортидан ҳурмат, меҳр кўрсатиб бораётган қария кўп зиёратчиларни, кўнгил очишига чоғланган томошаталаб ёш-яланларни, ҳатто, гап сўзи, кийимидан диндорлик уфуриб турган, кибру ҳавоси баланд бандаларни ҳам кўрган, кузатган. Аммо, у ҳеч қачон муносабатини очиқ билдирилар, дилида пинҳон тутар, Оллоҳга чин эътиқод дилда, пинҳонликда, деб билиб, ҳамиша шу ақидага амал қилиб яшарди. Ҳокисор, майин, эгилиброқ юрувчи бу одамнинг қўли доим кўқсида, келгувчиларга беминнат, таъмасиз хизмат қилиб, қувониб юради. Шу боисми ё чолнинг чин эътиқодига яширинган - пинҳон ниятлари, ростлик боисми ҳеч ким у билан жиддий қизиқмас, назр-ниёз талашмас, Бобур Мирзо ҳужрасининг доимий хизматкори, қўриқчиси - содда, юпун, гарип бир чол ўринида муомала қилишарди. Жамики орасталик - хотин-халаж, болалар ўзлари билан олиб келган егуликларнинг чиқинди-қолдиқларини териб, тозалаш, супр-сидир унинг зиммасида.

Илк бор зиёратта келувчилар пастда, Буратоққа чиқиш жойида - зинанинг ўнг томонида ва ундан қўйироқда назр-ниёз илинжидага қатор тизилган тиланчиларга атаганларини беришар - бу билан гүё дуо олиб, ҳар ким ниятига яраша кўнгил хотиржамлиги - руҳий қаноатта эришгандай, зиёратни давом эттиришар эди. Бугун нарзталаб «дуюхон»лар деярли кўринмасди, уларни вақти-вақти билан қувлаб, туришарди... Улар гоҳида кўпайиб, гоҳида сийраклашиб қолишиар, баъзан жой талашиб, бир-бири билан жанжаллашар, Салим чол уларни кўрмаган, сўзларини эшитмаган каби «Астарғурилло...» деб пичирлаб, ўз дунёсидан кечмай юмушларига астойдил киришиб кетаверарди.

Абдуллаев бу ёққа келишида «Салим чол бўлсин-да», деган ўйда эди. Салим бобо ҳақида ҳамشاҳлари Тошкентта боришига нигина гапириб беришган, у кўпдан бўён тасаввуридаги авлиёсифат қария билан кўришиш, агар қабул қилса, нима биландир кўнглини олиш ниятида эди.

Одатда бундай қариялар кам учрайди. Уларни савлатидан эмас, сийратидан таниш мумкин. Улар дунё талашмайди. Улар қансатга

яқын, нафсига ҳукмдор-шоҳ бандалар. Улар тушунганини биз түшүнмаймиз, улар яқынлашган Ҳақдан биз йироқмиз...

Куюниб, нималаргадир алданиб, ҳамиша орзу-ҳавас кетидан қувиб, ўзни ўткениң ҳисларга бой бериб қўйиб, тўрт кунлик синов дунёсининг сўроқларини унутамиз. «Ишимиш юришса, биздан ақллиси йўқ, бошқалар тўё одам эмас, майда, лапашанг, ўз фойдасини билмаган қурбсиз, қадрсиз - шунчаки гимиэрлаб юрган бечора бўлиб кўринади. Бу тахлит ўй бизни куфроналикка чорлаб, алданган қалбимизни гуноҳга топширади. Худбинлик қурбонига айланган диёнатимизга дара кетади, у озор чекади, йиглайди... Оддийтина синовлар устимиадан кулади. Аммо, бу сасини эшигиши адашган бандасига насиб бўлавермайди. насиб бўлганида эса кеч бўлади...

Кимга, нимага орқа қиласмиш? Таянган, ишонган кучимиз ким?

Агар, шундай куч бўлса, у қудратлими? Умри умримизга тенгми ё биздан тўрт-беш одим олисроққа етадими? Ўзимиз чувалаштирган бу тало-тўп замонни қачон инсофу адолат измига топширамиз? Диёнатли овоз керак, диёнатли ҳукм керак. Токи тафаккурга, зътиқодга суюнмас эканмиз - ўзга йўл йўқ...

Фикрлар қуюлиб келар, адолатли бир сас бутун танаси - вужуд-вужудига сингиган каби кўнгли ёришиб борар эди.. Охирги зинани босиб, юқорига - тог тепасига кўтарилдилар. Абдуллаев чуқур нафас олиб, аввал - ерга, сўнг осмонга қаради. Назарида, у осмон бўйи баландликка кўтарилган, чиндан-да қўл етмас, овоз етмас баландлик - Буратог елкасида кўтариб турган эди.

«Бироннинг хаёлига келмаган баландликда Бобур макон қурган, - Абдуллаев ҳужрага ҳайрат билан боқди. - Ёш орзуларига, кўнглига ошиён қурган! Кўнгли хотиржамлик, тинчлик, ором истаган, ҳеч жойдан топмай баландга қочган, хаёлгина чиқиши мумкин бўлган баландлик томон талпинган... Шоҳ эди у, шоир эди у. Қисмат раво кўрган жамики синовларга дош берди у.

Бобурни пастдан эмас, Баланддан излаш керак, гарчи Оллоҳ бандаси учун ерни азиз яратди, аммо, унинг руҳини ерда эмас, юқорига - осмонларга чақириди...»

-Хис қилганингча боорсан!

Абдуллаевнинг бутун вужуди титраб кетди: «Ё, товба, бу қандай овоз?!»

Салим чол эса аста бош тебратиб майин кулимсираб турарди. У ҳушини йигиб олганича Салим чол яна такрорлади:

-Хис қилганингча боорсан!

«Ё, тавба, оддий савобталаб чол эмас, авлиё-ку, бу! Ичимдагини ўқиб, кўриб турибди-ку?»

Олдинда чол, кетидан Абдуллаев бошлишиб Бобур ҳужраси томон бордилар. Ичкарига киришдан аввал пастгина узунчоқ тахта

курсига ўтирдилар. Иккиси ҳам бир-бирига «Бошланг» дегандек ишора қилишди.

Чол тиловат бошлади:

- Аъзу биллаҳи минашшайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳманир раҳим..., - Фотиҳаи шариф аввалига сокин эшилиниб, ҳар сўз, жумладан жумлага ўтган сайин жаранглаб, сеҳрли таъсир тарқатди. Абдуллаев бош эгиб, кўзларини юмиб турди. Чоннинг оғзидан чиқаётган ҳар бир калимани ичидаги тақорорлаб, овозни бутун вужуди ила эшитиб турди. У шу туришича чоннинг тиловатини узоқ эшитгиси келди. Жисми жонига оқиб кираётган илоҳий таъсирдан маст, ўзи сезмаган ҳолда тебраниб, гўё вазни йўқолиб, секин тепага кўтарилаётгандек эди. Қимирлашга, қарашга изн йўқ, овоз борлигини буткул ихтиёрига олган. Қанча фурсат ўтди - билмайди, ниҳоят Салим чоннинг:

- Омин! - деб, яқунлаган дуоси ҳушига қайтарди. Кўзини очиб дуога қўл жуфтлади. Чол тиловатини аввал Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад Мустафога ва жамики ўтган пайғамбарларга, авлиё, анбиё, пиру муршидларга ва жумладан Бобур Мирзога, бева-бечора, дуоталаб бўлиб ёттанларга баҳшида этди. Ва Абдуллаевнинг Оллоҳ ҳузурига кетган отаси, жамики яқинларини ёдга олди. Юзларига фотиҳа тортиштач, чол биринчи бўлиб ўрнидан турди-да:

- Оллоҳга топширдим, ўглим, - деди. - Неки ниятда қадам босдингиз, иншооллоҳ, ниятингиз йўлдошингиз бўлур. Бу кеч сизни ёлгиз қўймаймиз, баҳузур... Керакли анжомларни тайёрлаб қўйганман. Ҳужра ортидаги тош ўчақда тугурт турибди.

Кўз очиб юмгунча чол гойиб бўлди. Абдуллаев ажабланиб атрофига қаради, анча олисроқдаги чоннинг шарпасига кўзи тушган-дек бўлиб, кўнгли хотиржам тортди.

Ёлгиз қолгач, секин ҳужра томон юрди, остонаяга етганда тўхтади. Болалигидан то ҳозирга қадар бу ҳужрага неча бор кирган, кўрган, аммо, бугун - орадан йигирма йил ўтиб, қирқ беш ёшида илк бор қадам қўяётган каби остонасида ўйланиб қолди. Ҳужра ҳеч маҳал бугунчалик кўзига сирли, мўъжиза янглиг кўринмаган. Тўрт юз эллик йилдан ортиқ қад ростлаб турган ўн тўрт ёшли Бобурнинг бола орзуси чиндан ҳам мўъжиза эди. Асли кўчиб, қўпорилиб, таланган эса-да, қумшувоқ ҳолида ҳам мўъжаз жозибаси сақланиб турибди.

«Ҳозир қадам қўядиганим, ушбу остонаяга бир пайтлар Бобур Мирзо ҳам ҳайратга сигмай қадам босган, - деган ўй кечди хаёлидан. - Мұхаббат каби нақадар баландда бу кўшк! Усталар ёш подшоҳнинг кўнглини билганмикан? Ёки усталар ҳам ошиқ ўтганими? Мұхаббатсиз, эътиқодсиз бу иморат бизгача етармиди? Дунёда қасрлар кўп, мўъжиза кўп, аммо «тарих тўққиз юз иккода» Бон-

бур бунёд этган бу ҳужра бизники! Унинг ному нишони, гўзал газаллари, «Бобурнома» бизники...»

Абдуллаев ҳужра эшигидан бош эгиб, ичкарига кирди-ю, тўрга кўз ташлади: «Худди шу жойда эҳтимол Мирзо ҳазратлари шеър ёзиб, газал битгандир...»

Ҳужра ним қоронги эди. Равоқда бир неча шам, буқланган жойнамоз турибди. Шом маҳали эди. У жойнамозни авайлаб ёди. Ихлос билан шом намозини адо этишга киришди.. Жойнамозни буқлаб, жойига қўяр экан, бутун вужуди топ-тоза эпкиндан ҳузур қилаётган эди. У ўзини ружан эркин, хотиржам, барча ташвишлардан йироқ сезар, ушбу тинч, ҳаловатли, миннатсиз онларнинг узоққа чўзилишини жон-дили билан истаётган эди.

У ўзи билан олиб келган «Бобурнома»нинг икки жилдиниравоқка териб қўйди. Шамлардан бирини ёқиб, ҳужрадан чиқди. Атрофга қоронгиллик ейилиб, пастда - узоқ-яқин уйларда милт-милт ёнтан чироқлар кўзга ташланади. У ҳужра атрофини секин-аста айланаб чиқди. Кўзи чол эслаттан тош ўчоққа тушди. Тош ўчоқ чолнинг «ихтироси». Тўрт-беш бўлак тошларни одмигина териб, устига темир сим ўтказиб қумғон остан. Берироқда курсидек сип-силлиқ яна бир тош турибди. Чамаси ушбу тош чолнинг курсиси эди.

Абдуллаевга бу тахлит манзара жуда таниш, қадрли эди. Йигирма йиллар аввал институтнинг талабаси бўлган чоғлариданоқ амалий машғулотлар тогда кечарди. Муҳандис-геолог сифатида қидирув гуруҳига бош бўлган дамлар кечалари гулхан атрофида анвойи ҳид таратиб, чирсиллаб ёнаётган оловга термулиб, келажак ҳақида хаёлга толарди. Кўриб тургани - мўъжазгина тош ўчоқ, сув тўла қора қумғон ўша олис хотираларни ёдга солиб, ўтмишдан яна бугунга қайтарди.

У эгилиб ерда ётган кичик бир таёқчани қўлига олди, чопони барини қатлаб тош устига ўтириди.

Бу кеча уники эди. Ҳеч ким халал бермайди. Жимжит, ҳаммаёқ осуда, худди хаёл каби ширин, озорсиз дамлар. У нимагаки эришган бўлса, кўриб тургани - ана шу тоглар, тогларда, ариқлар тубida сочилиб, чўкиб ётган ранг-баранг тошлар сабаб. Орзулари тоглардан ошиб олис шаҳарга, шаҳардан дунёга олиб кетди...

Гугурт чақиб олов ёқмоқчи бўлди-ю яна шошилмади. Боши узра юлдузлар пайдо бўлди. Порлаб турган юлдузларни ўз ҳолича - қоронгидагуришни истади. Осмов чиндан-да гўзал, олис-яқин юлдузлар жимир-жимир, осмоннинг туби қора қизгиш рангда, тикилиб тураверсанг, қуюқ ранг юпқалашиб ёйилиб, бўлак рангда товланиб, бекиёс ҳайрат бахш этарди.

Вақтнинг ўтиши билинмас, фурсат жуда олисларда қотиб қолгандек, ҳис қилаётганини - ушбу лаҳзаларда гўё умрининг илк

дақықаларини яшай бошлаёттан зди. Нижоят, гугурт чақди. Қуриган ўтинг-шохлар «чарс-чарс» овоз чиқарып ёна бошлади. Назаридә өнідеги ұар бир нарсада - ўтинг, олов, қорайиб турған тошларда, ортидеги ҳужрада Бобурнинг руҳи кезиб юрарди. Ана, у, шоҳона либосда нүрли чеҳрасини аниқ күрсатыб, Абдуллаевдан ўн қадам нарида ўйчан турибди, лаблари билинап-билинмас пичирлаяпти:

- Келдингми, болам?

- Келдим.

- Мени олислардан изламанглар, мен ҳамиша шу жойда..., - Бобур севимли ҳужраси томон ишора қилғандек бўлди. - Черик тортиб Ҳинд сари юзландим, ниятим - Темурбек наслин қудрати-ни оламга ёйиш зди. Давлатимга нусрат ва иқбол эпкинларин иста-дим. Оллоҳ менга улуғ нусрат билан мадад берди. Орзу ва осойиши-талик тўкис бўлди. Ҳали ҳамон аҳилликка бирикажак давлатим дуосига машгулман... Эшит:

Ислом учун овораи ёзи бўлдим,

Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдим,

Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмоққа

Алминнати лиллаҳұғи розий бўлдим, -

Бобур Мирзо зафар тўғрисида битган рубоийсими эслатиб, аста йироқлашди, гўё севимли ҳужраси томон чекинди.

... Кўнгил Бобурда зди. Бобур унинг атрофида - Буратоғ тепаси-да шарпасиз кезиб юрар, олов ялаётган қорақумғон овозини Аб-дуллаев билан бирга эшитаётгандек зди. Бир даста ўтинг ташлаб оловнинг алангасини баландлатди. Учқун сачратиб ёнаётган оловга тикилиб:

- Бирор бир нарса йўқки, Бобур назари тушмаган, у билмаган бўлсин, - деди. - Одатда шоҳлик унга отамерос. Қисмат Бобурга бу рутбани инъом тариқасида эмас, кунма-кун жанг, қон билан, шеър билан тутқазди. У шоҳликдан кечмади, тақдирида шоҳлик битил-ган зди. Тақдир ёзувини ўқиши учун тогларда гулхан ёқди, кўчки-лар остида қолди, қорда кўмилди. Йиқилди, турди. Қайта-қайта. қад ростлаб тақдирга пешвуз чиқаверди...

Ўтинг чарсиллаб ёнарди. Бир пайтлар Бобур Кобулда кўриб, хотирига олган турли ўтинг ва олов тасвири тизилиб кўз ўнгидан ўта бошлади: «Қобулнинг қиши-қори улуғ тушар, vale яхши ўтун-лари бордур ва ёвуқтур, бир кунда бориб келтурса бўлур. Ўтинглари Ханжак, Балут, Бодомча, Қарақанддур. Булардин яхшироғи Ханжакдур, ёруғ куяр, тутунининг ҳиди яхши бўлур, чўғи ҳам галаба турар, ҳўли ҳам куяр. Балут ҳам яхши ўтундир, гарчи тий-рароқ куяр, vale тоблиқ куяр, чўғи қалин турар. Балут йиғочида яна бир ажиб хосиятдур: сабзбарглик шохларига ўт қўйсалар -

УСТУН

гариб шарфа била қуяр. Бодомча барчадин күпроқ ва шоероқтур, чўги турмас. Қарақанд паст-паст тиканлар бўлур, ҳўли-қуруги тенг қуяр, тамом Фазни элининг ўтуни будир...»

Абдуллаев ёниб, чўгга айланаётган ўтина термулиб ўйларди:

- Бобур баландда туриб, қўли ерга етган шоҳ эди. Йўқса, оловнинг тафтини, ўтиининг ҳидини бу қадар нозик, меҳр билан битмасди.

Абдуллаев узоқ сафарларида «Бобурнома»нинг минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йил¹ Тошкентда чоп этилган нашрини олиб юрар, мажлис, анжуманлардан толиқиб меҳмонхонага қайтганида умри синов, жангу жадаллар билан кечган Шоҳ бобомизнинг ҳайратли тақдирига шерик бўлиб, китоб саҳифаларини такрор-такрор, қаторлар остига чизиб-чизиб, тарих қатларида тизилган юрт насабини қалби фахрга тўлиб, гоҳ маъюсланиб, ачиниб ўқир эди.

Бобурнинг шижоати, нозик қалби, диди, айрилиқ-у, азобларга бардоши, ҳиммат-у, иродасидан фахрланса, фалакнинг унга етказган озоридан, аламларидан кўнгли чўкиб ҳар ерда, ҳар замон сотқинлик, вафосизлик аҳилликка, бутунликка қирон- ўнглаб бўлмас талофат соганидан эзилар эди.

Абдуллаев шу таҳлит узоқ ўтирди. Қоронғи кеча. Тош ўчоқда бир ҳовуч чўғ, пастда чироқлар, тепада - осмонда юлдузлар порлайди. Осуда осмон остида - Буратоғ тепасида, Бобурнинг қадим ҳужраси ёнида якка ўзи кечагина юрагини қон қилган турфа майдаликлардан узоқда, барини унтиб эрк-ихтиёрини хаёлнинг топтоза эпкинларига топшириб, тарих билан тиллашиб ўтирибди:

- Ҳар қанча оғирлиқдан, меҳнатдан чарчамайди киши, малол келмайди, нечун қилча гирромлик, адолатсизлик юрак-багрингни куйдирив еб ташлайди, - узоқларга руҳий мадад, хотиржамлик истаб талпинган кўнгли яна маъюс торти. Шу топда Абдуллаев барча саволу сўроқларига Бобурдан жавоб излар, Бобурга суюнар, гўё барча ҳиммату мардликни Бобурдан топмоқда эди:

- Бобур тақдирнинг барча хиёнату азобини миннатсиз қабул қилди, чидади, - Абдуллаев Бобур умрининг ўртасида қор кечиб, йўл излаб, йўл топиб, Кобулга етганини сира ёдидан чиқара олмасди. Ота тахти, Андижон қўлдан кетди, Самарқанд орзуси - бобо Темур пойтахти бой берилди, тақдирнинг изгирин, бемавруд эсан шамоли уни юрт тупроғидан олисларга учирди. Бобур ҳар кун, ҳар тун билан, ёзу қиши билан олишиди. Йўл излади:

¹ 1939 йилда тузилган Навоий комитети қатор ҳайрли тадбирларни амалга ошириди: Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаев «Бобурнома» ни араб имлосидан янги ўзбек алифбосига кўчириб, кўрсатгич, тўлиқ лугат, қисқа изоҳ ва таржималар иловаси билан нашрга тайёрладилар. I-II қисмдан иборат «Бобурнома» 1948-49 йилда нашр этилди.

«Чахчарондин икки-уч күч ўтгач, қор асру улуг бўлди: узантудан юқорироқ эди, аксар ерда отнинг оёги ерга етмас эди, йўл номаълум бўлди... Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаърий-бир ярим шаърийдин ортиқ кўчулмас эди. Қор тепар киши мен эдим, Қосимбек эди, икки ўғли Тангриберди ва Қанбар Али била яна икки-уч навкари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юруб, қор тепар эдук, ҳар киши етти-саккиз, ўн қари илгари юруб қор тепар эди. Ҳар қадам қўйғонида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди. Сўнг бўш отни тортилур эди, узангусигача, қоптолигача бота-бота бу бўш от ҳам ўн-ўн беш қадамча йўл юруб толиқур эди. Яна бир бўш отни илгари тортилур эди. Ушбу дастур била биз ўн-ўн беш, йигитма киши қор тептук. Ўбдан-ўбдан йигитлар ва бек отонгонлар отларидин ҳам тушибай, тайёр тепилган ва босилғон йўлға кириб, бошларин қуий солиб келурлар эди. Ул маҳал эмас эдиким, кишига таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундек ишларни ўзи тилаб қилур...

Барчага ўлум ваҳми бўлди. Тогдағи гор ва ковакларни ҳавол дерлар. Мен ҳаволнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзумга бир такия миқдори ер ясадим, қорни кўкустгача қоздим, ҳануз ерга етмайдур. Ҳар нима елга паноҳ бўлди, ўшанда ўлтурдим. Ҳар неча дедиларким. Ҳаволға боринг, бормадим. Кўнгулта кечтиким, барча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била мунда, барча улус ташвиш била машаққатга, мен мунда уйқу била фарогатда. Йўқ, мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса, кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин.

Ўшандек чопқунда қозғон, ясағон чуқурда ўлтурдим, намози хуфтонгача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтуриб эдим, орқамга ва бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт энлик қор бор эди. Неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоқким, умр бўйи мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъ ўшал фурсатда айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму,

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?»

Абдуллаевни ички бир куч - шиддат билан жойидан турди. Бобурга ёпишган дарду балолар олдида уники хас каби қурбсиз туколди. У чопони барини силқиб, кўксини баланд кўтарди. Хушбўй ҳид таратиб эсаётган саррин ҳаводан тўйиб-тўйиб симирди.

* * *

Мўжаз ҳужрада шам ажаб ёғду таратиб ёнмоқда эди. Иккинчи равоқда оқ тугунда нимадир ўраб қўйилган, ёнида чинни чойнак, пиёла турарди. У қизиқсиниб тутунни очди: иккита нон. Тугун қан-

доқ ўралган бўлса яна шу тахлит ўраб қўйди. Бир пас ҳужра деворига суюниб жим қараб қолди.

Бобурдан сўнг бу ҳужра қўлдан-қўлга ўтди. Не замон, не Султонларнинг қадами етмади бу жойга?! Ривоятлар тўқилди. Бура-тоққа «Сулаймон тоғи» деб ном беришди. Мана, бугун тўрт юз олтмиши йил ўтиб, у Бобур ўлтирган ҳужрада танҳо ўзи шам ёғдусига тикилиб турибди. Ҳаёлида Бобур, дилида Бобур. Балки, чол ишора қилганидек, бу кечка Бобурнинг руҳи чиндан ҳам у билан биргадир. Боя Салим чол «Сиз ёлғиз эмассиз, баҳузр...» - деб бежиз айтмагандир. Ҳар кун бу жойда Қуръон тиловат қилинади...

Ўнгравоқда терилган «Бобурнома» бу кеч чиндан ҳам Бобур Мирзони ҳужрага бошлаб келди. Абдуллаевнинг Тошкентдан кўнглига туғиб келгани фақат бир кеча эди. Бир кеча... Бир кеча у Бобур билан ҳамсуҳбат бўлмоқчи, кўнгли азиз билган жойни тавоғ этиб, руҳланиб Тошкентта қайтмоқчи...

Бобур ҳазратлариравоқдан пастга тушди. Абдуллаев «Бобурнома»ни ихлос билан қўлига олди. Очди. Бир пайтлар ҳошиясиға:

- Ана тасвир, ана номлар, маънолар... Барчаси улуг! - деб битиб, остига чизиб қўйган қаторларга кўзи тушиб эслади. Бобур Мирзо бир пайтлар Ҳирийда¹ Йигирма кун сайд қилган. Султон Ҳусайн Мирзонинг ўтиллари Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзонинг меҳмони бўлган...

Бобур битган ёзувларни аста овоз чиқазиб ўқий бошлиди:

- Йигирма кунда машҳур сайдгоҳлардин бир Султон Ҳусайн Мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрулмаган шояд қолмади. Гозургоҳ ер ва Алишербекнинг бочаси, Тахти остона ва Пуликоҳ, Боги Назаргоҳ ва Неъматобод, Тахти сафар ва Тахти Навоий, Тахти Баргар, Тахти Ҳожибек ва Шайхи Баҳоуддин Умар ва Шайх Зайниддин ва Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг мазорат ва мақобирини ва намозгоҳи Мухтор ва ҳавзи Можён ва Соқи Салмон ва Биллурийиким, асли Абул вамид экандур. Имом Фаҳр ва Боги Хиёбон ва мирзонинг мадорис ва мақобирини ва Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбара-расини ва масжиди жомени ва Боги Зогон ва Боги Нав ва Боги Зубайдада ва Султон Абусайд Мирзо солгон дарвозаи Ироқнинг тошида Оқсарой ва Сўфаи Тирандозон ва Мирвоҳид ва Ҳўжа Тоф ва Боги Сафид ва Тарабхона ва Боги Жаҳоноро ва Кўшк ва Муқаввийхона ва қалъанинг беш дарвазаси: Дарвозаи Малик ва Дарвозаи Ироқ ва Дарвозаи Фирузобод ва Дарвозаи Хуш ва Дарвозаи Қипчоқ; ва Шайхулисломнинг мадрасаси ва Боги шаҳр ва Бадиуззамон мирзонинг Жўйи Инжил ёқасидаги мадрасаси ва Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомениниким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким «Халосия» ва «Их-

¹ Ҳирий-Ҳирот.

лосия» дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосиниким «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, барини андак фурсатта сайр қилдим.

... Барча бегимлар, Поянда Султонбеким, менинг аммам Ҳадичабегим, Офоқбеким, яна Султон Абусайдмирзонинг қизлари амма бегимлар Султон Ҳусайн Мирзонинг мадрасасида йигилдилар. Барча бегимлар Мирzonинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдим. Аввал Поянда Султонбеким била юкуниб кўруштум, андин сўнг Офоқбеким била юкуниб кўриштум. Бир замон мунда ўлтуриб ҳофизлар қуръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасадаким, Ҳадичабекимнинг уйини тикиб эдилар, бордуқ Ҳадичабекимнинг оғини тортилар. Ош тортилғондин кейин Поянда Султонбекимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдим. Аввал манга Боги Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб Боги Навда туштум. Боги Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳирийдан чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим...

Тун. Абдуллаев алламаҳалгача Бобурнинг кўнгил сарҳадларини бир-бир босиб, китобдан кўз узолмади. Бобур неча бор ёлғизланиб, муқаррар ўлимга рўбарў келган, ҳар гал бир нажот муждаларини тушида кўриб, ажаб хушҳол уйгонган. Карнон кентида навқарлари, от-уловидан айрилиб, совуқ қиши тунида егуликсиз қолган Бобурни Юсуф доруга Аҳмад Танбалга тутиб бериши ниятида икки кун алдаб, авлоқ бир уйда тутиб туради. Шунда Бобур сотқинлик ҳидини сезиб, ўлимни бўйнига олади: «Ўзимни ўлимта қарор бердим. Богда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқидум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тиладур эдимким, кўзим уйқуга борибтур. Кўрадурмепким, Ҳожа Яъқуб Ҳожа Яҳёнинг ўрли, ҳазрати Ҳожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга от миниб, кўп жамоати аблаксувор била келдилар. Дедиларким:

- Фам емангиз. Ҳожа Аҳрор мени сизга юбордилар. Ҳар срда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуриб ёд этсин, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг сариудур. Бош кўтаринг, уйгонинг.

Ўшал ҳолда уйғондимким, Юсуф доруга ва ҳамроҳлари бирбирига маслаҳат қиладурларким, тутуб боғламоқ керак...

Абдуллаев ёзувдан кўз узмай секин бош тёбратди, ажаблиси, худди шу маҳал Бобурнинг қўл-оёгини боғлаш тараффудини кўраётган Юсуф доруга ва шериклари тошқотиб қолди. Бобур уларнинг сўзини эшитиб:

- Қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз?! - деб мардона сўз айтган бир маҳал, ўн-ўн беш чоғли содиқ навқарлари денордан ошиб, Бобурни излаб келадилар.

Бобур учун тайёрланган арқон сотқинлар құл-оёғига бояланды. Қабатига уч юздан ортиқ навкар йигилтган Бобурнинг дилига бишқа бир манзил, ўзга бир ният туңди: «Хотиримга келдиким, токай бу Фарғона вилоятіда саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин... Мұҳаррам ойида, тарих түққиз юз түққиза: Фарғона вилоятидин Хуросон азимати билан чиқдим...»

Изтиробли кечада Бобур Мирзо ёрдамга келди, у билан хаёлан билга бўлди.

Киндик қони түқилган ота юртдан ажралиш кўп оғир эди. Абдуллевнинг юртдан қадами узилмаган эса-да, аммо жудолик аламини дилдан ҳис қилар, бу азобни барча аламлар ичида энг оғир, энг адолатсиз, деб биларди. 1950 йилдан то 1955 йилгача унинг «Рудаланишнинг гранитоид интрузиялар билан генетик боялиқлиги» номли китоби атрофида йиллаб кечган баҳс хориж геологлари, Ҳалқаро минералология ассоциацияси диққатини ҳам ўзига тортган эди.

1956 йил у 20-халқаро геология конгрессига қатнашиш учун Мексика (Мехико шаҳри)га борди. Ўшанда академик Шчербаков - делегация бошлиги у билан Совет геологларининг Конгресс секцияларидаги тактикаси ҳақида маслаҳатлашиб турарди. Совет мағкурасига тўғри келмаган олимлар, айниқса, америкаликлар мухолифлар тарзида тушунилар, улар билан муносабатда жуда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳатто, геологиядек аниқ фан ҳам мағкура тарозиси билан ўлчанарди. Ушбу аижуманд Америка геологлари билан тортишувлар бўлди. Абдуллаев соҳа бўйича ўтадиган ҳар қандай илмий баҳсга тайёр эди.

Металлогения секциясида биринчи мажлисни академик Ҳабиб Абдуллаев очган эди. «Мухолифлар» деб тушунилган Америка олимлари Абдуллаевнинг кимлигини яхши билишлар, геология оламида янгилик бўлиб тарқаган кашфиёти атрофидаги баҳслардан ҳам хабардор эдилар. Муҳими, улар Совет мағкурасининг Абдуллаевга бўлган муносабатини яхши англашар эдики, бу Конгресс давомида яна ҳам ойдинлашди. Бир қадаҳ қахва, ширин мулозамат чогида америкалик ҳамкаслар уни ўзлари билан ишлаш, агар рози бўлса, бутунлай қолишга таклиф этилди. Улар Абдуллаевни жонидан тўйгизган ҳукмрон мағкура миннатини, азобини билишгани учун ҳам юрагига беозор қўл солиб кўришди. Қизиги улар Абдуллаевнинг номзоди (Республика Фанлар академияси президентлигига) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида муҳокама этилгани, кимлар қарши турганингача эслатилиши, машҳур китоби баҳсида: «Ҳабиб Муҳамедович совет олими эмас, у буржуя олимларининг назариясини қўллаб-қувватлаяпти, улар

· Милодий 1503 йил.

билин ҳамфир, биз учун бегона» - деб қўйған «айб»ларни ҳам эсдан чиқаришмади. Шунда Ҳабиб Абдуллаев:

- Сизларни тушунишга ҳаракат қиласман, йўқса, гурунглашиб турармидим? - дея ҳазиллашиб хайрлашган, сиёсатга бўлтани муносабатини шу тахлит баён этиб, таклифни рад этган эди... Сафардан қайтгач, ён дафтарида шундай ёзувлар пайдо бўлди:

«Мексика. 1956 йил 17 август куни Мексикадан Хельсинкига учдик. У ерда Хельсинки-Копенгаген-Гренландия-Виннипег маршрутлари орқали Лос-Анжелоста этиб келдик. Энди у ётига Америка тупроғи устидан учиб ўтиш учун Вашингтон ҳукуматининг рухсатини олиш керак.

Вашингтондан жавоб келгач, Мексика авиакомпанияси самолётида кечқурун Мехико шаҳрига этиб келдик. 20 августдан 3 сентябргача Мексиканинг кўп шаҳар ва конларида бўлдик.

1956 йил 3 сентябрда Конгресснинг кенгаш мажлиси очилди. Эртасига мажлис охирида Мексика Президенти Коржелис сўзга чиқиб «Табриклайман ва муваффақият тилайман» деди. Президент фақат мана шу уч оғиз сўзни айтди, холос. Сўнгра делегатлар секцияларга бўлинниб, алоҳида мажлислар бошлианди. Металлогения секциясида биринчи мажлисли мен очдим...»

У ўзига, илмига нисбатан қилинган камситишларга чидади. Аммо, юракнинг жон томирига тегадиган бир азоб бор эдики, у ном билан, миллат билан боялиқ. Абдуллаев ана шунга чидаёлмасди. Шукрки, ҳали ҳадами юрт тупрогидан ўзилмаган экан, у юрти учун кўп хизматларга бел боғлаган, вақт-вақти билан эсиб турадиган бундай изгирин, синовларга дош беришни, асрарни фақат худодан тилайди. Гарчи Ўзбекистон СССР атальмиш улкан давлатнинг кичик бир бўлаги сифатида кўринмай кетса-да, биргина Ўзбек деган ном, Ўзбекистон сўзи таскин-тасалли беришга, жон куйдирив ишлашга изн беради... Барча камситиш, ҳўрлик, иситма каби тан куйдирса-да, нахот-бардоша... Бобур айтганидек:

*Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин ўчадур уйқу, чу оқшом бўладур.
Ҳар иккиси гамим била сабримдек
Боргон сайн бу ортадур, ул кам бўладур.*

Ҳа, юрагида миллат, ватан яшайдиган ҳар кишида гам бирла сабрнинг бир жўшиб, бир тушиши бор. Аммо, улар юракни буткул тарк этмайди: юракка ин қурган, илдиз отган гам бирла сабрнинг ватани юрак...

Ҳужра деворига суюнган кўйи кўзи илинди. Тиззасида «Бобурнома», қўли китоб саҳифаларини тутиб турарди. Шу ҳолда туш

күрди: тушида Бобур ҳазратлари оқ отда, ёнида дарвешнамо кий-инган Салим чол түрик отда пайдо бўлди. Унга яқинлашгач тушдилар. Бобур қийиқ кўзларини узмай кулимсираб қараб турди. Бир сўз демади, худди уни кузатаётгандек. Салим чол:

- Тур, болам, вақт бўлди! – деди. Абдуллаев чўчиб кўзини очди. Шамлар тубигача ёниб, ўчиб қолган, очиқ эшикдан гира-шира ёруғлик тушиб, тонг яқинлигидан дарак беради. У тиззасидан китобни олиб, равоққа қўйди. Ташқарига чиқди. Тошўчоқдати қумғоннинг суви ҳали илиққина эди...

Хужрага қайтиб, оқ тугундан бир тишлам ион синдириб оғзига солди, бир ҳўплам сув ичиб, рўза ният қилди. Шундан сўнг бомдод намозини адо этишга киришди... Намозни тутатиб, сўнгида юрагидан дуо тахлит, тилак тахлит ният кечди: «Эй, худо, юртимни балолардан ўзинг қутқар, ўзбекнинг юрагига ҳам шамол тегсин, кўпнинг қаторида фарзандларим сог-омон ўссин, улгайсин, менга Бобурнинг куч-тайратини ато эт, журъатимни сўндирма. Сендан умр сўрамайман, бойлик тиламайман, халқимга ёргулук сўрайман, ё Қодир Эгам! Омин, Оллоҳу Акбар!»

- Худо хохласа, ниятларинг ижобат бўлур, неки тиладинг, Оллоҳ беради, – ҳужра бўйлаб Салим чолнинг овози янгради, ўгрилиб ортига қараган эди, у йўқ. Ажабланиб ўрнидан турди, аланглаб қарияни ахтарди.

Хужрадан чикқанида қоронғилик секин-аста чекиниб, тоглар бўй чўзиб осмонга қадалган каби кўринар, чор-атроф сирли улутворлик измида, гоят сафоли, салқин ҳаво кўнгилга латиф туйгулар солади. Хужра атрофини айланиб ўтиб, харсангтош устида ўтирди. У бетакрор манзараға тикилиб тўймасди. «Бутун борлиқ кўринини билан гўзал, кўринини билан тоза, топ-тоза! Биз – бандаси бунга жавобгармиз...» Гўё тоғларга тил битди-ю, унга нималарнидир сўйлай бошлади. Ҳайратомуз сукуват, муздек ҳаво, қорайиб кўринаётган яшиллик бамисли жавоҳир топган каби қалбига ҳаяжон, қувонч олиб кирди.

- Оламга сигмас бойликларни багрида бекитиб, яна ўша тоғдек салобат, сокин, жимгина туради-я! – деб ўйлар эди у. Домласи қўнимсиз талабаларга «Бардошли, чидамни тоглардан ўрганинг» деб такрорлашни хуш кўрарди. Ҳа, домла ҳақ экан:

- Биз нега қатрадек билим, мол-дунё, мансаб билан ўзимизга сигмаймиз? – уни кетма-кет саволлар қийнай бошлади. – Ақли қуср бандаси арзимас ҳойу-ҳавас ишқида телба бўлиб, дунёни – яратганини унутади. Ўзидан кечади. Ахир, аслида бандасининг қалбida сабр, шукrona жойлашган эмасми? Ўзига аталган иймон, диёнат, инсофдан қочиб қаёққа боради у?

Кўзимни юмаман! Тошкент бор-йўғи бир тог нарида, тог ортида қолиб кетди. Ташвишу азоблар йўқ, шикоят йўқ, барча майдана-

ликлар қулаган, «Лаббайчи» ошналар күрингмайды. Улар түёки бўлмаган, мен уларнинг кимлигини билмайман.

Мана, кўзимни очдим: вақт, масофа бир зумда қайтди. Ҳозиргина тасавурда йироқлашган барча-барчаси энди мен билан бирга, ҳудди елимдек ёпишган - ажрамайди. Бари вужудимга, кўзимга бойлангандек чекинмайди, мендан кечмайди. Демак, бу тақдир..., - Абдуллаев ўрнидан оғир қўзгалиб:

- Ўзингга шукр, Оллоҳим, берган тақдирингга, умрингга шукр! - деди. - Баъзан бесабрлик қилиб, умримнинг шукронасини унуттан бўлсам, кечир, узримни қабул эт, Оллоҳ, мен сеникиман, ожиз бандангман...

Абдуллаев шу туришича ўрнидан қимирламади. Унинг жисми-жони ҳалоллик, қаноат, шукронна қанотида тобора баландлаб, Ҳақ томон учмоқда эди.

Илоҳий эди бу дамлар. Бу дамлар марҳаматли эди. Азиз бандасигина шундай муруватли онлар тафтида исинади.

Ушбу лаҳзалар шукронаси Ҳаққа етган каби дунё кўзига тўзал, нуқсонсиз, Оллоҳ қудратли, ўзи эса гўё нурдан яралгандек топтоза эди. Беихтиёр қулочини кўтариб, панжаларини кўйка чўзди, кўзларини юмди: гўё тиник, мовий борлиқ томон кўтарилиб, сингиб борарди...

Қуёш тоглар ортидан бош кўтарди. Ҳамма ёққа шуъла сочиб, кўз етган борлиқни ўз таъсирига олди. Пастда ёйилиб оқаётган Жаннатариқ бир қучоқ нурни ҳўплаб, ялт-ялт товланди. Қушлар галиси шундоқ тепасида чугурлаб, атрофни шовқинга тўлдириб учиб ўта бошлади.

Худди шу маҳал Салим чол кўринди. У тўриқ отда эмас, шиёда келар, ёнида ҳеч ким йўқ эди. Чол чеҳрасида нурли табассум билан Абдуллаевга яқинлашиди.

- Ассалому алайкум! - Абдуллаев қариянинг енгил, чогроқ жусасида пинҳона бир улуғворлик, хотиржамлик туйди.

- Ваалайкум ассалом, - чол кўксига қўлини қўйиб, бироз эгилиб саломга алик олди ва Абдуллаевнинг кўзига илк дафъа тик қаради. Сўнг кўзларини ундан узар экан, қайта бундай қарамасликка урингани сезилиб турди, гўё чол кўринмас кимсанинг ихтиёрида эди-ю у зўр берид ўшанинг ҳукмини бажаар эди. Самимиятта тўла бу тахлит муомала, одми ҳаракат, шикаста кўнгил изҳорига унчабунча киши дош беролмасди.

«Боримни берсам-да, чолга камлик қилади, - дея ўйлар эди Абдуллаев. - У нарса деб аталмиш жамики матоҳ, буюм, пулдан устун туради, унинг Шоҳ кўнглини ҳеч нима билан олиб бўлмайди». - Абдуллаев шундай ўйласа-да, чўнгагига қўл суқди: бармоқ-

лари пулга теккач, дарров тортиб олди. Туйқус нимадир ёдига түшгән каби шошилиб устидаги түнини еңди-да, чол томон қадам босди, түхтади. Қария унга томон яқынлашгач, ниятини сезди-то, юз-күйләрида олдингидек нурли табассум ёйилди. Абдуллаев унинг меҳр, самимиятга йўғрилган эҳтиромидан гоят таъсирланиб, тўп билан қўшиб бор меҳрини тутқазмоқчи бўлди:

- Бобожон, шу түнни сизга атаганман...

- Болам, бу түнни кийиб, ясаниб Мирзо ҳазратларининг пойига юкуниш кўп мушкул, -деди. - Мен билан Бобур Мирзо ўртамиизда улуғ фарқ бор. Ҳар ким ҳаддини билгани яхши. Бу манзилда ҳар кун эрталабдан кун ботгунча сайил, зиёрат - элнинг оёти узилмайди. Ҳар кун Мирзо ҳазратлари руҳига тиловату қироат. Бундай йўқлов, шарафга ҳар ким эга бўлавермайди, - чол шундай дея бироз тин олди. Сўнг:

- Нечун бундай, билурмисиз? - деди ва Абдуллаевга тикилиб қаради-да, яна тезгина кўзини олди, эгилди.

- Түнни мендан эмас, Бобур Мирзодан, деб қабул қиласангиз, шоядки, руҳлари шод бўлса, - деди Абдуллаев.

- Шундайми? - чол бош тебратиб кулимсиради. - Садақа олмасдим-ку, аммо, сизнинг бу ииъомингизни улуғ марҳамат ўрнида қабул қилдим. Ўртага Мирзо ҳазратлари тушдилар, майли, раъйингиз қайтмасин, - чол энгашди, Абдуллаев түнни елжасига ёпди. У қад ростлаб түннинг ўнг-сўлига жилмайиб қараб қўйди-да, сўнг:

- Тўн менини бўлди, қўллуқ сизга, ўглим, - деди. - Аммо, бир узрим бор, айтай: ҳажга боролмадим, масжид қуролмадим, қўй сўйиб элга ош тортмадим, гуноҳкор бандаман. Агар, бобонгизни тушунган бўлсангиз, шу түнни сизга кийдирай, мендан сизга ёдгор бўлсин, бобомдан табаррук деб, зора мени ҳам эслаб юрсангиз, - чол тўнни елжасидан олиб, фарзанд мисол меҳр изҳор этиб турган Ҳабиб Абдуллаевга яқинлашди:

- Қани, елкангизни тутинг.

Абдуллаевни ич-ичидан йиги босиб келди: «Нималар бўляти ўзи? Тушимми-ўнгимми?»

У дарҳол ўнг қўлини узатди, чопонни кийди. Чол сездирмай унинг ўнг елжасини силаб қўйди:

- Муборак бўлсин, хўп ярашди, - дея унга қучоқ очди. Абдуллаев чолни бутун борлиги билан бағрига босди. Гўё бир олам ҳалоллик, бир дунё самимият, одимиликни күчтан каби қарияни бағридан бўшаттиси келмас, қучоги эътиқод, ҳаққа тўлган каби кўнгли чароғон эди. Шу лаҳза чолнинг утубу сўзлари элас-элас қулогига эшлилгандек бўлди:

- Сени кутаётган эдим. Мен сени кўпдан кутаман...

«Сиз мени билмайсиз-ку? Сиз мени билмайсиз...» - дилида пиш-ҳон кечган ҳайрат уни узоқ вақт тарк этмади.

Чол унинг ичидаги қолган, айтолмаган гапини ошкор сезиб, билб турган каби юзига термулиб турди...

Пастда машина турарди. Шофёр Абдуллаев тайинланган вактдан олдинроқ келиб, уни кутаётган эди.

Вақт қай маҳал бўлди - билолмади, айни дамда бунинг қизиги ҳам йўқ эди.

Чол билан хайрлашдими-йўқми - буни ҳам эслаёлмади. Умуман, Салим чол бормиди ё кўзига кўриндими?... Уйга, онаси Ибонян аянинг ёнига етгунча кўзини юмиси шу ҳақида ўйлади..

Шофёр уни ухлади, хаёл қилиб, машинани мумкин қадар силкитмасдан секин ҳайдаб борди.

Ибохон ая ўглини кутиб, тез-тез кўчага чиқиб, бунча ҳаялламаса, деб йўл пойлади. Таниш машина дарвозага яқинлашганда келди, деб суюнди.

Эшик олдида бола-бақра, қариндошлар тўпланишган, ўглининг ёр-дўстларидан уч-тўрттаси кўчада, қолганлари уйда кутишаётган эди.

Ўғли Ҳабибуллонинг дарагини эшитганлар оқшом қаёққа кетганини билишмасди. Кампир унинг келганини бутун маҳаллага билдирган, ўғли билан Тошкенга бутунлай кетиш нияти қатъийлашмаган бўлса-да, олдиндан хайрлашув маросими ўтказаётгандек эрталабдан қўй сўйдириб, ош дамлатган эди.

Ибохон ая Ўшдан ажралishi таҳликасини шу тахлит қувмоқчи бўлди. Бутун маҳалла тўйга тайёргарлик кўришгандек ҳовлини тўлдиришди. Улар неча йилларки, кампирнинг ёлгизлигини билдирамай. толеи баланд ўғли борлигидан фахрланиб, алқаб юришарди. Маҳалла-қўй, қариндошлар ичидаги эъзоз топган Ибохон ая тақдирига шукронга айтиб, доим ўғли Ҳабибуллони дуо қилар эди. Бугун, дабдурустдан қадрдан манзили, яқинларидан кечиш осон эмасди.

Ўғли машинадан тушиши билан гўё офтоб қайтадан чиқди. Қудратли тоглар яқин келди. Бағри тўлиб, кўнгли шодланиб кўрингилар юзига кулиб, яйраб боқди.

- Ўрил-да, ўғил! - дейишиди унинг чеҳрасида қувонч туйганлар.

Ҳабиб Абдуллаевни худди куёвдек уйга бошлаб киришди. Пешинга довур ҳовлидан курсандчилик, болаларнинг ош еб, ҳовлидан кўчага, кўчадан ҳовлига югуриб кириб, югириб чиқишилари, шодон қичқиришлари тинмади.

УСТУН

Ҳабиб Абдуллаев вақтни унутгандек шошилмай, яйраб ўтириди. Уни яқиндан билган ўртоқлари ҳайрон эдилар...

Шу кун онанинг юрагини бир армон тилиб ўтди:

-Бу кунларни раҳматли отанг кўрса эди...

* * *

Дўстлар, қариндошлар уч-тўрт машинада Абдуллаев билан Ибохон аяни Тошкентта кузатгани чиқишиди. Абдуллаев онаси билан алоҳида машинага ўтириди. Аясининг кўнгил ғашлигини пайқаб ҳазиллашиб қўйди:

-Бунча қовогингни уймасанг, шу уйинг мендан азиз бўптими, ахир биз Америкага кетаётганимиз йўқ-ку?! Бор йўги Тошкентга, невараларинг ёнига бораяпсан...

- Э сен тушунармидинг, бола, уйдан бир қадам силжисам, дунёнинг нариёғига кетаётгандек бўлаверади!

Анчагача жим кетишиди. Ҳар иккиси -она-ўғил ўз хаёллари билан банд эдилар. Бир маҳал:

- Онажон, нета жимсан, ё хафамисан? - дея кампирни яна гапга тутди Абдуллаев - Ўшни ташлаб кетаётганингдан қайгураяпсанми? Қайтурма, бир ўзинг бир уйда зерикиб, йўл пойлаб, ҳар куни ўрлингни согинардинг. Энди доим ёнимдасан, бирга яшаймиз. Келин, невараларинг - ҳаммамиз хизматингда бўламиз. Сенга бир гап айтайми? -ўғли сирли жимиб қолди.

Кампирга унинг овутишлари таъсир қилиб, ниҳоят машина ойнасидан кўзини олиб, ўғлига қаради.

- Агар худо умр бериб қарисанг, бир куни кўз юмсанг, марақангга бутун Тошкент йигилади. Кимсан, Абдуллаевнинг онаси ўлибди, деб кўчаларда машиналар тўхтайди. Ҳурматинг учун каттакатта одамлар бел боғлаб, оғигда тик туради..., - кампир сал жилмайгандек бўлди.

- Мободо, ўща ўлиб-нетиб қолсанг, то мен етиб боргунимча, ким билсин, кутишадими-йўқми? Доим шу кундан ҳавотирда эдимда, онажон! Энди кўнглим тинчиди, шукр. Ўқийман, ишлайман деб сени ташлаб кетавериб, роса жонингга тегдимов! Қани, энди айт-чи, курсандмисан?

Ибохон ая кўзида ёш билан ўғлининг қўлларини силади:

- Илоё, менинг қолган умримни ҳам сенга берсин, сен яша, кўрай...

* * *

Самолёт она-боланинг нафақат жисмини, балки бир қучоқ орзу умиди, қувончини опичлаб Тошкент томон учарди. Тақдирнинг кетма-

кет зарбаларини бир муддат унугтган Абдуллаев онаси Ибохон ая, Сулаймонтоғ, Бобур җужраси, авлиёсифат Салим чол билан үтказган онлари ҳаётида такрорланмас, ажыб хотира сифатида қолишини үйлаб хүрсениб қўйди. У зимдан онасига тикилар экан, фарзанд учун ота-онадан бўлак азиз, яқин, меҳрибон киши бўлмаслигини, барча аёллар жигаргўшаси толейини кўриш орзуси билан яшашини дилдан туйди-ю, оналар безавол, оналар буюк, оналар бетакрор, деган хуросага келди.

У онаси ҳақида үйлар экан, нега инсон боласи бир-бирини тушунишга келганда оқсайди, бир-бирини малоллик билан, зўрма-зўраки қабул қиласи, ёвлашади, кенг дунё кўзига тор кўринади, дея ўзини қийнаган, шу кунгача тинчи, ҳаловатини бузган қара-ма-қаршиликларни ёдига олди. У вақт, масофа жиҳатидан яна тақдир аталмиш ёзигига яқинлашиб бормоқда эди. Ўшга келишидан олдин бошлаб қўйтан синов муддати яқинлиги кўз ўнгидан ўтди. Ёшу кекса кўпчилик ҳамкаслар - олимларнинг бир-бирини аямай, душманларча қора чаплашларининг оқибати нима билан тугар экан? Қандай қисла улар бу ишларидан пушаймон бўлишади? Муҳими бу эмас, уларнинг барчаси майдалик, кўролмаслик балосидан кутилиши керак. Шундагина улар бир-бирига қўл беришади, муҳими, ким эканликларини билишади.

Ўжар қисмат Абдуллаевнинг ҳар бир сўзи, ўйи, режаларини олдиндан сезгандек, ҳамиша унинг зиддига ҳаракат қиласи эди.

«Не қиласай, агар ихтиёр менда бўлганида-ку, ҳамортлар зуваласини бошқачароқ тупроқдан қорган бўлардим. Афсус, ихтиёр менда эмас, ихтиёр ҳамиша ихтиёрдан ташқарида бўлади...»

Шу тахлит хаёллар оғушида Тошкентта етиб келишганида шаҳар она-болани ўзининг сирли бағрига қабул қилди.

* * *

Эшикни Абдуллаевнинг умр йўлдоши Фотимахон кўзида ёш билан очди. Эри, қайнонаси остонаядан ичкари киришгач, Фотимахон кўзи билан ошхона ёнидаги хонага ишора қилди-ю йиглаб қайнонаси билан кўришди. Абдуллаев бир зум кирган жойида қотиб қолди, гап нимадалигини тушунмади. Ниҳоят, хотини ишора қилган ошхона томони кўз юргутирди. Ошхонага тақаб қурилган чегроқ хона деразасидан кимдир кўринди. У беихтиёр ўша томонга юрди. Хонада бир аёл эркак билан уауқ-юлуқ русча хиргойи қилишарди. Уларга кўзи тушиши билан етган жойида тўхтади. Тишини-тишига босиб бир зум тикилиб турдию, гап нимадалигини дарров англади. Мельниковнинг иши бу! Зўравонлик билан, йўқ, ўта пасткашлик билан ниятига етмоқчи. Тушунарли! Тайёрланган алкаш-

ларни уйимга киритиб, мендан қасд олмоқчи. Ҳозир булар билан тортишишнинг мавриди эмас. Онамни ўйлаш керак, Фотимахонга ётиги билан айтаман, тушунади...

Абдуллаев гүё ҳеч нима бўлмагандек, жилмайиб ортига қайтди. Онаси қўрқув билан унга қараб турар, бир нохуш воқеанинг устидан чиққанига кўнгли вайрон бўлиб, бутун вужуди қалтирамоқда эди.

- Шунга шунчами, Фотимахон, ахир ётоқхоналарда, ижара уйларда турганимиз ёдингиздан чиқдими? Ўзим айтганман буларга, вақғинчалик бизникида туришади. Бор-йўғи икки-уч кун, қани уйга кирдик, мен сизга Ўшни кўчириб келсан-у, сиз бўлсангиз, биттагина хона учун кўз ёш тўксангиз. Онажон, келининг сенга тортмаган-да, қара, эр-хотин мусоғирлардан жой қизганиб, биздан холаҳвол сўрамайди-я? Дарвоқе, болалар кўринмайди, қани улар!

- Хонада қамаб қўйганман, улардан қўрқдим..., - Фотимахон эрининг зўр бериб уларни тинчлантиришга уринаётганига ишонқирамай «эр-хотин квартирант»лар томонга хавфсираб қараб-қараб қўярди.

Уй бир зумда шодликка тўлди. «Қамоқ»дан озод этилган Раъно, Рустамжонга бувисининг келиши ҳақиқий байрам бўлди. Бир-брига гал бермай Ибоҳон аянни гапга солиб, ҳоли-жонига қўймас, биз билан бутунлай қоласизми, ростми, деб саволга тутишар эди.

Ҳабиб Абдуллаев ечинмай иш кабинетига ўтди-да, телефонга тикилтанича ўй суриб қолди. Ҳафта-ўн кун олдин иккинчи котиб Ефим Николаевич Мельников билан бўлиб ўтган сұхбатни эслади. Мельников қай йўсинда бўлмасин, Абдуллаевнинг иродасини ўзига бўйсундирмоқчи, этмоқчи эди. Унинг «...эртага уйингта янги оила кўчиб ўтади, етти квадратметр ошиқча жойинг бор...» - деган сўзлари қулоқлари остида қайта акс-садо берди.

Нима қўлсин, кимга мурожаат этиши керак? Ҳеч ким юрак ютиб, жой палончи, сен ноҳақсан, Абдуллаев яшаб турган юрти, миллати учун ҳалол, вижданан ишлайти. Ундан хато излама... деб айтолмайди. Ҳамма жим, қўриб-кўрмаганга, эшитиб-эшитмаганга олишади. Бу қандай хўрлик?! Кулла-кундузи зўравонларча уйингга бостириб киришса, уй меники, шу жойда яшайман, деб безрай-иб туришса, бу қайси қонунга тўгри келади?! Бизда қонун борми ўзи, умуман, қонуннинг эгаси ким?

Шу пайт очиқ деразадан «эр-хотин квартирантлар»нинг кайф таъсирида хиргойиси эшитилиб қолди. Улар овозларига эрк бериб, стол устидаги вино шийсаларини шарақлатиб, тўкиб, синдириб қўшик бошлиши.

Бундай лаҳзаларда ҳар қандай иродали кишининг ҳам, боре, бу юрт, бу ватан фақат менга керакми?! - деб юбориши ҳеч гап

эмасди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби Мельников шундай усул қўллаган эдики, Абдуллаев бу ҳақида ҳеч кимга мурожаат этолмасди, орияти бунга йўл қўймасди. Ҳом гиштдан қурилган чогроққина ҳовлида деярли бўш-ортиқча хона йўқ эди. Ошхонага тиркаб қурилган бир хона ёэги емакхона, болаларнинг лаш-лушкига ярарди. Тўгри, бу хонадан деярли фойдаланилмасди, аммо уни мутлақо кераксиз, ортиқча, деб ҳам бўлмасди. Академия вице президентлиги даврида бу уйга кўчиб ўтишганди. Президент бўлгавидан бери тузукроқ уйларга жойлашиш имкони келди, ҳанузгача ҳам таклифлар бўлиб турибди. Аммо Абдуллаев таклифларни рад этиб, янги ҳовлига кўчиш имконини орқага суривелашди. Сўнгги йилларда у қатор хорижий мамлакат академиялари президентларининг меҳмони бўлди. Таникли давлат арбоблари, сиёсатшунослари билан учрашди, касбий алоқалар ўринатди. Баъзан улар Москванинг таклифи билан Тошкентта ҳам чақирилар ёки Тошкент орқали Москвага ўтишарди. Шунда Абдуллаев хотини Фотимахон билан меҳмонни ҳукуматнинг дала ҳовлисидами ёки бирор мослаштирилган хос жойларда «меҳмон» қилас, гўё ўз шахсий уйидек вақтингчалик фурсатни ўтказишга мажбур эди. Бундай ясама мулкдорлик, «рол» бажариш аллақачон жонига теккан, у анчадан бери чогроқ бир дала ҳовли қуриб, бундай кўзбўямачиликлардан ҳалос бўлиш, рисоладагидек ишлайш, меҳмон кутиш, фарзандлари билан хордиқ чиқариш ниятида эди. Китобларидан йигилган қалам ҳақи бундай имконни бажаришга етиб ортарди, аммо, унга қарши уюштирилаётган турли галвалар таъсирида кўнглидаги ниятини амалга ошириши орқага сураяпти. Инсонга хос барча одмигина оразу-ҳаваслар чегараланган, маълум қолипларга жойланниб, жилов партия, ҳуқмрон мафкуранинг қўлида эди. Ҳусуий мулкка бўлган ҳар қандай интилишни жазо кутар ва бундай «хато» ҳеч қачон кечирилмасди.

Абдуллаев ҳукуматнинг розилиги билан якка ўзига эмас, фан, санъат, ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳасида хизмат кўрсатган таникли шахслар учун дала ҳовли қуришта розилик олган эди. Кўпчиллик қўшиллар курсанд бўлиб, иморатларини тикилашга, баъзилари кўчиб ўтишга ҳам улгуришди. У эса ҳамон қурилишни ортга суривелади.

Мельниковнинг навбатдаги зарбаси жуда оғир ботди. Ўз уйинг, ўз ватанингда эркисиз, ихтиёрсиз яшаш оғир эмасми, бу қандай маломатки, додингни бировга айтольмасанг, инон-ихтиёргингни доим тўсисб туришса, оразу умидинггача пойлоқчи қўйишса...

Эшикдан аста хотини кириб келди. У чақирилмаган меҳмонлар ҳақида эрига нималарни дидир айтиш истагида, уларнинг қандай қилиб

үйга кириб келишганини билдиримоқчи эди. Абдуллаев барини тахминан аинглаб турарди. У ҳеч нарса бўлмагандек, хотиржам:

- Гап, шу Фотимахон, - деди. - Икки-уч кун сабр қиласиз, улар кетади, бу ҳақида ҳеч кимга сўзлаб юрманг, муҳими, уларга ётибор берманг. Тушундигизми, энг муҳими, онамни хурсанд қилайлик, у биз билан бир умрга қоладиган бўлиб келди.

Фотимахон зрига қараб турди-да, индамай чиқиб кетди. Чамаси аёли уни тушунгандай эди.

Абдуллаев академияга қўнгироқ қилиб, машина чақиртирди. Кечгача уч-тўрт соат ишлаш ниятида эди.

* * *

Москва йигинидан қайтган Гани Мавлонов Абдуллаевнинг Ўшга кетганини Фотимахондан эшитиб, дўстининг қайтишини сабрсизлик билан кутди. Эртасига одатдагидан вақтлироқ уйдан чиқиб, академияга борди. Икки дўст бир-бирини узоқ кўрмагандек бағирашашиб кўришишиди. Негадир улар бир-бирини бағридан бўшатгиси келмасди. Иккисининг ҳам қалби йиғлар, қалби тўла ёш эди.

Қабулхонадан кабинетта киришиди. Юазма-юз ўтириб, бир-бирига жим қараб қолишиди.

- Москонда узоқ қолиб кетдинг, - жимликни Абдуллаев бузди. - Биламан-ку сени, оққушлардан ажрагинг келмаган.

- Нима ҳам дердим, - Гани ака панжаларини ёйиб жилмайди. - бу борада ўзлари устоз-да!

- Мен эсам бу ёқда «Тегирмончи» билан ёлғиз олишиб юрибман.

- Наринъянининг ўки бу галча сени четлаб ўтди, дўстим, қутулдинг!

Абдулласв уни эшитмаган каби билинار-билинмас хўрсиниб дебразага тикилди. У бир муддат шу кўйи жим туриб қолди-да:

- Бу галча четлаб ўтган бўлса, эртага нишонга тегиши аниқ, - деди ниҳоят. - Мен ҳаммасига тайёрман, дўстим. Сен келтан балони даф қўлиб, менга бироз имкон бердинг, ҳақиқий дўстининг испини қўлиб, ортимда тоғдек турдинг. Агар, мени тўрги тушунисанг, Оллоҳдан ҳеч қаҷон бойлик, мансаб тиламайман, сендеқ дўстга умр сўрайман!

Гани Мавлонов дўстининг тилагидан миннатдорлик уқиб, ўзини қўярга жой тополмай ўнгайсизланиб ўтиради.

- Ҳа, дўстим, мен кўп нарсаларни тушунгандекман, - Абдуллаев қадини бироз ростлаб, жиддий дона-дона гапира бошлади. - Менга отилган ўқ - бу, дўстинг Ҳабибга отилган ўқ эмас. Бу, сенга, менга - ўзбекнинг келажагига, ривожига, ўз-ўзини англашига қаратса отилган ўқ! Улар анои эмас, пухта режа асосида, узоқ йиллар давомида шакллашган мақсад, мафкура асосида бизни бошқариб

келишайпти. Бугун мен гинахонликни, ҳар қандай құрқув, хафагарчиликни унұтдым! Сенга барада айтишим мүмкін: улар бизга әч қаңочы дұст бұлмаган, етті ёт бегона, душман! Душманға душмандең мұносабат, ақл, җүшөрлик ва ҳатто алдов керак! Буларнинг бари жүръят билан, садоқат билан түйгазилса, унда құрқув бизни буткул тарқ этади, мақсаднинг этагидан мақкам тутиб фаяқат олдинга юриш керак! Сендең, мендең кишиларнинг чекимизга түшгани шу! О дүстім, күрмаяпсанми, юртимизда келажак үйгонаяпти, уни бешигида бүгизламоқчи бұлғанларға биз түсікмиз...

- Гапинга қүшилмай иложим йүқ, - дея қуюниб тап бошлади Фани Мавлонов. - Чекимизга түшгани шу бұлса, бундан қайттан номард! Аммо, сени ким ўйлаяпти, оиласын, ширин фарзандларнинг тақдирини ким ўйлаяпти? Бутун СССРда ёмонотлиқ бўлишинингга бир баҳа қолди-ку! Хизматларнинг, илмингга мукофотми бу?! Баъзан юрагимга ваҳм тушади, ўзимни эмас, сени ўйлайман. Сен ажал билан, аждаҳо билан ўйнашаётгандек кўринасан, рости ҳам шу! Йүқ, Ҳабиб, мен жон дүстинг сифатида сени қувватлайман. Лекин бу таҳлит, кескин, ошкора йўлингдан қайт! Бугун борган манзила эртага ҳам етиш мүмкін. Назаримда сен ошиқаяпсан, ҳүшёрликни қўлдан бердинг. Худди елканита шайтон мингандек улар билан ўча-кишасан. Менинг институтимга, аспирантурага ўнта ўрин бериб тўғри қилган эдинг. Бир кун ўтмай янги буйруқда имзо чекдинг. ўнта эмас, ўттиз учта! Аминманки, қирқта топилса, барига буйруқ чиқараардинг. Бу ишинг юқоридаги «дүстинг»га аллақачон бориб етди. «Тегирмончига» мен эмас, сени жавоб берасан! Ишни чигаллаштирамай керагида ён бериш лозим...

Абдуллаев барини тушунарди, дүсти қуюниб, рост сўзлаяпти. Уни бошқалардек мансабу маошдан, обрў-эътибордан, жамики имкондан бирозгина бўлса-да фойдаланиб, роҳатини татиб, давронли кунлар кўришга ундаяпти. Бунинг нимаси ёмон? Аммо, ўтаётган ҳар бир кунга боя айтганидек, миллат келажагига аллақачон қоп-қон қўйилган. Биргина имкон - ақлни ишлатиб чора излаш. Кимлардир ушбу чоранинг қурбони бўлиши тайин. У Ҳабибдир, у Фанидир, бошқадир, лекин фурсатни бой бериш баридан оғир, тақдир кимгадир эл юкини кўпроқ юқлаган экан, буки тушуниш керак...

Ҳабиб Абдуллаев индамай ўрнидан турди. Сейфдан бир даста хат олиб жойига қайтди.

- Кече Ўшдан онамни олиб қайтдим, у биз билан бутунлай яшамоқчи...

- Э, яша, дүстім, бу ишинг кўп улуғ бўпти-да! - Фани ака астыйдил севинди.

- Кечга яқин уч-тўрт соат кабинетда бўлиб, кўриб турганинг - ушбу хат муаллифларини қабул қилдим, - деди Абдуллаев муд-

УСТУН

даони тушунтириб. - Булар ҳали ҳаммаси эмас, икки кундан сўнг муддат тўлади. Хатлар яна кўпаяди, тўғриси, шикоятлар. Бу шикоятларни ўзим буюриб ёздиридим. Уларни синамоқчиман, кимнинг кимлигини билмоқчиман. Аммо, мавзу - нишон танлашни ўзларига қўйиб бердим. Қани, ўқиб кўр-чи, нечтаси сен ҳақингда экан?

Гани Мавлонов давдурустдан ҳеч нарсага тушунмади, бироз иккиланиброқ хатларга қўл чўзди, аммо биринчи хатни очмай туриб дўстига разм солди. Абдуллаев мутлақо хотиржам, мийигида жилмайиб турарди

- Ўзим буюриб ёздиридим, дейсан, тушунмадим, - дея елка қисди Гани ака. - Сендан ҳар қандай жумбоқни кутса бўлади. Ҳеч кимнинг ақлига сигмаган... ишларни бошлаб юрасан.

- Галваларни десанг-чи!

- Ақлли кишининг садагаси кетсанг арзиди.

- Хатни ўқимай қўя қол, яхшиси, булар ҳақида ўзим гапириб берай сенга. Мен билан баҳсласишини яхши кўрасан-ку?

Гани Мавлонов қўлидаги хатни жойига қўйиб, дўстига қулоқ тутди.

- Хабаринг борми-йўқми, Иброҳим Мўминовнинг устидан кетма-кет шикоят ёзиши. Шикоятчиларни тоқат билан тингладим, ора-орада рагбатлантириб, елкасига баракалла, деб қоқиб қўйдим - ишониши. Кошкни эди улар Иброҳим домланинг ўндан бир юздан бир ишини қилишга яраса? Бутун Иброҳим домлани, эртага мени, индинга сени, сўнг Ойбек, шу тартиб бошқаларни ўз қўлимиз билан бўғиалайверсак, ким қолади? Сену мен келажак деб суришаётганимиз ёшлар кимнинг қўлига қолади, уларга ким устозлик қиласди? улар кимдан ўрганишади, эртага уларга биздан нима қолади? Ана шуларни ўйладиму бир шумликка журъат этдим. Ёшу қари демасдан кўплаб олимларни, аспирантларни ҳузуримга чақириб, ўзинг ёқтиргмаган, ишининг тўсқинлик қилаётган киши устидан шикоят ёз, сени қўллайман, деб ишонтирдим. Агар билсанг, чақирганларимдан атиги икки киши буйругимга кўнмади. холос, бошқалари ҳузуримдан қанот чиқариб учди! Кечаки хатларни ўқисам, бир-бирининг устидан шикоят эмас, гирт тұхмат, иғво ёзишган. Ана, Фанижон дўстим, - дея Абдуллаев столга мушт урдида, ўрнидан туриб кетди.

- Энди мен сенга яқинроқ борай, сенинг гапларингга рози бўлай, баланд доирадагилар билан тортишмай, курашмай жимгина юрай. Қани, айтчи, халқимизнинг энг илғор вакиллари саналмиш, олиму фозиллар, бўлажак олимларки ўзини, ўзлигини танимай, аямай, андиша қилмай бир-бирини оёқости қилишса, тұхматлар ёғдирса, бироннинг ёстигини қуритишдан роҳатланса, буларни қандай қилиб сафга қўшиш, тарбиялаш, олим эмас, одам қилиш мум-

кин?! Бунинг бирор-бир чораси борми? Бу билан ким шуғулланиши керак? Агар, астойдил шу иш билан шуғулланаман десанг, бунинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам гирт сиёсат, мафкура! Қани энди ўзинг айт, биргина ишора, ёлғон рағбатта «Лаббай!» деб жавоб бериб турган юртдошларга бефарқ бўлиш, кутиш, уларни ўз ихтиёрига қўйиш мумкинми?

- Нима қил дейсан?! - Гани ака, охири чидолмади. - Ҳе... уларни! Қайтадан мактаб очиб, алифбодан дарс берайми бу ярамасларга! Бундайларни юртдош дейишига ҳам уяласан киши. Юртдош дегани бутун бир миллат-ку, ном-ку, ахир! Ҳабиб дўстим, у йўқ, бу йўқ толейи паст ҳалқ эканмиз! Бу кетишида барчамизни бошимизни ейишади бу сотқинлар! Агар, Москвада Наринъянининг биз ҳақимиздаги, ўзбек ҳақидаги кинояларини эшитганингда эди! Унинг таъналарига одам эмас, илон пўст ташлайди. Билмадим, кўзимга кўринган ҳар бир юртдошнинг тупроғи одам танимас, беаҳл, беандиша, худбин жойдан олинганми, бир-бирини кўролмайди, кун сайин гурурдан узоқлашиб, қўл-оёгини ўзи boglab беради! Хизматкорликка ярайди булар, қулликка ярайди! Айт, дўстим, нима қилай, мендан нима истайсан?!

Абдуллаев ички гурур, қониқиши билан дўстининг елкасига қўлини қўйди:

- Сендан истаганим шу: сени шу ҳолда, шу қиёфада, шу сўзда кўриш эди! Шукр, биз бир-биrimizni англабмиз, дўстим. Феълингни кенг қил, борган барча аспирантларни олавер, қўрқма. Агар, шуларни деб олий ҳукумат мени отса, отақолсин, атиги битта Абдуллаев камаяркан, холос, аммо, унинг ўрнига ўттиз уч нафаридан лоақал бештаси фан доктори бўлса, мен гўримда тинч ётаман, тушиндингми, дўстим?!

- Сеҳринг бор сенинг, - деди Гани Мавлонов, - ҳозиргина нина санчилган юрагим бироз юмшади, ишқилиб омон бўл дўстим, тақдиринг шундай экан, сени ўзғартириш менинг қўлимда эмас. Омон бўл!

- Ҳазрат Бобур айтадиларки, умидсиз чоғларда умидли бўл! Икки дўст умидга ишониб, умидга суюниб хайрлашиди.

* * *

Иш бошланишига ўн дақиқадан зиёдроқ вақт бор эди. Дўсти Гани Мавлонов хайрлашиб кеттагач, дераза ёнида ўй суриб қолди. Шиддат билан кечтан кечаги кун - катта-кичик лавозимлардан аёнки, миллат тақдирни кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ. Буни ким қандай тушунади? Бирор мансабни ўткинчи умринг инъоми, деб, бирор зса бошқачароқ - юрти, миллати учун берилган имкон деб билади.

Инъому имкондан қай тариқа фойдаланиш ҳар бир шахснинг - раҳбарнинг кимлигига, мақсадига, бутунлигига боғлиқ. Тақдир уни мансаб курсисига кўтарган қирқинчи йиллардан бери йигирма йилдан ошиқ вақт ўтди. Замон ўзгарди. Кўп нарсалар ошкор бўлди ва аксинача, кўп воқеалар, ҳаракатлар сирлигича қолди. Рамагида жони бор одам, қай замин, қай миллатга дахилдорлигини унумтаған фарзанд бугун вазиятни билмаслиги, ўйламаслиги мумкин эмас. Ахир, одамзотнинг қўйдаған фарқи бўлиши керак-ку? Бир чўпон бир таёқ билан юзлаб қўйни олдинга солиб ҳайдаши мумкин, биз қачонгача ўша чўпоннинг измида ризқимизни оёгимиз билан то-пиб, семириб, кўпайиб, сўнг этимижни хўжайнларга топширамиз? Буни ҳис қилиш қийинми ёки инон-ихтиёримиз, фикримиз, зако-ватимиз ҳам буткул ўзгалар измига ўтганми? Ҳар қанча зулм, алдов бўлмасин, фикру ёдимиз, ҳаракатимиз ўзимиз билан эмас-ми? Истасак, хоҳиш чегара билмайди, мақсад ҳар қандай тўсик-дан баланд туради!

Бундан уч-тўрт йил олдин - 1955 йилнинг декабрь ойида Н.С.Хрушчевнинг Тошкентта келиши ва унив шарафига уюшти-рилган митинг - латифага айланган шармандалик ҳанузгача ори-ятли кишини жунубушга келтиради. Бу ҳақида унга кўплар гапир-ган. Воқеани аниқ-равшан тубига етиш учун Нуритдин Мұхитди-новдан¹ шу ҳақида сўзлашни илтимос қилганида, у кулиб-кулиб шундай эслаган эди:

«... Самолёт соат 17 лар атрофида ерга қўнди. Туйнук очилди, зинапоядан Хрушчев, Булганин, Серов, Громико ва бошқалар туша бошладилар.» Никита Сергеевич бизнинг қутловларимизга ланж-лик билан жавоб берди. Унга аэропортдан тўпла-тўғри митингга жўнаб кетишини тақлиф қилдик. У: «Қанақа митинг?!» - деб бақирди.

- Сафарга жўнаб кетишингиздан олдин келишган эдик-ку? Ҳозир майдонда бир неча юз минг киши тўпланган, улар сиз билан учрашувни қувонч ва сабрсизлик или кутишмоқда, - деб жавоб бердик.

- Топган эрмагингизни қаранг-у? Бизсиз иш битмайдими? Ях-шиси, бизни дала ҳовлига элтиб қўйинг!

- Ахир биз митингни икки марта қолдирганимиз. Одамлар сўзла-рингизни тинглашга муштоқ...

Машиналарга ўтириб, майдонга жўнаб кетдик. Мингларча одамлар кўчанинг икки ёнига турна қатор тизилишган, қўлларидағи

¹ Н.Мұхитдинов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ би-ринчи котиби. 1955й.

² Н.С.Хрушчев - КПСС Марказий Комитетининг биринчи котиби; Н.А.Булганин - ССРР Министрлар Совети Раиси; Л.Н.Серов - ДЖК бошлиги (Н. Мұхитдиновнинг «Кремлда ўтган кунларим» номли эсдаликларидан олинди. Тошкент-«Ўзбекистон» нашриёти: 1995 йил).

байроқчалар ва гулларни силкитишади. Никита Сергеевич уларни кўриб ўзига кела бошлади. Майдонга етиб келдик. Уч юз мингга яқин одам тўпланганди. Ҳар томондан Никита Сергеевичнинг, меҳмонларнинг шаънига, партия ва ҳукуматнинг шарафига табриклиар-хитоблар янграйди. Қулогимиизга ҳайқириқлар чалинади:

- Хуш келибсиз, Никита Сергеевич! - буларни кўриб, у:
- Маъруза қиласман, - деди. Унга сўз берилди, микрофонни ўзи томон сурив, тап бошлади:

- Салом, қадрдон тожикларим! Биз сизларга Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон халқларидан, сизларнинг қўшиларингиздан савимий салом келтирдик. Бизни у ерда яхши кутиб олишди...

Кейин кутилмаганда шундай деди:

- Сиз, тожиклар, баракалла, яхши ишлайпсизлар, пахтадан мўл ҳосил олмоқдасиз! Қўшиларингиз - ўзбекларнинг эса ишлари пачава! Энг аввало шуки, уларнинг раҳбарлари орасида аксилимеханизаторлар бор...

Ҳаммамиз ҳайкалдай қотиб қолдик. Мен бўлсан Булганинга қараб:

- Ўзбекистонда турибсиз. Қаршингизда турғанлар: ўзбеклар, денг унга, - дедим.

- Ўзинг айт, - деди у менга секингина.

- Никита Сергеевич! Қаршингиздагилар тошкентликлар, бутун Ўзбекистон аҳолиси Сиани диққат билан тингламоқда, - дедим.

У бошини менга томон кескин буриб:

- Нима дедингиз? - деди.
- Сизни ўзбекистонликлар тинглашмоқда, - такрорладим мен.
- Нега аввал шуни айтмадингиз?! - деда дўқ урди, Никита Сергеевич.

У шу заҳотиёқ микрофонга бурилиб, кўтаринки руҳда сўз бошлади:

- Тошкент ва Ўзбекистоннинг азиз аҳолиси! Сизларни бир текширмоқчи бўлдим: қани, кўрайчи, қанақа муносабат билдирасизлар деб, очиқасига танқид қилдим. Сиз эса, азиз тошкентликлар, менинг ҳазилимни тўғри тушуниб, сўзларимни диққат билан тингладингиз. Раҳмат!

Гулдурос қарсаклар! Шундан сўнг Хрушчев ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги ҳақида гапирди:

- Сизнинг республикангиз янада кўпроқ пахта ва бошқа маҳсулотлар беради. Қалай берасизми?

- Ҳа! Берамиз! Режани ошириб бажарамиз! Бизнинг Никита Сергеевичимизга раҳмат, ура! - мингларча овоз аҳиллик билан жавоб берди...

Хрушчев микрофондан нари кетди-да, секингина:

- Энди дала ҳовлига борайлик, - деди. Митинг охирида менинг жавоб сўзи айтишим назарда тутилган эди. Бироқ унинг: «Қани, кетдик!» - деган буйруғидан кейин раислик қилувчига:

- Халқа раҳмат айтинг, Никита Сергеевичга, Николай Александровичга ва делегациянинг бошқа аъзоларига миннатдорчилик билдиринг, - деда уқтиридим. Митингда қабул қилинган ҳужжатда мамлакат раҳбарларининг сафари маъқулланди, республика меҳнаткашларининг вазифалари белгиланди.

Дала ҳовлига етиб келдик. Ҳиёбонда 15-20 дақиқа дам олгач, ҳамма дастурхон атрофида ўтири. Меҳмонлар ҳам, меабонлар ҳам бедана гўши солиниб дамланган паловга, кабобга, сомсага ва Самарқанд конъяига юқори баҳо беришиди...»

Ўшанда Ҳабиб Абдуллаев:

«Митинг, сафар маъқулланди, вазифалар белгиланди» деб қайта-қайта тақрорлаб юрди. Халқнинг эмас, раҳбарларимизнинг қиёфаси йўқлигидан азият чекди. Рост-да, Грузия ёки Арманистонда Хрушчев шундай бефарқ, миллат ажратолмай, ялтоқланиб чалкаш гапирамиди? Мабодо гапирса, улар чапак чалиб олишинлашармиди?

Ўзбекистондек катта республика, ўзбек деган ном, миллат, наҳотки, умумий бошқарув, катта оғанинг ичига йитиб кетса? Қарсакбоазлик, маъқуллаш, мутелик бизни кути сайнин тарихимиздан узоқлаштириб, қиёфасиз, номсиз қултга айлантириди. Бу ҳақида ким ўйлайди, хасга ёлишгандек ҳамма ўз жонини қутқазиш пайида... Бунақада ўзбекни ким танийди? Қоғоздаги Конституциясида байроги, герби бору тили йўқ ўзбекнинг келажаги билан кимнинг иши бор? Республикадан хом ашё сифатида олинадиган пахта, чорва, жамики маҳсулотлар халқнинг беқадр, оғир меҳнати эвазига йилдан-йил ошаверади. Биз, тили йўқ, бўйнига арқон бойланган юввошлар кулфатимизга чапак чалиб, илжайиб тураверсак бундай кўргулиқдан бизни Оллоҳнинг ўзи ҳам қутқазипга ожизлик қиласди-ку!

Котиба кириб, қабулда кишилар тўпланганини хабар қилди.

- Киришсин, - деди Абдуллаев қатъият билан. - Фақат бир шарт билан: бўйининг узунлиги, вазнининг оғирлигига қараб эмас, ишининг муҳимлигига қараб киритинг. Яна бир гап, бугун тушликсиз ишлаймиз, розимисиз, мукофотига музқаймоқ!

Котиба ширин жилмайиб кетмоқчи эди, Абдуллаев:

- Тўхтанг, - деда уни тутиб қолди. - Табиблар букрини қайтарзда тузатганини биласизми?

- Йўқ, билмайман. - деди котиба қиз.

- Қадимда бу бедаво дардни шафқатсиз бир табиб даволаган. Қандай денг? У беморнинг ёнига гўзал, жуда гўзал, худди сиздек узун бўйли қизни бошлаб бориб, кунига уч маҳал ўн дақиқадан чиройли кўзларига тикилиб туришни буюрар экан. Шунга дош бер-

* Н.Мұхитдинов - ўша асар.

тан бемор, қарабисизки, қаддини кериб, сорайиб кетар экан. Ана шұнақа, гүзәлликда ғап күп... қани, энди лашкарларингизни бошлаб кираверинг!

Котиба домланинг сўзларига сеҳрланган каби ҳамон қулоқ тутиб турарди. У жилмайған кўйи бир муддат жимтина тикилиб турди-да: лабларини маҳкам қимтиб, билин-билинмас хўрсинди, ортига бурилди.

- Ассалому алайкум, мумкинми, домла? - эшикда ораста кийинган, кўринишидан гайратли бир йигит пайдо бўлди. Ҳабиб Абдуллаев у билан қисқа сўрашгач:

- Демак, ҳаммаси тушунарли, келишганимиздек, сени қидирув ишлари институтига директор этиб тайинладим, буйруқ тайёр, танишиб имзо чек, - деди. - Эътирозинг йўқми. Миртожи, хизматга шаймисан?

Миртожи янти лавозим масъулиятиданми ёки домланинг унга билдирган ишончи, қатъияти боисми ҳар қалай дабдурустдан тили калимага келмай қотиб тураверди. У олим сифатида Абдуллаевнинг ишончини қозонган ёшлардан эди.

- Билиб қўй! - деди Абдуллаев шартлашган каби. - Аввало, дадил иш бошлайвер, камомат қилсанг - ёпамиз, ёнгин чиқса - ўчирдамиз, ўшлигинга бориб, хотинбозлик қилсанг - кечирдамиз... агар, бирорта ўзбекнинг «Илм қилмоқчи эдим, Миртожи ёрдам бермади» деган сасини эшитсан, ёдингда тут: сени ана шу кабинетнинг ўртасида тик қўйиб... Эшитдингми?

- Эшитдим, домла.

- Энди рухсат, бўшашма!

* * *

- Мумкинми, салом, - дея кириб келди иккинчи киши. Кўришидилар.

- Мен Самарқанд кооператив институти ректори Мухтор Расуловман, домла.

- Кўп яхши, хурсандман, - деди Ҳабиб Абдуллаев, - биз илгари учрашмаганимиз, шундайми?

- Ҳа, мени яқинда тайинлашди, - деди у. - Домла, олдиндан узр сўрайман, Москва Центросоюзи институти ҳақида Ўзбекистон Фанлар академияси президентига мурожаат этиш бироз гайритабиий, ҳатто ноқонуний ҳол, буни яхши тушунаман, шундай бўлсада сиздан ёрдам... маслаҳат сўраб келдим.

- Хўш, қандай ёрдам экан? - Абдуллаевнинг янги ректорга бўлган қизиқиши ортди.

- Институтнинг мутахассислар тайёрлаш бўйича йўналиши

ўзгартырилиб, Москва ихтиёрига бериб қўйилган, бу жиҳатдан юз фоиз Москвага тобемиз, - Мухтор Расулов имкон қадар аниқ, баттафсил тушунтиришга ўтди. - Энг оғир муаммо – илмий кадрлар масаласи. Янги йўналиш бўйича мутахассис олим – ўқитувчилар йўқ. Москва эса ўз одамларини юбориб, ишни оғирлаштираяпти. Уларга ўй-жой, шароит, дегандай, хавфлиси, улар кўпайиб, ўзимизнинг кадрлар тайёрлаш имконимизни тўсиб қўймоқда. Институтимиз эса Ўрта Осиё ва Қозогистонда ягона бўлиб, милллий кадрлар тайёрлаш имкониятига эга бўлиши ва бу имконини қай тарзда бўлмасин қўлга киритиши шарт.. Бусиз, институт фақат жуғрофий макони, номи жиҳатидангина Ўзбекистонга тегишли бўлади..-ректор узок гапирмадимми дегандай Абдуллаевга қараб турди.

- Яшанг, ўртоқ, сиз оддий савдо ходими тайёрлайдиган бошилиқ эмас, саводли раҳбар, ҳақиқий олим экансиз! - Абдуллаевнинг чехраси очилиб, гайрати жўшиб кетди. - Мана, бор экан-ку, мен сиздек раҳбарларни излаб тополмайман, топсам – кафтимда асрайман, - Ҳабиб Абдуллаевнинг кайфияти ҳайратланарли тарзда кўтарилиди. Ўрнидан турди-да, кабинет бўйлаб юрар экан, тоҳроҳида ректорга разм соларди.

- Домла, - секин гап бошлади яна Мухтор Расулов, - масаланинг нозик - Москва ишига аралашиш каби «номаъқул» томони ҳам бор. Бу ишни сизга дахлдорлиги бўлмаса-да, шунга қарамай аспирантурага кирувчиларнинг ҳужжатларини тайёрлаб, тўғри ҳузурингизга келавердим.

- Нималар деяпсиз, ўртоқ, - Ҳабиб Абдуллаев ректорнинг ёнига келиб, туриб қолди, - мен учун Ўзбекистонда бегона иш йўқ, республикамизга тааллуқли, халқимиз манфаатига болглиқ ҳар қандай юмушни бажаришга тайёрман. Ҳўш, неча кишини тайёрлаб келдингиз?

Мухтор Расулов бироз хижолат тортиб:

- Олти кишининг ҳужжатлари тайёр, - деди.
- Нима, олти киши? - Абдуллаев ўрнига ўтирди. - Бор-йўги шуми, шунга овора бўлиб юрибсизми?

Ректор Мухтор Расулов ажабланиб қолди. Домла жиддий, ҳатто куюниб сўраган эди. Келётганида амалга ошмайдигандек кўринган, чиндан-да, йўналиши, икки хил тизимнинг ўз молиявий вазифалари, режалари бошқа-бошқа эканлигини ўйлаб роса иккиласган эди. Энди бўлса, академия президенти ҳеч кутилмаганда уни саробдан ёп-ёруг - ойдин йўлга бошлаб турибди. У эса рад жавобини олишга ўзини шайлаб келган эди. Ишнинг бу қадар тез, осон битишини, ҳатто, тасаввурга сиддириш қийин. Ҳабиб Абдуллаев эринмай тушунтира бошлади:

- Гапингиздан холоса щуки, сиз институтнинг илмий йўналишини миллий кадрлар ҳисобига ўзгартироқчисиз. Яхши! Аммо, масалани бу даражада тез ҳал қилиш беш-олтита аспирант билан битмайди. Сиз йигирма - ўттизта ҳужжат тайёрлаб, шунча ўрин сўрайсиз, деб ўйлабман.

- Домлажон, маъмурий жиҳатдан академияга боғлиқлигимиз йўқлиги, Сиз бу ишни зиммангизга олиш учун бир қанча расмий тўсиқлар борлиги, амалдаги тартиб-қосидалар мушкулимизни ҳал қилишга йўл қўймаслигини ўйлаб, эҳтиёткорлик қилдим...

- Асло, Мухторжон, асло бу йўлдан борманг! - деди Ҳабиб Абдуллаев. - Модомики, сиз зарур юмушга бел боғлабсизми - дадил бўлинг! Илмий кадрлар тайёрлашни фақат Москва ихтиёрига бериб қўйсан, унда Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини Марказ белгилайди. Ҳолбуки, илм билан шугулланиш уларга эмас, бизга керак. Билиб қўйинг, имкондаги боримиз ҳам шу - илм! Бошқа йўл йўқ.

Ҳабиб Абдуллаев ректор тайёрлаб келган аспирантлар ҳужжати билан танишгач, дарҳол ижро учун топшириқ берди. Сўнг сұхбатдошига йўналиб:

- Мухторжон, сиз кўзлаган соҳалар бўйича, республикада аспирантура ва илмий раҳбарлар йўқлигини яхши биласиз, - деди. - Шунинг учун барчасини Москва, Киев, Ленинградга юборамиз. Аспирантларингизнинг жамики харажати, турар-жой муаммолари бизнинг бўйнимизда, энди улар бизнинг, академиянинг аспирантлари. Сиз уларни тайёр илмий ходим ҳолида оласиз! Маъқулми?

Мухтор Расулов ўрнидан туриб кетди. У «Раҳмат, раҳмат» дея тақорлар экан, домлани маҳкам бағрига босгиси, бу улкан, самимий, жасур алломанинг пойига йиқиљгиси келар, аммо, Ҳабиб Абдуллаевнинг салобати, улугвор мардоналиги бунга йўл қўймасди.

* * *

Одатдаги қабул кунларининг бири... Аспирантура билан боғлиқ жабарлар бутун республикага тарқалиб, қатта-кичик даргоҳларнинг раҳбаридан то илмталабгача Абдуллаевнинг ҳузурига шошилаётган пайт. Худди шу йил - минг тўққиз юз олтмишинчи йилнинг бошида Президент Ҳабиб Абдуллаев ҳукуматдан юзлаб штат ундирган эмиш, деган хабар бутун илм аҳлининг диққатида бўлди. Ҳар жой, ҳар даврада, сұхбатларда ушбу хушхабар қувонч билан янграрди. Президентнинг академияда янги илмий йўналиш, янги институтлар ташкил қилиш борасидаги ҳаракатини юқори идоралар совуқ қаршиласа-да, ниятидан қайтмасди. Тўғри, раҳбарлик осон эмас. Унинг раҳбарлик илми, тажрибаси минг тўққиз юз қир-

УСТУН

қынчи йиллардан бошланиб, республика Давлат режа құмитаси раиси лавозимиды, айниқса, чүккігә чиққан зди.

Абдуллаев керагида иккі қути бүек тополтай довдиралған раҳбарта ачиниб, ноңудлик миллатнинг заволи, деб куюнар ва ўзи бирор мастьул жойға раҳбар танлаганида. албатта, номзодни руҳлантириб, раҳбарларнинг асосий шарти, вазифасини аниқ тушунғыш да ижро эта биліштадыр деб уқтирада зди.

Абдуллаевнинг президентлик даври билан бөглиқ йиллар республика сиёсий-иктисодий тараққиетіда, фанда, илмий ходимлар танлаш ва тайёрлаш борасыда инқилобий йүналиш бошланды. Уннинг жамики қарқатларыдан күзлаган мақсади ҳам шу зди. Аспиранттар сони мінгга еттанды ҳам президент қонаат қымас, қай соҳада бўлмасин, илмга рагбати бўлган ҳар бир ўзбек йигитини Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск каби илмий марказларга жойлаштириб, ҳар қайсисининг тақдиди билан шахсан ўзи қизиқарди. Бепарвоник, бергаи сўзи-ваъдасини унудиши, орқага суриш, субутсизлик Абдуллаевга бутунилай ёт зди. У бундай қусерлар билан ҳеч қаюн чиққашмаган, мурасага бормаган шахс зди.

У қарисида турған улкан рақибдан қай тариқа бўлмасин ўч олиш, ўзини оёқ ости қымаслық учун ўртага гурур, ор-номусин қўйиб курашга шайланган қайсаар полвошин эслатар, кўпинча униана шу мардлиги, мақсаднинг аниқлиги дебдай балолардан, хатардан омон сақлаб қоларди. Бирор ўйлаш, шунчаки орзу қилиштага ботинолмаган ишларни у атлақачон режасини тузиб, шиншитиб, кутилмаганда бошлаб юборарди. Ўрта Осиёда бириичи бўлиб Кибернетика ва ҳисоблаш техникаси соҳаларига ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясида Ҳабиб Абдуллаевнинг президентлик даврида асос солинаёттани ҳамма ҳам билавермас зди. 1956 йил Математика институтида ташкил топган ҳисоблаш техникаси бўлимига иқтидорли олим Восил Қобулов бошчиллик киларди. Келажак фанини ҳисоблаш техникасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас зди. Ушбу тояни жиғиддий ҳимоя қилиб, шу мақсад йўлида илмий, ижодий муҳит яратаман, деб куюниб юрган ёш олим Қобулов президент Абдуллаевнинг ҳомийлигига анча-мунчча ишта эришиди. Йил ўтмай юзга яқин штат, ўз маблагига эга бўлган ҳисоблаш маркази дадиллик билан иш бошлади.

1957 йили 70 кишидан иборат иқтидорчилар танланиб Москвага юборилди. Ўзбек олимлари академик А.А.Дородницин бошчиллик қилган СССР Фанлар академияси Ҳисоблаш марказида тажриба ўтадилар. Орадан иккі йил ўтиб 1959 йилда Пенза шаҳридан «Урал-1» ҳисоблаш машинаси олиб келинди. Шу кундан Ўзбекистонда кибернетика тарихи бошланды. Шу кундан ҳисоблаш марказини кенгайтириш, бино қуриш, олимлар танлаш, янги ҳисоблаш машиналар-

ри сотиб олиш, хуллас мустақил кибернетика институтини тузиш ҳаракати авж олди.

Восил Қобулов кечакундуз шу ҳаракат билан яшади, янгилик қанотида учди. Ишонардикى, ортида президент Абдуллаевдек ҳимоячиси бор. Шундай күнларнинг бирида у түпса-түгри Абдуллаевнинг қабулига кириб келди ва ниятини эркалик билан маълум қилди:

- Икки юзта штат беринг, эшитдим, ҳукumatдан ўлжа ундирибиз, - деди. Ҳабиб Абдуллаевга Қобуловнинг дадиллiği, тап тортмай оз эмас, кўп эмас - икки юзта ўрин сўрагани наша қилиб, кулиб юборди:

- Иштаҳа зўр-ку?

- Домла, - деди Қобулов жўшиб, - агар, шу тилагим битса, ишонинг, Сизни қайтиб безовта қилмайман, юкимни ўзим тортаман.

- Баракалла, ана шу охирги сўзга тўхтаемиз, - деди Абдуллаев уни шаштидан қайтармай. - Москвада ГКНТ деган идора бор, керакли ҳужжатларни мендан олинг-да ўша жойга югуринг. Сиз институт очмоқчисиз ахир? Бу, мендан кўра, кўпроқ Москвага боғлиқ, агар ўша ерда ёр-дўст ортириб, фанингиз учун ҳеч бўлмаганда дарча очолмасангиз, сиз Восил эмассиз.

Восил Қобулов атай хомушланиб:

- Менга келганда ҳасислик қилаяпсиз, домла, - деди. - Сал муруувватлироқ бўлинг, ахир, биз ўгай эмасмиз-ку? Оталик қилинг-да!

Ҳабиб Абдуллаев яйраб жилмайди, гапни ҳазилга буриб:

- Шундайми, раҳмат, - деди. - Мен эсам, ҳақиқий отангиз Москвада деб ўйлабман.

Кулишдилар. Восил Қобулов ҳазилга шайланди-ю, тил тишилди, у ҳамон штатдан умидвор эди.

- Мен берган штат билан мустақил бўлолмайсиз, - деб тўғрисига кўчди Абдуллаев. - Ҳақиқий мустақиллик, бу, сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Ўша кейинги сўзингиз - сўз! Юкингизни ўзингиз тортишга тўгри келади. Вақт етди. Москванинг жиловини маҳкам ушланг. Мен эса олган штатларимни, биринчи галда геологларга, ортса, бошқаларга тақсимлайман. Эртагаёқ йўлга тушинг, мендан, ўзбекистондан нима керак бўлса, бугуноқ барини мужассам қиласмиш.

* * *

Қабул кунининг охири кўринмасди. Тушлик тутаб котибанинг гайрати сўнди, чарчади. Қабулхонада эса одам камайиш ўрнига

күпаймоқда. Навбат домлага аспирант бўлиш ниятида юрган мордвин йигити Олег Борисов ва украин Саша Свириденкова етди. Улар ўзлари билан курсдош Мамажон Эгамбердиевни ҳам бошлаб келишган эди. Яқинда Самарқанд Давлат дорилғунунини тамомланган бу уч йигитнинг режалари турлича эди. Илк бор қабулига келган Олег ва Сашани тинглаган Ҳабиб Абдуллаев уларни бир шарт билан Самарқандга қайтарган, бугун йигитлар домланинг шартини бажариб, учовлон хурсанд навбат кутишмоқда.

Воқеа бундай бўлган эди: Ҳабиб Абдуллаев Олег ва Сашанинг илтимосини қабул қилди, илмий раҳбар бўлишга розилик билдириди. Суҳбат охирида:

- Нима, ораларингда ўзбеклар йўқмиди? - дея ногаҳонда сўраб қолди. Шунда улар:

- Биргина ўзбегимиз бор эди, аммо у ўқишини давом эттиришга кўнмай, Қизилқумда иш бошлаган геологик экспедицияга кетиб қолди, - дейишди. Домла бир пас ўйлаб туриб:

- Унда иккингизга бир илтимосим бор, - деди. Ўша ўзбек болани қаерда бўлсаям топиб келсангизлар, у билан гаплапмоқчиман...

Бўлажак аспирантлар домланинг илтимосини бажонидил қабул қилишди ва фурсатни бой бермай курсдош Мамажонни излаб кетишиди...

- Киринглар? котибанинг овозидан ҳушёр тортишиди. Йигитлар энтикиб ўринларидан туришиди-да, бир-бирига: «Олдинга сен ўт» дея ички ҳаяжон билан эшик олдида бир пас тарааддуланиб туришиди. Нихоят, олдинда Саша, ортидан Олег ва Мамажон домланинг ҳузурига киришиди. Ҳабиб Абдуллаев уларни кўриши билан чеҳраси очилиб, яйраб ўрнидан туриб қарши олди. Ҳар бири билан қўл бериб саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради, хурсандлитини яширмай:

- Молодец, Саша, Олег! - деди. - Сўзда туриш дегани, мана шундай бўлади, яшанглар! Мен иккингизга ҳам аспирантурага кириш имтиҳонларини топширишга руҳсат бердим, ҳозироқ илмий котибга учраб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, имтиҳон вақтини билиб олишларинг мумкин.

Йигитлар кўтариинки руҳда раҳматлар айтиб, домладан кетишига руҳсат сўрашибди. Домла уларнинг руҳини яна бир бор кўтариб, муваффақият тилади. Мамажон иккиси ёлғиз қолишгач:

- Хўш, ўртоқ, аҳволлар қалай, зинтишишмча, Қизилқумда иш бошлабсиз, - деди хотиржам. - Геолог сўзида романтик сеҳр бор. Шу сеҳрга маҳлиё бўлиб саҳрога кетиб қолгансиз, шундайми?

Мамажон Эгамбердиев президентга ўқишини қийналиб битиргани, оиласининг иқтисодий шароити ночорлителини уялмай очиқ айтди. Унинг мустақил қадам босаётгани мулоҳазаларидан сезилиб турарди:

- Ишләшим керак, домла. Фақат иқтисодимни бутлаш учун эмас, саҳрою тоглар билан чинакамига таниша бошладим, геологик объектлардан ажралигим келмайди. Эндигина уларни тушуна бошладим. Яна икки йил ишламоқчиман, назарий билимларни амалийтәдә сипаб, ўрганиб, албатта, ҳузурингизга келишни ният қилиб қўйганман.

- Мени ишонтирдингиз, фақат сиздек йигитларимизнинг камлигидан ташвишдаман. - Хабиб Абдуллаев қаршисида ўтирган йигитга эндигина дорилғунунни битирган ёш, гўр бир геолог сифатида эмас, ҳақиқий маслакдоши сингари гапиради. - Қани эди сиздек йигитлар қўюндеқ бостириб келишса, уларни гиёх йиқканлек, тогу тошдан авайлаб, битталаб изламасанг... ҳаётда эса доим шундай: кераклиси ҳамиша топилавермайди, лекин, менда бир одат бор, агар ўзимга керагини топсам, қўлдан чиқариш йўқ! Бугундан қўлимга тушдингиз, ўртоқ, энди Абдуллаевни авраб, бир амаллаб қутиламан, деб ўйламанг. Геологияя кирибсизми, энди уни давом эттирасиз, ҳозирча марра-Абдуллаев, агар ўзиб кетсангиз, биз сизга эргашамиз! Келишдикми?

- Келишдик?

- Унда сизга икки йил эмас, бир йил муҳлат бераман. Келгуси йил олtingга йўлдош сульфид минераллари тарқаган минтақалардан материал тўплаб келасиз.

- Домла, бир узрим бор, - деди ёш геолог дадиллик билан. - Иш жараёнида мени кембрийгача, палеозой қатламлари эмас, балки қадимий қатламларни ҳар томондан камраб ёттаи ёш мезозой ва кайназой эраларининг фосфорга, сочма олтин, нодир ва радиактив элементларга бой чўқинди тог жинслари қизиқтироқда.

- Унда ҳеч иккиланмай шу йўлни танланг. Ишончим комилки, уринишларингиз исиз кетмайди. Сиздан яхши мутахассис чиқиши мумкин. Бугундан бошлаб соҳангизнинг катта билимдони Владимир Иванович Поповга шогирдман, деган ишонч билан иш бошланг!

* * *

Хос телефон жиринглаб, Абдуллаевнинг диққатини бўлди. У дастакни қулогига қўяр экан, кескин овоз эшитилди:

- Ўртоқ Абдуллаев, Кабулидземан соат тўртда кабинетимда кутаман!

Овоз тинди. Абдуллаев гўшакни жойига қўяр экан, соатта қаради: роппа-роса учдан ўттиз дақиқа ўтаяпти.

- Да, - дея бехос ўрнидан туриб кетди у. - Пойлоқчиларинг борлигини унтутибсан-да, Абдуллаев, сени шулар йўқлаб турмаса, ким ҳам сўпарди?! Тепангда ҳукумат борлигини эслатмоқчи булар...

Котиба қиз мұйъажазгина лалида чой күтариб кирди.

- Хайрият-е, бугун мени унудингизми деб, сиздан аразда эдим, - деди домла котибасидан күз узмай. - Қани, чойдан бир ҳұпладаң қүйингчи, томоқни ҳұллаб олай, ҳали у ёқда... «дұстим» билан узоқ «гурунглашиш»га тұғри келади...

Қиз жилмайиб, бошини үнг елкасига хиёл ташлаб, чойни шопира бошлади. Домла өчарғонини ёзмоқчи бўлиб:

- Гапирмай тұғри қиласиз, -деди. - Индамай - күз билан сүэлаптан қизларни яхши кўраман.

- Келинойим тартибни бузганингиздан хавотирдалар, -деди қиз уялиб. - Бугун мени койидилар.

- Койидилар, яхши бўпти-да, нима, койишга арзимайманми? - Абдуллаев мириқиб чой ҳұплади. Котиба кутиб туриб қолди.

- Омадингиз бор экан, - деди Абдуллаев пиёлани столга қўяр экан.- Кечгача ишлашга қўйишмаяпти, қабулда одам бўлса, мени номимдан узр сўранг, чамаси бугун қайтмасам керак...

-Хўп бўлади.

Котиба чиқиб кетгач, негадир у кабинетда бир зум ўралашиб қолди. Столи устидаги қоғозларни бирма-бир титкилай бошлади. Зарур бир ҳужжатга имзо чекиши керакдек, нуқул ўша қоғозни ахтаради. Ниҳоят, қоғоз ахтаришдан тўхтаб деворга тикилганича: «Минг тўқиз юз ўттиз еттинчи Йилнинг 21 июнида Файзулла Хўжаев Ҳалқ Комиссарлари Кенгашининг 840-қарорига имзо чекади. - дея эслай бошлади. - Бу унинг сўнгги имзоси сифатида ҳукумат ҳужжатида қолди... Шу топда нега Файзулла Хўжаев' ҳақида ўйла-япман? Дарвоқе, бугун қайси кун..?»

Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳар бир ҳаракати, «қалтис» гап-сўзи, миллий кадрлар бўйича юритаётган сиёсати маҳсус идорада тўпланиб, таҳлил қилинар ва ҳукмдор сиёсатнинг қолипига сигмагани учун у ҳақида узил-кесил хulosа - ҳукм чиқаришнинг вақти етган эди. Абдуллаев буни яхши билар, кутар, аммо ўша кун қачон, қай пайт, қай ҳолда юз беришини билмасди. Балки у кутган кун бугун, ҳозирдир. Балки...

* * *

Абдуллаев махфий чақирилган жойга етиб боргач, сўроқ қисқа, аммо таҳликали кечди.

- Ишлар қалай? - сўради генерал.

¹ Файзулла Хўжаев - Ўзбекистон Ҳалқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимида 1937 Йилнинг июнь сийагача ишлабын. У СССР Марказий Ижроия Комитетининг раисларидан бири, мамлакат Олий Мудофаа Кенгаши атзоси эди.

- Яхши, - жавоб берди Абдуллаев бўғиқ овозда. У кутаётган хавфга тайёрдек, бутук вужуди тараантлашиб, тунд ҳолатдан чиқолмади. Нечундир вазият шуни талаб қиласётгандек эди.

- Бугун сизнинг олимлик мавқеингизни, барча мансабу унвонларингизни четга суриб гаплашамиз, - деди хавфсизлик раиси. - Бугун далиллар сўзлайди, сиз эшитасиз, итоат этасиз, биз эса хулоса чиқарамиз, хукм ўқиймиз... Сўнгти маълумот, - у Абдуллаевнинг кўзларига тик қараб турди.

- Депутат учрашуви баҳонасида сайловчиларингиз ҳузурида бўлганимидингиз?

- Ҳа, бўлганиман.

- Қаерда, қачон?

- Бундан олти кун илгари Бухорода, Вобкент туманида.

- Ҳа, худди шу туманда сиз болалар боғчаси ва колхозчилар ҳузурида бўлиб, болаларни ўйин-кулги, доҳиймиз Ленин ҳақида шеър айтишидан чалгитиб, уларни аскарий руҳда тарбиялаш, шунингдек, меҳнатдан бўйин товлашга, ўқишига даъват қиласанисиз... Нега жим турибсиз, яна давом эттирайми? Мана, бари аниқ қайд этилган: йил, ой, кун, соати. Ёнингизда кимлар бўлган, ушбу гараз сўзларни қай тарзда айтдингиз, хуллас мақсадингиз, ҳаракатларингиз байён этилган ҳужжат! Хулоса шуки, сиз совет тузумига қарши ошкора ташвиқот, ҳужум бошлагансиз! Болаларни қуроллантиришга даъват этгансиз-уларни от миншга, қамчи тутишга, қилич чопишга ундалгансиз! Тўғрими?

Абдуллаев каттиқ сукутда эди. Шаклан шунга яқин воқеа Вобкентда юз бергани рост, лекин тузумга қарши ҳужум дегани, бу, очиқдан-очиқ айблов-ку?!

Генералнинг овози совуқ, бащарасидан таҳлика ёғилиб турар эди:

- Ҳозироқ қамоққа олишга ҳақиман! Бирордан рухсат сўрайдиган ишмас бу! Эслатиб қўйай, сиз ҳақингизда фақат шуларгина эмас, ўтгаи йилти Грузия сафари, миллий кадрлар тайёрлаш ниқобида русларни чиқиширмаслик, ёш олимларни тарихни ковлашга даъват... Хуллас, отилишга етадиган «Қаҳрамонлик!» - у бир лаҳза тин олиб сирлироқ оҳангда:

- Шунга қарамай сизни қамоққа олишга шошилмайман, - деди.

- Биз томонимиздан бир неча таклифлар бор. Сиз буларни эшишишга, бажаришга мажбурсиз. Шундай қиласангиз ўзингизга яхши бўлади. Эртага биринчи таклифни етказишади. Бугунча бўшсиз.

Олдинига совуқ, таҳликали бошланган сўроқ, айблов сўнгига сирлидан-сирли якун топгани ажабланарли эди. Бу гал деярли Гогидзе гапирди. Абдуллаев жавоб бериши, ҳеч бўлмаганда ундан изоҳ талаб қилиши шарт эди-ку? Нега Абдуллаевни гапиришга - жавоб беришта қистамади? - шундай ўйлар билан у ўрнидан қўзгалди.

- Уйингиздаги мәхмөнларга қарамаяпсиз? - Гогидзе түштікке көз жеткізу үшін көз аспағын сұзды. - Айда! Балан банддек қозғалып келді. - Айда! Балан көз аспағын сұзды.

Шу топда у нима демекчи бўлди - бу ҳақида у чуқурроқ ўйла-мади. Нари борса, унинг одатдаги кинояларидан бири-да, деган ўй билан кабинетни тарқ отди. Шуниси аниқ эдик, Абдуллаевнинг уйига нохос пайдо бўлган чақирилмаган мәхмөнларнинг ҳомийси Гогидзе, ташаббус, албатта, Мельниковдан чиқсан. Шубҳага ўрин қолмади.

«Қадрдон» идорадан чиқибоқ шофферга жавоб берди. Ишхонага оёти тортмади, кўнглига ҳеч нарса сиғмасди, шу топда ўз хаёлларидан паноқ излаб, унга суюниб, овлоқ жойда бир пас ёлгиз ўти-рицни истар эди. Шу илинжда пиёда юрар экан, ўзига нисбатан қўлланилаётган тазиқ, қўрқитиш усууллари кескин ўзгармаса-да, аммо, муросага ўхшаш нимадир юз беришини кўнгли ҳис қилиб турарди. Нуқул дўқ, пўписа, қадамини, оғзини пойлаш-у, аммо нечундир жазолашни орқага суриси келишайти.

Абдуллаевнинг ҳис қилганича бор эди: у билан турли идоралар узоқ йиллардан бери жиддий шугулланар, тўпланган маълумотлар бир эмас, ўнта Абдуллаевни жисман йўқ қилишга етиб ортади. Бу борада улар турли усуулларни қўллаб кўриши: аввалига огоҳлантириш, сўнг дўқ, пўписа, тақиқлаш, камситиш, мана энди зимидан муросага ўхшаш бошқачароқ усуслини танлашди. Абдуллаевнга ўхшаган шахсни ўз томонига оғдириш - аслида ҳар қандай жазодан ўтқир, шафқатсиз чора. Йиллар давомида «мева» берадиган фойдали, ишончли чора. Бунинг энг синалтан йўли оилани, яшашибардини бузиш, яъни Абдуллаевни Ольга Николаевнага иқинлаштириш, у шундай вазиятга тушсинки, рус аёли Ольга ягона наожот, яқин суюнчиқча айлансан, ана унда Абдуллаев қўл остидаги минглаб ақлдонлари билан етакка юрадиган бош хизматкорга айланади, бошсиз олимларни бошқаради.

Хўш, Ольга Николаевна ким?

Ольга юзлаб номга, имконга эга бўлган қурол, хизматдаги одам...

Қай йўсинга бўлмасин, Ольга Абдуллаев билан яшаси, ҳатто, буюртма фарзанд кўришга эришиши шарт. Агар бу иш амалга ошмаса, Абдуллаевни лавозимдан олиш, бўёғи қийин эмас, ўлимгача бир қадам... Режа шундай: қатъий ва аниқ.

Абдуллаев хиёбон чеккасидаги бўш ўринидикча ўтирди. Гогидзе билан ўтган воқеани жилдийроқ ўйлашга, унинг ҳар бир сўзини таҳлил қилишга уринди. Дарвоқе, «темир дафтар»га тушган Вобкеят воқеаси...

Абдуллаев сайловчилари билан учрашгани Вобкентта борган эди. Вилоят раҳбарларидан то хўжалик раҳбарларигача яхши кутиб олишди. Қаерда бўлмасин, меҳмондорчилик, тўкин дастурхон, мулозамат, хуллас, бир депутат, юқоридан келган катта кишига кўрсатиладиган иззат-ҳурматдан ортиқ даражада зътибор беришиди. Тўғри, республикада депутатлар оз эмас эди. Аммо, у масъул вакилликни гўдайиб, қуруқ савлат билан, маишат билан ўтказадиган депутатлардан ҳазар қилас. Хизрдек бошига кўтараётган халқнинг дардига малҳам бўлтулики иш қилиш, уларни тинглашини истар эди.

Абдуллаевга эҳтиёткорлик билан, худди у хорижлик меҳмону, хўжаликдан, колхозчиларнинг яшааш тарзидан хато, камчилик сезиб қолишидан чўчитан каби муомалада бўлишиди. Нима ҳақида сўрамасин, раҳбарларнинг: «Яхши, бизда бор, етарли, шукр!» деган қисқа жавобларидан ранжиди. Кимни алдайди булар. Ясама, ўз фойдасидан йироқ жавоблари сиёсат мактабидан олиниган бўлсада, Абдуллаев уларнинг ўз сўзи, жавоби бўлишини, одам ажратабилишларини хоҳлар эди. Ахир, зерта-кеч - йил-ён икки ой далада пахта деб юрган дехқоннинг юрагида орзу-умиди йўқ, деб ким айта олади? Уларнинг қалбидаги қат-қат армонни ким тинглайди? Садо бермаган торни ҳеч ким қўлига олмайди, унутади. Шу ниятда хўжалик раисини кечки дастурхондан сўнг сайрга таклиф этди. Сўлим ишкомлар остида нари-бери юриб, мулоийм, ётиги билан муддаотга кўчди:

- Садри ака, - деди Абдуллаев, - кўнглингизга қаттиқ олманг, мен сизларга бегона эмас, энт яқин одамингизман. Мени ҳадеб овқатга тутавермай, юрагингизда нима бўлса очиқ айтаверинг. Сиз хўжаликнинг отасисиз, кўпчилик дардини сизга айтади. Балки уларнинг бирор битмаган иши, хизмати бордир, айтсангиз, балки ёрдамим тегар. Албатта, меҳмондорчилик урф-одатини тушунаман, қадрлайман. Ҳар ишнинг меъёри бор, буюрилганидан ҳам зиёда этиб бажардингиз меҳмондорчиликни. Раҳмат! Аммо, таътиған неъматларимиз Тошкентда ҳам бор. Харид қилишга қурбимиз ҳам етади. Икки кундан бери оғзингизга қулоқ тутаман, на сиз, на бошқа бирор - ҳеч ким: «Хой, домла, Тошкентда ўғлим, қизим, жияним ўқииди, бизда ҳам ният бор, бирорта боламиз ўқишини давом эттирасин, шаҳарда қолсин, ёрдам беринг» деган сасни аспитмадим.

Нима бу, камтарликми ё сизларнинг болаларингиз ўқишини истамайдими? Тошкентда янги-янги институтлар очаяпмиз, ким учун?

¹ Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ Бухоро вилоятининг Вобкент туманидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланганд.

УСТУН

Албатта, сизларнинг - халқимизнинг ўтил-қизлари, фарзандлари учун...

Раис Садри Саломов пешонасини силаб:

- Энди колхозчининг боласи колхозчи-да, домла, - деди. - Тошкентда ўқиётган болаларимиз йўқ эмас, бор. Сиздек катта одамга иш буориб, бошимиз нечта? Туманимиздан депутат бўлиб сайланганингизнинг ўзи бизга фахр, катта обрў! Иш бўлса, ўқиш бўлса қочиб кетмас. Бу ёғини бизга қўйиб берасиз. Ҳаммасини ошиги билан бажарамиз. Аммо-лекин, тўғрисини айтсам, домла, шу кунгача колхозга келиб-кетган меҳмоннинг саноги йўқ. Сиз бирортасига ҳам ўхшамайсиз. Сизга нима дейишига ҳам ҳайронман... Бизга ҳар тапни валдираиверма, тилингни тийиб юр, дейишган. Келган меҳмонга қанча кўп ароқ ичирсак, шунча кўп олқиши оламиз. Шунинг учун биз раислар кимўзарга мусобақа бошлаганмиз. Э, домлажон, бугун мен енгилдим, гап ёзитадиган бўлдим-да, йўқ деманг домла, бир мириқиб ичайлик. Кўнглум сезиб турибди, сиз, барибир, бошқача, яхши одамсиз!

Абдуллаев дастлаб раиснинг сўзларидан қаттиқ ўксиган бўлса, сўнггида чехраси очилиб кулиб юборди. У аслида гўл, ёмон одам эмас, йўқ, ёмонликдан йироқ, самимий киши экан. Юрагидагини яширмай айтди-қўйди. Ачинарлиси, Садри академик кишиларни умр бўйи топшириқни бажаришта, тилини тийиб юришга, ўйламасликка ўргатишган. Булар сиёsatнинг қўли, оёғи бўлиб, керагида овози бўлиб хизмат қиласди. Буниси энди даҳшат...

Эртасига клубга колхозчилар билан учрашув белгиланган эди. Йўл ёқасидаги деворлари оппоқ, ёғоч панжаралари кўк бўёққа бўялган болалар бoggаси ёнидан ўтаётганда Абдуллаев қизиқиб бoggага кириб ўтишни таклиф қилди. Йўқ, дейишолмади, ҳар эҳтимолга қарши бoggани тартибга солиб, тарбиячиларни «ўқитиб», ҳаммани ҳушёрликка чақирган здилар. Чунки келаёттан одам унчабунча эмас, олимларнинг каттаси - академиянинг президенти-я! Агар у савол берсами? Шунни назарда тутиб, мактаблардан учтўртта билагон, тили бурро ўқитувчини топтириб, эгнига оқ халат илиб «боқча опа» ясад қўйишган эди.

Президент Абдуллаевнинг маҳаллий ҳамроҳлар билан бoggага кириб келиши ҳовлида очиқ дарс - ўйин, ашула дарси пайтига тўғри келди.

Бир чекада ўйин: «Андижон полкаси».

Бир чекада шеър: «Ленин бобомлар».

Болалар бoggча опаларининг «Салом берамиз!» деган ишораси билан меҳмонларга жўр бўлиб салом беришиди:

- Ассалому алайкум!

- Ваалайкум ассалом! Баракалла!

Шундан сүнг болалар «ұнар»ларини намойиш этиб, биринчи турұш шеър айтиб, иккінчісі рақсни давом эттира бошлади.

Абдуллаев bogча опаларни саволга тутмади, зимдан болалар-нинг ранги, бүй-басты, ҳаракатларини кузатиб турди.

«Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ақвөл шу, - дея афсусланди Абдуллаев. - Нуқул ўйин-рақс. Қишлоқ шаҳардан нұсха олади-да. Түшунмайман, келажакда ҳамма ишни йигиштириб, раққослик қиласмизми? Қиз болани-ку түшунса бўлар, лекин, ўғил болаларни бунчалик ўйинга тортиш... Озорсиз «ҳужум», озорсиз «тарбия», озорсиз қулатиш-йўқотиш бу! Ҳатто, занг ҳам темирни бу қадар - халқимизнинг боласини оммавий рақста жалб этиш. сингдиришдек кемиролмайди...»

- Гавҳар! - деди раис күтаринки руҳда.

- Лаббай раис бобо.

- Ҳалиги, нима эди, келин саломинг бор эди-ку, «келин-куёв» ўйини. ӽшани қўй! - раис аслида ўша ўйинни намойиш этинглар, кўрсатинглар, демоқчи эди.

Богча опа бўлмиш Гавҳар дарров уч-тўртта қизалоқни чақириб сафга тизди. Абдуллаев:

- Раҳмат, синглим, вақтимиз зик, колхозчилар кутиб қолишиди, - деб «келин салом»ни тўхтатди. Унинг анчадан бери гашига тегиб юргани - шу, ёш-ёш қизчаларни келиндек безатиб, ёнбошига бешикча қўйиб, алла айтишга ёки букилиб, таъзим қилишига ундашлари. Катталарнинг бу эрмаги урфга айланиб, мусобақа шаклини олаётган эди. Ахир ёш келинчакнинг уйида боласига алла айтишини, ҳаёсими, ибосими, келинлик, оналик туйгуларини саҳнада бирорлар кўз ўнгиди намойиш этиш ҳеч бир урф-одатга симмайди-ку! Буни зарур пайтда артистлар ижросида кўриш мумкиндири, ёзувчилар ёёса, тасвирласа мумкиндири. Бундай нозик туйгуларни кўз-кўз қилиш мумкин эмас. Алла санъат эмас, ғуур, балки иомусдири! Ҳали балогатга етмаган қизчаларни руҳлантириб, ҳаваслантириб эртароқ эрга тегишига, туғишига даъват бу! Бу кетишида болаларимизнинг кўзига уйланиш, қизларимизнинг кўзига эрга тегищдан бошқа нарса кўринмайди. Улар эрта уйғониб, эрта қарийдилар, турмуш нималигини билмай туриб, юқ остида қоладилар, эзиладилар... Қойил қолмай иложингиз йўқ, бу дастурларга. Зўр ниқоб бу, маданий ниқоб! Қарши чиқиб кўр-чи, нақ душманга айланасан, аввало, ўзингники түшунмайди.

Абдуллаев безовталаниб у ёқ-бу ёққа аланглай бошлади. Чамаси, у излаганини топмади, ёнидаги кишига секингина: «Пичогингиз борми?» деб сўради. У кимгадир айтиб пичоқ олдирди. Абдул-

УСТУН

лаев чеккароқдаги тут дарахти томон юрди. Ҳамма домлани кузатиб туради.

У нима қилар экан?

Абдуллаев туттинг эгилиб турған танасидан узун химич кесдида, баргларини тир билин чертиб, яна жойига қайтди. Тарбиячилардан бирини чақириб:

- Синглим, сиз ақлли, зүкко муаллимага ўхшайсиз, - деди. - Тарбиячи ҳам муаллим-да! Сиздан илтимосим, болаларни ҳадеб дикир-дикир ўйинга ўргатманг. Қизиқроқ машғулотлар йўқми? Ахир, бизда болабоп ўйинлар кўп-ку? Ҳеч бўлмаганда булар ётч от минсин, биздан ҳам аскар чиқсин, чавандоз кўпайсин. Спорт дегани шу-да?

Абдуллаев тўладан келган қоп-қора бир болани ёнига чақирдида, қўлидаги тут химични узатди:

- Қани полвон, отга мининг, чу, деб бир югуринг-чи!

Болакай Абдуллаевнинг қўлидан тортинимай химични олди-да, чап қўли билан «от»нинг «жилови»дан тутиб, икки ёёги орасига олди - минди. Атрофдагиларга бир қараб, чу отим, деб чантитиб югорди. Ҳамма бирваракайига кулишиди...

Гогидзе эслатган Вобкент воқеаси аслида шу, шундай якун топган. Унинг «темир дафтари»даги ёзувларда химич от минган қорагина болакай улгайиб, чинакамига от суриб. Гогидзе ҳимоя қилаётган тузумга қарши қилич яланғочлаб чиққан эди.

«Тўгри, тўгри, - дея ичиди иқрор бўлди Абдуллаев, - аслида моҳият ўзгармаган, ниятимни тўгри англашган, хумларлар! Урсанг ҳам, сўксанг ҳам, қамайман, отаман деб қўрқитсанг ҳам биз, барибир, отга минишни истаймиз, қайтиш йўқ...»

«Биз томонимиздан таклифлар бор» дегани нимаси? Қандай таклиф, у яна қандай гавтони бошламоқчи? «Ўйингиздагиларга эътибор бермаяпсиз, Ольга Николаевна ажойиб аёл, у сизницида ёлгиз туради» деди. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку...» шу лаҳза нохос чап қўксимда худди куйган каби кучли оғриқ пайдо бўлди-ю, лаҳза ўтмай оғриқ босилди. Домла чуқур нафас олиб, кўксини силади. Сал фурсат ўтмай оғриқ яна такрорлаиди.

- Утириш ёқмаяпти чоги, юрак дегани кўп қайсар-да, - деди у ўз-ўзига киноя билан. - Хўш, ана бўлмаса, турдик-да!

У томон шошилмай борар экан, ёвлашиш - жамики келишмовчиликлар тарихи олисга эмас, уруш тугаган 1945 йилдан бошланганига дикқат қилди. 40-45 йиллар оралигига қўлидан иш келган ҳар бир ёш-қари ўлиб-тирилиб ишлади, галабага жонини тикди. Борини аямади, хотинлар тақинчогигача топширди.

Абдуллаевга ўхшаган билимли мутахассис, раҳбарлар зиммасидаги маъсулият - юкни тасаввур қилиш қийин эди. У уруш йил-

лари Ўзбекистонга кўчирилган завод, фабрикаларни ўрнатиш, ишга тушириш, хом ашё захирасини таъминлашдек оғир юмуш билан банд эди. Уруш тугаб, сал эркин нафас олиш имкони пайдо бўлганида саралаш бошланди, дўст ким, душман ким ажратиш бошлианди. Галабага теппа-тeng улуш қўшган миллий республикалар камситила бошланди. Совет ҳукумати иккинчи бор қад ростлаб, мустаҳкамланиб, Иттифоқдаги жамики миллатларнинг ягона ҳукмдорига айланди.

1937 йилда Файзулла Хўжаевдек мустақил – уйғоқ фикрли ҳамюртлар отиб ташланди. Уларнинг ўрнига таинланганларнинг боши, кўзи, албатта, Москвада туарар, улар бошсиз тана билан Ўзбекистонга «раҳбарлик» қиласр эди.

«Йўқотиш осонми? - Абдуллаев миллат тараққииси билан боғлиқ нозик жабҳаларда кечаетган айрича муносабатларни сезган кунидан бошлаб, ҳукмрон сиёсатнинг душманига айланган. - Секинаста кўзимиз очиляпти. Катта оғаларимизнинг жамики ҳаракаттавасаси, очилаётган кўзимизга тупроқ сепиб, узоқроқ аросатда тутиш, қулликдаги умримизни чўзиш. Кучсизмизми, озчиликмизми, барибир қарама-қарши икки куч тўқнашуви бошланди...»

Эшикдан кирап экан, илк бор Ольга Николаевнага кўзи тушди. У чиндан ҳам кўҳлик, қадди-қомати келишган, рисоладаги аёл киёфасида эди.

- Салом, Ҳабиб Муҳамедович,- аёл биринчи бўлиб домлага салом берди. - Кечаги тартибсизлик учун узр сўрайман, акам Водянинг бироз кайфи ошиб... - Ольга гапини тутатмаёқ зинада Абдуллаевнинг хотини кўринди.

- Вой, эшик ёпиқ эди-ю, қандай кирдингиз, домла?

- Сиз қийналманг деб, мана эшикбека топғанман, - деди домла ҳозиржавоблик билан. - Ҳадеб ичавермай, хизматини қўйсин-да!

Ольга Николаевна кинояга эътиборсиз ҳужрасига йўналди. Эрхотин бир-бирининг дийдорига шошилиши.

- Ҳазил ҳам бор бўлсин-е! - Ольга кўздан йироқлашгач, хотини давом этди. - Эшикога бўладими, эшикбека бўладими, булардан яхшилик чиқмайди, кўнглим сезиб турибди.

Эри секин зинадан кўтарилди.

- Тушликка ош дамлаб кутдик, котибангиздан сўрасам, домла тушликсиз ишламоқчилар, деди. Тинчликми?

- Фотимахон, ҳадеб тергайверасизми? - онасига кўзи тушшиб домла овозини сал баландлатди. - Илгари ёлғиз эдим. Энди ёнимда онам бор, кўрқмайман.

Хазил-хұзул билан уйга киришди. Шу кирганича домла эртабағача уйдан чиқмади. Ҳеч кимга құнғироқ ҳам құлмади. Наридан бері тамадди қилиб чўзилиб ётди, жисемида қаттиқ чарчоқ сезди. Хотини, болалари - ҳеч ким оромини бузмади.

Эрта тонгда түш күриб уйғонди. Түшдә кеңг майдон, майдон ўртасыда осма қўл тарозига ўхшаш икки посангиси ўрнида икки сиртмоқчи қатор дорлар. Бошыланғ, оёқяланғ осилғанларнинг бари таниши: олимлар, ёзувчи- шоирлар, якка-ярим раҳбарлар. Осишга-ку осиб яна оёғидан ёқишаётпти. Кўлёзма, китобларни йиртиб ёқишмоқда. Гурриллаб ёнаётган олов атрофга учқун эмас, қорайган ҳарфлар сачратади. Сўзлар овоз чиқаради - инграйди. Қўллари кишинланган Ойбек, Иброҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Яҳё Фуломов, Шайхзода, яна кўплаб олим, ёзувчилар. Уларни бирма-бир дор томон судрашишмоқда. Ўртада - яна бир баланд дор турибди. Дор ортида Гогидзе, Мельников... Улар Абдуллаевни дор томон чорляяпти:

- Кел, кел энди, навбат сенга!

Абдуллаев у ёқдан-бу ёққа югуради, осилғанларни кутқазмоқчи бўлади-ю, дорга қўли етмайди. Унинг юргурганини кузатиб турган томошибинлар тинимсиз хаҳолашади. Кимнингдир оёғи остидаги оловни ўчираётганида баланд дорнинг бир томон сиртмоги қўл шаклига кирди-ю, чўзилиб Абдуллаевнинг елкасидан ушлади, қўйвормади...

Терлаб, нафаси сиқиб уйғонди. Ҳеч маҳал бунақа түш кўрмаган: осишга, отишга тайёр қўллар, дорлар...

Муздек сувга ювинди. Хотини эртароқ нонушта тайёрлади. Енинг онаси Ибохон ая келиб ўтириди. Хотини Фотимахон эса эрини тузукроқ овқатлантириш ҳаракатида елиб-югурди. Домланинг кўнгли тусамаса-да, тотинган бўлди. Бугун иккинчи кун эри кўнинкан тартиб бузилияпти: кечак тушликка келмади, бугун эртароқ чиқиб кетмоқчи. Назариди, улар томон яна бир қора булат - улкан ноҳушилик бостириб келмоқда. Домла ҳарчанд хушчақчақликка уринмасин, барибир хаёлан олисларга кетиб қолаётгандек бўлар, кўзларида ўйчанлик аксланиб турарди.

- Бугун тушликка келасизми? - сўраб қолди хотини. Нимадир дейишга имкон топилган эди. Жим ўтириш ноқулай. Шунинг учун:

- Онажон, эшитаяпсанми келинингни, бунинг зулмидан борар жойга боролмайман, - деди жилмайишга уриниб. - Узун арқонни бўйнимга солволиб, мени уйдан бошқаради-я! Ўзинг бир нарса десанг-чи, ёнимга тушмасанг, ҳолимгавой!

- Келинин тўғри қиласади, - деди Ибохон ая. - Сендеқ қайсар домлани Фотимахон йўлга солмаса, бошқасига кўзим етмайди.

- Тилларинг бир экан-да, мен бечора Ольга Николаевнага ўхшаб, бир кечада ёлгиз бўлиб қолганимни билмабман!

- Ёлгизлика кетсин, тезроқ даф бўлақолсайди! - хотини Ольга Николаевна турган уй томон алам билан гапиради. - Безаниб, кечакундуз дайдилайдиган одат чиқарган. Юриш-туриши сирли, одамнинг оласи ичиди, дейишади, ишқилиб бир гап чиқармасин-да!

Абдуллаев хотинининг овозини олисадан эшитаёттандек, яна хотумуц бўлиб қолди.

Ибохон ая ўглиниң турмушидан кўнгли тўқ, меҳрибон келини, неварабаралидан шод эди. Эр-хотинниң беозор ҳазиллари кўнглига хуш ёқар, ўглиниң ширин турмушига ич-ичида қувониб шукроналар айтарди. Она-да, онага фарзанднинг бахтидан ўзга ҳеч нарча керак эмас. У ҳали ўглиниң бошидаги қора булутлар - рақибу душманлар озорини билмас, бу ҳақида ўйламас, икки-уч кундан бери толенинг азиз кунларини хуш ўтказаёттанидан боши осмонда зди. Кечагина ёнида пилдираб юрган бола бугун улгайиб, бутун Тошкентни сўрайдиган олим бўлиб ўтирибди-я!? Болаларини айтмайсизми? Бири-биридан ширин...

- Йўғимни бор қилган, боримни зиёда этган Оллоҳга шукр, болам! - деди онаси ўглига меҳр билан тикилиб. - Сизларни ҳамиша дуо қиласан, ахир, бу кунларга етишининг ўзи бўладими? Тушими, ўнгимми, деб қизинг Рашнохоннинг сочини силаб-силаб қўяман, сизлар билан яшайдигимга ҳеч ишонгим келмайди.

- Сенинг бу сўзларингдан кейин овқат ейиш гуноҳ, онажон! - деди Абдуллаев руҳланиб. - Илоҳий сўзларингни нои чайнаб эшитиши мумкинмас, - у энгашиб онасининг пешонасидан ўпди. - Сенек онаси бор одам тогни қулатади!

Омон бўлгур нималар деяпсан?-эътиroz билдириди Ибохон аяётib туриб Оллоҳдан сенинг соглигини сўрайман. Бутун бойлигим, мадорим сенсанку болам!

Абдуллаев ишга отланди. У баъзан машинасини кутмай пиёда кетар, бугун ҳам шундай қилди. Ибохон ая ўглини дуо билан кузатди. Абдуллаев ҳовлидан чиқаёттанида зшик ёнида Ольга Николаевнага дуч келди. Аёл кечагидан-да жозибали, ранги тиниҳ, вужудида соглом тароват, қараашларида ўзгача маъно бор эди. У Абдуллаевга кўзи тушиши билан ўзини чеккароққа олди-да, кечагидек биринчи бўлиб салом берди. Домла бош силжиб: «Ольгаси тушмагурга бизнинг уй ёқипти-да, бу кетишда хотиндан гап эпитетим тайинга ўхшайди» деб кулимсираб қўйди.

Одатдагидек, сокин, шошилмай кетар экан, бугунги синов - бир-бирини аёвсиз айблашган «шикоятчи»ларни қай тарзда ошкор этиш, уялтириш, инсофга тортиш ҳақида ўйлаб, Ольга Нико-

лаевнани унутди. Аммо, кўрган туши қора дордёк юратини ғаш қилиб турарди. Бундан қутилишнинг ягона йўли - чораси иш, агар, битта хатбоа - «Бўёқчи»ни тўгри йўлга бошласа, юратини инсофга яқинлаштирса, шунинг ўзи етади.

Абдуллаев арzon алдовга учиб, шикоят ёзган хатбозларга алла-қачон «Бўёқчи» деб ном қўйган: оқни қора, қорани оққа бўяган рангчиларга бундан ортиқ ном бериш мумкин эмас, улар чинданда, бўёқчи здилар.

- «Бир-биримизни гажишдан, сотишдан тўхтаган кун - биз учун галаба! Шу руҳни уларга етказсам, улар қабул қилишса - ўнта, йўқ, юзта докторлик ҳимоясидан ортиқ иш бўлади! Тушунгани тушунар, тушунмаганини мажбур қиласман! Ураман, сўкаман, уялтираман, хуллас, юрагидан бўёгини, қўлидан чўткасини тортиб оламан...» - Абдуллаевнинг фикри қатъийлашиб, қадами тезлашиди.

* * *

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ҳабиб Абдуллаев атрофида йигилган - бугуннинг, эртанинг миллый руҳини ўзида жамлаган Ойбек, Иброҳим Мўминов каби ишончли, билимли олимларнинг борлиги ижодий муҳитга таъсир ўtkазиб турарди. Улар биргаликда тугал, биргаликда академиянинг юзи-қиёфаси зди. Катта-кичик илмий йигин, кенгаш, баҳсларда улар айттан сўз, муносабат ёш олим, аспирантлар, илмий жамоатчилик орасида шовшувларга сабаб бўлар, узоқ вақт эслаб юришарди.

Кечаки бўлиб ўтган адабиёт тарихига оид йигинни Иброҳим Мўминов бошқарди. Ижтимоий фанлар бўлими раиси сифатида Иброҳим Мўминовнинг мавқеи баланд, адабиёт, тарих, фалсафа, тил каби мафкуравий фанлар ривожи, уларни сиёsat ҳуружидан эсон-омон асрар, мумкин қадар тўгри, холис талқини унинг зиммасида зди.

Йигин охирида адабиёт тарихи билан шуғулланаётган олим, институт партия ташкилотининг котиби Эргаш Йўлчиев минбарга чиқиб:

- Ўртоқлар, ҳар эрта «Ўртар»ни ёшитамиз, - деди. - «Ҳай-ҳай» демасанг, «Сўнгги ахборот»да ҳам «Ўртар»ни қўйишади. Бу қаначаси, ахир, ҳеч ким билмаса, биз адабиёт тарихчилари Машрабнинг кимлигини биламиз-ку? Унинг диний-мистик ғазалларини қўшиқ қилиб куйлаш кимга ва нима учун керак? Машраб ҳақида

¹ Вобораҳим Машрабнинг:

«Агар сшиқлигим айтсан, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсан, тақи ул хонумон ўртар»
- деб бошланадиган машҳур газали.

вақтида муносабат билдириласақ, кеч бўлади. Минг-минглаб хона-донга етиб борадиган сўз бугунга мос, бугуннинг гапи бўлиши керак! Назаримда радио ҳушёрликни қўлдан берган, унутган кўри-нади. Акс ҳолда бу ерда тўпланиб гоявийлик ҳақида сўзлашимиз-нинг фойдаси йўқ.

Банди этилган ёвнинг эшиги очилса борми, тасаввур қилинг, нима бўлади? Ҳамма жойни горат қиласди, талайди, ейди! Машраб газаллари ҳам ҳудди ёв каби ҳалқ маънавиятига, тарбиясига қарши даҳшатли қурол, бундан эҳтиёт бўлишимиз керак!

Мен фикримни айтдим, марҳамат, бу ҳақда ким нима дейди? - нотиқ ҳаммани лол қилган каби мавзуни очиқ қолдириб минбардан тушди.

Ҳамма жим қотди: сукунат. Сукут қоплаган залда фирмә коти-бининг саволи осилиб қолди:

- Бу ҳақда ким нима дейди?

Партияйи ҳушёрлик, садоқат намойиш этган котибнинг сўзиға муносабат қандай бўларки? Машрабни ким ҳимоя қиласди?

Йиғин аҳлининг кўпчилигига ҳақгўй шоир ҳимояси учун ички безовталик, заиф бир истак пайдо бўлса-да, аммо, бирортаси юра-гидаги туйгуни тилига чиқаришга журъат қилолмас эди. Машрабга бўлган муносабат, меҳр ҳали ҳам қўрқув чангалида - эҳтиётнинг қалин пардаси билан тўсилган эди.

Юрагида Машраби борлар ҳам жим: улар ўзгадан жасорат кутишиди. Вазият шундай. Илм аҳли юрагига қўрқув солиб турган мафкура узоқдаги Машрабни яқин йўлатмасди. Шунинг учун эҳтиётнинг ионини еб, кўзни кўр, қулоқни кар қилиб, бўйинни эгиб турган маъқул. Шунда марра сеники: ҳеч ким шубҳаланмайди, муҳими, ишончга кирасан, йўлингдан оғишимай бораверсанг, бир кунмас-бир кун назарга тушасан, албатта, сени кўз остига олиб қўйишади. Ютқазмайсан - ютасан...

- Хўш, бу ҳақида ким нима дейди? - ўрнидан турмай котибнинг сўзларини такрорлади раислик қилувчи. Кутди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, Иброҳим Мўминов ўрнидан вазмин қўзгалди, алп қоматини хиёл эгиб минбарга юрди, то минбарга етгунча мажлис аҳлига қарамади.

Барчанинг нигоҳи Иброҳим Мўминовда эди. Кўпинча раислик қилувчи мажлисни минбарсиз - ўрнидан туриб бошқарар, у ёки бу масалага муносабат билдириб яна давом эттиради. Бу гал тартиб ўзгарди, раис минбарга чиқди.

- Биродарлар, - дея сўза бошлади Иброҳим Мўминов. У «Ўртоқ-лар!» дейиши ҳам мумкин эди, айтмади. Мажлис аҳлини ўзига яқин олиб, бир-бирига яқинлаштириб иккинчи бор шу сўзни барчага етказиб такрорлади: - Биродарлар! Мен Машраб девони билан

танишганимда олти ёшда эдим. Ўшандан бери Машрабнинг девони ёстигимнинг остида туради.

Биз Машрабни тарих қатларидан тортиб, чант-губорлардан авай-лаб тозалаб, ҳалққа етказганда, сиз, адабиёт тарихчилари унинг пок номига соя ташламанглар!

Машраб эрксизликдан эзилган, жабрдийда, қашшоқ ҳалқ тара-фида турмаганида Балх ҳокими Султон Маҳмуд дорга осмасди! Машраб ҳақида гапирганда увинг фоже тақдирини ёдга олинглар: Машрабнинг умрини дор якунлади!

Иброҳим Мўминовнинг қисқагина изоҳи кўрқувни итқитиб юборди, тўпланганилар шундай кучга, овозга, дадилликка зор эдилар. У минбарни тарк этмаёқ гулдурос қарсаклар янгради. Кўкрак - нафасларда бўғилиб ётган ҳақ намойиши бирдан аланга олди. Ҳамма ўрнидан туриб, Машраб тирилиб келгандек, Иброҳим домлани олқишилади. Кўрқув чекинган чеҳраларда гурур тантана қилди.

Кўпдан бери кўнглида Бобур ҳаваси уйғонган, у ҳақида роман ёзишини ният қилган ёзувчи ёнидагиларга қаратади:

- Зўр, зўр! - деб ҳайратини ошкор этди. - Иброҳим Мўминов дарё экан, уни тўсиш мушкул!

Чунки Бобурнинг ганимлари ҳам кам эмас эди.

Иброҳим Мўминовдек тоглар якка-ярим олим, ёзувчини эмас, бутун бир миллатнинг ҳимоясига қалқон - бас келади. Шундай экан, Машрабдек, Бобурдек миллат юлдузларини билмаслик уят! Улар ҳақида ёзмаслик уят!

* * *

...Чақмоқдек чақнаган Машраб воқеасини Ҳабиб Абдуллаевга ет-кашиш учун икки-уч олим қабулхонада эртароқ йигилишиди. Улар гўё муҳим иш юзасидан келгандек кўринсалар-да, аслида ҳар бирининг нияти кечаги нозик воқеа ҳақида биринчи бўлиб сўзлаши, президентнинг муносабатига қараб «кун тартиби»ни - белгилаш, яъни катта нима деса, шу йўлдан бориш эди. Уларнинг иш услуби тез ўзгарувчан қиёфа, гап-сўз, ваъдалари сингари тутуриқсиз, аммо, ўзлари учун синалган, ишончли қўлланма эди.

Абдуллаев кириб келар экан, уларга кўзи тушибоқ:

- Президентдан олдин келадиганлар ҳам бор эканда-а, бу даргоҳда, - деб бирма-бир сўрашди. Олимлар тавозе билан:

- Сизни кутиб олиш биз учун шараф! - дейишиди. Абдуллаев уларнинг учаласини ҳам яхши билар, ўртамиёна, замона зайлуга илашиб олимман, деб юрган «Лаббайчи»ларга бош бу кимсаларга инсоф тилаб юради. Ҳар нечук улар ўзбекнинг сонини кўпайтириб, ўринни банд қилиб юришибди-ку, ҳозирча, шунисига шукр...

- Қаки, марҳамат, киринглар, - деб бирваракайига уларни ичкарига таклиф қилди президент.

Орадан журъатлироқ чиққан ўрта ёшлардаги тарихчи улоқни илиб, Абдуллаевнинг ортидан эргашди, ҳамроҳларига ғолибона тиржайиб эшикни ичкаридан ёпди.

Фурсатни бой берган икки ҳамкасб бирин-кетин қабулхонани тарк этишди. Чунки уларнинг бу ерда қиладиган иши қолмади, чиндан ҳам тарихчи журъатлироқ чиқиб, улоқни илиб кетди.

Абдуллаевнинг ҳамсуҳбати кечаки бўлиб ўтган воқеани бироз чўчиброқ сўзлади. Унда ҳеч бир ўзгариш сезмагач, дадилланниб қўшиб-чатди. Абдуллаев уни дикқат билан тинглаб, бутунги режасини амалга ошириш учун қулай фурсат келганидан енгил тортди. Охирида:

- Шундай дeng, домла, биз бехабар қолибмиз-да, - деди қилиқсиниб.

Президент бу билан нима демоқчи? - ҳамсуҳбат ҳеч нима англаёлмади. Сал рагбатга ўхшашиб ишора борга ўхшайди, яна ким билсин?

- Бугун соат ўн бирда Президиум аъзолари иштирокида кечаги йигинни давом эттирамиз, мавзу - гоявийлик, - деди Абдуллаев кутилмаганда. - Саноқли кишилар иштирок этади. Қатнашишингиз мумкин, хоҳлассангиз, сўз берамиз.

Ҳамсуҳбатнииг юраги турс-турс ура бошлади. Бир маромдаги иши жонига текканди. Галвали, бирорларни зир югутирадиган - босган қадами, айтган сўзига жавоб берадиган кунлар бошлансангина бу тоифа ўзини ишлайдигандек ҳис қилади. Тўгриси, бушдай пайтларда улар шов-шувлар ичига йитиб кетишади. Уларни унтишади, бирор сўрамайди. «Томоша»нинг зўри шуларники!

Бугунги қадам ҳар ҳолда зое кетмади: президентнинг жумбоқли йигини ва шахсан таклифидан кичикроқ бўлса-да, мукофотга ўхшашиб ёқимли галванинг ҳиди келяпти. У домланинг хонасини шундай илинж билан тарк этди.

У кетгач, Абдуллаев бундайларга сабоқ бўларли йигин ҳақида ўйлар экан, хаёлига бири-биридан ўткир, кинояли, аччиқ чоралар келар, назарида, бугун кўп майдаликларнинг олди тўсиладиган, хижолат йироқлашадиган кун бўлиши керак эди.

Иброҳим домла жисман йўқ, номи тарих қатларида кўмилган Машрабни ҳимоя қилиб, «Лаббайчилар»нинг шохига урибди. Огриқча чидамаган исковичлар пайт пойлаб инидан чиқибди, уларга яна таёқ керак! Шу кунгача уларни ўз ихтиёрига қўйдик. Энди фурсат бермайман: жиловлайман, жиловлаб жиловини қўлимга тутмасам, ҳаракатларимиз зое кетади. Оқибатдан, аҳилликдан йироқ бу нусхалар халқда кулфат ёғдиради, юзимизни ерга қаратади...

Котиба кириб, ишга келганини маълум қилди. Абдуллаевдан топшириқ олиб, бугунги йигин иштирокчиларини телефонда излай бошлади.

Абдуллаев яна ўз юмушлари билан шугулланди.

Соат ўнга яқин котиба безовта қилгани учун уэр сўраб, деди-ки:

- Қабулингизга галатироқ бир киши келган. Кираверинг, домла бўшлар, десам, йўқ, яна кириб кўринг, ёлғиз бўлсалар, кираман, деб оёқ тираб олди.

Абдуллаев қороздан бош кўтариб:

- Шунақасиз-да, оппоқ қиз, ҳар кун бир гаройиб нусха билан юзлаштирасиз, - деди. - Кираверсин, аёл эмасми ишқилиб, билиб кўйинг, келиноНингизга бошингиз билан жавоб берасиз-а!

- Йў-ўқ, аёлмас, - деди котиба ажабланиб, - қандайдир галатироқ, эркак башара бир киши...

Котибанинг «аёлмас, эркак башара бир киши» деганига завқи келди. Ўша галати башаранинг кимлигини тахминан эслашга уруниб кута бошлади. Зум ўтмай эшик очилиб, паст бўйли, тўлароқ, тепакал бир киши, қўлтигига чарм жилд билан кириб келди. Абдуллаев билан кўришди. Домла унинг башарасига зеҳн солиб тикилса-да, барибир эслаёлмади. Унинг ҳаракатлари чақон, тиржайишга монанд башараси ниқоб кийгандек, ганирганида юз-кўзларидан сохталик сезилиб турарди. У Абдуллаевдан ҳол-аҳвол сўради-ю, тезда ҳужжат кўрсатиб, кимлигини маълум қилди:

- Майёр Владимир Жумаевман. - Ўзини таништиргач, секин кабинетга - шифт, деворлар, жиҳозларга разм сола бошлади.

Абдуллаев ҳушёр тортди: Сирли идора топширити билан келгани гаройиб нусхаларнинг кўпи билан учрашган, гаплашган, бальзан бир кўришда уларни танир эди. Лекин, бугунгиси чиндан-да гаройиб: юввош, жилмайиб турувчи бақалоқнинг кўзлари - ортида ким турганлиги, кимга хизмат қилаётганини яширмасди. Кўзларидан совуқ бир қаҳр, ниқобланган башарасидан менсимаслик аломати ёғилиб турар, қанчалик уринмасин, бирибир, хизматига нисбатан түгма содиқликни яширолмас эди.

«Бундайлар бешигида тарбия топади.»

Абдуллаев унга тикилиб, бутун бошли таржимайи ҳолини - ўқиган мактаби, олган сабоқларини башарасидан қийналмай ўқиди.

«Владимир Жумаев, қизиқ, - дея ўйлар эди Абдуллаев, - бу хил нусхалар шу қадар кўпки, ақл бовар қилмайди. Мен ўзимга керакли биргина аспирантни ёки мутахассисни йиллаб ахтараман. В.Жумаевга ўхшаганлар эса оёқ остида тиқилиб ётибди.

Владимирни қисқартириб «В» деб номлагани ўзига маъқул тушди. - Чунки исми ўзбекча бўлмагач, «В», «Ю», «С» деб чақирса

ҳам бўлаверади, - деган хulosага келди Абдуллаев. - Тўғри-да, нима фарқи бор? Ўзидан-ку, ёргуллик чиқмаса, номидан нима фойда?

Ота-оналарга тушунмайсан: жаллодми, фиригарми, барибир, номи инқилоб билан боғлиқ машҳур қонхўр бўлса, бас - исмини ўғил-қизига қўяверади. Билмай, тушунмай - юракка ўринча кирган ҳавас бу! Ота-бобонгни қириб, янчиб, яна бемалол тиржайиб «Улар сенга, бизга душман эди, йўқотдик, энди озодсан, биз сенинг оғанг, ҳимоячинг», деганидан туғилган ҳавас - ёлғон бу! - Абдуллаевнинг юрагида шиддат билан кечтан алам қиёфасида бўртиб турарди. Владимир Жумаев Абдуллаевда юз берган ўзгаришни сезди-ю, аммо, хотиржам, тиржайган алфозда мақсадга қўчиб:

- Домла... тойс, ўртоқ Абдуллаев, - деди у атай, - бугун таклиф билан келишимдан хабардорсиз. Бу ҳақида сизни огоҳлантиришган. Ўйлайманки, сиз бизни тўғри тушунасиз, - Жумаев бироз сукут сақлади. Суҳбатдоши томонидан бирор-бир ишора, гап-сўз - маъқуллаш ёки инкор бўлмагач, у: «Абдуллаевдек жиҳдий, юрагидаги зумда башарасига ёйилмайдиган кристаллар бизга хизматга ўтса борми?» - дея ичдан тан берди. Ба сукутни чўзмасдан давом этди:

- Баъзан илмли одамлар хато йўлни танлашади. Жой, манзил, миллат талашиб, бошқаларга зиён етказишади, касаллик юқтиришади. Аслида ер битта, қуёш, ой битта. Агар динга қулоқ тутсак, ҳамма бир ота, бир онадан тарқаган, кўпайган. Давримизнинг инқилобчи буюк доҳийлари Ленин, Маркс нима дейди: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» Замонамизнинг ягона, одил, демократик шиори, мақсади аслида шу!

Ўзбекни зулмдан, қоп-қора ўтмишдан, қашшоқликдан олиб чиқиран ким? Улуг рус халқи! Келинг, узоққа бормайлик, сизни Абдуллаев даражасига кўтариб, кўксингизга юксак орденлар тақиб, мана бу, баланд курсига ўтқазиб қўйган ким? Партия!

Ҳаммасини инкор этинг: дейлик, сиз даҳо, буюк олим, талантсиз! Агар, руда ҳосил бўлиши ҳақидаги машҳур асарингиз рус тилида босилмаганида сизни дунё танирмиди? Йўқ!

Хулоса: шундай буюк, қудратли халқ, қудратли тил, қудратли давлат таркибида, ҳимоясида бехавотир яшаш ўзбеклар учун шараф эмасми? Бунинг учун биз номимиздан, тилимиздан, жонимиздан кечсак ҳам озлик қиласди-ку, - Жумаев яна бироз сукут сақлади...

«Аслида, Марказкомда Бобоевнинг ўрнида ўтиришга лойиги В.Жумаев экан-ку, афсуски, болагина аёл жинсидан эмас-да», - Абдуллаев унинг тартиботчилик талантини тан олди.

УСТУН

- Үртоқ Абдуллаев, - дей унинг диққатини ўзига қаратди Жумаев, -сиз юртимга, миллатимга керакман, десангиз, бизнинг таклифга рози бўлинг. Шуни унутмангки, миллий ҳислар ўткинчи, чалғитишдан, хатодан, охир-оқибатда жазодан - ўлимдан иборат йўл! - Владимир Жумаев чарм жилдан машинкада ёзилган бир варақ қоғоз чиқаёди-да, Абдуллаевга яқин тутиб:

- Ўқинг! - деди. У Абдуллаевга гапириш учун имкон бермади. Сўнгти ҳаракати, гап-сўзлари қатъийлашиб, буйруқнамо тус олди.

Домла сездики, хат ўқиш учун қўлга берилмайдиган даражада маҳфий. Хатга олисроқдан кўз ташлаб, ўқий бошлади: «Хотинингиз бемор, истасангиз, у қолган умрини тўшакда ўтказади. Истасантиз..., - жумла тугамай уч нуқта қўйилган ва хат қўидагича давом этарди. - Сиз ёш, соғлом аёл билан яшашга ҳақлисиз. Шундай аёл эса уйингизда...

Иккиласманг. Уни никоҳингизга олиш учун гап-сўзсиз, шов-шувларсиз имкон яратилади. Бу... сизга берилган сўнгги имкон ва ишончдан фойдаланмаслик - нафақат ионкўрлик, балки, ихтиёрий ҳало-катни танлаш демакдир! Энг ишончлиси, ягона йўл - таклифни зудлик билан амалга ошириш ва тинч, бехавотир, катта унвон, мансаблардан тўла умидвор яшаш! Ҳа, бунга ҳаққинтиз бўлади.

Маслаҳат: шу кунгача йигилган барча айбингизни, хатоларни садоқат билан ювинг, садоқатга чўмилинг, номингизни поклаб ишончга киринг! Шунда сиз бизники, ўзимизни бўласиз!

Таклиф фақат сизнинг фойдангизга хизмат қилади.

Жавобни ўзингиз маълум қиласиз».

Абдуллаев хатдан кўя узди. Таклифдан воқеликка кўчмаган даҳшат ҳали қоғозда эди. У чурқ этмай Владимир Жумаевга қараб тураверди. Жумаев бунга жавобан хатни хотиржам куйдириб, ку-кунни қора қутичага солди-да, оғзини маҳкамлаб чўнтағига бекитди. У тошириқни хижолатсиз, одатдаги жўн ишни бажаргандек осойишта, ишончли яқунлагач, ҳали ҳам кўз узмай қараб турган Абдуллаевнинг нигоҳидан атай кўзини олиб қочди. Деворлар, шифтга шунчаки қизиқини билан қараёттандек, Абдуллаевни бир муддат ўз ихтиёрига қўйди.

Ҳабиб Абдуллаев бугуннинг - айни шу дамнинг даҳшатини жисмида, ўй-хаёлларида олдинроқ ўтказган, кечак тунда қўрқинчли туш кўриб уйғонган эди. Орадан бир кун, бир кечак ўтиб, аниқ таклиф - ҳукм билан таништач, нечундир кечаги таҳлика, қўрқув чекингандек эди. Сезиб турибди, вазият жиддий, улар ўйинни, ҳазилни хушламайди, кўнмаса, бундан-да оғир таклиф - жазо кутиб турибди. Лекин, барибир, кўз ўнгига кечакётгани ҳудди ҳазилдек, катталарнинг ҳазили, ўйинга ўхшайди.

Владимир Жумаевнинг иши битди, тоғишириқни бажарди, энди кетса ҳам бўлаверади, кетиши керак у. Нечундир кетмаяпти. Зимдан кузатиб, Абдуллаевни томоша қилмоқчими?

Саволларига ўзи жавоб «топган» бу пакананинг ёнида жим туравериш малол - таклифни қабул қилган билан баробар.

- Ўртоқ Жумаев, - деди Абдуллаев ниҳоят, - мен артист эмас, олимман, томошани бас қилинг! - Абдуллаев ўрнидан турди. Кабинет бўйлаб уч-тўрт қадам юрди-да, асабийлашди, аммо ўзини босишга уринди. Шу фурсатда Жумаев ҳам ўрнидан турди, эшик томон йўналаёттанида, Абдуллаев секин тирсагидан тутиб:

- Таклиф билан танишдим, оқилюна тадбир, - деди сокинлик билан. - Сизга келсак, мақсадни равон, қисқа, файласуфона етказдингиз. Бизда телефон, почта хизмати яхши ишласа-да, жавобни эртага қолдирмай ўзимдан эшитганингиз маъқул...

- Баҳслашмаймиз, эртагача вақтингиз кўп, жавобга улгурасиа, - деди Жумаев совуққина.

- Шунақами? - деди Абдуллаев киноя билан. - Сенда на миллиат, на ватан, на ном бор! Сен юракка жазиллаб ботадиган ўқ, қуролсан, - Абдуллаев бор нафратини «сен»га юқлаб, Жумаевнинг баҳарасига отди:

- Шуни унутмаки, мен қурол бўлолмайман, сен бўлолмайман! Афсус шунча исқаб, ҳали ҳам Абдуллаевнинг кимлигини билмаб-сизларда-а?

- Баҳслашмаймиз, - деди у яна аввалгилик совуққина. Негадир унинг турқи-таровати ўзгармади, гёё Абдуллаев гапирмади, Жумаев эса эшитмади. Сиздан сенга ўттанига-ку мутлақо аҳамият бермади.

- Хотининг борми? - Абдуллаев унга таъсир этишининг қалтис-роқ йўлини танлади.

Жумаевга бироз оғир ботди, аммо Абдуллаев кўзига тикилиб туравергач, истар-истамас:

- Бор, нима эди? - деди энсаси қотиб.

- Унда таклифга розиман, - деди Абдуллаев хотиржам. - Лекин, келинни ўзгартирамиз, Ольга Николаевнага эмас, сени хотинингга уйланаман, келишдикми? - Абдуллаев Владимир Жумаевни куттилмаган зарб билан урди. Жумаев қўлини силтаб бўшатдиди, чўнтагига сўқди, кўзи совуқ чақнади. Чўнтагидан қўлини сургумай туриб, тиржайди, яна олдинги қиёфасига кирди, хотиржам кўринди ва:

- Бу галча сал адашдингиз домла, - деди. - Номзодни сиз эмас, биз танлаймиз! - Жумаев эшикни одоб билан очиб, ортидан яна одоб билан ёпди.

У бир зумда гойиб бўлди.

Бормиди, йўқмиди у - билиш қийин.

Абдуллаев котибани чақириб, хона деразаларини очишни буорди.

- Чанг киради, домла, - котиба итоаткорона эътирооз билдириди.

- Чанг киради, дейсиз-а, ҳозир келиб кетган кимсаннинг кимлигини билганизда эди, чангни оёғидан ўпардингиз! Очаверинг, Тошкентнинг ҳавоси таниматга ўхшайди.

Деразалар очилгач, Абдуллаев маъданли сув сўради. Хона ўртасида қаддини рост тутиб сув симирир экан: «Қани, «Лаббайчилар» билан орани очиб олайлик-чи, - деди... - Уйланиш бўлса қочмас. Келин нақд, уйда қош-кўзини сузуб, боришимни кутиб турибди. Вой, абллахлар-еј, топган йўлини қаранг, буни на бирорга айтиб бўлади, на айтсанг, бирор ишонади?! Юлдузни бенарвон уруш дегани шу бўлади!»

Ўрнига ўйчан чўқар экан, хотин билан боғлиқ хижолатли бир воқеани ёдга олди: ўшанда дўсти, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорни излаб, ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйига борган эди. Улар ҳар гал телефонлашиб учрашардилар. Нима бўлди-ю, Қибрайдан ўтатиб дўстини истаб қолди.

Аксига, Абдулла Қаҳҳор йўқ экан, хотини Кибриёхон «Ўига киринг» деб ҳарчанд қистамасин, Абдуллаев унамади:

- Эрингиз рашикчи, нақ Отеллонинг ўзи-ку, тағин мени деб, Абдулладан ажраманг, - деди ҳазиллашиб.

Кибриёхон ҳазилга уста эди, ҳозиржавоблик билан:

- Абдулло бўлмаса, Ҳабибулло-да, сиз кўнсангиз бас, кираверинг, айтмайман, - деди хандон отиб.

Шунда Абдуллаев «ҳазилни бирор эшитмадими?» деган андишада атрофга аланглади. Кибриёхон унинг ҳолатини кузатиб завқланар экан, беш-ён дақиқадан сўнг эрининг қайтишини айтди.

Абдуллаев дўсти келгунча бояни томоша қилиш узри билан нари кетди.

... Танҳо кезиб юрар экан, нечундир шоир Усмон Носирни эслади. Даврнинг, иродасиз, қўрқоқ худбинларнинг қурбони Усмон Носир тирик бўлганида, ёнида ихлосманд шогирдлари тўп бўлиб юришмасмиди ҳозир?

Девор бўйлаб қатор тизилган чинорларга тикилиб, адабиётилизнинг чинорлари эрта кесилганида афсусланди, юраги куйди. Шоирлар халқнинг овози, номи. Уларни қадрига етиш керак... Со тиб, қулатиб, йўқотиб тинчимаган ўзимизниклар ҳамон эски яргини ташламайди, қайрайди. Ойбекдек қудратли овозни, шарафли номни ҳалигача ўчирмоқчи бўлишпади.

Бундайларни ўзимизники дейишига уяласан, ор қиласан киши. Улар нимаси билан ўзимизники? Номи, күриниши, ранг-рўйи биланми? Йўқ, тоқатим етмайди, уларни жазолаш керак! Токи бошқаларга сабоқ бўлсин! Шундай жазо топсамки, узоқ азобланса, ёнса, куйса, пушаймон бўлса, қилмишини тушунса!?

Ўгрини ушлаймиз - жазолаймиз, порахўрни тутамиз - жазолаймиз. Сотқинни-чи, биламиз, таниймиз - жиммиз! Ўз давлатинг, қонунинг бўлмагач, сотқинлар ерда эмас, бошда юради-да! Улар тили билан яшайди...

Нариоқдан гуррос култи эшитилди. Беихтиёр ўша томонга қараб, секин юрди. Яқинлашгач, таниди: катта-кичик шоирлар, ёш, гайратли адабиётшунослар тўп бўлиб гурунглашмоқда.

Ёшлилар бироз тортиниб, одоб сақлаб, устозлари эса домла билан қизғин кўришдилар. Абдуллаевдан ҳол-аҳвол сўрашгач, бирга сайр қилиш - йўлка бўйлаб юришни таклиф қилишиб. Абдуллаева газета, журнallарда шеъри эълон қилинган, илк тўплами чиқсан ёш шоирларни унга таништиришибди.

Қорача юзли, ингичка, чақноқ кўзли Абдулла исмли ёш шоирга алоҳида тўхталишибди. Устозлар эътирофига сазовор бўлган шоирдан шеър айтишни сўрашибди. Ёш шоир бироз сукут сақлади-да, олдинга чиқди: анчадан бери хаёлида етилган, ҳали ҳеч ким эшитмаган шеърни юракка тегадиган тарзда таъсирли айта бошлади:

«Муножот»ни тинглаб...

*Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан, баеримни, оҳанг,
Нечун керақ бўлди сенга қўз ёшим
Нечук керак, рубоб, сенга шунча гам!*

*Эшилиб, тўйлеониб ингранади куй,
Қайлардан келмоқда бу оҳу, фарёд,
Ким у йиғелаётган, Навоиймикин
Ва ё май куйчиси Ҳаёлмикин дод!*

*Бас, етар, чолгучи, бас қыл созингни,
Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар.
Наҳотки дунёда шунча гам бордир...*
Агар шу «Муножот» рост бўлса, агар.

¹ Шоирнинг ушбу шеъри 1964 йил санаси билан «Муножот» сайланмасига киритилгани.

Агар алдамаса шу совук симлар,
Гар шул эшигтганим бўлмаса рўё -
Сен беисик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!

Эшилиб, тўлғониб ингранади күй,
Асрлар гамини сўйлар «Муножот»,
Кўйи шундай бўлса, гамининг ўзига
Қандай чидаи олган экан одамзод!

Шеър тугагач, катта-кичик ҳамма Абдуллаевга тикилиб жим қотиб қолди. Ёни улутроқ шоирлар ёш шоирни ўзларига яқин олиб, президент Абдуллаев ҳузурида гўё шогирдларининг талантини на-мойиш этишаётганидан мамнун эдилар. Гўё Абдулла эмас, улар - катталар шеър айтди. Уларнинг ҳар бири Ҳабиб Абдуллаевга шоир Абдулла қиёфасида кўринишини истар, олқиши, табрикли - нима-дир эшитиш умиди ила ҳамон олимнинг сасига қулоқ тутишар эди.

Абдуллаев уларнинг юз-кўзларидаги хижолатсиз ҳавасни тушунди: «Ҳа, зўрга тан бермай илож йўқ, - у Абдулланинг истеъ-додидан қувониб, унга зимдан қараб қўйди. - Бир қатим нур - биттагина шеър барчани баландга кўтарди. Талантли-талантсиз ҳаммани ҳаваслантириди. Шу шеърни мен ёзсан, менини бўлсайди, деган истак уйготди».

Ёш шоир Абдулла Орипов чеккароқда ийманибгина турар экан, Ҳабиб Абдуллаев сокин сўз бошлади:

- Биз талант деймиз, истеъдод деймиз, булар бари тўғри, аммо, бирорвонинг кучига, ақлига, ботирлигига қойил қолган, ҳайратланган киши нима дейди? - домла барчага бир-бир кўз югуртириб, ўзи жавоб берди:

- Зўр!
- Зўр! - деб такрорлашди бошқалар ҳам.

- Қўлингизни беринг, Абдуллажон, - деди Ҳабиб Абдуллаев, - умрингиз узоқ бўлсин, балки сизга осон бўлмас, аммо йўлга тушшибизми, тўхтаманг! Баракалла!

Секин юра бошлашди. Ҳамма шеър таъсирида эди. Чап томонда қурилган алоҳида дала ҳовлилар ёнидан ўтишаётганда кимдир:

- Лочин домлани кўриб ўтсак, анчадан бери уйдан чиқмайди, - деб қолди.

Кутилмаган таклиф кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади. Яна ҳамма Ҳабиб Абдуллаевга қаради.

Лочин. Ўзбекнинг таниқли шоири. Номи тилга олиниши биланоқ аксар ёш шоирларда иккиланиш, баъзиларининг юзида норози-лик, нафратта ўхшаш ифода пайдо бўлди. Улар ошкора бир сўз

демасалар-да, «кириб күрайлик» деган таклифдан ранжишгани билиниб турди. Ҳатто, икки- утаси таклифни эшитибоқ, йўлни айри солди.

Нечун бундай бўлди? Ўттиз-қириқ йилдан бери шуҳрати тилларда достон, шеърлари дарсликдан дарсликка кўчиб келаётган Лочиннинг номи нечук давра аҳлида иккиланиш ўйротди, ҳамкасларини икига бўлди?

Бугун, олтмишинчи йилларда ҳам Лочиннинг номи, шеърлари баланд янграса-да, нечук унинг истиқболига қучоқ очиб эмас. катталарнинг андишаси таъсирида оёқ тираб, зўрма-зўраки судралишди?

Лочин ўзбек сўзи, ўзбек номи, ўзбек имкони билан адабиётга кирса-да, у аллақачон ҳамтенг шоир-ёзувчиларнинг ёстигини қутишга улгурган, ҳукмрон мағкура ярогига айланиб, ўзиникини сотиб, кун кўрган, яшаган ва ҳамон яшаётган шоир эди. Унинг зарбаларига чидаб келаётган сўнгги жафокаш Ойбек Ҳабиб Абдуллаев билан ёнма-ён ишлар, у Лочиннинг қабиҳлиги ҳақида бирорга зорланмас, айтмас эди. Шундай эса-да, «Ёниглиқ қозон» очилган - 37-йил қурбонлари тарих қатларидан чиқиб, ўз қотиллари ҳақида «сўзлай» бошлаган эдилар. Лочинде шоирларнинг ўз биродарларини йўқотиб, кўмиб, гўри устида уй тиклаб яшаётгани маълум бўлиб қолди. Даҳшатлиси, улар ўз қилмишларига бурканниб, қабоқ уюб яшасалар-да, ҳамон мағкура девори ортида ҳимояланиб, гуноҳларидан пушаймонлик сезмай, музқотган юракларини бирорвнинг қони билан илитишга мойил эдилар.

Ногоҳ номи тилга олинган Лочин хотирга ана шундай оғриқли ҳислар соларди!

У ҳамон яшаётган экан, кимгадир уни кўришга майл уйгонибди-ми, майли, бу ҳам бир синов. Лочинга осон эмас, уни бирор важ билан оқлаш қийин, ҳеч ким кечирмайди уни, унга оғир. Имтиёз, унвон-у, мукофотлар уни қутқаролмайди. Ёнимдаги шоирларни тушуниш керак, Лочинга нисбатан ҳар бирининг кўнглида не бор, ўзларига аён. Буларнинг ҳар бири Лочинни ўз қалби билан кўриб, ўз қаричи билан ўлчайди. Шундай бўлиши ҳам керак-да, аммо, бир нарсага ишончим комил: шоирлар сотқинни кечирмайди!

- Майли, розиман, - деди Абдуллаев тикилиб турганларга, - шоирларга ҳамроҳ бўлдингми, уларни охиригача тинглаш керак.

- Раҳмат, домла!

- Қуллуқ!

Лочиннинг темир панжарали дарвозасини очиб, ичкари киришар экан, Абдуллаевнинг кўнглидан шундай гап кечди: «Бу ноёб нусхани музейга жойламасларидан олдин бир кўрай-чи? Ҳамма нарсани тириги афзал, ўз қўзинг билан кўрсанг, янада қизиқроқ».

Шоир Лочин курсичага ўтириб ўт юларди. Жүякларни қалин ўт қоплаган: нима экилган, нима униб чиққан - бир қараашда илгаш қийин эди.

Шоирлар супа ўртасида туриб:

- Ассалому алайкум! - дея салом беришди. Кимдир югуриб бориб Лочин билан кўришди.

- Сизни кўргани келишди! - деб қўлидан тутди. Овози сал ба-ландроқ чиқди шекилли Лочинга ботмади:

- Нима, мен касалмидим? - деб тўнғиллади-да, супа томон имиллаб юрди. У камдан-кам шогирдларини уйида қабул қиласар, ҳар қанча садоқати бўлмасин, дарвозадан жўнатар эди. Бирорлар ихлос қилиб, бирорлар қўрқиб шогирд тушган, ҳар икки тоифа ҳам Лочиннинг таъсири остида ҳамиша ҳушёр туришга мажбур эди. Нима бўлмасин, бутун Лочин шоирни сўроқлаб келишди.

Супада, доира стол атрофида сұхбат қизимади. Абдуллаев билан Лочин бир-бирини яхши билишса-да, худди бегонадек, совуқ ўтиришди. Ўзининг хотиржамлиги учун «одам танимаслик»да, бети қаттиқлиқда Лочиннинг ёнига тушадиган топилмасди. Ҳуда-бехудага жон койитиб лаб қимирлатмас, бундан кўра у тинглашни маъқул кўрар. шу кунгача жамики қўлга киритган «ов»и бирорларни тилидан илинтириш «санъати» эди. «Тилидан илинди» ибораси аслида шунчаки гап эмас, Лочиннинг иш услуби.

Бирор билан мулоқотда у жуда ҳушёр: ҳаяжонини ерга кўмиб, устига тош бостириб сўнг гапиради.

Бугун ҳам у кўхна услугига содик қолиб, тўплангандарнинг ҳол сўрашига совуққина, узуқ-юлуқ жавоб қайтарса-да, бутун диққати Ҳабиб Абдуллаевда эди. Үнинг шоирлар билан кириб келиши Лочинни довдиратиб қўйди. Ҳабибининг Абдулла Қаҳҳор билан дўстлиги ҳаммага аён. Дўсти Абдулла Қаҳҳор туфайли Лочин ҳақида бирор билмас «нозик» сирлардан хабардорлигига шубҳа йўқ. Бунинг устига у Ойбекни қадрлайди, ҳамиша ҳурматини жойига қўйиб академиянинг тўрида эъзозлаб олиб юрибди. Ишқилиб үнинг ташрифи сабабсиз эмасдирор?

Сўнгти пайтларда хонанишинликка кўникаёттан Лочинга кўп нарса малол ботади: бирорларни кўришга тоқати йўқ, овози, чеҳраси ёқмайди. У кўпдан буён бирор билан яйраб сұхбатлашмайди, кўчада, давраларда яйраб кулмайди. Тунд башараси очилмайди. Үз қобигига ўралиб ниманидир кутади... Баъзида ўтаётган кунларнинг шиддати пасайгандек, юрагида киши билмас - пинҳон норозилик ниш уради. Ахир, кечагина эмасмиди, тилида, юрагида, шеърида миллат кўринган, тарих бош кўтарган ҳар қандай зўрнинг тили бир ишораси билан кесиларди. Үндан ном-нишон қолмасди. Лочиннинг панжасидан омон чиқаман деганларнинг бари тупроққа айлан-

ди. Бутун бигтта-ярим оёқда юрганлар бўлса, чала-жон, узоққа боролмайди. Улар Лочинни тушунмай янглишади. Лочиннинг якка ўзи бир адабиёт-ку? Унинг номини ўчираман деганилар овора бўлишади. Унинг оргида партия, «садикман» деб ичган онти, хизматлари турибди.

Адабиёт дегани нима ўзи? Кўлингга қалам тутдингми, бирорнинг айтганини қил! Бўйсиг! Зўрман, деб бўйвингни чўзма! Ахир, Лочин ахмоқ эмаски, шу йўлни танлади, сенлар шу йўлни кўрмасанг, айб Лочиндами?

Еши ўтиб қарийдими, замон ўзгарадими, барибир, унинг хизматлари унутилмайди. Аксинча, нархи ошади. Бунга ишончи юз карра, минг карра комил! Ойбекка, Абдуллаевга ўхшаш иккичаси бор экан, ҳозирча булар ҳам керак: сиёсат учун керак...

Бирорлар ўйлаганидек, ҳали Лочиннинг дами ўтмаслашгани йўқ. У ҳамиша Лочинлигича қолади, қаршисида ўтирган мана бу тирранчалар «Ўзбекистон Ватаним, ўзбек миллатим» деб ҳар қанча чиранмасин, уларнинг овози Дўрмондан нарига чиқмайди. Абдулла Қаҳҳордан бошқаси эшитмайди. Буларга ўхшаганлари илгари ҳам бор эди. Лекин қани улар, йўқ, ийќ-ку, бугун йўқ улар!

Орага совуқлик тушди, ўтирганларнинг чеҳрасида хижолат кўринди. Давра аҳлини бошлаб келган мансабдорроқ шоир ўнгайсизланиб:

- Домла, соглик қалай, бардам-бақувватмисиз, ёзаяпсизми? - деб қайта сўради Лочиндан.
- Ёзаяпман, нима эди? - дея ҳавотир билан тикилди у. Лочин ҳамиша саволдан ҳадиссиради. Саволга тоқати йўқ эди унинг.
- Ҳа эди, сўрайпмиз-да...

Бу тахлит совуқликдан сўнг Лочин:

- Юра! - деб кимнидир чақирди. Иккинчи қават деразаси очилиб:
- Что папа? - деган овоз эшитилди.
- Завари чай, - деди унга жавобан Лочин.
- У меня нет времени ты сам завари!

Ота-ўғилнинг овозини эшитган Надежда Павловна - Лочиннинг хотини қўлида аллақандай ўсимлик билан бир зумда пайдо бўлди-ю, стол атрофида ўтирганларга мутлақо парвосиз тўппа-тўғри Лочиннинг тепасига келди:

- Ты дурак, старый хрич, - деди шангиллаб, - не разбираешь где трава, где цветы. Я это цветы покупала за три рубля и посадила. А, ты дурак сорвал!

Лочин хотини гапини тутатгунча индамай бош згиб турди, кетавермагач:

- Ну ладно Надя, ну ладно, мы хотим побеседовать, - деди.
- Какая беседа? - деди хотини ўнг қўлини Лочиннинг иягигача чўзиб. - Никто не читает что ты пишешь, и кому нужна твоя беседа? Лучше вставай и сарви траву!

Аёлнинг бу гапидан сўнг икки-уч ёш шоир ўринларидан учиб туриб, Лочин ўт юлаётган жўякка эгилишиди.

Шу пайт қаердандир беш-олти ёшлардаги қизча:

- Где ты, бабушка? - деб чопқиллаб келиб қолди.
- Неварам, - деди Лочин. - Катта ўғлимнинг қизи.
- Исминг нима? - сўради шоирлардан бири. Қизча бувиси билан бобосининг ўртасига суқилиб индамай тураверди.

- Скажи, как тебя зовут, - деди Лочин.

- Ло-ола, - деди қизча «О»га ургу бериб.

- Ўзбекчани биласанми? - деда сўради қитмирроқ бир шоир.

Лола яна жим тураверди...

Саҳнада фожиа кўраётгандек шоирларни ҳаяжон босди. Бирор чурқ этмас, кутиб ўтиравериш оғир, ниҳоят, Абдуллаев хижолатта якун ясаб ўрнидан турди. Ҳамма ортидан эргашиб, дарвозадан ўйлакка чиқишиди. Тўрт-беш қадам юришиди ҳамки, барча лол, ҳеч кимнинг тили айланмайди, ёппасига жимлик. Бир пайт:

- Э, бадбахт Лочин! - деган ўқинч барчанинг диққатини тортди. Атрофдагиларнинг бари ўзига тикилиб турганини сезган Абдуллаев билдики, бу сўзларни беихтиёр овоз чиқариб айтиби. Аслида у Лочинга ачинган эди. Ичдан ачинган эди.

Шоирлар «домла яна нима деркин» дегандай қараб туравергач, у секин хомуш юра бошлади. Хайрлашаётibi:

- Нега жимсизлар, шоирлар? - деди. - Ҳатто, марҳумни ерга қўйишаётгандан «У қандай одам эди?» деб сўрашарди-ку? Қани, ўзларинг бир нарса десанглар-чи?

Бироз жим туришгач, ёшлардан бири журъят қилиб:

- Лочин яхши одам эди, - деди.

Шу кун улар Лочинни дўрмондаги панжарали уйи ортига «кўмиб» қайтишгаんだн сўнг ҳам у узоқ яшади...

Ўшанда Ҳабиб Абдуллаев дўсти Абдулла Қаҳҳорни кутмаёқ ўйлга тушганди. Қўнглига ҳеч нарса сиғмасди: на сұҳбат, на қўнтилхушлик - бари ортиқча эди. Ишхонаага етгунча шоир Лочиннинг ҳолати кўз ўнгидан кетмади: «Э, бадбахт Лочин, - деб афсусланаради у. - Билмас эканмиз, сен аллақачон мусичага айланиб, Надежда Павловнанинг этагига қўнган экансан. Кимларнинг уволи тутди экан сени? Яна қандай кўргулигинг бор? Қара қиёматга қолмабди: у дунёдамас, шу дунёда жазойингни олибсан-ку!»

Кўп ўтмай қулогита галати гап чалинди: Лочинга Надежда Павловнани тақдир рўбарў қилмаган, у бошқа томоннинг таклифи - буюртмасига кўра уйланган. Ўшанда бу гапга зътибор қилмаган эди, тез унудти.

Бугун эса Ольга Николаевнадек дуркун «келин»га дуч келгач, беихтиёр шоир Лочин «томоша»сини ёдга олди. Эслади.

Гап бошқа ёқда экан-да? Беҳудага уларни «Қуда томон» дейиши мақ экан-да? Барака топкур Надиягами, Ольгагами уйлансанг - жиловнинг кераги йўқ. Зум ўтмай ёнингда икки-учта аскарча - қўриқчи пайдо бўлади, улардан тириклайн кечиб кўр-чи, кечолмайсан, чунки, ҳар бирининг пешонасига «Фарзанд» ёзувли ёрлиги туради.

Абдуллаев шундай ўйлар экан, тўрт томони тўрдан иборат тузоқни ҳис қилди. Тузоқ дегани ҳам шундай гўзал бўладими? Бир томонда Ольга, бир томонида Надежда, яна бир томонда Валя, Нина бир-бирашинг қўлидан тутиб Абдуллаевни ўртага олишган: атрофидан гир айланиб қийқиришади. Сал бўшашибсанг - та мом, эркинг қўлдан кетди, аввал бирини, сўнг иккинчисини багрингга босасан... Бу ёғи ойдин йўл - Коммунизм сари олға! Йўлингни бирор тўссин-чи?! Ким журъат қиларкин? Гапирганинг тишини, юрганинг оғигини синдирасан.

Абдуллаев столга мушт урди-да, шашт билан ўрнидан турди. Академия Президиуми аъзолари ва шикоятчи-хатбозлар тўплланган залга кириб борди.

* * *

Ҳамма ҳурмат билан ўрнидан туриб Абдуллаевни қарши олишди. У ўтирап экан, йигилганларга бир-бир разм солди. Шикоятчи-хатбозлар бир-бирадан хабарсиз тўпланишган эди. Улар нишонга олганлар ҳам шу ерда. Тўсатдан чақирилган, кун тартиби номаълум йигин барчани таажжубга солди. Ҳар ким ўз тахминини илгари суриб, ичиди фол очиб ўтирап эди. Қўпинча муҳим масалаларни Абдуллаев фавқулодда тезкорлик билан якка ўзи ҳал қиласар ва рақиблари унинг журъатига ёпишиб, «Ўзбошимча, атрофидагиларни менсимайди», деб айб юклашарди.

Раҳбар сифатида фаҳм-фаросати етиб турган ишни соатлаб чўзиш, одам йигиб, расмиятчиликнинг умрини узайтиришга тоқати йўқ эди. Зарурми, шу бугун, ҳозироқ ҳал қилиш керакми, демак, бу юмушни битказиш учун Абдуллаевга ҳеч ким, ҳеч қандай тартиб тўсиқ бўлолмас эди.

У бугуннинг таажжубини чеҳралардан сезиб туради. Бугунги гап кўпчиликка малол ботар, дилини огритар, лекин нима қилсин, бугун айтмаса, эртага кеч бўлади. «Лаббайчи»лар ҳаддан ошди. Ҳаммага касалини юқтириб шикоят тарқатди. Осон йўлни танлашиди. Ориятдан узоқ ифлос йўлни танлашиди.

- Ҳурматли Президиум аъзолари, ҳамкаслар, биродарлар, - Абдуллаев ўрнидан туриб жиддий, босиқлик билан гап бошлиди. - Бугун биз Академия тарихида шу кунгача кўрилмаган, шу кунгача

айтилмаган бир иллат ҳақида гаплашмоқчимиз. Йигинимиз норасмий - қоғоз-қаламсиз, протоколсиз, минбарсиз ўтади. Агар, ёзиш лозим бўлса, кимдир буни шарт деб билса, юрагида ёссин, хоти расида ёссин. Эсласин, бошқаларга ҳам эслатсин! - у бир лаҳза сукут сақлади.

Ҳамма жим. Гўё олтмиш-етмиш киши тўпланган хонада сукут бостириб кирган, ҳозир Абдуллаев нимадир дейди-ю, сукут портлайди.

- Маълумот учун деймизми ёки бугунги йигиннинг мавзуси деймизми, - Абдуллаев бир муддат тин олиб яна сўзида давом этди, - шуни маълум қиласман: ўтган ўн кунда бир-биrimizning устимиздан саксон олтита шикоят ёзди...

Қатор охирида безовталик - шивир-шивир бошланди. Абдуллаевнинг сўзи бўлинди. Ёшлардан икки-учтаси кексароқ олимнинг елкасида суюб туришар, кимдир:

- Узр, домлани маъзаси қочиб қолди, - дея узр сўради. - Ташиб-қарига олиб чиқсан, балки ўтиб кетар...

Ҳамма улар томонга қаради.

Абдуллаев уларни кўриб, эшитиб турса-да, эътибор бермади. Қўли билан «Ўтиргиллар» ишорасини қилди-да, сўзида давом этди:

- Марказкомга, Москвага, турли газеталарга жўнатилган хатлар юқоридаги саноққа кирмайди. Фақат, менинг номимга ёзилгани, саксон олтита!. Агар, ўхшатиш лозим бўлса, ўтган ҳафта бошимиздан қор, ёмғир эмас, шикоят, түхмат, иғво ёғилди! Иттифоқ бўйича ёзилган барча хатлари ҳисобга олинса, ўрин белгиланса, шубҳасиз, биз биринчи ўринга чиқиб олдик! - Абдуллаев шундай дея сўзини тўхтатиб, боя.govur кўтарилиган жойга келди. Туйқус «тоби қочиб қолган» домлага қаттиқ тикилиб турди. У совқоттандек бурканиб олган, ёнидаги ёш «Лаббайчи» шогирдлари эса Абдуллаевга ботиниб қараёлмас эдилар.

- Бемормисиз, доктор чақирайликми, домла? - дея қатъий сўради Абдуллаев.

- Ҳожати йўқ, яхшиман, яхшиман, - деди «бемор» домла.

- Яшанг, менимча ҳам ҳожати йўқ! - деди Абдуллаев овозини сал кўтариб. - Бугун кўп bemorларни ўзимиз тузатамиз, ҳар қалай ўзимизни беминнат-да!

Абдуллаев яна жойига қайтди. Кимгadir ишора қилган эди, икки қўлтигига қогоз халта кўтарган киши кириб келди. Абдуллаев халталардан бирини Президиум аъзолари ёнига ағдарди: бир уюм хат тўклиди.

- Танишинглар, ўн кунлик «маҳсулотимиз!» - деди уларга қаратса.

Хатлар қўлдан-қўлга ўта бошлади. Етти ухлаб тушига кирмаган иғво, түхматга учраган олимлар бу тахлит шикоятдан лол эдилар.

Абдуллаев чўнтағидан хат чиқазди-да, секин ўқий бошлади:

- Ниҳоясига етай деб қолган номзодлик ишимни ўйласам, шикоят ёзишим шарт экан. Агар, талабга кўнмасам, бошка иш ахтаришимни маслаҳат беришди. Туҳматга унданлар номини ёзишини истамайман. Ҳурматли Ҳабиб Муҳамедович, бирорвга туҳмат қилиб, олим бўлгандан кўра одам бўлган маъқул. Тошкентта келишдан олдин кетменимни керосин билан артиб, бекитиб қўйтганман. Агар институтдан кетсан, шаҳардан иш изламайман, ялиниб олим бўлгандан кўра, чала ишимни қўлтиқлаб, кулиб-кулиб қишлоғимга қайтаман.

Ўзбекниң кетменига шон-шарафлар бўлсин!

Домла, Академия президенти сифатида мени эмас, иғвога ёлланган олимларимизни қутқаринг, улар бемор каби сизнинг давоинтизга муҳтождирлар».

Низомиддин ВАЛИЕВ,
аспирант

Абдуллаев хатдан кўз узиб қаршисидагиларга қаради. Эҳтиёткорона шивир-шивир бошлианди.

- Ким бу йигит, шу ердами у? - Абдуллаев елкасидан юк агадрилган каби енгил тортиб сўради.

Орқароқда ўтирган аспирант ўрндан турди.

- Баракалла, ука! - деди Абдуллаев унга фахр билан тикилиб. - Битта бўлса ҳам бор экан-ку? Қани , бу ёқка келинг-чи, йигит, бугун сиз жаллод, мен подиоҳ бўлай! Келинг, хатларни бошини олинг!

Аспирант Низомиддин Валиев домлага яқинроқ келиб турди. Ҳамманинг кўзи унда эди. Абдуллаев иккинчи қогоз халтадан бир даста хат олиб:

- Агар бу хатлар, иғволар мен ҳақимда ёзилганида, сизларни тўплашга ҳожат йўқ эди, - деди.- Бугун Ойбек, Иброҳим Мўминов, Қори Ниёзийдек улугларимиз, Ҳадичахон, Убай Орипов, Обид Содиқов, Гани Мавлоновдек сафдошлар, Ҳосил, Иброҳим, Ёлқин, Саъди, Обид, Восил, Обидхўжа каби талантли давомчиларимиз бор экан, ахир, булар биргаликда тутал, биргаликда халқимизнинг фахри, бизнинг фахримиз-ку? Буларни таниш, билиш учун алоҳида кўз, ақл-заковат керакми? Буларни йўқотсан, ўрнида ким қолади? Сизми? Жой тақчилми, нима етишмайди сизларга? Мансабми, маошибми? Айтинглар! Сизларга тўсик бўлаётган қай талабни эшлитмадик?

Чумчуқниң бошидек манфаат, нафс, садақа деб, шу қадар паст кетдингларми?

Бир ер, бир ном, бир халқнинг фарзанди, бош бўлишга ўргатишга қодир олимларсиз, номингизни сотиб биродарингизни сотиб, кун кўрмоқчисиз, шу йўл билан ион топиб, ион едираисизми?

УСТУН

Чорасиз қолган, ичор одам биревга ёлланади! Пул берса, вაъда берса, ишонтирса - биревни ўлдиришдан тоймайди у! Шикоят ёзган ҳар бирингиз пайт пойлаб, ўз устозингиз, шогирдингиз, раҳбарингизга қутурган ит каби ташланиб турибсиз.

Кимни йўқотмоқчисизлар, айтинг, кимни йўқотмоқчисизлар?

Темур саганаси ёнида йиглаган Фитрат ёдингиздами? Орзуси Отабек билан кўмилган Қодирийни унудингизми?

Биревингиз ўлган Машрабни қайта дорга осмоқчи бўласиз, биревингиз Бобурга чоҳ қазийсиз!

Бас, ўртоқлар! Ўлгани нимталаб, осилганни қайтадан дорга осдик! Энди қолганига тегмайлик! Тегманглар уларга, билсангиз улар сиз, улар биз-ку ахир?!

Агар, Бобур эсларингдан чиққан бўлса, бугун унинг руҳини шод этиб, жирканч касаллиқдан қутулайлик!

Абдуллаев тағин ҳаммага ҳайрат улашиди.

Нечун у Бобурни ёдга олди?

- Биласизлар, Бобур ҳал қилувчи жангда қадаҳ синдириб, навкарларни ичкилиқдан воз кечишига ундаган, ўзи бош бўлиб олий фармон ёздирган, - Абдуллаев бир даста хат олиб ёнида буйруқ кутиб турган Низомиддинга узатди.- Бугун биз қадаҳ синдиримаймиз, фармон бермаймиз, аммо, тұхматга, извога ботган хатларни йиртмамиз, ёқамиз! Шоядки, эртага фарзандларимиз отасидан, шогирдларимиз устозидан, устозлар зеса шогирдидан уялмай, қаддини тик тутиб, кўзига тик қараб юрса!

Кўпчилик чапак чалди. Залда кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Аспираント Низомиддин Ҳабиб Абдуллаев узаттан бир даста хатни қўлига тутганча нима қиларини билмай жим турар эди.

- Қўзибой, шу ердамисан? - ўтирганлар ичидан кимнидир излади домла.

Ориқроқ бўйчангина йигит ерга қараб ўрнидан турди.

- Кел, дорга биринчи бўлиб сени осамиз!

Кулги кўтарилиди.

Қўзибой Аҳадов устозлар эътиборига тушиб келаётган ёш тарихчи эди. У ориқ гавдасини зўрга кўтариб боғшини этганча Абдуллаевга яқинлашиди.

- Қўзибой, укажоним, - деди Абдуллаев унга астойдил ачиниб, - биз сени умид билан Ленинградга жўнатаяпмиз. Сени бу ботқоққа кимлар тортгани менга маълум. Кетиш олдидан юкинг енгил бўлсин: ма, ёзган хатингни ўз қўлинг билан йирт-да, Иброҳим Мўминовдан кечирим сўра! Мард бўл!

Қалтираб турган Қўзибой Аҳадов хатни қўлига олиши билан гижимлаб кўксига босди-да, йиглаб зални тарк этди - қочиб чиқди.

Кўпчилик унинг ортидан ачиниб қараб қолди. Абдуллаев:

- Мардлик етишмади, - деди афсус билан бош чайқаб, - мардлик етишмади. Эшитиб қўйинглар, агар қачонки Иброҳим Мўминов устидан яна шикоят ёзилса, худди шу йигит - Қўзибой ёзади. У бугун қочиб қутилди!

Баъзилар Иброҳим Мўминовни кузатиб турди: домла дарёдай сокин, хаёлга чўмиб ўтирас эди.

Абдуллаев сабоқ бўлсин, деб жазолашни ёшлардан бошлаган эди. Бугунги йиринда камида тўн кийиб, қутлов эшитишини кўзлаған «лаббайчи»лар ва устоzlарининг дами ичига тушди. Навбат ўзларига етганидан хавотирда, Қўзибой Аҳадовнинг ҳолига тушишдан қўрқиб-қисиниб ўтиришарди. Ҳабиб Абдуллаев уларнинг ичидагини билгандай ниҳоят, каттасини чақирди:

- Домла Абдиев, Рўзи ака бормисиз?

Рўзи Абди номи билан танилган олим ҳадиксираб ўрнидан турди. У кўзини, ўзини қаерга яширишни билмас, оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига ташлаб, ҳар бир дақиқани азоб билан ўтказётган эди.

- Домла Абдиев, - деди Абдуллаев унинг кўзларига тикилиб, - Қўзибойнинг ҳолига кулласизми ё куясизми? Ёшни - ёш, кексани - кекса, деб аясак, ахир, ўртада адолат куяди, виждон ёнади-ку, майлими, дунёга ўт кетсинми?!

Қари эшак юк кўтаролмайди. Юкингизни эплаб тортолмайсиз экан, ёшларни йўлдан уриб нима қиласиз?

Саккизта хатда имзоингиз бор! Ўн олтита шикоятга аспирантларингиз қўл қўйган! Уялмайсизларми?

Булар, - Абдуллаев қўли билан қатор олимларни кўрсатди, - отангизни ўлдириб, онангизни...? Мени тўғри тушунинглар, дўстларим, бу хатларни кўриш, ўқиш мен учун азоб! - Абдуллаев ўтирганларнинг чеҳрасига бир-бир қараб чиқди-да:

- Ахир, бу қандай иснод, эркакка ярашмаган иш! - деди. - Одамларни кулдираман, деб бошига аёлнинг рўмолини ўраб, лозимини кийган эркакдек аянчли, уят-ку, бу! Бундайларга эссиз эркаклик, дегинг келади-ю, афсус, улар бу сўзнинг қадрини билишмайди...

Рўзи Абди ерга қараганича жим тураверди.

- Агар, сўаларим оғир ботган бўлса, ташқарига чиқинг-да, яхшилаб ўйланг, сўзма-сўз такрорланг, шунда ҳам мени айбдор, шаккок, деб билсангиз, унда сиздан гинам йўқ, - деди Абдуллаев.

Рўзи Абди ҳамон ўша-ўша - қотиб туради.

- Манг, - Абдуллаев ажратилган хатларни олди-да, қарияга узатди. - Хоҳланг йиртинг, хоҳланг «эсдаликка» олиб қўйинг!

Қария пилдираб келиб, хатларга қўл чўзди. Абдуллаев чолнинг узатилган қалтироқ қўлларини ҳамма кўрсинг, ишонсин, деб хатларни бироз юқорига кўтариб турдида:

- Сизга оғирлик қилади бу хатлар, күттаролмайсиз, - деди. - Қани, Низомиддин ука, бошланг, энди навбат сизга етди! - Абдуллаев қўлидаги хатларни Низомиддиннинг оёқлари остига ташлади.

Аспирант Низомиддин Валиев енг шимарига ишга тушди: «калласи узилган» хатлар бир уюм бўлиб, бир пасда полдан юқорига кўтарилиди.

«Бу ёғи нима бўларкин?» деб кутаётган йигин аҳлини лол қолдириб, президиум аъзоларига:

- Кетдик! - деди Абдуллаев. Ва ўзи биринчи бўлиб хонани тарк этди.

Тушда кечгандек бу воқеани узоқ заслаб юришди...

* * *

- Шунаقا ҳам бўладими, Ҳабиб? - Эртасига Гани Мавлонов эътиroz билдириди. - Ахир, Рӯзи Абди ўлиб қолса, нима бўларди?

- Бошиқа иложим йўқ эди, дўстим, - деди Абдуллаев куюниб. - Хатбозларга бу ҳам кам... Қани, ўзинг айт, нима қил, дейсан? Нима қилсам, улар ўз гўштини ейишдан тийилади? Ҳеч бир замонда сотқинлик бу даражада болалаб кетмаган! Уларга айтмоқчи бўлганларимнинг кўпи ичимда қолиб кетди, айттолмадим. Андишани билмаса, ҳақоратни тушунмаса булар, нима қиласай?! Қарисидан ёшигача кўзи кўр бўлса, юрни кўрмаса, миллатни танимаса, нима қиласай?

Юрт бўлишишимизга, эл бўлишишимизга ҳали узоқми дейман?..

* * *

Нижоят, пайсалга солиб келинаётган дала ҳовлининг жамоли кўринди: иш тугашига ўн-ўн беш дақиқа қолганида архитектор бир даста қоғоз ўрамларни кўтариб кириб келди. Икки қаватли ихчам, чиройли дала ҳовли лойиҳаси Абдуллаев режасида қоғозга кўчган эди. Дид билан чизилган лойиҳа домлага маъқул тушди.

У хорижда президентлар, министрларнинг шахсий виллаларида, барча қулайликлар жамланган уйларда меҳмон бўлиб, иш борасида сухбатлашиб, шахс эркинлигини жамият мисолида қўриб, кўпгина афзалликларни дилдан туяр эди-ю, аммо... Чунки, мулкнинг инсонга, тафаккур ривожига хизмат қилишини бизда мутта-сил инкор этишар, ёлғон ва зўрлик асосида қурилган тузумни мақтаб кўкларга кўтариш шарт эди.

Социализмда мулкдорлар синф сифатида аллақачон тугатилшан. Демак, бу ҳақида баҳсга ҳожат йўқ. «Тенглик» мезонидан келиб

чиқиб, аҳолининг айрим табақаларига - раҳбарлар, ҳазрат ишчи сулоласи, кўп болали оиласлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва партия, ҳукумат тизимидағи алоҳида шахсларга дала ҳовлидан фойдаланиш ва қуришга рухсат этилган эди. Ўз тамойилларидан куннама-кун воз кечиб бораётган партия раҳбарлар фойдасини кўзлаб, баъзан таъқиқланган ишларга ҳам зиддай фатво берар ва ҳимоя қилар эди.

Оддий аҳоли ишонч билан ишончсизлик – аросат ўртасида сақланиб, ўтаётган ҳар бир кун учун юрагида шукронга, содиқлик жойланган эди. Партия бир юмалаб тўн алмаштиришига мойил, у истагидаги ҳар қандай ҳузур-ҳаловатни имконга айлантиришига қодир эди. Ҳа, имкон ўзгаларга эмас, партияга хизмат қилсан, партия дегани, бу – биз. Биз эса партиямиз! Жамики имкон партия назоратида!

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев хорижлик меҳмонларни ҳукуматнинг жиҳозланган маҳсус уйларида кутар, албатта, буни ўз ҳоҳиши билан эмас, тузумнинг партияйиб усули - ёлтонни чин деб айтиш, кўрсатиш шартига кўра бажаришига мажбур эди. У йиллаб хос уйларда «хўжайин» ролида кўринди. Хорижлик битта меҳмоннинг кетидан ўн жойда назорат, юз жойда кўз, қулоқ ўрнатишарди. Улардан буюк инқилоб юрти фуқароларининг асл турмуши бекитилар, парда очилиб қолишдан ҳамиша қўрқишар эди. Аслида бекитишга ҳожат йўқ, хориждан келаётганилар биз ўйлаганчалик гўл эмас эдилар. Уларнинг кўз ўнгида ўйнаётган ролимиз - ҳаваскорлар саҳнасиdek ўта жўн эди. Ўзини ҳурмат қиладиган одамга бу тахлит ўйинлар азоб эди. Ҳар гал ночорликнинг башараси очилиб қолаверарди.

Шундай кунларнинг бирида шахсий дала ҳовли қуриш режаси узил-кесил битди, лойиҳа тайёр. Бир кун бўлса-да, ўз уйингда лайраб ишлаш, болаларинг қийқиригини эшитиб, кузатиб, чарчогни ёзишига нима етсин?

Ахир тоза ҳаводан симириб, кўм-кўк майса, гулларга термилуб ҳордиқ олиш сиёсатга кирмас? Шаҳарнинг гала-ғовуридан олисда бир пас хаёл сурсанг, ўласанг - сиёсатга кирмас?

Ҳозиргина уни қаттиққўлликда айблаб кетган дўсти Фани Мавлоновга қўнгироқ қилиб чақирди. Даля ҳовли хабарини у билан баҳам кўриб, гурунглашиб, чарчогини ёзгиси келди. Дўст - дўст-да! Ёнингда Фанидек дўстинг турса, ўзингни янада мустаҳкам, қудратли сезасан. Фам-ташвишлар кичрайди. Куч-қудрат, қувонч бостириб келади...

Икковлон архитектор йигитни ёнларига олиб, қурилажак да-лашовли сағнини бориб кўришиди. Агар сиёсат, бойлик, имконни аралаштирумаса - бир парча ер, агар, қурилса - икки қаватли уй. Ҳали қурилмай, битмай туриб бошланажак галваларни ўйласанг, баридан воз кечгинг келади. Одамзод қизиқ-да! Орзу-ҳавасга, оддийгина яшашига ҳам тўғон қўйишади, тўсмоқчи бўлишади-я?

Шундай ўйлар билан иккиси ҳам жим бўлиб қолди. Аммо янги уй остонасида хомум туриш ярашмайди. Иккинчи стационар (ҳукумат шифохонаси) ёнида қуриладиган дала-ҳовли Фани Мавлоновга нечундир ёқмади:

- Нега атай шу жойни танлайдинг, бошқа жой қуриганмиди, дўстим?

Абдуллаев бирпас ўйланиб жавоб берди:

- Қўлида тош билан пойлаб турадиганлар жонга тегди. Битта-яримтаси тош отиб қолса, доктор чақириб юраманми? Сенек дўстлар-ку, бир иш тушса, дарров қочасан! Иззат-ку, бўйини қўрсатмайди, йитади!

- Ораларингда хокисори ўзимман, - деди Фани Мавлонов дўсти-нинг қочиримини дарров илгаб. Отахоновичга келсак, ҳам Иззат, ҳам Султон-да, у киши! Ўз қадрини билади, ҳаммага ҳам хизмат қилавермайди!

Йираб кулишдилар. Дўстлар ҳамиша юракда, бегараз, бекидр юракнинг тўрида эди.

Архитектор майдонни яна бир бор кўздан кечириб, ўлчаб, чамалаб, зартагаёт қурувчиларни бошлаб келишга ваъда берди. Домла билан хайрлашиб, кетишга рухсат сўради.

* * *

Тўгри Абдуллаевнинг уйига йўл олишиди.

- Зўр конъягим бор, сен учун асраб қўйганиман, - деди Абдуллаев шодон. - Агар бирорвга айтмасликка ваъда берсанг, сенга бир сирни очмоқчиман...

- Ҳўш-хўш, қандай сир экан?

- Дўстинг Ҳабибни уйлантиришмоқчи, келин ҳам тайёр, фақат ёнимда сенек куёвжўра топилмай турибди.

- Қўйсанг-чи! - Фани Мавлонов эътироз билдириди- Бу ёти энди майнавозчилик бўлиб кетди. Ҳазилга ярамасанг, мендан қарз ол, ҳали ҳам хасисмасман!

- Ишонмаяпсанми, ҳеч замонда сени алдаганмидим? - Абдуллаев сирли жилмайиб тураверди.

- Аслида-ку, сенинг хурсандчилитинг ҳар нарсадан устун, - деди Фани ака самимият билан. - Кўпдан бери шодон чеҳрангни кўрмайман. Қани эди, шу уй сабаб, барча ташвишлардан қутулсанг...

Машина уй томон яқинлашгач, Абдуллаев тұхташни буюрди. Шоғेरға жавоб беріб, шошилмай пиёда юришди.

У дүстіга Гогидзэ таклифи ва уч-түрт кундан бери уйда яшаёттан Ольга Николаевна ҳақида сүзлади. Эшилтгач, Фани Мавлонов юраёттан йұлида тұхтаб қолди:

- Бу қандай гап? Яна қандай синов? Ахир, бир кишига шунчалар осилишадими? Ық, буиси энди ортиқча! Евузлик бу!

Хабиб Абдуллаев хотиржам кулимсиради:

- Еиринчи марта әшилтганингда этинг жимирлайдиган гап бу. Қани, кетдик, - у дүстининг тирсагидан тутиб юришга ундади.

- Биласанми, Ойбекнинг: «Күлфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи...» деган сатри бор. Худди мен учун ёзғандек. Аммо мен барласыға чиададим, унча-мунча таклиф, ҳийла құрқитолмайди мени. Құрқасам, Абдуллаев бұлолмасдым!

- Бу нимаси тагин, яна ўйинми, инсоф борми уларда? - Фани Мавлоновнинг тоқати тоқ бұлди. - Еки қисмат деганлари шумикин? Барча очиқ-юмуқ күзлар сени күради, барча ёвузлар сенге ташланади! Бир чорасини топишимиз керак. Оғзини юммасак, қутирган ит каби сени қопаверади!

- Чорасими, чораси бор, - деди Абдуллаев киноя билан. - Унда мен Абдуллаев змас, боңқа кишига айланыб, уларнинг тегірмөнінга сув қүйишим керак Нега улар айнан мени шүндай таклиф билан «сийлашыпты?» Чунки уларга мен керак, минг қўйли бойдек, мен керакман! Аммо ишонаманки, бу гал ҳам ўқи нишонга тегмайди!

- Баъзан ўйлаб қоламан, юзингга айтишга ботинолмайман, - Фани ақа дүстининг ранжишидан қўрқиб, юмшоқроқ сўз изларди - Барча галваларга ўзинг сабабчидек түюласан. Ахир, сендан бошқалар ҳам бор эди-ку! Ҳаммаси ўйнаб-кулиб даврон сурди, муроса билан нималаргайдир эришди, ишлади...

- Ҳақсан, дүстим - деди Абдуллаев дилдан. - Галвали тақдиримга ўзим сабабчиман. Бирорнинг гўрига бирор кирмайди. Ҳар кимга олдиндан бичилган тұн - қисматнинг ҳақлигини тан оламан! Аслида булар айтиб ўтиришга арзимайди. Четдан қаратанда мен, сен, кирилда саводи чиққан ҳар бир киши уларнинг тарбияси билан одам бўлгандекмиз. Лекин жиiddийроқ ўйлаб кўр-чи, улар келмаганида биз номаълум қолармидик?

Ҳиндистонни истило қылған инглизлар, ҳиндларга маданият қолдирдик, давлатчиликни ўргатдик, деб зулмни оқладилар. Кимни ким босиб олиб асоратта солса, берганини айтади-ю, олганини айтмайди, яширади!

Ёлғонни сезган кундан бошлаб мен Абдуллаевман. Шу кундан бошлаб, ёлғоннинг тузогидан чиққанман, бошқаларни ҳам ёлғондан халос қылгим келади...

Бошқаларга ўхшамаган дүстнинг нияти, событлиги Фани Мавлоновга фахр билан кўчди-да, юракдан тан берди:

- Сени кунма-кун, қаричма-қарич бошқариб турадиган куч ҳам шу-да: бизни ёлгоңдан қутқармоқчи бўласан. Биламан, бошқа йўл, чораңг ийӯқ сенинг! Лекин биз бандамиз-да, баъзан қўрқамиз, баъзан жон ширинлик қиласди, биринчи бўллиб ўққа учишни истамаймиз...

* * *

Уларни Фотимахон кутиб олди. Ихчамгина ҳовлининг бурчида стол безатилган. Худди меҳмон кутишаётган каби ҳамма жой са-ришта: супага сув сепилган, салқин. Тўрт-беш бутарайхон барглари ювилтандек ялтирайди, атрофга хушбўй таратади.

Хонадон соҳиби Фотимахоннинг чеҳрасидан ўзгача курсандлик, меҳр ёғилади.

Абдуллаев хонадонидаги фавқулодда ўзгаришни дарров сезди: ажабланди.

Дўсти Фани Мавлонов эса буни одатдаги ҳол каби қабул қиласди: эътибор бермади. У аланглаб ҳовлидан Ольга Николаевнани изларди. Кўзи тушавермагач:

- Фотимахон, кундошни чақиринг-чи, бир кўрайлик, -деди сабри чидамай. - Ҳозирча қуруқ қўй билан келдим, агар ёқса...

- Нега энди сенга ёқиши керак, уйланадиган менми ёки сеними? - дўсти эътироз билдириди.

- Ҳой биродар, аввал уйланиб ол, рашик бўлса, қочиб кетмас! - бўш келмади Фани ака. - Ўзимни Фотимахон келинимдан қўймасин экан, ҳали бармогини ушламай туриб, феълинг ўшаларга тортибди-я. Агар уч-тўрт кун яшасанг. Ҳудо кўрсатмасин, Фанибойни бу уйдан қадами узиларкан-да!

Аскияя мавзу топилган эди, аммо Абдуллаев аёlinи аяб дўстига жавоб қайтармади.

- Э, эссиэгина, кеч қолдинглар, - деди Фотимахон уларнинг ҳазилига мутлақо бепарво. - Қурғур, Ольгахон қочиб кетди! Угинани бирров кўриш насиб этмади-я, сизларга? Бирпастда гойиб бўлди у! Яна бир янгилик: Тегирмончи - Мельников ҳам кетди! Ҳаммасидан биратўла қутулдик!

Икки жўра қотиб қолишиди.

Марказком аъзоси билмаган гапни Фотимахон қаердан эшитган?

- Вой, нима қилиб турибсизлар, ўтирмайсизларми, марҳамат! - голиба Фотимахон дастурхонга таклиф қиласди. Унинг астойдил хизмат қилгиси, дўстларнинг қувончига қувонч қўшиб, ўзининг ҳам андуҳлардая халос бўлгиси бор эди.

- Бу ёги қизиқ бўпти-ку, Фотимахон? - Абдуллаев аёлининг неча кунлардан буён эзилиб юрганини биларди, шунинг учун ҳам унинг қувончини узоқда чўзиш, қандай қилиб бўлса-да, юрагидаги гашликни қувиб чиқариб яна аввалги Абдуллаев бўлиб, ёнида эркин, собит, содиқ қолишни истар эди.

- Нега ундай дейсиз?

- Ижара ҳақини тўламай қочиб қолишдими? Улар биздан қарадор эди-ку?

- Пул керакми сенга, мана! - Фани Мавлонов икки дона ўн сўмликни чўнтағидан чиқариб, дўстининг бошидаги бало-қазоларни даф қилмоқчидек айлантира бошлиди. - Фотимахон, сиз келинимсиз, шу кунгача иш буюрган эмасман. Бугун мени маънур туласиз, шу пулларни бирор муҳтожгами ё бир аёлманд кишигами садақа қилинг, уларнинг кеттани рост бўлсин!

Фотимахон чопқиллаб келиб Фани акага таъзим қилди:

- Жоним билан, ҳамиша хизматингизга тайёрман! - дея узатилган пулларни олди. Кўча эшиги томон юрган эди, эри тўхтатди:

- Йўл бўлсин?

- Боринг, бораверинг келин, мен рухсат бердим!

Аёл иккиланиб қолди:

- Ишониб бўладими бунга? - деди Абдуллаев Фани акани кўрсатиб. - Коммунист одам бўлса, билиб-бilmай олаверасизми пулини, балки у бизни синаётгандир?

Уларнинг ҳазил-ҳузулига Фотимахон дош беролмади:

- Э, боринглар-е, шуям ҳам ҳазил бўптими? - дея ошхонага кириб кетди. Улар иккита стулни супа ўртасига суриб, асқия бошлишга шай турган тарафлардек мамнун ўтиришди. Дунёнинг роҳати бир лаҳза шу жойда жам бўлди. Икки дўст бир-бирларига маъноли қараб қолдилар. Кўзлар сўзланиди, кўзлар йиглади. Кутилматанда кўча эшик очилиб, кўлида тугун билан Ибохон ая кириб келди:

- Ассалому алайкум, онажой! - Фани Мавлонов учиб ўрнидан турди-да, аянинг истиқболига пешвуз чиқди. - Нималар қилиб юрибсиз, тугун кўтариб?

- Савоб иш болам, савоб иш, - Ибохон ая Фани ака билан кўришди.

- Миролимни уйлантирамиз, оқлиқ олиб қайтдим. Кўп яхши хона-дон экан, илоё бахтли бўлишсин, қани омин... - Қампир келин-куёвни узун дуо қилди. Охирида ўзгаларни ҳам тўйга етказсин. дея ният қилди.

Аввалига ҳеч ким ҳеч нарса тушунмади. Жим қараб туришди.

- Миролим бор-ку, ўзимизнинг Ўшдан, Ҳабибуллога шогирд тушаман, деб Тошкентда қолган бола бор-ку? - Ибохон ая қайта тушунтиргач, гап нимадалиги аён бўлди. - Бирам одобли, хушсурат йигит! Ана ўшани деб совчиликка бордим.

- Э кампири түшмагур-ей, - деди Абуллаев таажжубланиб, - Тошкентта келганига тўрт кун ўтмай совчиликка ҳам улгурибдида! Қойил! Ўзингга мос машғулот топибсан-да, онажон! Ҳа, майли, бу ёқда ўглингни уйлантирамиз, деб шошилтиришапти-ку, сен бўлсанг, мен қолиб, бошқаларга юурсасан-а?

- Фанижон, бугун ўртогингга бир гап бўлганми?

- Э, сўраманг, онажон, - деди Фани Мавлонов қувлиқ билан, - шаҳарда онасиз юравериб, кўп бебош бўлиб кетган бу ўглингиз. Сиз келиб кўнглим сал тинчиди. Энди гуноҳларини сизга бемалол айтсам бўлаверади....

Она-боланинг, содик дўстнинг таърифга сиғмас хуш онларини ошхонадав кузатиб турган Фотимахоннинг кўзларидан ёш оқарди. Фаним кетдими, гам кетдими, ишқилиб хонадонларига қувонч кирди.

Бу онларнинг чинлиги рост бўлсин, қўз тегмасин. Фотимахон Фани ака узатган иккита ўн сўмликка яна шунча қўшиб, эртага хайрни каттароқ қилишни дилига тутиб қўйди.

Меҳрдан тузилган дастурхон атрофида узоқ ўтиришди. Ҳар қанча хурсанд бўлишмасин, барибир, Абдуллаевни кимдир тизгинлаб тургандек, кўнглида қандайдир ғашлик борга ўхшарди.

- Энди ҳам қувонмайсанми, Тегирмончининг кетгани рост-ку! - деди Фани ака қадаҳга қўл чўзиб.

- Мельников кетса, ўрнига бошқаси келади, - деди Абдуллаев. Тақдиримиз бир кишига борлиқ эмас, Мельников уларнинг мингдан бир вакили, колос! Агар ўзбекнинг душмани биргина Мельников бўлганида-ку, гап бошқа эди!

- Фанимнинг биттаси ҳам кўп, афсуски, улар юртимизга фақат шум ниятда қадам босади.

- Тегирмонни биласан-ку, - деди Абдуллаев суҳбатга якун ясаб, тўғри, ганимнинг остида бир тош, устида бир тош - ўртада бурдой. Тош тинмай айланиб бурдойни янчади, унга айлантиради. Бизнинг тепамиздаги тош, бу партия, остимиздаги тош КГБ, - Абдуллаев қўли билан бир томонга ишора қилди: - Маҳаллий номи «Куда томон!»

УЧИНИЧИ ҚИСМ

ҚАТАГОН

Ҳабиб күп яшамади, 49 ёшида умри ҳазон булади. Қатор йиллар давомида ҳужумлар, қуруқ туҳматлар, ҳастидаги аччиқ ва оғир курашлар ўлимига сабаб бўлганлигига шубҳа йўқ..

Ҳабиб Муҳамедович ҳалоллик, ҳақрўйлик ва юксак инсоний қатъият намунаси эди. Лаганбардорлар, амалларастлар, иккиюзламачи, нопок одамлар билан сира-сира муроса қилаолмас эди. Шунинг учун уни айрим раҳбарлар ва олимлар кўраолмасди, ундан ўч олишга ҳаракат қилишарди.

Ҳабибининг бошидан оғир адолатсизликлар кечди:

* * *

Сўнгги ойларда Ибохон ая муттасил туш кўрар, тушида ўғли Ҳабибуллони чуқур қоронги ертўлага ташлашар, баъзан қўл-оёгини кесишар, кесилган жойидан қон чиқмас, баъзида эса гала итлар этагидан тишлаб, тортқилар эди.

Аввалига онаизор буни жойи алмашганига йўйиб, ҳар туш кўрганидан сўнг турли дуолар ўқиб, ирим-сиримини ўрнига қўйиб юрди. Борган сари тушлари ваҳимали тус олавергач, ахийри чидаётламида: келини Фотимахонга «ёрилди».

Келини Ҳабиб Абдуллаев ҳаётида кечган ва бугун яна қайта бошдан бошлананаётган жанжаллар ҳақида иложи борича юмшоқроқ тарзда айтиб берди. Кампир душманлик, рақиблик нима эканини англаса-да, шундай эътиборли, илмли ўглини ҳукумат ҳимоясига олмаганига ўқинди. Нега бундай, ўғли Ҳабибуллонинг илми, меҳнати керак эмасми уларга?...

Ҳукумат... Дарвоқе, Ўзбекистонда ҳукумат бор эдими?

ВКП(б) Марказий Комитетининг вакили бошлиқ гурӯҳни Ўзбекистонга тез-тез юбориб, миллий-маънавий, мафкуравий қатағонлар синовини шу жойда синаб, сўнг Иттифоққа қўллашарди. Олдиндан тайёрланган сиёсий айномалар қўйидаги тартибда сана-ларди:

Биринчидан - Партиянинг миллий сиёсатини бузуб кўрсатиш;

Иккинчидан- ўзбошимчалик, сарой шеърияти ва мусиқасини ом-малаштириш;

Учинчидан- Ўзбек маданиятини маҳдудлаштиришга ва уни Иттифоқдан ажратиб олишга интилиш.

Манфаат ва сиёсатнинг талабига кўра юқоридагидек айловлар мавзуси давом эттирилар, қисқартирилар ва кератига узайтири-

* Мирвали МУҲАММАДЖОНОВ, академик.

лар эди. 1947 йилда ёк ВКП(б) Марказий Комитети, Тошкентда ўзининг Ўрта Осиё Бюросини жорий этганди. Унинг бошлиги С.Д.Игнатьев ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг вакили деб аталди. Вакил Игнатьев билан бирга Ўзбекистонга ўттиздан ортиқ мутахассис жаллодлар ўзбек онги, ҳатти-ҳаракатида уйгонаётган миллний эпкинни жиловлаш, айб қўйиш, хабар бериш, муттасил маълумотлар тўплаб туриш учун юборилади.

Тарих ёдга олинса, бундан анча йиллар олдин, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг Туркистон бўйича Турккомиссия тузилиб, ўлкада шафқатсиз қирғинлар олиб бориб, диктатура ўрнатган эди. Рус босқинчилигининг далилий тарихи сифатида эсда қолган Турккомиссия эллигинчи йилларда на қиёфа, на мақсадини ўзгартирмай яна Ўзбекистонда фаолият кўрсата бошилади. Бундай вакилликнинг бошқа республикаларда эмас, фақат Ўзбекистонда жорий этилиши Москванинг ўзбек халқи, ўзбек миллати, ўзбек тарихига нисбатан қўллаган жазоси эди.

Вакил Игнатьев бошлиқ тўда вақти-вақти билан Сиёсий Бюорога Ўзбекистонда миллатчилик ва совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлар кучайиб бораётгани ҳақида маҳсус хат билан мурожаат қилиб турди. Оқибатда Игнатьев ташаббуси ва маҳаллий раҳбарларининг жимлиги - розилиги билан 21 киши ҳибсга олинди. Улар олим, ёзувчи, шоирлар бўлиб, 20 йилгача озодликдан маҳрум этилдилар.

Қатагон ҳар уч-тўрт йилда такрорланиб турди. 1951-52 йиллари Туркистон ҳарбий округининг қўймондони, генерал И.Е.Петров атрофига Тошкент Давлат Университети ўқитувчиси Бондаревский бошчилигидаги шовинистларни йигди. Улар Ўзбекистонда «Пантуркизм» «Панисломизм» аксилиниқилобий, яширин миллатчи ташкилот борлиги ҳақида хабар тарқатди.

Бундай ташкилотнинг бор-йўқлиги ҳақида ҳеч ким асосли маълумотга эга бўлмаса-да, улар зиёлилар қалбida уйгонаётган миллний руҳдан қўрқишар, олдиндан чоралар белгилаб, зиёлиларни ҳар хил «изм»лар исканжасида тутиб туриш усулидан фойдаланишар эди. Партия ва маҳсус идоралар ишга тушиб, тезда «Миллатчи» ташкилотнинг раҳбари ва аъзоларини аниқлади: Ҳабиб Абдуллаев япирин миллатчи ташкилотнинг раҳбари ва 150 га яқин зиёли аъзо сифатида рўйхатга олинди. (Кейинчалик рўйхатнинг ишончлилигини ошириш мақсадида аъзолар сони камайтирилди...)

Семён Данилович

1948-49 йилларда бир гурӯҳ илм-фак ва адабиёт арбоблари С.Д.Игнатьев Тошкентда иш бошлаганига бир йил тўлиши арафасида қамоқقا олинган. 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум этилиб, Сибирь қамоқхоналарига пинҳона жўнатилган.

1952 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми республикада гоявий-сиёсий, мафкуравий ишларни кучайтириш масаласини муҳокама қилгандан сўнг «Миллатчилар» - Ўзбек зиёлилари билан кураш сиёсий ва ҳуқуқий кучга кирди.

- Ўша кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби билан менинг ўртамда жиддий сухбат бўлиб ўтди, - деб эслайди Н.А.Муҳитдинов ўз эсадаликларида. - Бу гал «сену мен»га бориб қолдим.

Маркаакомнинг бўлим мудири менга папка берди-да:

- Фақат танишиб чиқишингиз учун ..., - деб оғоҳлантириди. 60 кишидан иборат рўйхатни ўқиб чиқдим - исми шарифлар, эгаллаб турган лавозимлар, Вассалом. Имзо йўқ. Икки карра диққат билан ўқиб чиқдим. Рўйхатда энг малакали, обрў-эътиборли, хизмат кўрсатган, ҳурматли олимлар, шоирлар, зиёлиларнинг бошқа вакиллари исму шарифлари кўрсатилганди. Биринчи котиб ҳузурига кирдим. Рўйхатни кўрсатдим.

- Бизга хабар қилишларича, бу одамлар партия сиёсати, давлат манбаатларига энд миллатчилик фаолияти билан шугууланишади, - деди у менга. - Улар бир-бирлари билан мунтазам учрашиб туришади, хуфиёна тарзда масалалар муҳокама қилишади, ўз қарашларини мувофиқлаштиришади, зиёлилар ва ёшлар орасидан тарафдорларни ёллашади.

- Биродар, уларнинг кўпчилиги фақат Ўзбекистондагина эмас, Иттифоқда, дунёда ҳам машҳур. Улар ижодий фаолиятини халқда хизмат қилишга бағишилаган одамлар. Қандай қилиб уларни мафкуравий зааркунандаликда айлаш мумкин?

- Тўтри ука, мен уларни биламан, - жавоб берди биринчи. - Аммо тегишли идоралар уларнинг, миллатчилик фаолияти, хуфиёна учрашувлар ва гурунглар ўтказиб туришлари ҳақида ишончли далил-исботларга эга. Сизу биз бу ҳақиқат билан ҳисоблашмаслигимиз мумкин эмас.

- Рўйхатни ким тузган?

- Рўйхат тегишли идоралар томонидан ижодий ташкилотлар ва Фанлар академиясининг айрим ходимлари билан биргаликда тузишган...

«Ижодий ташкилотлар»дан бири, бу, Ёзувчилар уюшмаси эди...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг машъум X Пленуми қарори лойиҳаси ва маъруза матнини ҳам Марказком бўлимлари билан биргаликда ёзувчилар уюшмасининг сотқин раҳбарлари тайёрлаган. Улар Ойбекни «Наноий» романи билан қўшиб

дағы этишга ошиқдилар – 60 кишилик рўйхатда ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг номи ҳам бор эди.

Худди шу йиллар Ҳабиб Мұхамедовичнинг номи дунёга танила бошлаган эди. Аммо машҳурлик уни асраб қолаолмади: Марказий Комитетнинг котиби Г.М.Маленковнинг муруввати билан рўйхатдаги 60 кишининг ҳаёти омон қолса-да, «Лаббайчи»ларнинг содиқлиги билан аввал Бюро аъзолари қатнашган Секретариат мажлисида, сўнг Бюро мажлисида муҳокама қилинди, бунга қаноат қилишмай машъум X Пленумни ўюнтиришди. Рўйхатдаги 60 киши битталаб бадном қилинди, жазо олди. Ҳабиб Мұхамедович 1952 йил апрель ойида академиянинг I - вице президенти лавозимидан бўшатилди. У билан яқин бўлган дўст, биродарларига, институт директорларига, барча ўзини таниган ўзбек раҳбарларига шарт қўйилди:

- Бугундан бошлаб Ҳабиб Абдуллаев билан дўстликни узасиз, борди-келдини бас қиласиз, учрашмайсиз, чунки, у бизнинг одам эмас, ашаддий миллатчи!

Тўғри, Партиянинг йўлини орштмай амалга ошириш учун раҳбарлик лавозимларини эталлаб турғанлар бир нарсада ҳақ эдилар: Ҳабиб Абдуллаев ҳеч қачон уларнинг одами бўлмади, «Ашаддий миллатчи» – ўз халқи ўзбекларни жонидан ортиқ севди, ҳимоя қилди, қўрқмади. «Тегишли идора» эса Ўзбекистондаги маъсул раҳбарларни Абдуллаевга қарши маълумот ва буйруқ билан таъминлади. Абдуллаевнинг ҳар қадами хуфиёна ҳисобга олинди, ҳар сўзи ёзив борилди. Миллий ўзликни англаш ва тарғиб қилишда айланган Абдуллаевга бўлган муносабат охиригача кескин ва ўзгармас бўлиб қолди.

Ҳабиб Абдуллаев «Лангар вольфрам кони геологияси ва генезиси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган 1939 йилдан то 1960 йилгача ўтган 21 йил давомида – Совет мағкураси исканжасида ўз миллати манфаати томон қаричлаб йўл очди. Тарихан қисқа мuddat – 21 йил Ҳабиб Абдуллаевнинг оёққа туриш, ўсиш ва машҳурлик даври бўлди. У институтни битирган 1935 йилда геология соҳасида миллий кадрлар деярли йўқ эди. Лангар вольфрам конидаги геология-қидириув гуруҳининг раҳбари Н.В.Нечелюстов соҳанинг ягона билимдони сифатида эркин, яйраб иш олиб борар, ўзбеклардан яқин орада унга тентглашадигани топилмаслигига ишонарди. Москва Геология-қидириув институтининг аспиранти, инженер-геолог Ҳабиб Абдуллаевнинг 20 ёнда Нечелюстов ёнида пайдо бўлиши кутилмаган воқеа бўлди. Ўзидан 11 ёш кичик Абдуллаевни Нечелюстов Лангар конини ўрганишда рақиб сифатида кутиб олди. Аввалига шунгчаки рақибликдан бошланган низо тез орада миллий адоватга айланди. Уч йил давомида қидириув ишлари бўйича ёзил-

ган ҳисоботда Ҳабиб Абдуллаевнинг ишлари атай унутилди - кўрса-тилмади. Бу орада у номзодлик ишини ҳимоя қилди.

Кейинчалик Ҳабиб Абдуллаев ва Нечелюстовларнинг йўллари айри тушса-да, ҳар иккиси ҳам вольфрам конларига бўлган қизиқиши, ўрганишни давом эттиридилар. Дастрас, Абдуллаев илмий-педагогик, кейинчалик раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. 1946 йили «Ўрта Осиёning шеелитли скарнлари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилгач, муҳбир аъзо, 1946 йили эса ҳақиқий аъзоликка сайланди.

Унинг илмий фаолияти асосан руда ҳосил бўлиши каби муҳим баҳсли муаммога йўналтирилган эди. «Руда ҳосил бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик алоқаси» номли кашфиёти олимнинг узоқ йиллик меҳнати, оразуларини рўёбга чиқарди. Руда ҳосил бўлиш қонуниятини кашф этган олим геологияда ўзбекнинг номини абадул-абад муҳрлади. Унгача бу муаммо билан қизиқсан, шугулланган олимлар кўп эди. Руда конларини тадқиқ этиш асосчилари В.А.Обручев, С.С.Смирнов, Ю.А.Билибин, Д.С.Коржинский, В.И.Смирнов каби машҳур рус олимлари Абдуллаев асослаган муаммо устида йиллаб бош қотирган эдилар.

Совет геологиясида улкан янгилик бўлиб қўшилган Абдуллаевнинг иши пухта назарий ва амалий билим, истеъодод натижасида юзага келди. Ўрта Осиёда 60 та вольфрам конларининг аниқланиши ва расмийлаштирилиши унинг иштирокида ўтди. Шунга қарамай Абдуллаевнинг хизматларини камситиш, назарга олмаслик узоқ давом этди.

Агар, бироз ортга чекиниб, далилларга таянсак, 1941 йилда Геология институти вольфрам конлари бўйича тўплам чоп эттириди. Нашр ташаббускори В. Э. Поярков, Н. В. Нечелюстов ва А. В. Пуркин эди. Тўпламдан вольфрам конларини ўрганишда иштирок этган ўн нафар геолог номи, иши ўрин олди, аммо, бу гал ҳам Абдуллаев «унутилди». Айни пайтда у шу типдаги конлар бўйича ягона фан номзоди эди. Ўзларини «демократ», «маданиятли» ҳисоблаган гуруҳнинг наубатдаги иши Абдуллаевдек маҳаллий ходимларни очиқ-ойдин камситиш, рўёбга чиқармасликнинг далили эди.

Уруш тугаши билан бир гуруҳ геологлар (яна ўшалар) Н. А. Смолянинов, Н. В. Нечелюстов, А. В. Пуркин ва В. М. Бирюков Ўрта Осиё вольфрам конлари геологиясини ўрганишдаги хизматлари учун Сталин мукофоти билан тақдирландилар. Ушбу конни ўрганишда катта хизмати сингтан Ҳабиб Абдуллаев бу гал ҳам «унутилди».

* Материалы по геологии контактных зон Средней Азии. - Изд. Узфан, Ташкент, 1941г.

Холбуки, геология жамоатчилиги Абдуллаевнинг номини мурофотланадиганлар рўйхатига биринчилар қаторида ёзишган эди.

Илм бир томонда, мағкура бир томонда, қоғозларда эса миллий кадрлар ҳақида ғамхўрлик, уларни тарбиялаш, тайёрлаш, партия ва давлат идораларини туб жойлаштириш қизғин амалга ошаётгани уқтириларди. Сталин мурофотини олган бир гуруҳ шовинистлар Абдуллаевга очиқчасига ҳужум бошладилар. Уларнинг сафи йил сайин кўпайди: 1949 йили Грушкин, 1951 йили Шехтман «жанг» бошлади. Абдуллаевнинг улкан қобилияти, кетма-кет илмий мувоффақиятларини ҳазм қилиш рақиблар учун оғир кечди. Чунки, Грушкин ўн тўрт йил давомида флюоритлар билан шугулланиди. Ўрта Осиёда ушбу турдаги конлар истиқболини аниқлашда арзирли натижага эришаолмади.

Ҳабиб Абдуллаев ҳар қандай шароитда илмий ишни давом этказди. 1949 йили у «Ўрта Осиё металлогенияси» очерклари тадқиқотини эълон қилди. Унда Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё тогларида темир, вольфрам ва қалайнинг вужудга келиши шароитлари ва жойлакиши муфассал баён этилди. Ушбу тадқиқот натижасида Лангар, Ингичка, Қўйтошдаги вольфрам конлари, Тошқозон гранит кони очилди.

«Дайкалар ва руда ҳосил бўлиши», «Руда ҳосил бўлишининг интрузиялар билан генетик алоқаси» каби машҳур асарлар геологлар учун қўлланмага айланди. Рақиблар хуружига китоб билан, кетма-кет тадқиқотлар билан жавоб берди. Аммо бир кун бўлсин, уни тинч қўйишмасди, обрўсига, соғлиғига тажовуз давом этди. Шу ўринда бир хатни эслаш жоиз: хатни Сталин вафотидан уч ой олдин - 5 декабрь 1952 йили геология институтини лаборатория бошлиги, фан номзоди Петров Николай ёзган. У Ҳабиб Абдуллаев фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ бошлаган келишмовчиликлар ҳақида ёзib, сабабларини қўйидаги изоҳлайди: «...Бу турӯҳни нима бирлаштиради? Ҳасад бирлаштиради. Ушбу ўзбек олими Ҳабиб Абдуллаевнинг геология фанида эришган муваффақиятлари олдида ожизликларини жиловлай олмадилар. УЛАРНИГ МАҚСАДИ:

Абдуллаевни қулатиш;

уни тиз чўқтириш;

ундан фан доктори илмий даражасини олиб таіплаш;

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси унвонидан маҳрум этиб, партиядан ўчириш...

Маҳаллий геологлар бош кўтарса, мустақил овозга эга бўлса, уларнинг ортидан эргашмаса, шубҳасиз, ҳар бирини шундай қис-

* Нечелюстов, Пуркин, Грушкин, Шехтман.

УСТУН

мат кутаётганидан огоҳ этиш, қўрқитиши...

Ҳабиб Абдуллаев докторлик ҳимоясидан сўнг иккита йирик асар ёэди ва эълон қилди. Ҳозирда у яна бир йирик, ўта муҳим иш – СССРнинг металлогенияси устида ишлайяпти.

Азиз устозимиз Иосиф Виссарионович!

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ю.А.Билибин, А.Г.Бетехтен даражасига кўтарилиган ўзбек олимини қандай йўқ қилиш мумкин? Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Тошкенда унинг профессорлар А.С.Уклонский, О.К.Ланг каби, Москвада А.К.Ферсман, Е.Е.Захаров, Д.И.Шербаков, В.А.Обручев, Н.Н.Смольянинов ва В.А.-Николаев каби устозлари бор...

Бу гуруҳ руда конлари бўйича 20 йиллик иш малакасига эга ҳолда биронта ҳам ўзбек геолог-разведкачисини тайёрламади.

«Ўрта Осиёранглиметалразведкаси» трестига юборилган 5 нафар маҳаллий миллат вакиллари бўлмиш инженер-геологлар (Мирбобоев, Мусин, Ҳўжааҳмедова, Ҳамробоев ва Бобоев) ни тарбиялаш ўрнига улардан қутилишга интилишди. Айни кунда уларнинг таркибида биронта ҳам ўзбек геологлари йўқ...

Улар Ҳабиб Абдуллаевни қулатиш учун турли усуслардан фойдаланмоқдалар, масалан қўрқитиш, иғвогарлик, шантаж каби воситалар ўзбек олимини йўқотиш қуролига айланди. Савол туғилади. Масалани партияиий, адолатли ҳал қилиш қаёқда қолди? Партияиий принциплар бузилияпти – раҳбарлар эса жим, қўрмаган, эшитмаганга олишади? Ахир, бу иғвони, туҳматни қўллаш эмасми?

Улар ўйладиларки, фақат биз Ўрта Осиёда вольфрам масаласини ҳал қилдик.

Улар ўйладиларки, фақат биз қўроғин масаласини ечаяпмиз.

Улар ўйладиларки, фақат биз руда пайдо бўлишининг назариясини яратишга қодирмиз. Уларнинг маслаклари шундай. Улар ўзларидан бошқа миллатни тан олишга, ҳалол меҳнатни, ғалабани эътироф этишига ожиздирлар.

Тошкент геология жамоатчилиги уларнинг бундай қарашларини ёкламайди.

Ўйлайманки, улар тўрт-беш кишилик гуруҳлигича қолади.

Мактубимда холис бўлишга интилдим. Икки томоннинг ишларидан огоҳман, уларнинг илмий, касбий фаолияти кўз ўнгимда кечди. Икки томон ҳам мен учун теппа-тeng - касбдош. Қийин вазиятни яхши билганим учун ҳам ёзаяпман. Иккала томон ҳали давлатимиз учун фойдали ишлар бажаришига ишонаман.

Қадрли Иосиф Виссарионович!

Тошкентда Абдуллаевга қарши жангга кирган гуруҳни тўхтатишга қодир куч йўқ. Улар бу ерда ҳеч кимдан қўрқмайдилар, ўзларини ҳамиша ҳақ ҳисоблайдилар. Афсус, ундан эмас...

Хаммани «жанг»нинг охири қизиқтиради.

Назаримда, кўлчилик томошабин...

Илтимосим: КПСС Марказий Комитети ходимларига ушбу келишмовчиликни кўриб чиқиш ҳақида кўрсатма берсангиз.

1940 йилдан буён КПСС аъзоби,
партбилет № 4753508
(Петров В.Н.)»

Хат хатлигича қолиб кетди. Улар, тўрт-беш кишилик гурӯҳ эса ҳукмрон мафкуранинг яроғига айландилар.

* * *

1960 йилнинг илк кунлариданоқ Абдуллаев бошида яна тегирмон тоши айланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Мельников узоқ йиллар давомида ўрганиб, баҳслашиб, жазолаб келгани - Ҳабиб Мұхамедович Абдуллаевни ўзининг ўрнига тайинланган Титовга «тортиқ» этиб кетди.

Янги котиб Абдуллаев масаласида ҳеч қийналмай, сабиқ иккичидан қолтан ҳужжатлар асосида иш бошлади. У кимни ишдан олиш, кимга амал бериш, кимни жазолаш – Ўзбекистонни бошқаришини дарҳол қўлга олди. У ҳамма, ҳамма соҳага кўрсатма бера бошлади. Maxsus идора ёрдамида маҳаллий раҳбарларга түхмат тиркаб йўқотишига тушди.

Титов уюштирган түхматлар билан қисқа муддатда республиканинг кўзга кўринган раҳбарлари вазифасидан бўшатилди. Титов томонидан қўйилган масалалар, таклифлар мутлақо нотўғри, бирбирига зид бўлса-да, Бюро аъзолари оғизлари тўрланган каби «миқ» этмай ўтиришар, уни сукут билан, баъзида очиқ-ойдин маъқуллаб, қувватлашарди.

Уларнинг қўрқоқлиги-ю ноаҳиллигини сезган Титов кўнглига нима келса, шуни бажарди: ўзбекларнинг кушандасига айланди. Мельниковдан фарқлироқ у «Каллакесар» деган ном олди. Номи билан фахрланиб юрди.

Ўзбекистонга юборилган аксарият ДХК' раислари ва Марказком иккинчи котиблари «Шафқатсиз!», «Жаллод!» деган номга муносиб бўлиб, охиригача шу номга содиқ қолишар эди. Улар тузоққа илинган ҳар бир ўзбекни жазолаб, камситиб, хўрлаб хуморидан чиқишар, лаззатланишар, айниқса, ўзбеклардан қўйилган

раҳбарларнинг қўғирчоқлиги, юввошлиги, вима десанг хўп бўлади, деб туриши қўл келарди.

Узоқ Россиядан келган Ф.Е.Титов ўзбекнинг бошида ёнгоқ чақарди. Яшавор Федя! Бўш келма! Урсанг - индамаса, сўксант - индамаса, бундай жонзотни яна қаердан топиш мумкин? Бир-бирини сотишга, ейишта-ку ўзбекка тенг келадиган йўқ акан! Буларнинг худоси сукут, хўрлайвер, қулга қулдек муносабат, ҳукм лозим!

Титов ана шу ақидага маҳкам таяниб, ўзбекнинг қайсар ҳимоячиси Ҳабиб Абдуллаевга ташланди.

1960 йил. Ишдан олиш навбати Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаевга етди. Марказкомда ишлаб, ўзини ўзбекнинг вакили, жонкуяри, раҳбари ҳисоблайдиган зотлар Абдуллаев устидан айнома шаклида йигилган жамики ҳужжатларни Титовга кўши-қўллаб топшириллар. Кун тартибида яна Абдуллаев масаласи...

Яна аввалидек синаланган, ишончли усул- ўзиникини ўзига қайраш билан иш бошладилар. Аввалига, Абдуллаевдан олдин президент лавозимида ишлаганлар кўнглига қўл солишибди. «Лаббайчилар»га янги топшириқлар беришибди. Ва охира Титов Абдуллаев масаласини Бюорода кўриш, ишдан олишга фурсат етди, деган қарорга келди. Бюро олдидан Марказком котибаси Бобоевага Абдуллаевни ўз аризаси билан кетишга кўндириш топширилди. Албатта, мудҳиш фисқу-фасод Абдуллаевнинг қулогига етган эди. Шундай кунларнинг бирида Бобоева у билан телефонда гаплашибди:

- Ўртоқ Абдуллаев, тезда Марказкомга келинг....

- Тинчликми? - сўради Абдуллаев унинг нима демоқчилигини олдиндан тахмин қилиб. -Телефонда айтишнинг иложи йўқми?

- Йўқ, - дея гапни тутатди Бобоева.

Эркакми, аёлми, агар, у ўз соҳасига муносиб - билимли, фаросатли бўлса, ундайлар билан Абдуллаев жиддий, юракдан гаплашар, ҳурматини жойига қўярди. Раҳбар аёллар бобида у жуда талабчан, адолатли эди. Зуҳра Бобоевага келсак, сиёсат қўғирчогига айланган бу аёлга ҳам раҳми, ҳам қаҳри келарди. У доим «мен» эмас «миз»га таянар: «Партиямиз», «Давримиз», «Фанимиз», «Ишимиз», «Келажатимиз» тараизида сўзлар, раҳбарлар партияномидан нима буюрса, ўйламай югуриб бажарувчи нусха эди.

Шу кунгача - узоқ йиллар уни Абдуллаевнинг оётига боғлаб қўйишибди. Садоқатига балли, бу аёлният! Абдуллаев юмушлар билан банд бўлиб, уни ойлаб унугтган пайтлари бўлгандир, лекин Зуҳра Бобоева Абдуллаевни бир зум назаридан қочирмасди. Унга нисбатан йигажак айномани тўлатиш пайида бўларди....

Исми Зуҳра бўлгани боис, баъзан Абдуллаев уни шунчаки эрмак учун хотини Фотимахонга қиёслаб : «Шўрим қуриб, Фотима-

хон қолиб, Зуҳрахонга уйлансам нима бўларди? Тавба қилдим, тавба қилдим, аёл ўз эгасини - зрини топиши керак!» деб қўяр эди. Йўқса, бундайин аёлни қўғирчоқ мисол ўйнаш, устидан кулиш, охир-оқибатда кераксиз латтадек четта суриш, воз кечиш ҳеч гап эмас. Зуҳрахон ўзини от устида фараз қиласди-ю, аммо уни от мисол минаётганиларини фарқламайди. Умуман, совет мафкурасини юритища Зуҳрахонлар буюртма каби тутгилгандек жуда мос, но-дир нусхалар.

Фариштаси қочган бу аёл билан Абдуллаев ҳеч маҳал тортиш-маслик, сен киму, мен ким, деб баҳслашмасликка аҳд қилгач, сўзига ҳам, ўзига ҳам, мансабига ҳам эътиборсиз эди. Зуҳра Бобовага эса бигиздек ботадигани ҳам шу эди: нечун Абдуллаев уни менсимайди? Нечун Абдуллаев ундан қўрқмайди? Унинг ортида Мельников, Титовдек забардаст ҳимоячилар, қудратли Партия турганида, Абдуллаев кимга ишониб бунча думогини кўтаради, ҳеч кимни менсимайди, унга ўхшаган олим камми? Нимасига ишонади у? - шу тахлит қаҳрли саволлар аёл бошини гангитиб, юрагига алам солар, аммо, бирор марта у Абдуллаевнинг кимлиги ҳақида жиддий ўйламади, унинг кимлигини билмади, билолмади. Тақдир унга бундай марҳаматни бермади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Обид Акрамхўжаев ўзи шоҳиди бўлган академик Ҳабиб Абдуллаев билан боғлиқ воқеани шундай ҳикоя қиласди.

Академия партия қўмитасининг фавқулодда мажлиси чақирилиб уни Марказқўм котибаси олиб борди. Айримлар Ҳабиб Абдуллаевни миллатчиликда айбладилар. Энг одилона гапни Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий гапирди. У сўзлар экан, худди хорижлик оқловчиilar сингари ўрнидан туриб, дастлабки икки нотиқнинг ёнита навбат билан бориб, уларнинг фикрларини бирма-бир таҳлил қилиб, сўзлари гирт тухмат эканлигини исботлади.

- Коинстантин Евлампиевич! - деди у Житовнинг тепасига бориб, - гарчи сен Туркистоннинг янги тарихи бўйича мутахассис бўлсангда, ҳеч вақони билмайдиган одам экансан. Жадидлар сен ўйлагандек ёмон одамлар эмас, ўзбек зиёллilari орасидан етишиб чиққан маърифатпарвар, билим ва маданият тарқатувчи фаол кишилар бўйишган. Жадид - янгилик дегани....

Шундан сўнг Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий иккинчи нотиқнинг тепасига борди:

- Биласиз, Академияга сиз ҳам, мен ҳам президент бўлганмиз, -деди. - Аммо тўғрисини айтиш керак, Абдуллаев биз қилолмаган зарур ишларни рўёбга чиқарди. Академияни юқори даражага кўтар-

ди. Сиз эса унинг яхши ишларидан кўз юмиб, туҳмат билан шугулланаяпсиз? Қани айтинг-чи, бу туҳматларни Сизга ким ўргатди?!

Марказқўм котибаси жаҳолат билан:

- Ҳақорат қилинмасин! - деди.

Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий Марказқўм котибасига ўгирилди:

- Сиз ва булар (у дастлаб сўзлаган икки туҳматчини қўлини бигиз қилиб кўрсатди) ҳақорат, туҳмат қилсаларинг майли. Бизга ҳақ сўзни айтиш мумкин эмас экан-да! - деди асабий. - Мен Сиз гапираётганингизда жим тинглаган эдим, илтимос, сиз ҳам менга халақит берманг!

Марказқўм котибаси қизишиб кетиб, қўлидаги қаламни жаҳолат билан столга отди:

- Сизлар билан бу масъулиятли масалани ҳал қилиб бўлмас экан, бу ҳақида тегишли жойда гаплашамиз! - деб ўрнидан турдида, хонадан чиқиб кетди. Унинг кетидан икки туҳматчи ҳам жўнаб қолишиди...

Фавқулодда Бюро муҳокамасидан тўрт кун илгари марказий газеталар, радио Ҳабиб Абдуллаев ҳақида шундай хабар тарқатди: совет олими, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев Буюк Британия Минералогия жамиятининг ҳақиқий аъзолигига сайланди...

Ҳафта давомида унинг фандаги хизматлари ва жаҳонга машҳур фан жамияти ҳақида мақолалар, эшиттиришлар бериб бориилди. Дўстлар қувонди, Зуҳра Бобоева, Титов сингари пойлоқчилар вақтингча жим туришга мажбур эдилар, лекин, барibir, улар вақт пойлаб туришди.

Вақт шиддат билан ўтар эди. Ўтаётган ҳар бир кун рақиблар наздида Абдуллаевни қўл етмас чўққига кўтариб, номини шоншуҳратга қўшиб узоқларга ёймоқда эди. Нима қилиш керак, унинг илдизларини қирқиши учун нима қилиш керак?

1960 йил май ойининг охирида Киевда геологларнинг Бутуниттифиоқ йигилиши бошланди. Ҳабиб Абдуллаев ушбу йигинда мазъруза қилди, маърузаси юқори баҳоланди. Бу пайтга келиб, унинг номи Иттифиоқ геолог олимлари орасида машҳур, обрўси баланд, кўплар Ҳабиб Абдуллаевга ҳавас билан қарап, унга яқинлашиш, унинг каашфиётлари сирини ўрганишга қизиқиш кучайиб бораётган эди. Йигиннинг охирги кунида кутилмаган қўнғироқ Абдуллаевни таажжублантириб қўйди. Зуҳра Бобоева уни телефонда топтириб, Марказком иккинчи котиби Титов номидан зудлик билан Тошкентга қайтишини, икки кундан сўнг Бюорода масаласи муҳокама этилишини етказди.

Аслида ҳеч қандай бюро мажлиси йўқ эди. Бу Абдуллаевнинг кайфиятини бузиш, дилини гашлаш, тинчлигини бузиш ниятида атай тўқиб чиқарилган хабар - узоқдан отильтган ўқ эди. Бобоевнинг бундан кўзлаган нияти, Абдуллаевга бир кун бўлса-да, олдинроқ озор етказиш, кучсизлантириш. Балки, бундай усувлар унинг тоқатини тоқ қиласар, балки бир кун ариза ёзишга мажбур бўлар...

У Бобоевнинг қўнгирогидан сўнг ҳонасига бориб, ёлгиз қолди. Нималар бўляяпти ўзи? Эрта-кеч ҳаловатини бузиб, истеъфо талаб қилишади?..

Менинг илмим, обрўйим уларга керак эмас. Номим керак эмас. Уларнинг мақсади аён... аммо, нима қилиш керак?.. Қачонгача у касбдошларига ёки СССР геология вазири Антроповга мени ҳимоя қилинг, деб мурожаат қиласади? Ҳаммасига чидаш мумкин, лекин, ўзингники ўз уйингда камситса, қадрингни билмаса, қийин экан, бундай хўрликка чидаш қийин экан. Юртдан олисда бундай воқеалар ҳақида ўйласанг, мен кимман, нима учун, ким учун ишлайман, яшаяпман деб ўзни саволга тутсанг - Титов, Бобоева каби нусхаларнинг кимлиги теранроқ ошкор бўлади. Ҳозирча қисматда бори шу экан, улар билан юзма-юз яшашга, чидашга, енгилмасликка ҳаракат қиласан, агарки, жисман енгилсам, унда билмадим, унда...

Абдуллаев юртдан олисда, қаерда бўлмасин, ҳар гал кетма-кет қўнгироқ қилиб уйидагиларни, айниқса, хотини Фотимахонни тинчлантириб қўярди. Бу гал одат бузишди, уйидагилар қўнгироқ кутиб, ундан безовта бўла бошлишди.

Бобоевнинг сўзи, ўзи, қўнгирогига кўпикиб кетган Абдуллаев бу гал нечундир унинг совуқ хабарига тоқат қилолмади. Ўйлайверди... Ҳар гал шундай - Абдуллаевнинг бошига оғриқли савдолар тушганида Грузин, Арман ҳамкаслари: «Келинг, Сизга ҳоҳлаган шароитингизни яратамиз, ишланг» деб қайта-қайта мурожаат этишар, у таклифларга миннатдорчилик билдириб, рад этарди. Хатто, Москвага ҳам таклиф этишди. Кўнмади.

Нега, нега мен ўзбек бўлатуриб, Ўзбекистондан кетишим керак, ихтиёрий қувгинни бўйнимга олиб, юртимдан бадарға бўлайми? Йўқ, ўлигим ҳам, тиригим ҳам шу ерда қолади, Ўзбекистондан кечмайман...

Уни юртга бўлган меҳрини, садоқатини ўзидан бўлак ким ҳам биларди...

Киев анжуманининг охирги куни у юрагида оғриқ сезди. Чап елкаси, қўлида ўқтинг-ўқтинг оғриқ бошланди. Врачлар хавфли эмас, елка мускулини шамолллаттансиз, дея далда беришди. 1960 йил 3 июнда у Москвадан уйига қўнгироқ қилиб, бу ҳақида Фотимахонга

хабар берди. Аёли олдиндан сезганмиди ёки шифокорлик илмидан хабардорлиги сабабими:

- Юрак-қон томирлари құлингизга оғриқ берәётгандир, ҳозироқ врачиңа қызыннан, әхтиёт бүлинг! - дея хавотир билдирди, ташвишланди. У чиндан ҳам зридан хавотирда зди. Бир күнмас-бир күн гавғолар зрига қаттиқ таъсир этиши, зангдек чирмашиб, тұшакда ётиб қолишидан құрқар зди.

- Тошкентта келманг, ётиб даволанинг, мен ҳозироқ ёнингизга учыб бораман, - деди Фотимахон. У аёл юраги билан қандайдир хатарни сезгандек, қайта-қайта хавотир олаверди. Бироқ Абдуллаев күнмади: врачларнинг гаппана ишонди. Елка мускулини шамоллыш ҳеч гапмас, ўтиб кетади. Тошкентта боришим керак, деб ўйлади...

5 июнда уни яқынлари Тошкент аэропортида кутиб олишди. У анча қолсиз, ранги синиқтан, күзлари ичига тортиб, қаттиқ изтиробдалиги билиниб турарды. У аёли билан күришгач, академия иш бошқарувчиси Маҳкамовдан:

- Мени ҳеч ким йўқламадими, Тошкентда нима гаплар? - деб сўради. Маҳкамов:

- Тинчлик домла, айтарли гап йўқ, ҳаммамиз Сизни согомон қайтишингизни кутаямиз, - деди. Абдуллаев унга ҳаммаси шуми, дегандай тикилиб туравергач:

- Марказкомдан қўнгироқ қилиб, Зуҳра Бобоева телефон рақамингизни сўради, йигиннинг неча кун давом этиши билан қизиқди, - деди. Абдуллаев Зуҳра Бобоева деган номни эшлитиши билан-ноқ хотини томонга юз бурди-да, гўё бу номни эшитмаган каби Маҳкамовни қайта саволга тутмади, унга кетишга рухсат берди.

* * *

Эр-хотин тўғри уйга келдилар. Оғриқ тўхтаб-тўхтаб хуруж қилас, қайта бошланганда у жуда безовталаниб, пепонасидан тер қуйиларди. 5 июн шанба куни худди шу зайлда ўтди; Абдуллаев дўхтир чақиришга кўнмади. Эртасига эса якшанба куни профессор Отабой Эшонов домланинг Киевдан қайтганини эшитиб, йўқлаб келди. Улар тез-тез учрашиб, тарих ҳақида суҳбатлашар, нималаргadir аниқлик киритишар, Отабой Эшонов домланинг фикрларини тинглаб, албаттa, сиз айтган мавзуга қайтаман, ҳали бу соҳада бор ҳақиқатлар очилмаган, деб руҳланар зди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Домла оғриқни унутиб, яна эски мавзудан гап очди, хотини Фотимахон эрининг «Нега бизни холи қолдирмаяпсиз» дегандай норози бўлиб, қараб-қараб қўйишини сезмаган каби уларнинг атрофидан кетмади, ўз иши билан банддек нималаргadir уриниб юрди.

- Бухоро инқилобини бутунича ёзиш керак, ёзганда ҳам қўрқмай жасорат билан ёзиш керак, - деда Отабой Эшоновга уқтира боiplади эри. - Майли, воқеаларга ён боссангиз-да, фактлардан қочманг, имкон қадар фактларни кўпроқ киритинг. Фактлар воқеани ҳам, мазмун, мақсадни ҳам яширмайди, яширолмайди. Амир Олимхон қочди, бунга деган гап тарих бўлолмайди. У нега қочди, ким сабаб? Ишингида шулар акс этса, авлодлар сиздан рози бўлишади. Файзулла Хўжаевнинг Турккомиссияга ёзган хатини ўқиганман, танишмисиз? Хат мана шундай эди: «...Сизга журъат қилиб шуни айтаманки, Бухорода ҳокимиятни алмаштиришдан иборат бирор эксперимент ўтказишни зарур деб билсангиз, буни бизга олдиндан хабар қилиб қўйицингизни илтимос қиласмиш, бу ишда Сизга хизматимизни аямаймиз ва Сизга ким маъқул бўлса (унга) ҳокимиятни топшириб қўя қоламиш. Биз зўрлик билан қилинадиган тўйташларни истамаймиз, чунки шундай экспериментлардан сўнг Бухоро муқаррар ҳароба чўлга айланишини яхши биламиш...».

- Ана, эшитдингизми? - Абдуллаевнинг кўзлари чақнаб кетди. У Бухоро инқилобининг сохталиги, ёлгонлигини битта хат билан исботлагая, агар имкони бўлганида, ўзи бу соҳа билан шугулашишга тайёр эди. Афсуски алданди, адашибди-да...

- Эътибор беринг, - деда ўзи у дардини унугиб, - Файзулла Хўжаев хатида «ҳокимиятни алмаштириши», «эксперимент», «зўрлик», «тўнтариш» деган бешта сўз ишлатаяпти. Бу сўзларни хатдан ҳам, тарихдан ҳам ажратиб ололмайсиз. Ана хат, ана тарих, ана рост сўз! Хўжаев ўн қатор хати билан инқилобни инқилоб эмас, тўнтариш, зўрлик билан қилинган тўнтариш деб айтмоқда...

- Тарих ёзишда мақсад аниқ бўлса, бу усул жуда қўл келади, - Отабой Эшонов домланинг унга бўлган ишончидан боши осмонда эди. - Тарихни ҳуқуқдан, қонундан ажратиш қийин.

- Баракалла Отабой, ёзинг, ёзинг, Бухоро мавзуси ўзбек давлатчилигига узоқ ўрганишга арзийдиган иш...

Бироз вакт ўтгач, Ҳабиб Абдуллаев ёнидагиларни ажаблантириб машина чақирди.

- Бугун уйдасиз-ку, машина кимга керак? - Фотимахон ҳайрон бўлиб сўради.

- Якшанбани нима учун чиқарган, болаларни олиб дам олишга бормоқчиман, - деди Абдуллаев. - Сиз уйингизни саранжомлаб, бизни ширин таом тайёрлаб кутинг, кечроқ қайтамиш.

- Ҳай-ҳай, шу аҳволда-я, домла?

- Сиз жуда ваҳимачисиз, Фотимахон, ҳолимга нима бўлибди, мана, кўриб турганингиздек, отдайман!

Эр-хотиннинг ўзгача меҳр, самимият уфурган муносабатидан, домланинг бироз тетиклашувидан Отабой Эшоновнинг кўнгли тўлиқиб, дийдасига ёш айланди. Сездирмади. Шундай одам билан ҳамсұхбат бўлиб, ёнида туриш унинг ишончига кириш шараф-ку!

«У менга ишонади, ҳа ишонади. Ҳалқимизнинг тарихига ишонганидек ишонади. Билмаса, танимаса ишонмас эди. Оллоҳга минг бор шукрки, бизнинг, ўзбекнинг Ҳабиб Абдуллаевдек тоги бор, суюнчи бор...» - Отабой Эшонов ўзбекнинг тарихига, унинг куч-қудратига, садоқатига тўлиқ фарзанди Ҳабиб Абдуллаевга суюниб, фахрланиб ўрнидан турди, кетишга чоғланди.

У шод эди. Шу топда ҳар икки олимнинг ишончи эътиқодга, кучга, аҳилликка бирикиб, ягона қисматта айланган, ҳар икки елкадош фарзанд тақдирнинг неки синовлари бор - барини енгишга чоғланган эдилар.

Улар бир-бирини сўзсиз англар, ҳар иккиси елкаларидан бошиб турган вақтнинг зарбаларини назар-писанд этмай «Бизга атаган, бизга раво кўрилган ҳар қандай оғир-енгил кун - бизники» дегандай қарааш қилдилар.

- Хайр, домла, - деди Отабой Эшонов.
- Кўришгунча, - деди Ҳабиб Абдуллаев.

Улар шу тахлит хайрлашиб, шу тахлит ажрашишди.

Отабой Эшонов узоқлашар экан, гўё Абдуллаевнинг унга, ўзининг эса Абдуллаевга айттолмаган сўзи, жуда зарур сўзи қолгандек эди. У ҳовлидан чиқиб, узун кўча бўйлаб кетар экан, шу ҳақида ўйлади...

Фотимахон машина етиб келгунча фарзандлари Раъно, Рустамнинг йўл анжомларини тахлаб, эрига керакли нарсаларни йигиб қўйди. Ҳаммадан олдин тайёр бўлиб, домланинг ҳузурига келиб турди:

- Сизни ёлғиз юборолмайман.
- Нега ёлғиз бўлай, болалар-чи?
- Болалар мен бўлолмайди...

Биргалашиб Чигатойдаги республика Министрлар Советига қарашли дам олиш уйига кетдилар.

Ҳабиб Абдуллаев бугун бошқача эди. У ўзини қувноқ, ҳаракатчан тутишга уринди. Жиддий нарсалар ҳақида ўйламади. Шу кунгача миясини, қалбини банд этган ишлардан бир пас, бир кун бўйлса-да, халос бўлмоқчи эди:

- Рустам, юр волейбол ўйнаймиз, Раънохон, қани кетдик, қизим, юринглар... - болалар отасининг даъватига хуррамлик билан қўшилдилар.

Беш-үн дақиқа ўтмай Ҳабиб Абдуллаев тўпни болаларига қолдириб, секин четта чиқди: қўлида оғриқ бошланди... Тезда уйга

қайтишди. Абдуллаев хотинига қараб-қараб қўяр, аммо бир сўз демасди.

Ўйда оғрик зўрайди. Аёли уни каравотта ётқизиб, докторларга қўнгироқ қила бошлиди. Уларни топиш қийин кечди. Стационарга қўнгироқ қилди. Дам олиш куни бўлгани учун бутун корпус бўйича битта врач навбатчилик қилаётган экан, у беморларни қолдириб кетишга ҳаққим йўқ, деди.

- Унда Баш врач Ризаевнинг телефон рақамини айтинг, балки у бизга ёрдам берар, - Фотимахон чора излар, аксига ҳеч кимни тополмай вақтни муолажасиз ўтказаётганидан безовта, хуноб эди.

У Ризаевнинг телефон рақамларини билиб уйига қўнгироқ қилди. Гўшакни бир қизча олиб, гапини эшилмаёқ:

- Дадам йўқлар, - дея гўшакни қўйиб қўйди. Фотимахон учтўрт бор қўнгироқ қилса-да, ҳар гал шу ҳол тақрорланаверди. Охири у қизчага:

- Даданг бўлмаса, ойингни чақир! - деди. Ризаев уйда экан, гўшакдан овозини эшишибоқ:

- Мени кўп тапиришга вақтим йўқ, Ҳабиб Муҳамедовичнинг аҳволи оғир, тезда профессор Умидованими, Павлованими топиб келинг, - дея гапини тугатди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Ризаев Умидовани бошлаб келди. У беморнинг аҳволини кўргач, ҳозироқ стационарга ётқизиш керак, деди.

Улар стационарга борганда кун кеч бўлиб қолган, худди шу куни, шу вақтда тўнгич ўгли, Москвадаги ҳалқаро муносабатлар институтида ўқиёттан Пўлат ёэзи имтиҳонларни топшириб уйга қайтиди. Отасининг бетоблитини эшишиб, дарҳол стационарга етиб келди. У 6 июнда бирга кетайлик, деганида Абдуллаев кўнмаган эди..

Бир кеча стационарда ёлғиз қолди. Тун осойишта ўтди. Эрталаб Фотимахон келди. Эр-хотин икки соатча сухбатлашиб ўтиришди. Эрининг соглиги кечагидан анча яхшилигига ишонч ҳосил қилгач, қўнгли сал тинчили. Чиндан ҳам Абдуллаев ўзини яхши ҳис қилас, тез кунда, нари борса, уч-тўрт кунда ишга чиқишига ишонарди. У беморликка кўнникмаган, жиддий оғримаган, тақдирнинг унга аталган кунларини шиддат билан, куч-қудратга тўлиб ўтказган эди.

- Ҳавотирли жойи йўқ, уйга қайting, - деди Абдуллаев ўрнидан туриб. - Қўриб турибсиз, мен яхшиман. Энди меҳрни иккига бўласиз, хоним. Мен учун ҳам Пўлатжонга қаранг, уй овқатларини соғинган у.

* Ҳабиб Абдуллаевнинг сўнгти йилларини рафиқаси Фотима Абдуллаева шу таҳлил эслайди. У машҳур олим ҳақида «Эл фарзанди»номли хостидалар китобини ёэди. «Шарқ юлдузи», 2-сон, 1987 йил.

УСТУН

- Сиз тинч-омон, соғ-саломат бўлсангиз, мендан иш қутиларми? Майли, Сиз айтганча бўлсин, бирор нима керак бўлса, айтинг...

Хотини кетгач, ортидан ўй суреб қолди. Ҳабиб Абдуллаев камтарона оиласи - хотини Фотимахон, ўғиллари Пўлат, Рустам, қизи Раънохонни севарди, уларга ўзгача муҳаббат қўйган, ўтган йигирма Йиллик умрининг мазмуни шу - оиласи эди. У илм билан, катта-кичик лавозимлар билан кечган умрини оиласиз тасаввур этолмайди. Мана, Фотимахон ҳозиргина кетди, гўё хона, ҳамма жой, бутун стационар бўшаб, ҳувиллаб қолди. Ахир, кетишига ўзи рух-сат берди-ку?

Абдуллаевнинг назарида, бу ерда - стационарда вақт тўхтаб қолгандек, ташқарида эса ҳаёт қайнаяпти. Умр, тириклик деганинг ташқарида - дераза ортида давом этяпти. Мен бу ерда нима қилиб турибман? У чуқур нафас олар экан, елкалари кўтарилиб тушиди. Кўксисда кучли оғриқ пайдо бўлди, кўксини чангллаб, каравотга ўтириб қолди. Жисмида миокард инфарктни хуруж боцила-ган, у ҳали бундан бехабар, билмас эди...

Фотимахон уйга кириши билан телефон жиринглаб, эри ҳақида хабар беришди: аҳволи оғирлашибди, уни сўраётган эмиш. Дарҳол ўғли Пўлатни олиб, изига қайтди.

У ўн беш соат инфаркт билан олишибди. Кўзини очганида Фотимахон ёнида турар, хавотирли кўзларида ёш, алам, вужудида ўксик бир нола қамалган, хотини куч билан ўзини босар, кўзига эридан, унинг соглигидан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмас, гўё устун каби Абдуллаевга таяниб, боғланниб қолган, усиз дунё дунё эмас эди...

У тўшакда оғир дард тортиб ётар экан, бир лаҳза, бир кун бўлсин, ўксимади, аксинча, муроса-ю, мадора йўлини танлаб, оз бўлса-да, рақибларига ён босмаганидан Оллоҳга шукронга айтди. Сўнгги пайтларда келиб-кетувчи, ҳол сўровчиларни айтмагандан, хотини бир қадам ёнидан жилмади. У билан кўп нарсалар ҳақида дардлашгиси бор-у, аммо, аёлини аяиди: тақдирнинг чигал оғир синовларига аралаштиргиси йўқ. Аёлга эркакнинг дарди оғирлик қиласи. Аёл эркакнинг дардини кўтаролмайди...

Назарида, Ҳабиб Абдуллаевни пойлаб туриб вақтида нишонга олишган эди. Сўнгги йилларда у кетма-кет - 1956 йили Мексика, 57 йили Ҳиндистон, 58 йили Чехословакия, шу йили Хитой, 59 йили Швейцарияга илмий сафар; Ҳалқаро Конгресс, Ҳалқаро Минералология асоциацияси мажлисларида қатнашди, металлогения секциясида, рефератлар бўйича бошчиллик қиласи. Рақиблар ҳар қанча ёпишмасин, эрининг парвози йилдан-йил баландлаб борар эди. Бу йил, яна уч-тўрт ойдан сўнг Копенгагенда геологларнинг

Халқаро Конгресси бошланади. Ҳабиб Абдуллаев бу Конгрессга ўзгача тайёргарлик күрган, «Үрта Осиё магматизми ва металлогенияси» асари инглиз тилида қисқача хulosаси билан нашр этиләттән эди.

Июль ойидан бошлаб у хатлар ёзди. Хотини, врачларнинг қаршилигига қарамай нима биландир банд бўлиш, ишлашни истар, ўттиз-қирқ дақиқа ухларди-да, нохос уйғониб, қоғоз, ручка сўрар, ўзини безовта қилаётган юмушлар ҳақида ҳамкасларига ёза бошлар эди.

- Инсоф ҳам керак-да, ахир, барака топкур, соглигингиз врачларга эмас, бизга керак, - дер эди куюниб Фотимахон. - Бугун беш кишига хат ёздингиз. Бир кун, бир ой кечикса, нима қипти? Дунёнинг ишлари Сизга қараб қолдими? Ўзингизни ўйлассангиз-чи?..

Абдуллаев аёлини жимтина тинглаб:

- Қизиқсиз-а, Фотимахон, киши атайлаб бемор бўларканми? - дер эди. - Менинг сира бемор бўлгим йўқ, аммо, дард сўраб келмас экан-да. Беморлик кўп галати ҳол! Соппа-сөғ юрган одам бирдан қулайди, чўзилиб ётиб қолади. Кичраяди. Боши ёстиққа етди, дегани шу-да! Боши ёстиққа етган киши бошқача ўйлади...

Фотимахон эри ёзган хатларни конвертга жойлар экан, айримларини қизиқиб ўқиди: «Ҳурматли Дмитрий Иванович! Сизга етказганларидек, мен Украинадан ниҳоясиз юрак хуружларидан азобланиб, бемор ҳолда қайтдим. Ҳозир шифохонадаман, августнинг охирларигача ётсам керак.

Хуллас, ишлар кутилмаганда чалкаш, кўнгилсиз келди. Мен Конгрессга боролмайман... Албатта, барча материалларни олишни истайман, шунинг учун Конгресс мавзусини сақлаш мақсадга мувафиқ бўларди. Кимдир барча материалларни олиб келиши керак. Материаллар мен учун зарур, ишонаманки, буни Сиз яхши англайсиз.

Конгрессгача менинг «Магматизм и оруденение Средней Азии» номли китобим инглиз тилида қисқача хulosаси билан чиқиши керак. Бу китобни ўзим билан Конгрессга олиб бормоқчи эдим, насиб этмади. Китобни дўстларимиз Мавлонов ва Ҳамробоев билан етказаман.

Умид қиласманки, яқин кунларда ўрнимдан турсам керак, юришини бошлайман. Балки, жўнаб кетгунингизга қадар Сиз билан телефонда сўзлашарман. Худо хоҳласа, Москвада Копенгагендан қайттанингиздан сўнг учрашамиз. Менинг загу тилакларимни қабул қилинг, шунингдек, Иван Ивановичга, Иван Осиповичга, Надежда Гавриловнага, Моника Бандасаровага, Вера Николаевнага ва бошқа танишларимга менинг саломимни етказсангиз.

27 июль 1960 й. Сизга чуқур ҳурмат билан:
Тошкент. Ҳ. Абдуллаев»

Учинчи хат Георгий Георгиевич номига ёзилган, унда Смирнов-нинг китобини Тошкентда чоп этиш ҳақида гап борар эди.

Фотима Абдуллаева хатларни жүннатишга топшириб, эрини дам олишга даъват этди. Ўғли Пўлатни киритиб, отасини чалғитишга, сұхбатлашиб, кўнглини ёзишга унади. Хотини уни боладек асра-ётганини англаб турар, аммо, Абдуллаев дардга руҳан ён бергиси келмас, тезроқ сёёққа туриб, қалашиб ётган юмушларига шошила-ётган эди.

* * *

10 ноябрда ишга чиқди. Врачлар белгилатан тартиб (2-3 соатдан ортиқ ишлап мумкин эмас эди)ни касалхонада ёк унутиб, ишга қаттиқ берилди.

Янги йилнинг (1961) май ойида дала ҳовли битди. Бунга, айниқса, Фотимахон хурсанд бўлди: домла дала ҳовлида яшаса, шу ердан ишга қатнаса, соғлиғи тикланади. Салқин, тоза ҳавода ишлаш, дам олишнинг таъсири, албатта, сезилади...

1961 йилнинг сентябрь ойида Ҳабиб Мұхамедович Америкага кетиши керак, бу ҳақида анча олдин хабар етказишган эди. Ўтган ярим йил давомида (беморлик ва ишга қайтганининг дастлабки ойлари) Абдуллаевни бирор безовта қилмади, кунлари тинч, осо-йишта ўтаяёттандек эди. Аслида эса, Титов ўйлаб маҳаллий малай, югурдақ, «Лаббайчи», Зуҳра Бобоева каби устихони йўқ думалоқ-ларни (қаёққа думалатсанг, думалайверади, жой, йўл танламайди, қўл, оёқ танламайди, бундайларга думалоқ - коптот деб ном беришган) йигиб, Абдуллаевга ташланишга шай турарди. Улар Абдуллаевнинг согайишини эмас, дала ҳовлининг битишини кутишиди. Ниҳоят, шундай кун келди.

Одатдаги кунларнинг бири эди. Ҳабиб Мұхамедовнинг кабинетига Тошкент шаҳар Бош архитектори Сергей Ганнушкин бошлиғида олти қиши кириб келди. Ундан дала ҳовли ҳужжатларини сўрашди. Қурилишнинг амалдаги ўлчамларга тўғри келиш-келмаслиги билан қизиқишиди. Абдуллаев гуруҳнинг ҳар бир аъзосига алоҳида эътибор берди. Маълум бўлдики, ўзини «Комиссия» деб таништирган махсус гуруҳ таркибида адолатталаб органларнинг вакиллари, ҳалқ назорати, партия ташкилотидан кишилар бор экан. Улар «лаббайчи»лар томонидан ёзилган учта хатни текшириш учун асос қилиб кўрсатишиди.

- Яшанглар, - деди Абдуллаев киноя билан, - шикоятга ўрин қолдирмайдиган даражада пухта гуруҳ тузибисизлар!

- Биз гуруҳ эмас, комиссиямиз домла, партия топширигини бажаряпмиз, - деди улардан бири. Абдуллаев:

- Гуруҳ билан комиссиянинг фарқига бордингиами, демак, сизга «ишонса» бўлади, - деди. - Аммо, мен дала ҳовлини чўнтағимда олиб юрмайман. Уни қаерда қурилгани сизларга маълум. Марҳамат, кўринглар, текширинглар...

* * *

«Комиссия» кеттагач, Абдуллаев узоқ ўйланив қолди. Гарчи дала ҳовли ўз маблаги эвазига қонуний қурилган бўлса-да, Титов хусусий мулк сўзига алоҳида ёпишиб, турли важлар билан айб топишга уринади.

Наҳотки, барчаси яна бошдан бошлисанса? Ўтган ғалвалар камлик қиласиди? Яна Абдуллаевнинг тоқатини синашми? Барига тупуради.

Бу ҳақида ўйламасликка, қўл силташга уринмасин, барибир, алам қиласиди. Майда, арзимасдек кўринган иш катта ишларга ҳалал берарди. Нима қилсин, ҳар қанча ўйламасин, нега, деган саволга жавоб тополмас, баъзан вужудида қайсар, бир куч пайдо бўлар, қаттол душмани Титовни янчидан ташлагиси келар эди. Агар, шу билан иш битса, битта Титовни жисман йўқ қилиш билан ўзбекнинг кўзи очилса, атрофига теранроқ боқиб, дўст душманининг фарқига борса, битта эмас, ўнта Титовни йўқотишга тайёр эди у. Лекин...

Уни дала ҳовли эмас, ёлғизлик қийнаяпти. Атрофидан шунча кўз, қўл бўлатуриб, ўзини ёлгиз ҳис қилаётгани қийнаяпти.

Уни дала ҳовли эмас, зулм қийнаяпти. Бир парча ерии Москвадан орқалаб келгандек, нега дала ҳовли қурасан, деб ўзбеклигини камситаётган Титов, унинг буйругига йўргалаган малайлар қийнаяпти.

Гала-говур шаҳар - жим, сокин хонадонлар - жим, ялтироқ эшиклар ортида, ҳашамли хоналар ичидан роҳатланиб ўтирган биродарларимиз - раҳбарлар жим. Ўзбек - жим. Ўзбекситон - жим. Нима бало, ҳамма томошабинми? Уларга Абдуллаев керак эмасми?

Ўзбек ўзбекнинг душманими? Наҳотки, шунчаликка етдик? Ахир, мен ким учун....

Жисмидан ҳолсизлик сезди, боши оғриди.

Тунда уйқуси қочди, ухлаёлмади.

Эртасига «Барвиха» санаториясига олиб кетишди. Кетиш олдиндан дала ҳовлисини текшириган гуруҳ пойдевор 5, том 25 санти-

метр баланд күтарилиг, амалдаги қурилиш тартиби бузилғанлигі ҳақидаги актни қолдириб кетиши...

* * *

Америка Құшма Штатларига кетиш муддати аниқ бўлгач, 15 августда санаторийдан чиқди. Абдуллаев 40 кун деганда ўзига келган эди. Шу куниәк Тошкентта қайтиш учун билет олди. Врачлар унинг самолётда учишини тақиқлаб қўйдилар. Баъзан у аёлига ҳазиллашиб:

- Фотимахон, душман душман экан-да, қаранг, уларни менсимиш хато қилибман, - дер эди.

- Нечун?

- Улар мени осмондан ерга тушириши-я, қаранг, энди поездда судралиб юришимга тўғри келади.

- Осмонда юрасизми, ердами, ишқилиб соғ-омон юрсангиз, бўлди.

- Тўғри айтасиз, сёгимда судралиб юрсан-да, уларга бўйсунмайман. Оллоҳ мени ёлғиз яратган, ёлғиз Оллоҳга суннаман, унга эгиламан...

Улар - эр-хотин деярли ҳар куни телефонда таплашиб турдилар. Абдуллаев соғайиб Тошкентта қайтаётганидан Фотимахон шод эди. Кутимаганда... Ҳабиб Абдуллаевни Грановскийдаги шифохонага ётқизишиб. Тағин юрак хуружи. Америка сафари юракда армон бўлиб қолди. У шу ётицича, шифохонадан 2 октябрда чиқди, ҳолбуки, у 2 сентябрда Америкага кетиши керак эди.

* * *

Тошкетта қайтиши билан Абдуллаевни тинч қўйиши мади: Марказкомга чақириб, ишдан кетиш шартини кўндаланг қўйишиб. Уни ишдан олиш учун асосли далил, камчиликларни топиш, кўрсатиш лозим эди. Йиллар давомида Абдуллаев устидан тўплантган айблар, охирида «миллатчи» деган катта «дастак»ка айланди-ю, унинг йўлига ташланди. Ўз аризасига биноан кетмаган Абдуллаевни қандай четлатиш ҳақида ойлаб бош қотиришиб. Академиянинг йиллик мажлисида Абдуллаев маъруза қилди, бажарилган ишларга якун ясади, баҳолади, келгуси йўналишлар дастурини баён этди. Шундай қилиб, 1962 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган умумий мажлис фаннинг келгусидаги катта истиқболини белгилади. Ўзбекистон олимлари ўз соҳалари бўйича аниқ дастурларга, вазифаларга зга эдилар. Улар Абдуллаев мисолида ҳар қандай қийинчилликни енгишга қодир президент борлигидан хурсанд бўлиб, мажлисни якунладилар.

Шу куни уч-түрт дүстлар Абдуллаевни қувончига шерик бўлиб, унинг тўпланишиди. Кеч соат 9 гача ўтиришиди. Академия истиқболи, режалар ҳақида гурунг бўлди. Меҳмонлар тарқалгач, Ҳабиб Муҳамедовични Марказкомга чақиришиди. Аввал Зухра Бобоева қабул қилди, сўнг Титов сұхбатлашиди. Мавзу ўша-ўша:

- Марказий Комитет сизни Академия президентлиги лавозимидан бўшатидни лозим топди, яхшиси ўзингиз ариза беринг... - Мен ўзимга нисбатан қўйилаётган айбларни билмоқчиман...

- Айбларми, қай бирини айтайлик....

Кеч соат 11.00 да Абдуллаевни маҳсус чақирилган Бюро мажлисига олиб киришиди. Тортишиш, танаффуслар билан беш соат-саҳар 4 гача давом этди. Бюорода Ҳабиб Муҳамедовичга учта айб қўйилди: биринчиси - Академия президентлиги вазифасини ўзбошимчалик билан, якка тартибда, жамоа билан ҳисоблашмасдан бажараюпти. иккичи - дала ҳовли қурган, коммунист бўла туриб шахсий мулжчилик кайфиятига берилган, учинч - фақат миллий кадрлар тайёрлаб, ошкора миллатчилик йўлини қўллаб-қувватлади.

Ҳабиб Абдуллаев ўзига қўйилган барча айбларни рад этди:

- Масалани бу тартибда - яширинча эмас, академиклар йигилишига қўйилишини талаб қиласман - деди у.

Тунда, яширинча ўтаётган Бюро мажлисида Абдуллаев ёғиз эди. Уни ҳеч ким қўлламади. Аксинча, унга ташланишиди. Талапди. У бу ерда тўплангани юртдошларига тикилиб бош чайқади:

- Марказқўмнинг шармандали, ҳақоратли йигинида мен ақли расо, бутун одамни кўрмадим. Мен Академия президентлиги лавозимида кетаётганимга эмас, ашаддий шовинист Титов ҳаммангизни ўз ногорасига ўйнатганидан афсусдаман, ачинаман сизларга! Афсус, халқимизни сизларга ишониб бўлмайди. Сизлар ўзбекнинг огирини енгил қилишга ярамайсиз... Сизлар миллатдан йирок, кўрқоқ одамларсиз....

Абдуллаев улар кутган аризани ёзди. Ўз ихтиёридан ташқариди - Бобоева ва бир гуруҳ ношуд, сотқин кимсалар истаган «ихтиёрий кетиш» ҳақидаги ариза эди бу.

Эртасига, 24 январь куни Зухра Бобоева Туркистон ҳарбий оқругининг офицерлар уйида фақат академикларни йигиб Ҳабиб Муҳамедовичнинг аризаси ва Марказий Комитет бюросининг шошилинч қарорини ўқиб эшилтирди. Икки-уч академик Ҳабиб Абдуллаевнинг хизмати, тажрибасини ҳисобга олиб, уни академия Президиуми аъзоси этиб қолдириш ва ўзи ташкил этган Геология институти директори этиб тайинлашини талаб қилишиди. Шунда Зухра Бобоева голибона ўрнидан турди-да:

- Ўртоқлар! - деди. -Мен Марказком Бюроси номидан айтаманки, бундан кейин Ҳабиб Муҳамедовичга лавозим берилмайди, хоҳ-

УСТУН

ласа, у оддий илмий ходим бўлиб ишлайди. Бизда Абдуллаевдек олимлар кўп, улар бундан сўнг қадамларини билиб...

- Нега ундаи дейсиз, Абдуллаев битта...

- Бизда ундайлар кўп эмас....

Залдан якка-ярим овозлар эшитилди.

- Ким бу, тарафдорлар?! - Зуҳра Бобоева уларни кўриб, билиб турса-да, шунчаки пўписа учун сўради. Зал жим бўлиб қолди, қаршилар, норозилар йитди.

1962 йил 24 январь куни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, СССР Олий Совети депутати, Ленин мукофоти лауреати, академик Ҳабиб Абдуллаев ишисиз қолди. Уни ўзбек миллати номидан иш юритувчилар - ўзбекнинг кушандалари Йиқитди: Мельников, Титов, Петров, Зуҳра Бобоева..., - рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Абдуллаев уюштирилган яширин Бюро муҳокамасидан 10 кун ўттач, Москвадаги «Кунцево» касалхонасига тушди. Нечундир бу ерда узоқ ётишни истамади, бир ойдан сўнг Тошкентга қайтди. Уни қадрдан дўстлари академик Халил Раҳматуллин ва рафиқаси Татьяна Самойловна кузатиб қолдилар.

Ҳабиб Абдуллаевнинг Тошкентта келаётганини рафиқаси Фотимахон, дўсти Фани Мавлоновдан бошқа ҳеч ким билмасди. Фани ака дўстининг оиласи Фотимахон, ўрли Рустам, қизи Раънохон билан вокзалга чиқишганда, ҳайрон бўлиб қолишибди, перрон одамга тўла, барни Абдуллаевнинг яқин биродарлари, шогирдлари эди. Ҳабиб Муҳамедович ерга оёқ босиши билан астагина:

- Оллоҳга шукр, - деди. - Қадамим Тошкентта етди, энди армоним йўқ.

Үнинг сўзларини ҳеч ким эшитмади.

* * *

1962 йил 27 марта Абдуллаевни яна стационарта ётқизишибди. Дарди кун сайин оғирлашиб борди. Шу кундан бошлаб, рафиқаси Фотимахон ёнидан жилмади. Уни кўргани Хадича Сулаймонова тез-тез келиб туарди. Яқин дўстлар қадамини узишмади. Шундай бўлса-да, Ҳабиб Абдуллаев ўйчан, мулоҳазали бўлиб қолган, оғир дардни билдирамай, нолимай вужудидаги жамики қийноқлар билан олишиб кун ўтқазмоқда эди. Май ойи ўтиб борар, Абдуллаевнинг иштаҳаси йўқ, доимо кўнгли айниб, қайт қилгиси келарди. У ўзини ҳамиша бардам тутишта уринар, аммо дарди нима билан тугашини билар, бу ҳақида ҳеч кимга, ҳатто хотинига ҳам бир сўз айтмасди.

14 июня «Известия» газетасида СССР Фанлар академиясининг йиллик мажлиси ҳақидаги хабар, академиянинг ҳақиқий аъзолари

ва атъзоликка номзодлар рўйхати эълон қилинди. Ҳабиб Муҳамедович 1958 йилдан бўён СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси эди. Бу гал уни номзоди академикликка қўйилган, сайлов 28 июня белгиланган эди.

Соғ вақтларида бу кунни орзу қилган, куттан эди у. Болалари суюниб хонасига газета олиб киришганда Абдуллаев тўнгич ўғли Пўлатдан хабарни ўқишини сўради. Эшиштач, у жим бўлиб қолди. Болалари, хотинининг кўзи унда, у зса майин табассум билан узоқ сукут сақлади, хаёлга толди. Бир неча дақиқа шу алфозда ўтди Ниҳоят, сукунатни ўзи бузди:

- На чора, дунёдан кетяпман-ку, мени академикликка қўтаришмоқчи. Худди билишгандек, шу ойга тақашганини қаранг, майли, академикликка сайлангандек бўлдим. Менга шунинг ўзи кифоя.

- Нега ундей дейсиз, яхши кунлардан умидвормиз...

- Пўлатжон, ўғлим бу гал ҳам таътилни ташвиш билан ўтказадиган бўлдинг-да, - Абдуллаев хотинининг гапини эшитмагандек нигоҳини фарзандлари томон бурди. Уларга қараб тўймас, худо куч-қувват багишлаб, оёққа турса, ҳар бири билан кучоқлашиб, кўксига маҳкам босиб, согинчини, меҳрини улашгиси бор. Пўлат отасининг дардини ҳис қилган каби қўлини қўлларига олди-да, кафтини силай бошлади. Улар бир-бирини гап-сўзсиз англаб туришар, яна бирордан-сўнг Абдуллаев хонадонининг бор ташвиши, обрўси, масъуллияти тўнгич ўрил зиммасига ўгиши, у ота армонларини сидириб ташлаб, оёққа маҳкам туриши, ўзини илмга, меҳнатга багишлиши зарур эди.

Унинг ишораси билан болалари ташқарига чиқди. Эр-хотин ёлгиз қолишиди.

- Фотимахон, ҳар кун, ҳар соат ғалати ҳолга тушајпман, - деб Абдуллаев туришга ҳаракат қилди. Хотини елкасидан тутиб, орқасига ёстиқ қўйди. - Огриқлар кетди, сизларга қараб тўймаяпман, ҳаммангизни бағримта босгим келади. Сиз бир қадам ёнимдан кетманг.

- Кет десангиз ҳам кетмайман...

- Билсангиз, баъзан узоқ яшагандекман, баъзан умрим кўзочиб юмгунча ўтиб кетгандек туюлади. Ўзимни ўзим саволга тутаман: шунча уриниши, ҳаракатлар шартмиди, гавғолар, жанжаллар нега мени излаб топди? Ҳаммасига жавоб битта: тақдир бу! Ўзини билган, ўзини топган одам - ўзидан кечмайди...

Абдуллаев анчадан бери хотини билан бафуржга гапиролмаган эди. Бугун ўзини енгил ҳис қилди, гаплашгиси келиб, фурсатни ганимат билди. Ҳали кўзи очиқ экан, тирикликнинг бир куни, бир сўзи ҳам ганимат, азиз.

- Фотимахон, азизим ҳеч кимга ёмонлик ўйламадим, баҳилликдан ор қилдим, ўзимни деб билганни қўлидан тутдим. Аммо,

менга чоқ қазиганлар күп бўлди. Барини кечирдим, - Абдуллаев ёстиқни суриб, суюнди, тин олди. - Барини кечирдим..

Аёлнинг юраги безовта урабошлади, сукунти эрининг мардана, айни пайтда оғриқли овози бузар эди.

- Оқ дунёга, чин дунёга покланиб боргим келади. Биламан, са-ноқли кунларим қолди. Йигламанг, яхшиси, эшитинг. Кўзимни юмдим дегунча оқликка, нурга ботаяпман. Танамни сезмайман, назаримда фақат овозим бор, овозимни эшитаман, кўзларим оғирлик қиласди, юмсан, қайта кўзимни очмасам дейман. Оҳ..

- Ҳай-ҳай, дадаси мени қўрқитманг! - Фотимахон учibur турив эрининг қабоқларини силади, бошини кўтарди. - Сиздан ажралгим келмайди, бизни номардларга ташлаб кетасизми... - аёл унисиз йигладиди. Абдуллаев хотинининг бармоқларидан ушлар экан, ўзи билан теппа-тeng дард тортаётган бу аёлга осон эмаслигини тушунар, лекин начора, тақдирнинг рост онларидан кечишнинг иложи ўйқ, ҳар иккиси бу онларни бирга тортишга маҳкум.

- Энди гапираманг, мен кўтаролмайман, чидолмайман, - аёл зорланиб эрига боқди.

- Ҳўп, - деди у. - Лекин сизга гапирамасам, кимга гапираман? Ҳар қанча оғир бўлмасин, мени эшитишинизга тўғри келади. Иссик жон-да... Сўнгги пайтларда, агар согайсам, ҳеч қандай амал, унвонларнинг кераги йўқ, оддий ўқитувчиликка, талабаларим ёнига қайтаман, деб ният қилияпман. Худо шу ниятимга етказса эди. Биласизми, ўқитувчиликнинг гашти хўб бўлакча-да. Тўлқин деган бир студентим бор эди. Кўзларини юмшиб култанида дунёнинг ғами қочиб кетарди, кўп шўх эди. Агар, ўн-ўн беш дақиқа кечиксам, студентларни кинога етакларди. Улар билан фильмлар кўрганман...

Абдуллаев ширин хотиралар билан яшаётган эди. Унинг дардуғами, армони, орзузи хотираларда яшар, сўнгги кунларнинг таянчи, ёруг дунёнинг таянчи хотиралар эди.

Эшикда ҳамшира пайдо бўлди. Фотимахонни имлаб чақирди. Ҳабиб Абдуллаевнинг номзоди академикликка қўйилиши ва СССР Фанлар академиясининг йиллик мажлиси 28 июнга белгиланиши муносабати билан радио, газеталардан мухбирлар келишган, сухбатлашишга изн сўраётган эдилар. Фотимахон ўз ҳолича мухбирларга бир нарса дёёлмасди. Шунинг учун аввал врачларга учради: домланинг руҳиятига қаранг, деб маслаҳат беришди. Бу орада бешолти дақиқа ўтди. Абдуллаев безовталаниб эшикка қарайверди. Хотини кириб келгач:

- Нега мени ёлгиз қолдириб, тез-тез ташқарига чиқасиз? - дея хафа бўлди.

Фотимахон мухбирларнинг хабарини етказди, ниятларини тушунтирди. Абдуллаев тушдан олдин ўғли Пўлатга газета ўқитиб

қай ҳолта тушган бўлса, мухбирлар дарагини эшишиб, яна ўшандай жим бўлиб қолди. Кўзларини бир нуқтага - шифтга тикиб:

- Айтинг, киришмасин, уларга айтадиган гапим йўқ, - деди. - Эндиги савол-жавоб бошқа жойда бўлади. Мени дуо қилинг, ўша жойда тилим рост айлансин, Оллоҳ адаштирмасин...

Фотимахон эрининг умрини узайтирмоқчидек, мухбирларниң келишидан тасалли туйган эди. Эри уларни қабул қилмади, улардан хафадек кўзларини юмб олди. Тўғри, Абдуллаевнинг дарди мухбирларга бегона эди. Улар ўзларининг буюк олимидан ажralаётганидан бехабар, у руҳан кимлар билан олишаётганини билишимас эди. Абдуллаевнинг дарди ичиди, пинҳон, назарида уни тушунадиган бу дунёда йўқ, у юрагидагини ўзи билан олиб кетишга чоғланган, ёнида хотинидан бўлак ҳеч кимни кўришни истамас эди.

* * *

Июннинг ўрталарида Ҳабиб Абдуллаев учинчи марта миокард инфарктини бошидан ўтказди. Шу кеча унинг ёнида ҳамшира Вера Ивановна навбатчилик қилди. У оғриқдан қаттиқ қийналар, ҳамширанинг чиқиб кетишини истар, хотинига имо-ишора билан кўнглидагини тушунтиришга уринарди.

Шу кундан барча қариндош-уруглар, яқинлар эр-хотиннинг ёнида - стационар ҳовлисида кўрпа-тўшак қилиб ётиб олишди. Фотимахон фақат бир кун эрини ёлғиз қолдириб шаҳарга тушди. Унинг зри билан боғлиқ юмушлари кўп эди...

Фотимахон қайтгач, ҳамшира уни ғалати «совға» билан кутиб олди:

- Сиз йўғингизда мана шу гулдастани қолдириб кетишиди, - деди ҳамшира гулдастани узатиб.- Ўзининг кимлигини айтмади, сўрамадим ...

- Нега?

Фотимахон аввалига ажабланди, сўнг кўзларига ёш қуюлди, ҳушидан кетди.

Абдуллаевнинг ўлимини гул билан кутаётганлар ҳам бормиди, улар ким? Улар бунча ошиқмаса?..

Кунлар шу тариқа ўтар, Фотимахон учун кун билан тун фарқсиз бўлиб қолди. У жисмида кечайётган оғир изтиробларни Абдуллаевдан яширишга уринар, кўпинча эрининг оёқ учиди ёки боши томонда ўтириб, жимгина кузатар эди. Бундай пайтларда Абдуллаев:

- Рўпарамга ўтиринг, мендан ўзингизни олиб қочманг, - деб қистар эди. У хотини кечираётган барча ҳис-туйғуларни зийраклик билан кузатар, баъзан далда берар, яқинлашиб келаётган жудоликка аёлинни кунма-кун тайёрлар эди.

Москвадан профессорларни таклиф этишди. Улар уч кун түриб, 16 июнда жүнаб кетиш олдидан Фотима Абдуллаевга:

- Эрингизни мұйъизигана асраб қолиши мүмкін, үзингизни жудоликка тайёрланг, умид қилинг, тақдирнинг марҳамати билан Абдуллаев оёққа турса, кулиб-кулиб әслаб юрасылар, - деб хайрлашишиди.

Улар кеттак, Абдуллаев хотинига тикилиб бир нарса айтмоқчидек, күз узмасди. Аёли ички бир сезги билан унинг нима демоқчилигини сезса-да, үзини хотиржам тутиб, худди сәзмаган каби ўтираверди.

- Азизим, Фотимахон, қараашларимни сезаяпсиз-у, лекин нима демоқчиман, сұрамаяпсиз? - Абдуллаев аёлинни эшитишга ундағы.

- Тақдирнинг марҳаматидан кечикмайлик, эшиting, бу лақзалар ҳам ғанимат. Аслида уч-түрт кун олдин айтишим керак зди. Сизни аядым. Энди ижозат беринг, мәрд бўлинг, сабрли бўлинг, ақлим тиниқлигига сизлар билан видолашай. Аввал Пўлатжонни чақиринг...

Ажал бостириб келгандек Фотимахон даҳшатта тушди, томогига нимадир тиқилгандек гапиролмай қотиб қолди. Отилиб эшикка чиқди-ю, сўрида тизилишиб ўтирган болалари ёнига бориб Пўлатнинг қўлидан тутди. Уни ичкарига киритиб, ўзи қўздан нарироққа ўтиб, йиглади.

Пўлат кирганида отаси шифтга хотиржам боқиб, ўғлининг келишини кутиб ётарди.

- Келдингми, ўғлим, ўтири, - Абдуллаев жисму жони, юраги кўчиб ўтган түнгич ўғлига тикилиб, ич-ичидан шукrona айтди. «Бундай ўғил кимда бор? Ахир у мен-ку?! Ўғилларим бор экан, улар мени енгишолмайди. Ўғилларим номим, ўғилларим умрим...»

Абдуллаев болаларини ҳуда-беҳудага эркалатмас, туйгуларини ошкор этавермас, аммо у фарзандларига оталикнинг буюк меҳрини бера олган ота зди. Пўлатнинг қиёфаси, маъно тўла кўзлари қатъийлиги, үзини тутишиг отасини бир қадар хотиржам қилди. Ўғлига тикилар экан, орзуга қонмаган кўнглиниң бир чети куйган каби, тилинган каби ўртаб кетди. Киши энг суюмли нарсаларини ҳатто, фарзандларини ҳам ташлаб кетади. Фоний дунёнинг азоби, ажралиш азоби шунда.

- Ўғлим, Пўлатжон! Мен сендан хурсандман, кўнглим тўқ! Аҳволимни кўриб турибсан, сен оиласизнинг каттаси, ҳаммасига чидашингга тўгри келади.

Қўрқмай яша, бошингни баланд кўтариб юр. Меҳнатдан қочма, номимга дор бўладиган ишга қўл урма. Билиб қўй: дунёда ҳамиша яхшиликка жой бор...

Ҳозир ҳаммасини тушунмаслигинг мумкин. Эрта бир күн мени засласанг, ота бўлсанг, ўшанда номим сенга кўп иарсалар ҳақида сўзлайди... Бу дунёда Ватан, ҳалқ, ёр-дўст борлитини унутма. Қаерда бўлмагин омон бўл, умринг узоқ бўлсин...

Абдуллаев Пўлатга яна нималарни диди, айтаверди, то кўлоқлари қизиб, пешонасидан тер қуюлганича гапирди. Аслида у кўп сўзламади, назарида сўзлаёттанида еру осмонда вақт тўхтаб, ҳамма жойни сукут қоплади-ю, ўз гапи ўзига таъсир этиб ҳаяжонланди. Пўлатнинг васият эшиштани, унинг жимгина туриши, юрагида қолаётган армонлари, тўй, орзу- ҳавас каби ёруг кунларни ташлаб кетаётгани эзди. Ота-бала видолашар экан, Пўлат отасини маҳкам қучиб, юзларидан ўпди.

Абдуллаев шу тахлит Рустам, Раъно билан видолашди.

Сўнгидаги уччаласини бир жойга йигиб видолашди...

* * *

Эртасига Ҳабиб Абдуллаевнинг огиrlашиб қолганини эшитиб, уни бир назар кўриб қолишга ошиқканларнинг саноги бўлмади. Фани Мавлонов, Мирзаали Муҳаммаджонов, Ҳадича Сулаймоно ва, юзлаб шогирдлар қайта-қайта келиб кўришди. Беморнинг ёнида туриб, Фотимахонга суюнчиқ бўлишди.

16 июня Абдуллаев онасини йўқлади. Бу пайтда хотини Фотимахон ёнида турди. Абдуллаев ҳар қанча қийналмасин, онасини жилмайиб, эркаланаб кутиб олди. Она билан видолашини осонми? Унга мен ўляпман деб айтиш осонми?

- Онажон, - диди Абдуллаев, - қариган чогингда сенга кўп қийин бўладиган бўлди-да. Елғиз ўғлингдан айрилиб қоладиганга ўхшайсан. Сенек онани рози қилиш осонми? Мени вояга етказгунингча не заҳматларни тортмадинг? Отасиз қолган ўғилни катта қилиш осонми? Афсус, сенга хизмат қилолмадим, қарзимни узолмадим, лоақал мириқиб сұхбатингда бўлолмадим.

Эсимни таниганимдан бери иш, ўқиши билан бандман.. Мендан рози бўл, Онажон, ҳали ёш эдим, ҳали сенга хизмат қилишим мумкин эди. Начора, тақдир шуни хоҳлаяпти, сендан ёлвориб сўрайман, жуда заифсан, йиғлаб ўзингни койитма, кўник. Ўғлингдан вақтинча ажralаяпсан, эшияяпсанми, вақтинча... Сен ёлғиз эмассан, қизинг Иноятхон, келининг Фотимахон бор. Набиранг Пўлатжон ҳам йигит бўлиб қолди, ҳадемай менинг ўрнимни босади у. Раъно, Рустам, синглим Иноятхоннинг ўғиллари Баҳодир, Бахтиёр бор, ҳарнечук шунча избосарларим бор, уларнинг шукрини қилгин. Кел, энди, вақтинча хайрлашайлик...

Она-бала бағирлашиб, ўпишиб видолашдилар. Ибохон ая ҳарчанд ўзини босмасин, ҳұнграб йиглади.

19 июнь кеч соат еттидан ошганда хушхабар тарқалди:

- Синглингиз Иноятхоннинг күзи ёриди, қызы күрди, исмини Ҳабибахон қўйишибди, - дея уни эрига етказди Фотимахон.

- Наҳотки,- Абдуллаев қувониб ёстиқдан бош кўтарди. - Хурсандман, жуда хурсандман, умри билан берган бўлсин. Буни қаранг-а, Фотимахон, бир одам дунёдаги кетаман деяпти-ку, иккичиси эса дунёга келса... Мени хурсанд қўлдингиз, бу ерда эшитган энг ҳалол, рост хабарим Ҳабибахон жиянимнинг туғилиши бўлди. Ўзинга шукр худо...

Абдуллаев бошини ёстиққа қўйди-да, хотиржам кўз юмди, бир текис нафас ола бошлиди.

Видолашиш навбати Фотимахонга еттанда, у ўзини олиб қочди, кўнмади:

- Йўқ, сиз ўлмайсиз, сиз бундай жазога лойиқмассиз, - деб йиглар эди у.

Ҳабиб Абдуллаев безовта бўлаверди, у кўнглидагини айтмаса, ором тополмаётган эди.

- Азизим Фотимахон, мени хотиржам бўлишимни истасангиз, сўзларимни эшитинг, - деди Абдуллаев тоқатсизланиб. - Тузалсам, кулиб юаресиз, акси бўлса, ҳали танамда жоним бор экан, юрагим уриб турар экан, сиз ҳақингизда ўйлашига мажбурман. Йигирма икки йиллик иссиқ-совуғим сиз билан кечди. Биргалиқда кўп синовлардан ўтдик... - Фотимахон эрининг васиятни эшитолмади, ўзини унинг бағрига ташлади, елкалари силкинди.. Абдуллаев аёlinи тоқат билан юлатиб, кўнглидагиларни айтди, охирида:

- Сизга ишонаман, ҳолингиздан дўйстлар ачиниб, душманлар хурсанд бўлмасин, бардош беринг, мусибатни мардонга кутинг, - деди. - Эр-хотиннинг бир-биридан рози-ризолик сўраши Оллоҳга ҳам маъқул иш! Мендан рози бўлинг, - секин-аста унинг қўллари бўшашибди, девор томонга қараб ётди. Бироздан сўнг яна кўзини очди:

- Фотимахон, - деди шошилиб, - Сизга сўнгти васиятим бор, буни албатта бажаринг, қарши бўлишларига йўл қўйманг.

Хотини «Нима экан у?» дегандек ярқ этиб қаради.

- Мени коммунистлар мозорига қўйдирманг, иложи бўлса, чеккароқдан жой олинглар, руҳим шод, жисмим тинч ётсин...

Хотини кўзини чирт юмди. Абдуллаевнинг сўнгги лаҳзалари нақадар оғир кечмасин, кўнглида борини аниқ, адашмай айтар, талаб қиласар, юпатар, ўзини номига, ақлига лойиқ тутмоқда эди. «Ўлим ҳам шунчалик ҳисоб-китоблик бўладими» - аёл овозсиз йиглар эди.

...19 июндан 20 июнга ўтар кечаси у ором олиб ухлади. Ярим кечадан ўтиб, тонг саҳарда уйғонди:

- Фотимахон, уйгоқмисиз? - дея сўрар экан, аёлинин уйғоқ кўриб кўнгли хотиржам бўлди.

- Фотимахон, кўраяпсизми, ана улар мен томон келишмоқда, - деди кўзини юмиб.

- Кўзингизни очинг....

- Кўзимни очолмаяпман, уйқу босиб келаяпти, сиз ҳушёрроқ туриңг. Ана, қаранг, улар мени чўмилтиргани келишяпти, - Абдуллаев роҳатланиб керишди. Секин -аста унинг сўзлари ўз руҳига кўчди. Энди у икки дунё ўртасидаги омонат нафаснинг таржимони янглиқ ўз ҳолидан сўзлай бошлади:

- Нарироқ туриңг, улар қочмасин, улар мени чўмилтиргани келишяпти. Нурни кўраяпман, жимир-жимир нур... - Абдуллаев иккинчи бор керишда-да узун «пуф» деди. Вужуди сал чўкди. Лаҳза ўтмай танаси чўзилиб, тўшакда савлат тўкиб ётди.

У кўзларини маҳкам юмтан, гўё ортида қолаётган вафосиз дунёнинг бир варагидан кечиб, фаришталар имлаган сүн томон, фаришталар имлаган нур томонга бош олиб кетган эди.

Фотимахон эрининг сўнгги васиятини бажарди. Ишонган, яқин, садоқатли дўстларга Абдуллаевнинг омонатини етказди. Дастреб мумкин эмасдек туюлган бу юмуш осон кўчди: Чигатой қабристонини кентайтириш учун атрофдаги уйларни бузишаётган экан. Муҳаммад номли чолнинг ярим бузилган ҳовлиси маъқул бўлди. Чолни топиб розилик сўрашди. Унга атаганларини беришиди. Марҳумнинг руҳи тинч бўлиши учун Муҳаммад чолдан фотиҳа олишиди. Чол:

- Бу жойда бола-чақам билан япайдим. - деди. - Бизни йўқлаб келувчилар кўп эди, Оллоҳнинг иродаси билан янги уйга кўчдик. Мингдан-минг розиман, уйим, жойим марҳумларнинг пок руҳига макон бўлди. Оллоҳ буюрса, кунимиз битса, биз ҳам шу тупроққа қайтамиз. Омин, Ҳабибуллони Ўзи раҳматига олсин!

Кетаётисб, чол марҳумнинг яқинларига:

- Ҳеч хижолат бўлмангалар, - деди, - ўлим ҳақ, ўлим хижолатни кўтаролмайди, бу дунёда ҳаммамиз омонатмиз.

* * *

Шундай қилиб, Ҳабибулло Абдулло ўғли коммунистлар мозоридан чекшароқда - Муҳаммад исмли чолнинг ҳовлисига дағы этилди. Бу сана 1962 йил 20 июнь, деб қайд этилди.

2000 йил 31 август,
Тошкент.

РОМАНДАН СҮНГИ ҲИКОЯ ёки тасаввуримдаги Ҳабиб Абдуллаев

1

Баҳор элчилари ўрик шохларига қўнди: шохларда оппоқ бўлиб баҳор очилди.

Ёмғир ювган далаларда майсалар унди: ер ям-яшил либос кийди. Шундай кунларнинг бирида Тошкентнинг Чигатой қабристонига бордим. Марҳумлар ер устида кечётган кўк фаслига, баланд девор ортидаги шошқалоқ сас-садога парвосиз — жим, сокин... Қабрлар турли-туман: дўлпайган, чўккан... Хотира, ёдгорлик лавҳаларида марҳумлар номи, ёди аксланганд. Улуғ бир сокинлик, жимжитлик. Шунда ногоҳ хаёлимдан шундай ўй кечди:

- Агар, Оллоҳ марҳумларга жон ато этса-ю, улар туйқус қабрдан бош кўтарса — Чигатойда одам сигмаса керак. Балки, тириклик чогида бир-бирига саломни раво кўрмаган, умр бўйи қасд, ҳасад кўйида юрган бандалар бугун бир жойга сифиб, бир жойни макон тутишганидан ҳайратга тушсалар керак.

Оллоҳнинг қудрати ила тупроқ ҳаммасини бағрига олди, сидирди.

Бир қарич жой, амал, ном талашганлар, Оллоҳнинг берганига кўнмай ризқ-рўз талашганлар, кенг дунё кўзига тор кўринганлар ёруғ дунёни ташлаб кетди.

Ихтиёр бандасида бўлганида-ку, ҳеч қачон бундай бўлмас эди...

Ўлим ҳақ деймиз-у, аммо, тириклик чогимизда Шайтони лайнелкамизга миниб ҳар кўйга солади. Инсофли, юрагида шукроня яшаган бандасигина ундан узоқ юради, унга қул бўлмайди. Диённатнинг этагидан тутиб, ўзини шафоатга чорлади.

Қабристон одатича, марҳумлар руҳига тиловат багишлаб, Ҳабиб Абдуллаев қабрини зиёрат этдим. Иброҳим Мўминов, Ойбек ҳазратлари пойига бош згиб сукутта толдим. Дунёнинг лаҳзалик умрини юрти, элига беминнат бахшида этган азизлар гўё ердек қудратли, ердек хокисор, мақтовдан узоқ — чин дунё саодати ила машгулдек кўринди. Назаримда руҳлари рост-ёлгон нафаслардан, нафс қутқусига учиб, бандаси таратётган озорлардан чўчиб, биздан баландроқ учиб юргандек эди.

Нарироқда тиловат эштилди: қарадим, лаҳзалик хаёллар тинди, хаёлдан ўзимга қайтдим ва ҳис қилдимки, улардек бўлиш қийин, улар — Ҳабиб Абдуллаев, Ойбек, Иброҳим Мўминов бир келди-ю, кетди!

Омонат тирикликнинг оёқ тираб тортаётган сурбет баҳоналари мени аллақачон ўз гирдобига тортган. Эрку ихтиёrim гирдоб доми-

да, фақат юракнинг бир бурчида - тоза руҳлар кўз ташлаб ўтган жойда қатимдек оғриқ, пушаймонлик, ўқинч яшайди ...

Етим оғриқ мендан шифо тилайди. Ҳис қилиб турибман: вақт етиб руҳим маконига учганида мендан савол сўрайди. Осонми? Шунда ўзимни қўярга жой излайман. Югураман, тўхтайман, ортимда йўл, олдимда йўл...

Тирик бандаси борки, бари йўловчи. Ҳар ким қадами етгунча юради, овози етгунча сас-садо бериб, умрини хотирга ёзиб кетади. Карвон сингари ўтамиз, ўтаверамиз. Лекин, яхшидан ном, яхшидан боғ, яхшидан яхшилик қолади. Яшайди!

2

«Устун»ни ёзиб тугатгач, ўйланиб қолдим: ахир, ёзмаслигим ҳам мумкин эди-ку? Бундай асар ёзиш хаёлимда йўқ эди.

Оқибатнинг умри узоқлигини қарангки, бир пайтлар (1954 й.) Ҳабиб Аблуллаевнинг талабаси, ҳозирда геология-минерология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг раиси лавозимида ишлаган Тўлқин Шоёқубовнинг номини мен қирқ йил давомида эшитмаган, бијмаган, ўзини эса кўрмаган эдим. Тасаввуримда бу ном, бундай одам йўқ эди.

Оқибатнинг умри узоқлигини қарангки, Абдуллаевнинг талабаси, кейинчалик шогирдларидан бири бўлмиш Тўлқин ака ОҚИБАТ мисолида менга Ҳабиб Аблуллаев, Ойбек, Иброҳим Мўминовни қайта танитди, танитишга сабабчи бўлди.

Тўлқин Шоёқубов мисолида мен ОҚИБАТ билан юзлашдим. У менинг имконим, иштиёқим билан ҳисоблашмай фақат ёзишга даъват этди. Баъзан ҳафсаласиалигим кўнглига озор бўлиб қадалсада, тоқат билан кутди: аҳдидан қайтмади, ёз, деди.

У мени (ёзувчини) катта раҳбарларга ҳос буйруқ, шартнома ёки ҳомийлик билан қўрқитмади, ранжитмади, аксинча ИШОНЧ билан мукофотлади!

- Ёзаман! — деган ВАЪДА менини эди.

- Ёзинг! — деган Даъват уники эди.

Ўртамиизда йўқдан бор бўлган ОҚИБАТ кўприк тиклади. Бу кўприкдан биринчи бўлиб, ЯХШИЛИК ўтди, кетидан САВОБ ўтди, БУРЧ ўтди. Шу тахлит ҳеч кимга, ҳеч нимага муҳтојлик сезмайдиган Руҳлар ўтди.

3

Академик Ҳабиб Аблуллаев ҳақида тўпланган ва ҳали ҳам оғиздан-оғизга кўчиб юрган хотиралар шу қадар кўпки, «Устун»ни ёзиш жараёнида иккиланиб қолдим. Буларни маълум бир шаклга

солиб, бадиий ишлов берилса, бир эмас икки роман ҳажмига тенг китоб пайдо бўлади. Бундай зедаликлар аллақачон — 1972 или рус тилида, 1989 или ўзбек тилида тартиб берилиб нашр этилган. Фақат бугина эмас: атоқли олим ҳақида қатор салмоқли мақолалар ёзилган, чоп этилган. Таваллудининг саксон Йиллигига багишлаб (1992) «Фан» нашриётида чоп этилган «Хизр назар қилган олим» рисоласи назаримда, ўқувчилар онгига Ҳабиб Абдуллаев умри-нинг иккинчи фаслини бошлаб берди.

Менинг олдимда икки йўл турарди: биринчиси, тайёр хотира-ларни ўзлаштириб, узуидан-узоқ роман ёзиш; иккинчиси, Абдуллаев шахси, ҳаётини ўрганиб, фаолиятининг маълум бир даврини ўз тасаввурим, идрокимга суюниб тасвирлаш — ёзиш. Мен, ана шу — иккинчи йўлни танладим.

Ҳабиб Абдуллаевнинг шахси-фаолияти адабиётнинг Ватан, Миллат, Озодлик, Мардлик каби эскирмас, боқий мавзулари қаторида туради. Бундай тақдир ижодкорга шубҳасиз эркинлик, имкон эшик-ларини беминнат очади.

Абдуллаев геологияда униб-ўсиб, ўз соҳасидан четга чиққан — тафаккурда илтарила, жасоратда бўй кўрсатган, ном чиқарган, улграйтан ва Шахс даражасига етган олим эди.

Ҳабиб Абдуллаев геология соҳасида эришган ютуқлари билан узоқ вақт давру даврон сурини мумкин эди. У катта-катта амалларда узоқ туриши ҳам мумкин эди. Лекин... Гап ана шу — лекинда! Гап, Абдуллаевни олимликдан Шахс даражасига кўтарилиб, ўз миллати, жалқи - Ўзбек манфаати томонга ўтишида. Ана шу оралиқ — олимлик ва Шахс ўртасида жамики синовлар, қийинчиликлар жамланган. Аввало, Оллоҳ ҳар кимни ҳам бундай синовга ташлайвермайди. Мабодо, ташладими, ул Зот бандасининг номини шон-шарафга лойиқ тутади.

Ҳабиб Абдуллаев қисқа умри давомида улкан ишларни бажарди. Аввало, унинг 7 жилдан иборат илмий асарлари нашир этилди. Геологиянинг турли соҳаларини қамрашга, тушунишга, тадқиқ этишга бағишлиланган бу жилларнинг мазмун мундарижаси, номланишига эътибор беринг:

1-жилдда: 1937-47 йилларда яратилган «Шеелитли скарн конлари»га доир мақолалар;

2-жилдда: «Ўрта Осиёнинг шеелитли скарн конлари геологияси»;

3-жилдда: «Маъданланишинг гранитоид интрузиялари билан генетик боялиқлиги»;

4-жилдда: «Дайкалар ва маъдан»;

5-жилдда: «Ўрта Осиёмагматизми ва маъданни» ҳамда «Маъданли - петрографик провинциялари» номли монографиялари;

УСТУН

6-жилдда: «Маъданшунослик - конларни қидириб топишнинг назарий асоси» дарслиги;

7-жилдда: иқтисод ва тарихта багишланган мақолалари, илмий публицистик асарлари түгланган.

Олим асарларининг рўйхатини санаашдан мақсад — соф илмий кашифиётлар силсиласига мансуб ушбу ном, атама, хулосалар геологиядан йироқ oddий ўқувчи учун оғир тушуниш қийинлигини айтиш. Ҳатто, ёзувчи — мен учун Ҳабиб Абдуллаевнинг илм (геология) билан боғлиқ фаолиятини ёзиш қийин кечди. Унинг машҳур геологлигини кўнглимдагидек ёзолмадим.

- Геология нима? Абдуллаевнинг бу борадаги хизмати, кашифиётлари нимадан иборат? — ана шу саволларга жавоб излаб кўплаб олимлар, Ҳабиб Муҳамедовични таниган, хизматларини эътироф этган кишилар билан суҳбатлашдим.

Аслият

СИНАЛГАН ВА СИЙЛАНГАН ОЛИМ

Иброҳим Ҳамробоев билан (геолог Миролим Аҳмедов ҳамроҳлигиде) хизмат хоналарида учрашганмиз. Домла ниятимизни олдиндан билар эдилар. Шундай қилиб, Ҳ. М. Абдуллаев ҳақидаги хотираларини қоғозга тушириш учун йигилдик... Одатда, улкан ҳаётий тажрибага зга, билимли, унвонли олимлар оддийликка, камтарларликка суюнишади. Домланинг ўзини тутиши ўй-фикрларимга яқин эди.

Бўлажак қаҳрамоним ҳақида хотира, ҳужжатлар тўплаб юрарканман, назаримда Ҳабиб Абдуллаевдан зўр, Абдуллаевдан устун олим йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деган холосага келиб қўйган эдим. Чунки, ёзувчи кимнидир қаҳрамонликка танлар экан, уни юрагига яқин олар экан, унинг бошқалардан кучли, фарқли томонини излайди, бу ҳол табиий, албатта. Шунинг учун ҳам ким билан учрашмай, ким билан гаплашмай, ундан Абдуллаевга хос бирор фазилат-журъат, самимият, юрга, миллатимизга садоқат намуналарини излаганим рост...

Хуллас, юзма-юз ўтиридик, Ҳамробоев:

- Ҳабиб Муҳамедовичнинг бирор мақолалари эълон қилинса, биринчилар қаторида ўқиб, фикримни ошкора айтардим, танқидий фикр билдиришдан тортинимасдим, - дея тўғрисига кўчдилар. Дастреб бундай ошкора сўз юракка бироз қаттиқ тесса-да, аслида ўзини буюк олимга яқин олган, тенг тутган, тан берган олимнинг иқрори эди.

Шу куни ўзбекнинг яна бир катта олими Иброҳим Ҳамробоев Ҳабиб Абдуллаев ҳақида илиқ хотираларни сўзлаб бердилар. Кейинчалик мен ўшлиқ олимнинг таржимаи ҳолига қизиқдим ва иқрор бўлдимки, Совет даврида вояга етган кўплаб олимлар илм йўлида машаққатли қийинчилкларни енгib, чидам ва бардош билан бизнинг кунларгача етиб келишган. Мен Ҳамробоевнинг «Ҳаёт саҳифалари» номли хотиралари билан танишгач, бугун - бизнинг кунлардаги унча-мунча талаба дош беролмайдиган қийинчилкларга домла қандай чидади экан, деб ўйланиб қоламан.

Очлик, юпунлик, бекишилик - булар айтишгагина осон бўлган сўзлар. Бу сўзлар замиридаги, моҳиятидаги юкни ёш Иброҳимгини ўзида синаб кўрди, кўтарди. Ота-онасининг бир оғиз тўғри насиҳатини, пўписасини кўтаролмайдиган баъзи ўшларимиз ўшлиқ икки аллома - Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Ҳамробоевнинг таржимаи ҳоли билан танишсалар, теранроқ билсалар, ўргансалар ўзларига умр бўйи мадад бўлгувчи куч - суюнчиқ топган бўлур

эдилар. Мен ёшларга хос шижиоат, чидам ва мақсад сари интилишнинг самарасини, юксак натижаларини юқоридаги икки олимимиз мисолида кўриб, истаса, интилса, чекинмаса инсоннинг қўлидан кўп эзгу ишлар келишини англадим.

1927 йилнинг қиши фасли: қор босган пахта даласи, гўзапоя ўриш, 6-7 ёшли ўспириннинг совуқдан қақшаб, кўкариб кетган қўллари ни ҳис этасизми?

- Ўшнинг Ўзган шаҳрида саводли кишилар кам эди, - деб эслайди олим. Шундай бир пайтда кўпчилик оиласлар очликдан, совуқдан омон қолиш, жонини асраш ғамида юрганида ёш Иброҳимнинг кўнглида савод чиқариш, ўқиши, илм олиш қаёқдан пайдо бўлди экан? 1927 йил Шўро мактаби очилганида у билан бирга оиласи, ўзидан 10 ёш катта эркаклар ҳам ўқиган. Дарсга шошилаётган ёш Иброҳимнинг совуқдан қотиб қолган этигини улоқтириб, оёқ яланг мактабга юрганини тасаввур этасизми? Бир синфда катта кичик 42 ўқувчи! Агар тақдирга ёазилган бўлса, инсон ҳар қандай машаққатга чидар экан. Баъзан нега Ҳабиб Абдуллаевдек, Иброҳим Ҳамробоевдек инсонлар, олимлар кўп эмас, деб ўйлаб қоламан. Чунки тақдир - Оллоҳ уларни, аввало, меҳнат - машаққат билан синаган ва сийлаган, шунга яраша билим, куч багишилган. Бундайлар ҳамиша камёб, уларга орзу билан, тоза ният билан учрашиш, тиллашиш лозим. Улардан нусха кўчириш мумкин эмас, улар аслиятга агадий содиқ шахслар.

«... уйимизда на дафтар, на китоб бўлган. Мен кўчаларда ётган папирос қутилари ва чой қоғозларини йигиб олиб, шуларга ёдлантан ҳарфларимни телба тескари ёзив юардим» - деб эслайди муаллиф. Баъзан биз кўп нарсани шароит ҳал қиласди, иқтисод ҳал қиласди, деймиз. Агар бу гап мутлақ ҳақ бўлганида, ўшлик икки машҳур олим гирт саводсиз, умри бировларнинг хизматида ўтадиган гарип кишилар бўлиши керак эди-ку?! Йўқ, аксинча, улар етук олим бўлиб етицди, тақдирнинг оғир-енгил ҳукмига бардош бериб, ўзини муносиб туттан шахслардир. Маълумки, шахслар тарихники, тарихни эса авлодлар ўрганади, сабоқ чиқаради, фахрланади...

Иброҳим Ҳамробоевнинг тақдир қитобини ўқир эканман, унда фарзандларимиз учун ҳам илм, ҳам намуна бўлишга арзигулик саҳифалар: чидам, ирода ва шулар натижасида келган ғалабалар тизилиб туради. Тақдир сийламоқчи бўлган кишиларни болаликдан, ёшлиқдан мустақил қадам ташлашга - яшашга ундар экан. Ёш Иброҳимнинг ота-она бағридан узилиб, Тошкентда, Тошкентдан Ўзганда яна Тошкентда кечган ҳаёти фикримга далилдир.

Кўпинча 35-45 ёшлилар (ўзим тенти авлод) нинг фарзандлари ҳақида ўйлайман. Ўғил-қизларимиз биз тотган, қийинчиликлардан

узоқда улгайдилар. (Аслида, бизлар ҳам унча қийинчилек күрмай ўсдик, ўқидик...). Улар ижара уй, стипендияга күнигиб яшаш ёки дарсдан сүнг мардикорчилик қилиб пул топиш азобидан четда турдилар. Орзу ҳавасларимизнинг маҳсули сифатида дунёга келган фарзандларимиз нечукдир биз мұлжалға олган ниятларга яқинлаша олмадилар. Яқинлашиш у ёқда турсин, күплари ўртамиёна, ёрдамга, тиргакка мұхтож, ота-օқасынинг меңнати, номига сұянадиган бўлиб чиқди... Майли, бу муаммонинг таҳлили ўз йўлига-ю, аммо киши илмда, мақсад сары интилишда событ турмаса, меңнатта ошно тутинмаса ора йўлда қолиши аниқ экан.

«Хаёт саҳифалари» да ўсмир Ибрөҳимнинг мустақил қадамлари ҳаққоний тасвирланади. Айтиш жоизки, ушбу асар бадиий түқималардан Йироқ, шундоққина Ибрөҳим Ҳамробоев умрининг қизғин бўлақлари аслича қогозда акслантирилган. «Очарчилик, йўқчилик тамомила аҳолининг тинкасини қурилди. Тирикчилик жуда мушкул бўлиб қолганидан болалар уйига (интернатга) беришиди. Шаҳарда атиги битта интернат бўлиб, у ерга шаҳар аҳолисидан ташқари бошқа юртлардан келган очларнинг болаларини ҳам топширадилар. Булар орасида, айниқса, Украина ва Қозогистонлик болалар кўп бўларди. Уларнинг ичидаги мендан катта – 13-15 ёшли болалар ҳам бор эди. Ёшим атиги 12да бўлса ҳам бошқаларга нисбатан саводлироқ бўлганим учун мени бошлиқ (староста) қилиб қўйишиди...» Ёки: «1933 йил куз пайти. Мен ўқиётган мактабда 7 синф ташкил қилиш учун муаллимлар етишмади. Шу сабабли 6 синфни битирган 2 кишини, мени ва Қарабоев Жўрабойни ўқишини давом эттириш учун Тошкентта жўнатдилар. Бизнинг қўлимиизга тутқазилган йўлланманинг бир ёғига «САГУ», иккинчи томонига эса «САГУ» деб ёзилган экан. Атиги 3-4 сўм пул билан Тошкентта келиб САГУни аранг қидириб топдик. Бу «Ўрта Осиё Коммунистик Университети» дегани экан. Бизнинг қогозимизни кўриб қулишиди:

- Бу ер сизларнинг ота-оналаригиз ўқийдиган жой, - дейишиди. Кейин «САГУ»ни топдик. («Ўрта Осиё Давлат Университети»)

- Бу ерда ўрта мактабни битиргандар ўқийди, - дейишиди ва бизга Наркомросга (Пушкин кўчасига) боришини тавсия этишиди. У ердан бизни Карл Маркс номидаги педагогика техникумига (тайёрлов курсига) йўллашди. Сўроқлаб ўқчи кўчасидаги техникумни топдик. Ётоқхонадан жой беришиди. «Ётоқхона» дегани улкан зал бўлиб, унда 35-40 тача талаба истиқомат қиларкан... Вақт соати келиб, мен бу шум талабаларнинг кўпчилигини ортда қолдирдим...».

Агар эътибор берсангиз, биринчи бўлиши, бошқалардан ўзиб кетиши, олдинда юриш, етаклаш истаги ва бу истакка яраша интилиш, қатъийлик икки ҳамюрт - Ҳабиб Абдуллаев ва Ибрөҳим Ҳамробоев фаолиятида ёшликтан, талабалик давриданоқ яққол кўри-

нади. Юқоридаги мисолларда бўлажак олимнинг феъли, дадиллиги, мустақил қадамлари уфуриб турибди.

Ўқинни, топшириқларни қойил қилиб бажариш, рус тилини ўрганиш, тўгаракларда иштирок этиш - бари-барига улгуарди. Ултургандা ҳам бошқаларга ўрнак бўларли даражада, узоқ Ўзганлик талабаларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаш учун интиларди.

Тақдир ёш Иброҳимга ҳамиша аёвсиз зарбаларини тайёрлаб турди. Шу тахлит у отасидан ажради, эндиғина 32 ёшта кирган онаси ва бирин-кетин яқинларини йўқотди. Аммо, олдинда олис-олис йўллар, ҳаёт аталмиш мураккаб довон, зиналар бор эди. У қоқилмасликка, йиқилмасликка тиришиб иларилайверди... «1938 йил августнинг бошларига келиб ҳужжатларимни топширдим, - деб ўтган куиларини эслайди муаллиф. - Менга Революция скверининг ёнида (ҳозирги Амир Темур хиёбони) жойлашган ётоқхонадан вақтинча жой беришди. Қўйлимга варақа тутқазиши. Унда фақат «Ҳамробоев Иброҳим, геофак, 1938 йил, деб ёзилган эди. Мен шу варақча билан эртаси куни тайёргарликсиз физикадан «4»га топшириб чиқдим».

Орадан 60 йилдан зиёд вақт ўтиби. Бугун Иброҳим Ҳамробоев академик. Машҳур геолог. Шу ўтган йиллар - фасллар қатида нене воқеалар, машиқватли меҳнат, изланишлар ётиби. Биринчи мустақил экспедиция сафари (1941 йилнинг ёзи)дан то бугунгача ўтган фурсат - академик Иброҳим Ҳамробоевнинг фаол умри, бир инсон босиб ўтиши керак бўлган, сир-синоат, тобланишлар, синовлар билан кечган умр. У саҳоват, саҳоватли кишилар ҳақида ёзар экан: «Саҳоват, бу эзгулик. Соҳоват ўз моддий ва маънавий манфаати, тинчлигидан кечиб бирорвга бегараз қилинган яхшиликдир ... ҳаёт йўлимда жуда кўп саҳоватли одамларни учратганиман... Саҳоватлилик хусусида марҳум домламиз Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг олдига тушадиган киши йўқ эди, - деб эътироф этади. - Ўрта Осиё Давлат Университетининг аспиранти эдим. Юртимда эса шу вақтларда етим қолган биттаю битта укам Маҳмуджон оғир моддий аҳволда эди. Домла (Ҳабиб Абдуллаев) мушкултимдан хабардор бўлгач, кўнглимни кўтардилар, шкафидан 1000 сўм олиб менга берди ва Ўзанга бориб укамдан хабар олишимни, керак бўлса ҳужжат (камандировка) ёздириб беришини айтди. Мен унинг ҳузуридан зўр миннатдорчиллик туйгуси билан чиқдим ...»

Ҳа, саҳоват қалбга тегишли-қалбнинг мулки, у қалбдан-қалбга кўчади, тез таъсир қиласди, ёдда қолади.

«Табиатан саҳий бўлган бу шахснинг (Ҳабиб Абдуллаевнинг - Р.Раупов) ... 50-60 йилларда имкониятлари зўр эди. Домла:

- Бир кўчада тўртта идорам бор! - деб мамнуният билан гапи-рардилар ... - Шу бешта сўз - тугал битта гапда Ҳабиб Абдуллаев -

ўзбекнинг мард ўглонининг феъли, ғурури, ўзига ярашиб турган эркалиги билиниб турибди... - Ҳақиқатан ҳам мўжазгина Абдулла Тўқай кўчасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президиуми (унда Абдуллаев - вице президент лавозимида), шу бинонинг ўзида Геология институти - унда директор, нарироқда Министрлар кенгаши биносида у Госплан раиси ва Министрлар Совети раисининг ўринбосари эди. Шу боис домла қаёққа қўл узатса етарди ва бу имкониятлардан эзгу ишлари учун кенг фойдаланаарди ..., - нақадар ажойиб тариф, чин эътироф ...

- 1992 йили домламиз таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан мустақил Ўзбекистон ҳукумати томонидан олтин медаль таъсис қилинди. Медалнинг бир ёғига домланинг сиймоси қабартириб туширилган, орқасига эса «Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга олиб қелтан улкан илмий ютуқлари учун» деб ёзилган эди. Биринчи бор бу нишонга каминангиз муносаби тоғилиб, уни Президентимиз И.А.Каримов Навоий театри залида ўзқўллари билан тақиб қўйган эдилар».

Дунё кўпинча биз бандаси ўйлаганидан, тушунганидан кўра бошқачароқ - ҳам мураккаб, ҳам содда, теран, мазмун моҳиятта бой, кент, кечиримли, мард ва адолатлидир. Аммо, биз бундайлигини вақтида англамаймиз, теранроқ тушунишга ожизлик қиласмиз, тугал англашга эса кўпинча майдаликлар, ожизликлар монетик қиласди. Жуда қизиқда: деярли бир вақт, бир замонда яшаб, ҳамюрт, ҳамкасб, ҳамфир бўлган икки инсон, бири иккинчиси номига таъсис этилган мукофот - олтин медальни кўксига шараф билан тақса, бундан мамнун эканлигини қувонч билан эътироф этса қандай яхши! Икки олим, икки ҳамкасб ўртасидаги ҳамкорлик, ҳиммат узликсиз давом этса ... Буни Иброҳим Ҳамробоев холис зслайдилар: «1954 йилда Ҳ.М.Абдуллаев ва «Ўзбекзолото» ташкилоти бошлиги Ж.В. Абуев билан биргаликда шимолий Нуратовда текшириш бошланган Чармитон ва бошقا олтин конлари (Ақчоп. Устук, Симтоб)ни кўриш учун бордик ... Ўша йилнинг охирида Ҳ.М.Абдуллаевнинг таклифи билан Москвага докторантурага кетдим. 1956 йилнинг кузиди докторлик диссертациясини муддатидан 3 ой олдин топширдим ва 1957 йилнинг май ойида ёқладим».

Ёки: «... домламиз Ҳ.М.Абдуллаев устидан уюштирилган илмий мунозара (тортишув)да иштирок қилдим ва мухолифларимизга сезиларли зарба бердик. Бу мунозара Ҳ.М.Абдуллаевнинг устидан (уни ийқитиш ниятида) уюштирилган охирги «илмий» мунозара эди. Бундан олдин ҳам, 1951 йилнинг бошидан турли мунозаралар, мұжокама ва «хатлар» уюштирилиб, улар, айниқса, домланинг амалларидан кеттанидан сўнг авж олдириган эди. Улар домланинг аввал миллатчиликда айблашди; сўнгра чет эл мафкурасини бизнинг

фанимиизда тарғиб қилишда, ҳатто плагиатликда ва охир асарларыда жиiddий назарий нұқсанлар борлигиде айблашды. Бу воқеалар О.М.Акрамхұжаевнинг «Ҳаёт сабоқлари» китобида ҳам ёритилген».

Шундай хотираларнинг сұнгиси, айниқса, таъсирли: «Ұша зерттегі учинчи йилнинг август ойи охирларыда Ҳ.М.Абдуллаев билан Ҳисор төгларига бордик, чунки домла ўзининг аспиранти Сұннатилло Бобохұжаевнинг далада ўтказған тадқиқтлари билан танищмоқчы бўлдилар. У вақтлар домла кўп амалларидан бўшаб қолган ва фақат академиянинг геология бўлимими ҳамда Тошкент Политехника Институтининг петрология ва металлогения кафедрасини бошқарадилар. Шу сабабли илмий ишлар билан бевосита шүғулланиш имконияти ошган ҳамда унинг атрофини ўраб юрадиган шахслар анча сийраклашиб қолган эди... Биз Варзобнинг чап ирмоги Такоб водийсига жўнаб кетдик. Сұннатиллонинг диссертация мавзуси шу район бўйича эди.. Сой бўйидаги толлар соясида ўлтириб тушлик қилдик ва ... ҳозиргина кўрган кон белгиларини муҳокама қилдик ... Домла ёнбошлаб олиб кулимсираб ўтирас, баъзи баъзида ёхуд бирортамизга кинояомуз луқма ташлаб қўярди. Сўнг нигоҳини самога тикиб жим қоларди.

Осмонда ёлғиз бургут парвоз қиласарди... Ҳисор төгларининг узоқ-узоқдаги кулранг ўркачи кўринарди. Бу төгларнинг арасимон чўққилари феруза ранг осмонга қадалганадай ... Домла (Ҳабиб Абдуллаев) бироз мудрагандай бўлдилар, биз унинг олдида ёнбошлашни ўзимизга эп кўрмай, секин-аста сұхbatлашиб ўтирдик...»

Болалик хотираларидан бошланган «Ҳаёт саҳифалари» китоби Ҳабиб Абдуллаевнинг мураккаб ҳолати, кечинмалари, ич-ичидан ёлғизлик, тушкун кайфияти билан якун топади. Домла Ҳамробоев Абдуллаевнинг оғир дамларидаги ҳолатини ҳалол, моҳирона тасвирлайди.

Буюклар ўлмайди, деган гап нақадар рост. Иброҳим Ҳамробоевнинг юқоридаги тасвирини такрор кўчирман:

- Домла бироз мудрагандай бўлдилар ...

Ҳа, домла Ҳабиб Абдуллаев ўлмаган, унинг ёнида ёнбошлашни ўзига эп кўрмаган содиқ яқинлари, қадрига етадиган шогирдлари бор экан, у абадий тирик. Ҳабиб Абдуллаев сиймосини кўксига тақиб, хотирасини қалбida асраб-авайлаб, йиллардан- йилларга соғ-омон олиб ўтган Иброҳим Ҳамробоевдек забардаст геологлар бор экан,adolatnинг умри боқий, қўли узун бўлажак.

2001 йил 9 февраль, Тошкент

ҚҰЛ ЕТМАС ЧҮККИ..

Тұрабек ДОЛИМОВ - академик, ТошДУ ректори,
(1996 йил январь ойида сұхбатлашдым).

- Ҳабиб Мұхамедович атиги 49 йил умр күрдилар. Геология тарихининг охирги 50 йилигінің олиб күрсак, унда бармоқ билан санайдыған сиймолар борлығы маълум бўлади. Шулардан бири Ҳабиб Абдуллаевдир.

Одатда биз геология деганда дала, ТОҒ ёки саҳрони болға билан кезадиган кишини тущунамиз, тасаввур қиласыз. Ҳабиб Мұхамедович ана шу кўнишка - тущунчага ҳеч қачон тўғри келмайдиган геолог. Биринчидан, домла жуда катта назариётчи. Оловсимон эритманни ўз-ўзидан рудага мутахассислиги (маъданларни ўзидан чиқариши)ни домла асослаб бердилар.

Қизиги шундаки, 1947 йилдан бўён ярим аср вақт ўтди. Олинган натижалар олтин, рух, мисга нисбатан ва деярли барча элементларга нисбатан ҳақиқат бўлиб чиқди. Ваҳоланки, домла буни вольфрам мисолида асослаб берган эдилар. Агар биз шу соҳа, яъни Абдуллаев асос солған металлогения фанига тааллуқли журнал, китоб ёки ёзилаётган ҳар бир мақолани кўрадиган бўлсак, муаллифлар Ҳабиб Абдуллаевни биринчи бўлиб тилга олишади. Домла ҳақида гапирганд (билишин истаган ўқувчига) тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун Абдуллаевнинг фанга қўшган ҳиссасини кўра билиш керак. Абдуллаев дунё фанига қўшган ҳиссаси бўйича Улугбек билан тент турадиган, Форобий билан бўйлашадиган олим. Шунинг учун ҳам 1958-60 йилларда домланинг китоблари бир неча тилларга кетма-кет таржима қилинib дунёга тарқалди. Бутун дунё геологлари Абдуллаев кашфиётини ҳайрат ва қизиқиш билан қабул қилди, ўрганди...

Биз буни ҳалигача чуқурроқ тасаввур қилолмаймиз. Масалан, мен мутахассис сифатида энди-эндигина қашфиётдаги айrim фикрларни тушина боғладим. Масалан, домланинг 1961 йили нашр этилган «Ўрта Осиёning магматик жараёнлари ва рудаланиши» деган китоблари бор. Унда шундай дейилади: тектоник жараёнлар каскад сифатида - зинапояга ўхшаб ривожланади, яъни шимолдан жанубга қараб ривожланади.

Бу фикр 1970-80 йилларга келиб исботини топди. Ваҳоланки, буни Ҳабиб Абдуллаев 1961 йили бир нечта хариталарда ниҳоятда аниқ, чиройли қилиб кўрсатиб кетганлар.

Ҳабиб Абдуллаевни фақат металлогенист деб ҳам бўлмайди. Абдуллаев геологиянинг жуда кенг соҳаларида фаолият кўрсатган ва катта галабаларга эришган олим эдилар. Яна бир жиҳатлари домла жуда мард инсон бўлганлар. Шундай бир мақолаларини эслайман. Узоқ вақт Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган, деган ёлғон фикр илгари сурилди. Абдуллаевнинг ана шу соҳталика нисбатан ўз жавоблари бор. Юқорида эслаганим, ушбу мақола «Правда Востока» газетасида чоп этилган. Домла айтганларки, агар. Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий осонтина қўшилган бўлса, Кўктепадаги 15 минг туркман йигити нима бўлади, Зирабулоқдаги жанглар нима бўлади, Тошкент атрофидаги жанглар-чи, бунга нима дейсиз? Тарихни соҳталаштиришини қўяйлик-да, тўғрисини айтайлик:

- Ўрта Осиё Россия империяси томонидан забт этилган...

- Мана, энди, Ражаббой ука, бир тасаввур қилинг. Сиз ёзувчизиз, олтмишинчи йилларда (1959-60) қайси бир олим юқоридаги гапни матбуотда журъат билан айта олган? Худди шу вақтда Ҳабиб Абдуллаев академиянинг президенти эдилар. Ҳис қиляпсизми? Лавозим учун, курси учун безовта бўлган олим шу гапни гапира оладими, нафақат гапириш, ёзиш, ҳимоя қила оладими?

- Йўқ, имони бутун, жасоратли деб шундай кишиларга нисбатан айтилади...

- Баракалла! Шу биргина мисолнинг ўзиёқ Абдуллаевнинг кимлигини айтиб турибди.

- Эътиқодсиз, қўрқоқ, миллатини севмаган киши бундай юқсанакликка кўтарилолмайди...

- Яшанг! Жасоратли деган сўз Ҳабиб Абдуллаевга ўхшаган, миллатпарвар, юртпарвар кишиларга нақадар ярашади!

Биз тениги авлод Ҳабиб Абдуллаевга невара шогирд ҳисобланамиз. Аммо, у кишини яқиндан таниган, бирга ишлашган кишилар, ажойиб феъли, тантилиги ҳақида гапириб юрадилар. Геологлар орасида, бошқа соҳаларда ҳам бундай кишилар кўп...

Яна бир мисол: устозлари Алексей Васильевич Королев билан Ҳабиб Мұхамедович Абдуллаевнинг йўналишлари тўғри келмаган, икквлари икки томонда туриштан. Аммо, Королев Ўзбекистон Фанлар академиясига сайланиш пайтида, домла:

- Королев, албатта, сайланishi керак, шу одам сайланмаса, ким сайланади? — деб уни вижданан, ҳалол қўллаган. Аммо, кейинчалик Королев ўз атрофига бир қанча тарафдорларни йигиб, Абдуллаевга қарши турди, тош отди. Жумладан, русларни ҳайдајпти, уларни мажбуран кетказаяпти, руслар ишсиз қолаяпти, деган айблар билан қуролланиб, домлага ташланишди...

Назаримда, Ҳабиб Абдуллаевга ўхшаган буюк, мард одамлар

дунёга бир марта келади, иккинчи бор Абдуллаев пайдо бўлмайди. (Албатта, авлодлар ривожланади, янгиланади, давом этади, яна буюқ олимлар, ватанпарвар шахслар тугилади, вояга етади – аммо, уларнинг ўз номи, ўз даври бўлади). Кўпинча студентлар, аспирантлар билан гаплашганимда бир нарсани таъкидлайман:

- Ҳабиб Абдуллаев бевосита кон очмаган, аммо биз шу вақтга – олим назариясидан фойдаланиб келяпмиз. Ўзбекистондек кичик бир ҳудудда нега кон кўп? Чунки, ўша 1960 йилларда қабул қилинган, – Ҳабиб Муҳамедович томонидан қабул қилинган, киритилган назария ўзининг мевасини ҳозиргача бериб келяпти. Чотқол, Қурама тоғларида 1960 йилнинг ўрталаридан бошлаб 70 йилгача қатор йирик олтин конлари пайдо бўлди. Буларниң бари домла назариясининг бевосита йўналиши, ҳосили ҳисобланади.

Кўчбулоқ, Қизилолма, Супатош, — булар ҳаммаси олим назариясининг меваларидир. Булар ҳаммаси магма билан руданинг баглиқлигига таяниб қидирилган ва очилган конлардир. Геологияда назария бўлмаса, ҳеч қачон олдинга силжини мумкин эмас, кон ўз-ӯзидан очилмайди. Ҳабиб Абдуллаев конлар очилишининг пойдеворини яратди. Нафақат бизда, олимнинг гоялларига багишиланган илмий конференциялар сабиқ Иттифоқда ҳозиргача ўтиб келяпти. Владивостокдаги Тинч океан атрофи металлогенияси, Хабаровскдаги Узоқ Шарқка багишиланган конференция, деярли ҳар йили МДУда ўтадиган «Магма ва рудаланиш» мавзусидаги конференцияларни эслаш жоиз. Ушбу йигинларда биринчи бўлиб айтиладиган гап:

- Булар Ҳабиб Муҳамедович қилган ишлар, биз эса, мана бу қисмини ишлаймиз...

Абдуллаев ишларининг кўпгина томонлари ҳали очилмаган, ҳар йили бу улкан олимнинг янги қирралари топилияпти. Абдуллаев назарияси яратилгандан кейин геологияда янги атамалар пайдо бўлди. Биринчиси – рудаланиш, русчасига – рудоносность. Домлардан олдин бу атама ишлатилмасди.

Бу сўзни Абдуллаев биринчи бўлиб киритган: яъни магманинг маъдан туғиш қобилияти. Шунинг учун ҳам домла магмани иккига бўлади – руда тута олдиган ва руда ҳосил қилмайдиган.

Домланинг ҳар бир жумласини, ҳар бир саҳифасини юз, икки юз марта қалам билан чизиб ўқиганман. Домла ҳар битта сўз, жумлада жуда чуқур маъно жойлайди. Уни ҳар ким ҳам бир ўқишида тушунавермайди, мураккаб.

Яна бир гап: Ҳабиб Абдуллаев қилиши, бажариши мумкин бўлган жуда кўп ишни қишлоғмай, улгуролмай кетди. Бунга шафқатсиз тақдир деймиэм ёки хусумат, унинг жасоратли қадами, сўзини кўролмайдиганлар сабаб бўлди. Масалан, домланинг вафотидан сўнг чоп этилган икки китоби — биринчиси: Ўрта Осиё маг-

матик жараёнларини умумлаштириш, иккинчиси, дунё провинцияларини умумлаштириш.

Абдуллаевдан кейин улубу ишларни ҳеч ким домла даражасига чиқазолмади. Афсус, бундай улкан ишлар Ҳабиб Мұхамедовичдан қолиб кетди...

Раҳматли саксон түрт ёшли академик Д.С.Коржинскийнинг бир гапи бўларди:

- Ҳабиб—это как вершина! Бывает такие вершины, которых не взмесь. На него можно смотреть, а забраться туда уже нельзя. Математиклар буни «неулучшаемый результат» дейишади.

Ҳайратланарлиси, Ҳабиб Мұхамедовичнинг жаҳон фани йўналишига қўшган ҳиссасини ҳали бир неча авлод қўшолмайди. Домланинг бўй-бастини ана шу мезон билан қиёсласангиз, уни тўлалигича англаш мумкин бўлади. Катта-катта институтлар тузиш мумкин, академияда бир нечта институтлар ишлаши мумкин, аммо, эришилган натижага қараб, баҳо берадиган бўлсак, Абдуллаев жуда юксакка кўтарилиган.

Собиқ Иттифоқдаги катта шаҳарларда металлогения бўлими бор. Металлогения асосини ким яратган? Ҳабиб Мұхамедович яратган. Буни ҳеч ким инкор қилмайди, қилолмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 1950-60 йилларда ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг обрўсини кўтариш, ўзбек деган номни дунёга танитиш Ҳабиб Абдуллаевнинг номи билан боғланди.

Ҳабиб Абдуллаев металлогения — металларнинг келиб чиқишига оид фанни чўққига чиқарди. Шунга қарамай...

Анатолий Васильевич Бетехтининг:

- Шу вақтгача биз металларнинг келиб чиқишини билмаймизми? — деган жуда заҳархана гапи бор. Бу киноя вақтида катта баҳс, мунозарага айланган эди.

Ҳабиб Мұхамедович, Анатолий Васильевичга ҳурмат билан:

- Кимё нуқтаи назаридан металлнинг келиб чиқишини-ку, билармиз, аммо, металл ер қобигида қандай ҳосил бўлади, гап шундай! — деб жавоб беради.

Шеҳтман, Пуркин ва бошқа олимларнинг методик усули бўларди: домладан уч-тўрт қатор цитата (кўчирма) олардилар-да, танқид қиласардилар. Домла эса улар танқид қилган матнни тўла келтириб, муносаб жавоб берар ва рақибларини баҳсда ҳалол енгиги чиқарди. Абдуллаевнинг рақибларига аралашиб қолганлардан бири Сергей Дмитриевич Туровский, Фрунзе шаҳрида – Қирғизистонда

* «Дунё руда - петрографик провинцияларини классификация қилиш принциплари».

яшар эди. Домла унга ҳам муносиб жавоб берган. (Шунда Сергей Дмитриевич Абдуллаевдан узр сўрайди...)

Васильковскийнинг «Геология Азии» номли охирги китоби бор: ўлими олдидан чол этилган. Шу китобда у: «Мен Марказий Осиё геологиясини Ҳабиб Муҳамедовичдан олдим», — деб ёзади. Йўқса, шунча манба, шунча харита турибди. Бу ҳам буюк олимни четлаб ўтломаслик, уни тан олиш, зътироф этишга киради.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг олгак натижалари йил сайин тасдиқланиб боравергач, у киши ишлаб чиққан назария мумтоз геология нинг катта — асосий қисмига айланди. Шунинг учун металлогения барча дарслик, кўрсаткичларда маҳсус боб бўлиб киради.

«Геология полезных ископаемых»^{*} номли китоб ўқув дастурларига киритилган, ўзимизда, МДУ 5-босқич студентлари учун ҳам ўқув қўлланмаси ҳисобланади.

Хулоса: Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти, шахси, унинг жаҳон фанига қўшган ҳиссасини ўрганиш, ёзиш — ўзини шунга лойиқ, муносиб билга, журъатли ёзувчи учун бир умрлик иш! Агар, бу иш уддаланса, нафақат геология, балки адабиёт, тарих ва бошқа фанлар ривожига ҳисса қўшган олимларимизнинг хизматлари мустақиллик ёшлирига — фарзандларимизга холис етказилган бўлар эди. Бунингдек, сабоқ бўларли ишга ватанимиз — Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биринчи бўлиб қўл урган экансиз, Сизга:

- Хайрли, жуда эзгу иш бошлабсиз, деб айтаман ва Сизга гала-ба тилайман.

* «Фойдали қазилмалар геологияси».

ҲАБИБГА ЎХШАГАНЛАР КАМ ЭДИ...

Иzzат СУЛТОН - Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, атоқли адабиётшунос, драматург (27 сентябрь 1995 йилда Иzzат Отахоновичнинг уйларида сұхбатлашдик).

* * *

- Ҳабибнинг йўлида хатар кўп эди. Аммо, Ҳабиб йўлини билар, топар эди. Унинг йигитларимизни Киевга юбориши органларга ёқмасди, чунки Киевда миллий руҳ бор эди. Ҳабибнинг бир хусусияти — у майда-чўйдада ўзини баланд тутарди. Юқорига гапини ўтказа оларди. Айтадимки:

- Сизни Москваага қулча олиб кел, - деб юборишади. Сиз эса кичкінгой қулча ўрнига Патир олиб келасиз.

- Йўли бор, - деярди у...

* * *

- Ҳабибга ўхшаганлар кам эди. Ёсангиз, Ўшга алоҳида эътибор беринг. Ўш алоҳида шахсларни тарбиялайдиган жой. Нега десангиз, мусулмонлар назарида Ўш — Маккай Ажам — муқаддас жой. Авлиёлар, пирлар, шайхлар макони. Бутув бир маҳалладан иборат шайхлар яшагав. Ўш афсонавий шаҳар. Айтишадики. Одам Ато кўш ҳайдаётанида, бир жойга етиб, «хў-ўш» деб бурилган экан, шу жойдан бошлаб Ўш пайдо бўлган... Ёки айтайлик, Ўшда Жаннатариқ бор...

* * *

- Ҳабибни идеаллаштироқчи эмасман. Ҳамма қатори унда ҳам камчиликлар, биздаги камчиликлар бор эди. Аммо, унда бизга нисбатан ФАЗИЛАТ кўп эди. Англайсизми, фарқимиз шунда! Ҳабиб жасоратли эди.

У кадрларни танлаб, топиб билар эди.

У танлаган кадрини ҳар қандай шароитда (агар у тубан кетмаган бўлса, юрти, миллатига хиёнат қилмаган бўлса) ҳимоя қила оларди. Хуллас, у миллий кадрларни руёбга чиқара оларди.

Шунинг учув Ҳабибни Москвадан келган раҳбарлар ёмон кўрарди, уни йўқ қилишга тайёр эдилар. Ҳабибни ашаддий миллатчи деб билишпарди. Аслида эса Ҳабиб миллатчи эмас — миллатпарвар эди. У ўз миллатини бошқа миллатта қарши қўйган эмас, аммо у

ўз миллатини хор қилишларига йўл қўймас эди. Бунга бутун куч-қуввати, заковати билан қарши эди. Ҳақиқий миллатпарвар деганда, Ҳабибнинг сиймоси қайта-қайта кўз ўнгимдан ўтаверали.

- Ишдан олинишнинг сабаблари нимада, дейсизми? Бунга сабаб, ҳали юқорида айтганларим. Яна бир сабаб: Ҳабиб қисқа муддатда Москва, Киев, Ленинград каби шаҳарларга ўзбеклардан жуда кўп (400 дан ошиқ) аспирантларни юборди. Юқори нима деркин, деб иккиланиб ё қўрқиб ўтирамади.

- Сиз, мулла Ражаббой, ёзувчи сифатида бир нарсани теран англашингиз лозим. Ўша вақтда Кремлдан қўйиладиган иккинчи секретарларнинг асосий иши, вазифаси — ўзбек халқидан етишган кадрлар руслаштиришга (русификатр) қўшилса, шунга кўнса, чидаса - йўл бериш, қаршилик кўрсатса — йўқотиш бўлган. Улар шу йўл билан халқимизнинг кўплаб асл фарзандларининг бошига етдилар. Униб-ўсишига йўл қўймадилар.

Масалан, Ойбекнинг бошига тушга кулфатларга сабаб нима эди?

Ойбек руслаштиришга ҳам, Сталин диктатурасига ҳам қарши эди. Биз буни яхши биламиз. У бизга бу ҳақида кўп гапирган. Шунинг учун Ойбекни қийнаб-қийнаб, охири изходий издан чиқаришди.

Бу ишда, айниқса, органлар катта рол ўйнади. Ўзимдан бир мисол айтайми?

- Айтинг домла, бугун биз билишимиз, эшитишимиз керак бўлган рост гапларни Сиз айтмасангиз ким айтади, бугун айтмасангиз, эртага...

- «Навоий» тайёр бўлгач, комиссия келди. Қабул комиссиясида биламизки, албатта, органларнинг одами бўлади.

Кимлигини биламиз...

Кимга хизмат қилиши ҳам бизга маълум. Шулардан биттаси «Навоий»ни қўйилишига қаттиқ қаршилик қилди. Шу одамнинг гапи ўтди.

- Ўша одамнинг номини айттолмайсизми?

- Энди ўлиб кетган одам, номини тилга олмайлик. Биз 5 май 1945 йилда гаплашаштган бўлсак, 15 майда премьера эълон қилинган, шунга қарамай шу одамнинг гапи билан спектакль ман қилинди. Нима қилиш керак?

Усмон Юсуповга вазиятни тушунтирдим, унинг рухсатини олдим, спектакль қўйилди. Кўп ҳолларда Усмон ака биринчиликни сақларди. Унинг ёнидаги иккинчи секретарлар – иккинчи секретарь эди. Кейинчалик улар биринчи бўлиб олди.

Тушунинг, биринчилликни сақлаш осон бўлмаган. Усмон ака мен билан бир сухбатда шундай деган эди (у русча гапирди):

- Узбекский народ в дальнейшим будет развиваться под крылошком великого русского народа. Ким шу гагга қарши бўлса, у менинг душманим. Лекин, шунга қарамай, кимки, ўзбек халқига зигирча озор етказадиган бўлса, ўттиз иккита тишини сугуриб оламан!

У ҳеч ким йўгида, ўзимиз холи ўтирганимизда шундай гапларни айтар, гувоҳсиз гапирар эди. У ҳеч қачон бироннинг олдида, бетоналар олдида бундай гап гапирмаган. Шундан билардимки, сиёсат билан, улар билан ҳисоблашмаслик, ниҳоятда эҳтиёт бўлмаслик мумкин эмас... Эҳтиёткорликми, қўрқишми бу — билмадим, лекин Усмон ака ҳар доим гувоҳларсиз гапирар эди.

Ҳаммамиз шу руҳда тарбияланганимиз. Юқоридан тазиик, бўлаётганини, Кремлдан бизга паст назар билан қарашаётганини билаб турад эдик. Бир кун бошимиз кетишини ҳам билардик.

Яна бир мисол: «Горький» театрида Островскийнинг юбилейини ўtkазаётган эдик. Мен маърузачи эдим. Ўн минут маъруза қилдим. Шароф Рашидов ҳам қатнашаётган эди. Маърузам рус зиёлиларига, Рашидовга ҳам ёқди. Хачатуров деган артист минбарга чиқиб айтди:

- Островский ҳақида, ҳатто рус кишиси бунчалик аниқ, қисқа, теран маъруза қилолмайди! — зални чапак босди.

Албатта, бу гап мен учун мақтov эди. Бу гапни эштиш мен учун, атрофимдаги ўзбек зиёлилари учун ёқимли эди. Аммо, айни шу гап органларга ёқмабди. Шуниси ажабки, зартасига агентлардан биттаси ёнимга келиб:

- Иzzат ака, кечаги гап уларга ёқмабди, энди Сиз русларга қарши сўз айтасиз, мен ёзib оламан, улар менга шундай буйруқ беришди, талаб қилишяпти, - деб айтди.

- Домла, ўша одамни эслайсизми?

- Албатта-да! Аммо, номини айтмайлик. Ўзимнинг шогирдим, ўзим раҳбарлигимда фан номзоди, доктор бўлган. Қўяпсизми, бу қандай муносабат?! Улар бу гапни мендан яшиrolмайди, мента хоинлик қилолмайди, лекин хўжайинларидан ҳам қўрқади, айтганини бажаради, этагида юради.

- Ҳабиб Абдуллаевни ўзимиздан унган хоинлар бошига етган, деб эшитганман. Уларнинг айёрлиги шундаки, хоинларни бир-бининг «думи»га боғлаб қўйишган. Домла, ўшанда жуда ўнгайсиз, айтиш мумкинки, қийин вазиятга тушган бўлсангиз керак. Назаримда, айбизз айборгра ўхшаб қоляпсиз.

- Нимасини айтасиз, у дедики «Кечаги маърузангизнинг таъсирини йўқотадиган бир гап керак. Бундай мушкул вазифани бажа-

риши менинг зиммамга түшди, бажармасак, ҳолимга вой! - бола бечора қаршимда мұлтираб турибди. Үнга:

- Майли, үйлаб құраман, - дедим-у, машинасига ўтиридим. Үнинг машинаси бор эди. Үйга кеткіпмиз, биламан унинг яширинча ёзадиган аппарати бор.

- Барака топтур, шу аппаратингизни бекитиб, ўчириб қўйинг. ўзимизнинг қўлбола қулоқ ҳам етади, - дедим-да, то уйга етгунча русларни ёмонладим.

(Суҳбатимиз шу жойга етганда домла Иззат Султон ҳам, мен ҳам беихтиёр қулиб юбордик).

- Кимдан бошладим, денг? Чеховдан! Чеховни буюк адид дейишиади, нимаси буюк унинг? Икир-чикир, майда, шунчаки гапларни ёзган, деб Чеховни «чишпак»ка чиқардим Аммо, ўзим Чеховни жуда яхши құраман, ҳатто үнга тақлид қиласман. Бир нарса дейиш керак эди-да, үнга. Чунки уни қутқариш керак...

-Бечора шогирд, агентта ҳам кўп қийин бўлти-да, уни тушуниш мушкул... Ёзмаса бўлмайдиган мисол экан, бу.

-У бунчалигини кутмаган эди. Гапларимдан оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб қолди. Аҳвол шунақа эди...

Ҳабибга мана шундай шароитда ишлашга тўғри келди. Үнинг миллий кадрларни ҳадеб қўтаравергани, фан-техника жиҳатидан ривожланган, илм-фан тараққий эттан ва этаёттан шаҳарларга юборавергани Иккинчи секретарларни, органларни ташвишта солиб қўйди, безовта қилди, ғашига тегди.

(Суҳбат шу жойга етганда мен Ҳабиб Абдуллаев ҳақида қандай ва нимани ёзишини англағандек бўлдим. Чунки ҳурматли домламиз Иззат СҮЛТОН ўша даврнинг барча мураккаблиги — оғир-ентили, иссиқ-совуғини мумкин қадар рост, ҳалол сўзлаб, тасаввуримни бойитди. Бунинг учун домлага фақат раҳмат айтишга бурчлиман. Шу куни назаримда биз, ўзимизни — касб-коримизни аямадик. Ёзувчи ҳам, олим ҳам, бир сўз билан айтганда, зиёли ҳалқи замона найрангларига учиб, қалбida, ҳаракатида, тилида жиёнат асрар, сотқинлик кўчасига кирганлиги рост экан... Узоқдан юрагимга, ниятимга кўчиб кирган бу мавзуу - бизнинг кечаги кечмишмиз ёзишига, ўйлашга, кўп-кўп йиллар сабоқ чиқаришга етгулик тарих...)

* * *

-Ҳабиб билан Абдулла Қаҳҳор дўст эди. Ҳабибининг миллий кадрларни қўрқмай топиб, ўстириб, доимо кўз-қулоқ бўлиб юришини ёзувчимиз фахрланиб айтиб юрар эди. Ҳабибни Абдулла Қаҳҳор:

-Одам бөгбони, бошқа бөгбонлар дарахт экса, Ҳабибулло ўзбек экади, - деб мақтаб юрарди.

Бир қарасантис, Ҳабиб жуда узоқ яшаганга ўхшайди. Чунки, унинг қисқа умри /49/ давомида эришган, улгурган ишларига бошқаларнинг юз йиллик умри камлик қиласи - етмайди. Вақт ўтган сайин Ҳабибининг кимлиги, истеъдодининг янги қирралари маълум бўляптики, шубҳасиз, у ўзбек халқининг фахри, чина-кам қаҳрамон!

* * *

- Мельников деган иккинчи секретарь бўларди. Улар иккиси - Абдуллаев ва Мельников бир-бирини жуда ёмон қўришар эди. Ҳабиб унга «Тегирмончи» деб ном қўйган, ўзаро сұхбатларда «Тегирмончи ундинай, Тегирмончи бундай» деб галирар эдик. Қанчалик сирли гапирмайлик, барибир, гапларимиз Мельниковнинг қулогига бориб етди. Шу ва юқорида айтганларим боис Мельников Ҳабибга қаттиқ ташланди, маҳаллий «Лаббайчи»ларни ёллади, ҳуллас, Ҳабибга қарши «жанг» бошланди. Уни кўз очиргани қўйишмади... Мельниковдан кейин Титов иккинчи секретарь бўлиб келди. У Мельниковдан бошлаган жантни давом эттириди, яна Ҳабибга қарши итво, бўйтон... Ҳуллас, Ҳабибни ноҳақ ишдан олишди.

У лавозимдан тушганига эмас, ўзбек халқига фойдаси тегадиган, миллатнинг ривожига таъсир ўтказадиган ИМКОНдан айрилганига куюнди.

Зуҳра Раҳимбобоева тарғибот бўйича секретарь эди. Ҳабиб масаласида у билан гаплашдим. У рус тилида:

- Есть установка на пущечный выстрел не впускать в Академии наук! — деди. Тушундим. Бу аёл билан мунозара қилиб ўтирадим. Чунки у «установка»ларни бажаришга ўргатилган ижрочи эди. Қўлидан эзгу иш келмас, Абдуллаев каби содиқ ҳалқ фарзандларидан узоқда эди.

Ҳабиб ноҳақликни кўтаролмади, касал бўлиб ётиб қолди.

Ҳабиб ноҳақликни юрагига олди.

Ҳабибининг юраги куйди. Йиқилди.

Ҳабиб кадрлар учун кураш қурбони бўлди.

Энди икки оғиз Ҳабибининг обрўси ҳақида айтай: обрў жиҳатидан зиёлилар, раҳбарлар орасида Ҳабибга тенг келадиган йўқ эди. Дафн маросимида 400 та гулчамбар олиб келишибди. Бирор эринмай санаган экан... Кўчадан кетаяпмиз, ҳамманинг қўлида гул, кўзида ёш, қабрининг усти-ку, гулчамбардан тог бўлиб кетди.

Илмдаги обрўси, бўй-басти ҳам баланд эди. Унинг кашфиётлари ҳақида мутахассислардан сўраб, билиб оларсиз... Ҳабиб Худо берган инсон эди-да! Ҳам илмда, ҳам ташкилотчилик — раҳбарлик, иқтисодиёт борасида ҳам тенги йўқ эди.

Ҳабибнинг ўз йўли бор эди. У ўз йўлини ўтказарди. Бу жиҳатини Мирзааҳмедов жуда яхши топган... Ҳабиб камтар эди. Студентлик пайтида юпқа бир тўни бўларди. Шу тўн уйининг тўрида осигерлик туради. Эски, оқариб увадаси чиққан тўн.

- Нега буни осиб қўйибсиз, - деб сўраганимда, у:

- Госпланда раис бўлганимда шу тўнда эдим, - деди.- Бугун тўним ўзгарди. Кишининг тўни ўзгарса ҳам ўзи ўзгармаслиги кепрак. Шу тўним кимлигимни ёдимга солиб туради.

Чиройли, шинам уйда эски нарса тез кўзга ташланарди-да, шунинг учун ундан тўн ҳақида сўрамаган киши кам эди.

Ҳабибнинг душманлари ҳам кўп эди. Сиёsat шундай зидики, бирбирини йиқитиб, йўқотиб ўзига жой, ўрин, мавқе очишдек разил йўллар бор эди. Буни айтишимнинг боиси, мен Министрлар Советининг раиси ўртоқ Абдужаббор Абдураҳмоновнинг ўринбосари эдим. Уч йил шу вазифада ишлаганиман. Биламан. Бу доира одамларiga қанчалик қийинлигини тушунаман.

Амалда узоқ туриш ҳам ақл аломати. Менга ўхшаш фаромуш бўлсангиз, бир пастида супуриб ташлашади.

- Домла, амал ва амалдорлар ҳақида гапиряпсиз. Сиз ўша пайтларда ёзуучидан чиққан амалдор сифатида қайси лавозимларда ишлагансиз?

- Ёзуучиликдан, биринчи амалорлигим, уруш йилларида Ўзбекистон радиоқўмитасининг раис ўринбосари, кейин киностудияда уч йил директор, бу жойдан Министрлар Советига ўтдим. Министрлар Советидан Қори Ниёзийнинг ўrniga келдим. Ҳайрон қолардимки, Қори Ниёзий қаерда-ю, мен қаерда? Мен қандай қилиб Қори Ниёзийдан ўтказиб раҳбарлик қилиш имумкин?

Партия топшириги: бордим, балки бир айби бордир, деб ўйладим. Бориб билдимки, бу даргоҳ шунақа эканки, ўта галвали, раҳбарни тез-тез алмаштириб турмаса, бўлмайдиган жой экан. Бюджетнинг 60 фоизини маданият ер экан. Шунинг учун бу жойда куюнчак одам узоқ ўтиrolмас экан. Жим ўтирасангиз, катталар нима деса, хўп, десангиз, ўтираверар экансиз. Йўқ десангиз — у қолиб кетди, бу қолиб кетди, деб галва қилсангиз, катталарнинг жонига тегар экансиз. Шуни тушунгач, бир кун Қори акага айтдим:

- Сизнинг ўrnингизга борганимда ҳайрон қолувдим, қандай қилиб Қори ака эплаёлмаган ишни ман эплайман деб, - шунда Қори ака айтдики:

- Бу жойда ишлашнинг, эплашнинг кераги йўқ, катталарнинг айтганини қилиб, хўп, деб турсангиз бас...

Кейинчалик Усмон Юсуповга бориб айтдим, тушунтирмоқчи бўлдим, мени бу жойдан халос қилинг, дедим. Усмон ака айтдики:

- Ҳамманг қочаверасанми? Унинг бу ёққа, бунинг бу ёққа қочаверса, ишни ким қилади? Ҳеч ёққа кетмайсан, ўтирасан! — деди. Ҳўп, деб келавердим. Кейин бир гап бўлди-ю, ишдан кетдим, ҳозир буни айтиш шарт эмас, деб ўйлайман, қолаверса, бу хатта тушадиган гап эмас...

- Домла, минг шукр-ки. Сиз ўша давр (1940-50-60)нинг тирик, билимдон, инсофли тарихисиз, шунинг учун ҳам кўп воқеаларни жуда тийрак эслаяпсиз, айтмоқчиманки, дилингиздагини мумкин қадар яширмай айтаяпсиз...

- Бир сұхбатда балки Сизга еттулик, тўла маълумот, хотира-ларни эслаш, гапириш қийиндир, лекин айтишга ҳаракат қиласман.

Фақат Ҳабибни эмас, ўз сўзи, ақлига эга бўлган, ҳаракатида, сўзида ўзбек кўринган ҳар қандай раҳбар, олим, ёзувчининг йўли тўсиларди. Ҳабиб орамизда журъати, обрўси, мартабаси билан аж-ралиб туради. У ҳар қандай оғир, таҳликали шароитда ҳам йўл топар, ўз эътиқодидай қайтмас эди. Ўша йилларнинг йўл тўсили ҳакида, ўзбекнинг оти-обрўси, номи чиқмаслиги учун қилинган кичик бир мисол ёдга тушди.

«Ҳамза» театрида Гейзбург деган бош режиссёр бор эди. Асарим қўйиладиган бўлди. Қаҳрамоннинг исмидан гап топишди. Органлар пъесани қўйишга рухсат бермади. Бош режиссёрга айтишибидики:

- ВЫ программируете эссера!

Мен айтдим:

- Какой же эссер? Он же безграмотный крестьянин...

Еврей халқининг ақлига қойил қоламан. Мушкулотдан чиқиш йўленин тез топади-да!

- Есть выход, — деди Гейзбург. — Можно изменить имя героя? Қаҳрамоннинг номи Намоз эди-ку!

- Ниёа! — дедим. Битта сўз билан пъесанинг тақдири ҳал бўлди. Аслида ҳеч нарса ўзгармади, мазмун, моҳият — ҳаммаси қолди. Шу кетишида спектакль 15 йил қўйилди.

Яна бир нарса: Тошкентнинг юбилейига атаб «Кумуш шаҳар маликаси» деган музикали драма ёздим. «Муқимий» театри қўйди. Одам тирбанд, оқиб келяпти. «Шунга ўхшаш икки-учта спектакль бўлса, «Муқимий» театри яна эски шуҳратини, номини тиклайди» деган гаплар юрди. Томошабин спектаклга шунчалик юқори баҳо берди. Беш марта қўйилгач, спектакль тўхтади. Нима қилишди денг, асосий кишиларни (актёрларни) сатира театрига олиб кетишиди, жамоа пароканда бўлди. Режиссёрдан:

- Кетиши ким тайинлади? — деб сўрасам, у:

- Органлар тайинлади, — деб жавоб берди. Ана Сизга мисол, бу кечагина бўлган воқеа... Атайн бузиш учун қилинган-ку! Театрга актёр керак экан, бунинг бошқа йўли ҳам бор, бош қаҳрамоннинг

дублёрини олиб кетса ҳам бўлар эди. Йўқ, улар шундай йўллар топишар эдики, ният-мақсадингизни бутунлай йўқ қиласидиган, яксои қиласидиган...

Улар театрларимизнинг эски шуҳратини тиклашга йўл қўйиш-мас эди. Чунки, саҳна сабоқлари, ундан қаҳрамонлик, юргарварлик, ботирлик, тўғри сўз, тўғри талқин томошабинга тез етиб боради. Ҳа, китобдан кўра, ўнгайроқ, тезроқ, жонли тарзда етиб боради. Улар ана шундан қўрқишиардиди.

Дўстим Ҳабибнинг йўлида бундай воқеалар, тазииклар ниҳоятда кўп эди. Уларнинг гашита тегадигани, Ҳабиб йигитларимизни кўпроқ Киевга юборар эди. Уларни:

- Почему не Москва, почему не Ленинград? — деган савол кўп қийнар, ўйлатар эди.

Чунки, Киевда миллий руҳ бор эди-да! Улар шундан қўрқишиарди. Иложи бўлса-ю, улар Киевни симтўр билан ўрашса, ҳеч кимни киритишмаса.

Ҳабибулло айтардики:

-Кievda бизга ўшаганлар бор, шундан хавотирда улар...

* * *

- Айтмаса бўлмайдиган гаплардан яна бири, тақдир Ҳабибни яхши аёлга учраштириди, йўлдош қилди. Фотимахон ҳаммамизнинг идеалимиз, ҳаммамиз орзу қиласидиган меҳрибон, ақлли, мулоҳазали, камсуқум, гапни билиб, топиб гапирадиган, эрига суқулиб, гап ўргатавермайдиган, фаросатли, сабрли аёл эди. Бу жиҳатдан Ҳабиб тинчиган эди.

Ҳабиб дам олишни ҳам биларди. Такрор айтаман, у майдада нарсалардан ўзини баланд тутарди. Унда аристократизм бор эди. «Кисловодские серые камни» деган Министрлар Советининг бояи бўларди. Ҳабиб шунда дам оларди. Ҳар ким боролмас эди-да, бу жойга! СССР Министрлар Советининг Раиси, Раис ўринбосарлари ва бизнинг раисимиздан бошқа кишии боролмас эди. Лекин, Ҳабиб шу жойга борар эди. Йўлини тўсишмасин, қаршилик қўрсатишмасин, баригири, Ҳабиб шу жойда дам оларди. Ёки Қrimda «Левадия» деган жой бор: подшоҳнинг дачаси. Ҳабиб шу жойда дам оларди. Буни бизга ҳам аҳамияти бор эди-да. Мана, Академиянинг президенти палон жойда дам олди, деб гапириб юрардик. Бу билан гўё обрўсига обрў қўшардик, бу билан гўё уни баландда тутиб тургандек бўлар эдик. Бу кўнгил иши, бу ҳам бир ҳимоя эди гўё.

* * *

- Бошқалар ҳам ўзбекнинг манфаатини кўзларди-ю, аммо у томоннинг кўнглини олиб, юмшоқлик билан, қаршилик кўрсатмай бажаришга ҳаракат қилишарди. Ҳабибда эмоция кучли эди. Ўзининг анти кайфиятини яширолмасди, кўпинча очиқ сўзларди. Мельниковни «Тегирмончи!» деганини эслаят, бу гапи бутун республикага тарқалиб кетди.

Тошкент шаҳар советига Мамажон Йўлдошев деган киши раис бўлди. Бинонинг пештоқига ўзбек тилида «Тошкент шаҳар совети» деб ёздириб қўйди. Мельников:

- Ўзбек тилида ёзилган лавҳани олиб ташла! — деб буйруқ берди. Мен шу буйруққа гувоҳман. Ҳабиб ҳам ёнимда эди. Йўлдошев:

- Энди нима қиласмиш? — деб маслаҳат сўради. Шунда Ҳабиб:

- Аввал мени олиб ташла, сўнг ўзбек тилидаги лавҳани оласан дент, — деди. — Биздан ҳам қаршилик чиқсан, садо чиқсан! Албатта, «ўзбек тилидаги» деган гапни қўшинг...

Йўлдошев қатъий одам эди. Лавҳани олишга кўнмади. Лекин барабибр Мельников тегирмончилигига бориб, аввал Мамажон Йўлдошевни ишда олди, сўнг ўзбек тилида ёзилган лавҳани олдириб ташлади. Йўлдошевни олиб келиб Навоий кўчасидаги ателььега бошлиқ қилиб қўйишиди. Ўлганда эса «Чигатой»га кўмдиришмади.

- Тиригимиз ҳам, ўлигимиз ҳам хор бўлган экан-да. Бечора соиқ раиснинг бор-йўқ айби ўзи ишлайдиган идоранинг номини ўзбек тилида ёздиргани...

- Ҳамма гап шунда эди-да! Миллийликдан қанчалик узоқда турсанг, уларга шунчалик яқинлашардинг. Йўқса, хор қилишар, турли найранглар билан йўлингни тўсишар эди.

* * *

- Ҳабибининг ажойиб фазилатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Ҳуллас, Ҳабибга ўхшаганлар кам эди.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ ФАХРИ..

Тўлқин ШОЁҚУБОВ — геология ва минерология фанлари доктори, профессор, геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг раиси (1996 йил январь ойидаги сұхбатдан).

* * *

- Ҳабиб Муҳамедович мен учун биринчи галда домлам, биз у кишининг катта олим, давлат арбоби эканига даврлар ўтиб, турли воқеаларни бошдан кечирганимиздан сўнг тушундик. Ҳа, Абдуллаевнинг улуг'инсон эканини кейинчалик тушундик. Менимча, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деган гапнинг тагида шундай тушунчалар ҳам ётса керак.

Талабалик йиллари Ҳабиб Муҳамедович билан ёшимизда катта фарқ бўлмаса-да, домла бизга катта одам бўлиб қўринар, ўртамизда — ўқитувчи билан студент ўртасидаги самимият, эркинлик бор эди. Биз студентлар домлани ҳурмат қилас, шу билан бирга у кишидан ҳайиқиб туарар эдик. Домла бирорни жеркиб, урушиб ёки қаттиқ гапириб койимасди. Ҳалқимизда пичинг деган сўз бор, сизлар бу сўзни теранроқ тушунасизлар. Домла шундай пичинг қилас диларки, ўйиб олардилар.

1950-60 йилларда душманга айланган рақиблари домлани миллатчиликда айблашди. Аммо аспирантлари таркибига эътибор берсангиз, бу жиҳатдан домлага айб қўёлмайсиз. Рус, қозоқ, арман — турли миллат вакилларидан бор эди. Фақат геологлар эмас, география, тупроқшунослик факультетини тутатганлар ҳам домлага аспирант эдилар.

Бир куни ҳаддим сиғиб:

- Домла, энди биргина қишлоқ хўжалиги ходими қолди, шулардан бирига раҳбар бўлиб, геология-минерология фанлари номзоди, деган диплом олиб берсангиз, Сизни албатта, рекордлар китобига ёзиш мумкин бўларди, — дедим. Ўшанда домланинг айтган гаплари бир умр қулогимда қолди. Домла:

- Сиз Тўлқинжон русча ибораларга яхши тушунасиз, — дедилар. — «Курица яйцо не учит, яйцо курицу не учит» — эслайсизми шу гапни?

- Бу ҳам тўғрику-я, домла, аммо, қурувчи қурувчилиги билан шугуллансин, дўхтир дўхтирганини қўлсин, шунча куч сарфлашнинг нима кераги бор? — дея яна бўш келмадим. Шунда домла гап юқмас, қайсар шогирдлари — менга бир қараб:

- Сиз шуни билиб олинг, - дедилар, - агар, мен тайёрлаган аспирантларнинг юзтасидан учтаси олим бўлиб чиқса — бас, қилган меҳнатимга розиман! Ўша учта олим ўнта олим тайёрласа, қарабиски, миллатимиз ўз мутахассисларига эга бўлади. Кўнгаяди. Агар, миллатнинг чинакам олимлари бўлмаса, келажакда биз ўз имконимизни ишга сололмаймиз, бирорвга қарам бўлиб қоламиз. Билимли кишини хор қилиш қийин, ақдли билан ҳамма ҳисоблашади.

- Ўша даврда ҳам, бугун ҳам домланинг гапи ҳақ бўлиб чиқди. Қаранг: «миллатнинг чинакам олимлари бўлмаса, келажакда биз ўз имконимизни ишга сололмаймиз...» — ўша пайтда — мустамлака пайтимиздаёқ домла миллат ва келажак ҳақида ўйлаяпти.

Камбагаллик, қашшоқлик халқимизнинг табиатига ёт. Ўлаб кўринг, ким камбагал бўлган? Камбагаллик кўпинча дангасага ёпишади. Чунки, у ақлини ишилатмайди, ҳаракат деган буюк кучдан орқада. Бизни узоқ йиллар марксиз-ленинизм таълимоти бўйича тарбиялашди, тўғриси, шу таълимотдан четта чиқишига йўл қўйишмади. Натижада ҳамма тенг, баравармиз деган ақидага ёпишиб олдик. Бир табақа одамларимиз, деб ўз-ўзимизни алдадик.

Тенглик, баравар бўлиш, ахир бундай бўлмайди-да! Нима учун бизага ҳаммамиз бой бўлайлик, ҳаммамиз юксак ниятларимизга етайлик, деб эмас, бизда ҳамма бир хил бўлиши керак, бойлар бўлмасин, - деб сингдиришди. Бундай даъват, буйруқ билан биз ҳаракатчан, ташаббускор табақани йўқотдик. Бойлар бўлмасин, дегандан кейин ҳаммамиз ким бўлишимиз керак? Албатта камбагал, ўртаҳол бўлишимиз керак-да! Кимлигимиздан қўрқиб, кимлигимиздан кечиб, кимлигимизни яшириб яшашга маҳкум эдик.

Давлат мулки, деган гап бор эди. Давлат мулки кимники? Ҳеч кимники эди.

Давлат мулки халқники, дер эди. Қанақасига халқники бўлсин? Ахир, мулкнинг згаси бўлиши керак-ку? Умум, жамоа чорвасини кўринг-у, хонадонда боқилаётган сигирни кўринг. Фарқ сезасизми?

Айтмоқчиманки, ленинча тарбиянинг натижасида МУЛКСИЗ, ДИНСИЗ, ЭЪТИҚОДСИЗ авлод шаклланди. Буларсиз инсон инсонми? Қаёққа етакласангиз кетаверади, бир тўп оломон, бир тўп қўй...

Абдуллаев бу фожиаларни атрофидагилардан кўра теранроқ тушинарди. Унинг улугворлиги, идрокининг баландлиги шунда. Домла дунёни англаган, дунёни тушунган инсон эди. Абдуллаев тарих билан бутунини таққослаб, келажак ҳақида ўз хулосасини айти олар эди. Домланинг бу хислатларини чуқурроқ билиш учун ҳам вақт керак экан. Мен бундай хулосага бир кунда ёки кеча келган эмас, йиллар давомида тажриба тўплаб, ўйлаб, мулоҳаза юритиб шундай якунга келдим.

Абдуллаевдек олимларнинг дунёга келиб-кетишига шунчаки ҳодиса эмас, катта воқеа деб қараш керак. Уларнинг ўз ўрни бор; улар кўриниб туради. Йиллар ўтаверади, барибир, домланинг илми, номи авлоддан-авлодга ўтаверади.

Ёнликада ғуур баланд, тажриба кам, ўшанда домланинг ақли-идроқига баҳо беришда ожизлик қилганмиз — қурбимиз етмаган. Шуларни эсласам, домладан кўпроқ фойдалансак бўлар экан, деган ўйга бораман. Домланинг илми, дунёқарашидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш мумкин эди-ку? Абдуллаев ёшлар учун имконидаги борини бера оларди.

Баъзан ҳайрон қоламан: шундай олимлар борки ёши анча жойга бориб қолган, остидаги оти аллақачон чиқиб кетгану, аммо, ҳали ҳам отдаман деб оғизда ош пиширмоқчи бўлади — ақл ўргатади.

- Ёшларни ишга солинг, уларнинг келажаги бор, ёшларга йўл очайлик, ўзимиздаги илм, тажрибани у ёқда олиб кетишдан нима фойда? — десантиз ёқмайди. Ахир у ёқда бу нарсаларнинг кераги йўқ, у ёқнинг ўз талаби бор, бугун — бизнинг тириклик чогимииздаги юкимиз у ёқда керак эмас.

- Ҳақ гапни айталипсиз Тўлқин ака. Бундай фикр барчанинг кўнглидан кечса, бу ҳақида олдинроқ ўйласак, фақат ютамиз...

- Тўгри-да! Тирикликнинг чалгитувчи юки — бойлик, икир-чикирлар ѡч нарса, у ёқда керак эмас. Иложи бўлса, бу дунёда бойлигиниз олиб-тошмасин, дабдабага бурканман! Айтмоқчиманки, инсофни, одилликни унутманг, шунда сизга осонроқ, бўлади, атрофдагиларга бошқа чароқ меҳр назари билан қарайсиз, тушунасиз.

- Ёшлардан нима чиқарди? — деб эмас, ёшларимиз зўр, уқувли, деб, уларга бош бўлиш керак. Президентимиз Ислом Каримов худди шу йўлни танлади. Мустақиллигимиз келажагини билимли ёшлар билан мустаҳкамлаш ниятида амалий қадамлар ташланди, бу йўл шиддат билан давом этяпти.

Ёшларга раҳбар бўлиб юрган бир йигитни танир эдим. Шу йигит ҳурматли академикларимиздан бирининг уйига борган экан, у:

- Ҳозирги ёшларга ишониб бўладими, биздан кейин улар нима қилади? — деб қарши олибди. Йигит жавобга шошилмай домланинг кутубхонасидан турли даврларда ёзилган тўртта китобни олиб ўқиб берибди. Тўрт китобда ҳам бир хил гап айтилган экан: ёшларга ишониб бўладими, биздан сўнг ёшлар нима қилади?

Турли йил, турли даврларда айтилган бир хил фикр. Узоқ давом этган ёшлар муаммоси бизгача етиб келди. Менинча, унбу зиддият асосида прогресс пайдо бўлади.

- Муҳими ҳам шунда-да!

- Ҳа, янги фикрлар, янги гоялар, янги куч пайдо бўлади. Айни шу жиҳатни Ҳабиб Абдуллаевга қўлласангиз, бу одамнинг атро-

фида ёшлар кўп йигиларди. Домла шунга муҳит яратган, йўл берган, чунки унинг мақсади шу эди-да: ёшларни илмга жалб этиши, кучли шогирдлар тайёрлаш. Сир эмас, айрим домлалар шогирд танлашда биринчи галда ўзининг тириклигини ўйлайди. Бундайларни яна бир ташвиш қийнайдики, шу маҳмадона мендан ўрганиб, кейинчалик мени босиб кетмасмикан?

Хўш, улар нега бундай, нега шогирд танлашда Абдуллаевга ўхшамайди? Чунки, ўзи биладики, у порлоқ юлдуз эмас, шуъласи йўқ, фейерберга ўхшаб бир ёнади-ю, учади.

Ҳабиб Муҳамедович ўзига ишонарди. Ҳақиқатан ҳам домлада куч, ирода, илм бор эди. Бу одамга нисбатан ҳар қандай яхши сўз, иборани қўллассангиз ярашади, у бунга муносиб. Феъли кенг инсон эди. Домлага бу сифатларни биз эмас, Худо берган.

Домлада интизом кучли эди. Абдуллаев студентларга лекция ўқир экан, Давлат режа қўмитасида раисми, ҳукумат раисининг муовиними ёки академиянинг президентими — фарқи йўқ, жадвалда кўрсатилган соатда етиб келишга ҳаракат қиласдилар. Агар, иложи бўлмаса, зарурият чиқиб қолса, албатта, телефон орқали маълум қилиб қўярдилар.

1950-55 йилларда студентлар диплом ишини институтда ёзарди. Диплом ишини ёзадиган махсус хоналар ажратиларди. Студентларга профессор-ўқитувчилар бириктириб қўйилар, ўқитувчи келиб, ҳафтасига бир марта дипломант билан учрашарди. Менинг диплом раҳбарим Абдуллаев зиллар. Биз институтда тез-тез учрашиб турар эдик. Академик, катта лавозим эгасини аслида студент излаб бориши керак эмасми? Йўқ, домла тартибни, интизомни бузмасдилар. Агар, келишнинг иложи бўлмаса, телефон орқали:

- Бутун мен боролмайман, келгуси ҳафтада бир эмас, икки соат шуғулланамиз, - деб огоҳлантирадилар. Домла ҳар ишга ўта масъулият билан ёндашар, у киши учун катта-кичик одам, каттакичик иш йўқ эди. Шувдан сезаманки, Абдуллаевнинг елкаларида масъулияти давлат ишлари — раҳбарлик бўла туриб, илмдан узоқлашмай, шиддат билан ишлагани улкан қобилиятини намоён этишда қўл келди.

Ҳозир сезиб турибман, мен ҳам катта даргоҳда ишлайман, ишини ташкил қилиш осон эмаслигини, интизомнинг нечоғли зарур эканлитини тушунаман. Ўзини-ўзи бошқаролмайдиган раҳбар жамоани етаклаёлмайди. Раҳбар енгил йўлдан кетса, янгилик, ижодкорлик, ташаббусни қўллаб-қувватлаш, умуман одамнинг қадрига етиш каби зарур хислатларни бой беради. Ҳамиша раҳбарга қуллуқчилар топилади. Ҳамма менга тобе, айтган сўзимдан чиқмайди, деб чойхонага ош буориб, турли-турли меҳмондорчилликдан

бүшамай юраверсангиз, нафақат ўзингизни, бутун бошли жамоани орқага тортасиз...

Абдуллаев бу йўлдан бормади. Афсуски, юқорида эслаганимдек олимлар, раҳбарлар кўп эди. Улар ўткинчи давроннинг, нафснинг бандаси бўлиб ўтдилар, улар қориннинг ғамида кўмилдилар, йитдилар. Вақтида, худди шундай кишилар ҳақида кўплаб китоблар ёзилди, мақтov сўзлар айтилди. Аммо, бизнинг чин олимимиз — Абдуллаевга ўхшаганлар ҳақида кам ёзишди. Бугун Сиз шундай виятда келган экансиз, агар, бу ишни муваффақиятли уddаласангиз, кўп савоб, кўп хайрли иш бўлар эди. Ўйлайманки, бу китоб ҳамма учун, айниқса, ёшларимиз учун энг керакли ҳужжат, манба бўлиб хизмат қилишига шубҳам йўқ.

- Ёшлар кучли, номдор, танлаган йўлидан қайтмайдиган, иродали Шахсларга доим ҳавас қилишпади, тақлид қилишади. Менимча ҳам Ҳабиб Абдуллаев бугунги ёшларга чин маънода фидокорлик намунаси, ўрнак олса, ўзига пир, устоз деб юкунса, арзийдиган инсон.

- Тўғри илгабсиз, ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, ҳалқимизнинг Абдуллаевга ўхшаган фарзандларининг ҳаёти, қилган ишлари бугун ва келажак учув ўрганишга, сабоқ чиқаришга арзийдиган мактаб бўлиб қолади. Сиз ёзуви сифатида Абдуллаевнинг қирраларини кўра билинг. Шунда адашмайсиз, тўғри йўлда турасиз. Албатта, бу иш осоя змас, осон бўлганида аллақачон домла ҳақида романлар ёзилар эди...

(Тўлқин аканинг ҳақлигини ичимда тан олиб, ишнинг оғирлигидан эзилиб ўтирасам-да, биливтирмасликка урундим. Чунки, ёзаман, деб ваъда берганиман. Абдуллаевга, Тўлқин акага ўхшаганлар лафасизликни кўтаролмайди, улар лафасизликдан ҳазар қилишади.

Катта ишга қўл урган кишининг тайёргарлиги бўлиши керак, мен эса бу жараёндан узоқда эдим. Ҳабиб Абдуллаевни ўрганиш ва ёзиш жараёнида шу мактабни ўтагандек бўлдим. «Устун»ни ёзиз тутатгач, Ҳабиб Абдуллаев ҳақида қандай ёзиш кераклигини билдим. Худо ҳоҳласа, ромавнинг иккинчи нашрида бу ниятимга қайтаман. Ҳозир эса, қандай ёзган бўлсам — шу ҳолича эълон қилмоқчиман.)

- Қирраларини йўқотиб қўйманг, — деганим бу, масалан, олмосдан бриллиант ясалади. Бриллиант, бу, олмоснинг ўзи. Унинг қирраларини чиқаргандан кейин жозибаси очилади. Домла ҳам бриллиант, қиррали бриллиант.

* Бриллиант — таращланган қиррали олмос: нур кесишади, қайтади.

* * *

- Раҳматли Фотима опа - домланинг умр йўлдоши жуда меҳрибон аёл эдилар. Бу аёлни мен домланинг бахти дейман. Опа Абдуллаевнинг кейинги тадбирларини ўтказишида жуда елиб-югурдилар. Бемор бўлишларига қарамай катта меҳнат қилдилар. У кишида Ҳабиб Муҳамедовичнинг менга бўлган муносабатининг бир бўлгаги қолган эди. Домла ҳаётлик чоғларида кимнинг қандайлигини, балки мен ҳақимда ҳам Фотима опага гапирган бўлсалар керак-да. Баъзан Фотима опа:

- Биламан, Сизлар домлангизни яхши кўрасизлар, аммо, у киши ҳам кўп қатори одам, у кишида ҳам камчиликлар, шўхликлар, эркаликлар йўқ эмас, домлангизни менга фариштадек нуқсонсиз қилиб таърифламанг, - деб ҳазиллашиб қолардилар.

Тўгри, у вақтларда биз домладан камчилик изламасдик. Ҳозиргилар у, домласидан камчилик топса, шундан ҳам фойдаланиб қолишга ҳаракат қиласди. Билмадим, содда эдикми ё замонни топтоза қабул қилганимизми? Ишқилиб, Абдуллаев кўзимизга фаришта бўлиб кўринар эди.

Домла 49 ёшда вафот этдилар. Мана, худо хоҳласа мен бу йил 63 ёшга тўламан. Абдуллаев ҳамон кўз ўнгимда. Мен Фаргона воийисидан чиққанман. Қишлоқларимизга борсам, кексалар кўзимга нуроний, чеҳрасидан нур ёгилиб тургандек кўринади. Улар оппоқ уст-бошда, кўкраклари очиқ, белида қийиги — чиндан ҳам хизрсифат. Домлани ҳеч қачон бундай кийимда кўрмаганман, аммо тасаввуримда у киши ҳамиша хизрсифат, улугвор. Ҳозиргача домланинг таъсири мен учун катта. Бугун ҳисобласак, реал ҳаётда Абдуллаев мендан 14 ёш кичигу, аммо домланинг шахси, руҳини қабул қиласеттанимда домла домлалигича қолган.

Ҳайрон бўламан: домла элликка тўлмай вафот этди. Биз 50 ёши мизда зўрга оёққа турдик, баъзан қиласиган ишимизнинг тайини йўқдек. Шунда ўзимга ўзим «Домла домла-да!» дейман.

Яна Фотима опанинг гаплари ёдимга тушди. Домланинг гўзалликка, чиройга ўз қарашлари бор эди. Буни Фотима опа ҳам билардилар. Домлага чиройли аёллар асалга ёпишгандек ёпишардида! Аммо, домланинг руҳи, табиати тоза эди. Кўриниши, тили, муомала маданияти юксак эди. Москвада Ленин мукофотини олган бир геолог-академик Ҳабиб Муҳамедовични меҳмонга тақлиф этган экан. Кечада чиройли рус аёллари домланинг атрофида йигилиб қолибди.

Аёл киши-да, Фотима опа домлани раشك қилиб, кечани ташлаб кетиб қолибдилар.

- Мәхмөнхона томонга кетаяпман, - дейдилар Фотима опа. — Домлангиз ортимдан чопиб, хонагача келдилар.

- Фотимахон қайтинг, Фотимахон қайтинг, Сиз түғри иш қилдингиз, шұхлик-да, шұхлик! — деб тарафимни олиб қолдилар. Домлангизнинг шұхлиги ўзига ярашар эди. Мен у кишини доим түғри тушунардим...

- Шундай воқеалардан яна бирортасини эслайсизми?

- «Москва» мәхмөнхонасида Анвар Шомансурович деган биродарим (у киши раҳматли бўлиб кетдилар) билан тураг эдик. Анвар ака катта геолог эди. У кишини ҳам домла ўқиттан, мендан 4 йил олдин институтни битирганди. Нима бўлди-ю «Метрополь» кинотеатрига тушмоқчи бўлдик. Кечқурунги сеансга навбатда турдик, билет ололмадик. Секин қайтиб кетаётсак, домла тарихчи профессор Отабой ЭШНОНОВ билан келяптилар. Абдуллаев Эшнов билан жуда яқин здилар. Унча-бунча олим Абдуллаевнинг ишончига киролмас эди. Хуллас, биз уларни, улар бизни кўриб қолишиди. Ўзимни четга олмоқчи здим, домла:

- Тўлқин, қайт, кўриб қолдим! — деб овоз бердилар. Кеч соат 6-7 лар атрофида эди. Кўришгач:

- Нима қилиб юрибсизлар? — деб сўрадилар. Домла сўрагандан кейин тўғрисини айтиш керак.

- Кинога тушмоқчи здик, билет ололмадик, — дедим.

- Бўпти, кетдик, -дедилар. Маълум бўлдики, улар билан бир меҳмөнхонада тураг эканмиз. Домла номерларини айтиб, бор, деб тайинладилар. У киши СССР Олий Советининг депутати. Дарров тўртта билет олиб бердилар. Тил қурсин:

- Домла, биз икки кишимиз-ку? — дедим.

- Кинода зерикиб қолманлар яна, — деб кулиб қўйдилар. Бунга ишонишингиз мумкин, ишонмаслигигиз мумкин. Биз кинога тушсак ҳам, тушмасак ҳам бўларди. Аммо, бирорвда бир муҳтожлик бор экан, домла унга ёрдам беришга тайёр эдилар, йўқса, иккита катта одам 300-400 метр наридан қайтиб, собиқ студентларига кинога туш, деб билет олиб берармиди? Нима, уларнинг биздан бошқа иши, ташвиши йўқмиди?

ЯНА БИР ВОҚЕА: институтни битириб Абдуллаевга аспирант бўлиб қолдим. Қолдим- у аммо, ўйламасдан хижолатли қадам қўйиб, зилиб юрдим. Нима сабабдан десантиз, ҳозир мен турган даргоҳ, геология бошқармаси эди. Ўтоқларим бу ерга ишга келган, боя айтдим — мен аспирантурада қолганман. Буйруқ чиққан, Ҳабиб Муҳамедович илмий раҳбарим. Бошқармага келсам, курсдошлиримга 1200-1400 сўмлик ойлик маош тайинлаб, экспедицияга ишга юборишяпти. Бош геолог Виктор Григорьевич Абдуллаевнинг яқин фикрдоши эди. У мени кўриб турибсан, деб сўраб

қолди. «Шундай ўзим, болаларни күргани келдим» дедим. «Сен нега ишга бормадинг?» деди яна саволга тутди мени.

- Аспирантурада қолдим, - дедим.
- Нима? - деди у. — Аввал икки йил ишла, аспирантурага кейин келасан.

Мен буйруқ чиқанлитини, имтиҳонларни топширганимни айтдим.

- Ошиқма, ўзим Ҳабиб Мұхамедович билан гаплашаман, сенга 1600 сум маош тайинлайман, - деди. Икки марта домлага құнғироқ қылди, аксига ҳеч ким жавоб бермади.

Ешлик-да, бошқаларга 1200, менга 1600 сұм берар экан, демек мен ўртоқтарымдан зұр эканман, ростдан ҳам шундай, деган ўйга бордим. Унинг ұзуридан чиқиб, ўртоқтарымға мақтандым. Улар:

- Тұлқин, сен ақмоқсан! — дейиши. — Ҳабиб Мұхамедовичга аспирант бўлолмайдиганлар қанча, бунақада кўр бўласан-ку?

- Йўқ! - дедим. - Икки йил ишлаб келаман...

Турмушимиз оғир, топиш-тутишнинг мазаси йўқ. Шундай қилиб, домлага кирмай, айтмасдан кетиб қолдим. Домла, барибир. мени тушунадилар, коймайдилар, Виктор Григорьевич домлага айтади, деб ўйлабман.

Фирт ақмоқлик, бемаънилиқ-да бу!

...Ҳозир мен бирорта йигитта қўлимни чўзиб, сенга ёрдам бераман, ўзимга оламан, деб буйруқ чиқарсам-у, кетиб қолса, мен унинг ийигини чиқазаман-ку!

Икки йил ўтди. Домла мени кўчада кўриб, машинани тўхтатиб ёнларига ўтказдилар. Қўнгилларида ҳеч қандай гина йўқ. Уч-тўрт кунда номзодлик минимумларини топширирдилар. Домланинг атрофида менга ўхшаганлар каммиди? Домланинг иш услуби, дунё-қараши шундай — аразисиз, беминнат эди.

Абдуллаев ўз даврининг ягона одами эди, десам янглишмайман. Ўша пайтда Абдуллаевдек кипши яна бормиди, йўқмиди — айттолмайман.

Мени тўғри тушунинг, ука, бугун мустақиллик боис кўпчилигимиз Темуршунос, Бобуршунос бўлиб кетдик. У пайтларда бирор йигинда Амир Темур ҳақида, Бобур ҳақида тап кетса, секин чиқиб кетадиганлар кўп эди. «Эртага мени чақириб сўрайди, нима дейман», — деб кечалари ухламай чиқканлар ҳам бўлган.

Бир куни Ҳабиб Мұхамедовичнинг ұзуурларига Тошкентда узоқ ишлаган рус олимларидан бири:

- Кексайиб қолдим, менга лавозимимни сақлаб қолиш шарти билан доимий нафақа тайинланг, — деб пул талаб қилиб келди.

Мен сухбатга халал бермай, деган ниятда ўрнимдан турмоқчи эдим:

- Чиқиб кетма, эшишт, Тұлқин, - дедилар домла. Индамай ўтиредим. Домла унинг кўзларига хотиржам тикилиб сўрадилар.

- Ўзбекистонда неча йилдан бери ишләяпсиз?
- Ўттиз саккиз йилдан бери.
- Яхши, ўзбеклардан нечта шогирд чиқардингиз? - Кекса рус олимпи хижолатсиз жавоб берди:
- Йўқ, бунинг имкони бўлмади.
- Унда мен сизга қандай қилиб ёрдам бераман? — дедилар Абдуллаев. — Ҳатто, француслар Жазоир аҳолисини тарбияладилар, шафқатсиз истилочи бўлган инглизлар Ҳиндистон ёшлиаридан шогирдлар - етук мутахассислар тайёрладилар. Сизда эса имкон эмас ҳоҳиш ҳам бўлмаган, нега?

Мен шу миллатнинг — ўзбекнинг вакили бўлатуриб, нега сизга алоҳида ҳиммат кўрсатишим керак? Қайси хизматларингиз эвазига ва нима учун?

Бу гапдан сўнг ҳалиги одам ҳақ-ҳуқуқ талаб қила бошлади:

- Мен Марказкўмга устингиздан ара қиласман!
- Идите, куда хотите! — дедилар домла.

Ўзига ишонган, миллатнинг қадрига етган раҳбар айтади-да, бу гапни!

Ёки Россия Ўрта Осиёни қўшиб олтанига бағищланган илмий конференцияни олинг. Конференция 1958 ёки 59-йили Тошкентда ўтган эди. Буни аниқ манбалар тасдиқлайди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти билан Тарих институти биргаликда ўтказган ушбу конференциядан кўзланган мақсад аниқ эди. Москвадан катта олимлар йигинга иштирок этиш учун келишди. Мен бу йигинга тасодифан қатнашдим. Аниқ ёдимда йўқ — Абдуллаев илмий конференцияни ўтказиш ташкилий комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари эдилар. Йигинда Абдуллаев шундай бир гапни ўртага ташладилар:

- Ўртоқлар! Воссоединение сўзининг ўрнига присоединение десак бўлмайдими? Ахир, ҳақиқатга присоединение сўзи тўғри келади-ку? — шунда, назаримда бу гапни ҳамма тушунди. Зал сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Гўё ҳозир бомба портлайди-ю, ўтирганларнинг бари ҳалок бўлади. (Аслида эса «бомба» портлаб бўлган эди..)

- Тўлқин ака, жуда ўрнида эсладингиз-да, назаримда бундай мисоллар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

- Абдуллаев шу мисоллар билан тирик-да, домлада эслашга арзигулик, ибратли, қайноқ ҳаётдан узуб олинган далиллар кўп. Асл рус олимлари Ҳабиб Мұхамедовични ҳурмат қиласар, домла ҳам улар билан самимий мулоқотда эдилар. Чунки, геологияда илк устозлари рус олимлари эди-да!

Мухолифлик қаердан келиб чиқди? Бу, сиёsat билан, мафкура билан, тарих ва манфаат билан боғлиқ! Агар, биз оғзаки айтиётган

бўлсак, ҳақиқий тарихчи, ёзувчининг вазифаси — бу гапларни (воқеаларни) илмий, бадиий асослаб, ўқувчига аслича етказиш.

Биз миллатчилик, босқинчилик ғояларидан узоқда турган рус олимларининг илмини, тажрибасини ҳеч қачон инкор этмаганмиз ва бундан сўнг ҳам инкор этмаймиз. Абдуллаев ҳеч қачон бира тўласига ушбу миллат вакилларини ёмонлаб ё норози бўлиб, йўқقا чиқарган эмас. Уларга қарши кураштан эмас. Агар, домланинг ҳаётида шунга ўхшаш мисолларга дуч келсангиз, билингки, бунга уларнинг баъзи бир вакилларининг халқимизга нисбатан қаршилиги, менсимаслиги, камситиши сабаб бўлган. Домла ўзи яшаб турган даврнинг босқинчилик, талончилик сиёсатини, мафкурасини теран анлаган ва қалбан бу сиёсатга қарши турган инсон эди.

Тасаввур қиласизми, Черчилдек катта сиёсатдон, нуфузли давлат арбоби, машҳур шахс совет империясига қарши курашиб қўлидан ҳеч нарса (тарқатиб юбориш, парчалаш...) келмади-ку?

Бугун кўзимизни очсак, шу империя йўқ. Бугун бу далилни ким инкор этади?

Шунинг учун домла Абдуллаев ишлаган 1957-58-60-йилларни кўз олдингизга келтиринг. Мустамлакачиликнинг чўққиси эди, бу йиллар! Озодлик дилимизда эди! Абдуллаевга ўхшаган саноқлигина кишиларнинг ҳаракатида бундай ният — орзуни дадилроқ фарқлаш мумкин эди.

Биз қўрқмаган эдик, озодлик учун курашганимиз, миллатпарвар эдик, десам — хато бўлади, ёлгон бу гап! Бугун тилда мустақилликни маъқуллаб, аслида эса ўзини у томонга, бу томонга ташлаб, халқни, ёшлиарни чалгитаётган сохта ватанпарварларрга-да ишониш қийин. Малол келадигани, улар мустақиллик ҳақида ҳаммадан кўра қўпроқ жар солади...

Ёлгондан қочиш керак. Бу жуда қийиндир, аммо, ҳар икки дунё ободлигига ярайдиган амални бажарган бўласан.

Эзилмаган қонун-қоидаларни бажарганимиз. Йигинларда орамизда биргина рус бўлса, рус тилида сўзлашга мажбур эдик. Қўрқардик. Агар, шундай қилмасак, бизни рус эмас, ичимиздаги ўзбек сотарди.

- Тўлқин ака, барибир, Абдуллаевнинг шогирдисиз-да, табиатингизга ростлик юқсан. Мен «Абдуллаев ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг» деб анчагина кишиларга мурожаат этдим. Баъзилар юртимизда мустақиллик бўлмагану, гўё эҳтиёtsизлик қилиб оғзидан «ножӯя» сўз чиқса, дарров қамаладигандек гапни ҳадеб чайнайверди. Рост гапдан қочди. Шунда мен «Эссиз, вақтим...» деб жаҳлта мишиб қайтавердим. Аслида бундай ўйламаслигим керак экан. Олимлитини ёки ёзувчилитини қилиб, ҚОФОЗ қоралаб, китоб чиқазиб, гоҳида тилга тушиб, бинойидек яшаб юрган... нима десам

экан, ҳозирча уларни ифодалайдиган бирор-бир сўз — ном топганимча йўқ (улар ўзига зиёли деган рутбани аллақачон бериб бўлган) хулас, орамизда гимиirlаб юрган беозор, аммо, ана шу беозорлиги билан озор етказадиган бир тоифа бор. Суҳбатларимизнинг бирида Сиз айтган эдингизки, Абдуллаев билан бир марта суҳбатлашган киши (яхшилик, бағрикенглик, мардлик..) нимадир орттириб қайтар эди.

Яшашга бир марта имкон берилган ҳаётда бу қадар эҳтиёткорлик, бу қадар шивир-шивир, бу қадар ҳисоб-китобнинг нима кераги бор? «Э, биродар, қурқоқлик ҳам эви билан-да! Нима, дунёда битта сен яшалсанми, жонинг шунчалик ширинми?!» — деб ёқасидан тутгинг келади. Бугун мустақилликка эришсак ҳам қўрқоқлик, ношукурчиликка мойиллар ҳам топилади.

- Агар, ҳамма шундай ўйлаб, шу тахлит савол билан яшаса, унда ёзувчининг кераги йўқ эди. Юқорида айтганингиздек, касбкори, номи, кўриниши бинойидек ўзимизниклардан қўрқардикда! Энг даҳшатлиси, улар хижолатдан, андишадан узоқ кишилар, Эрта бир кун номим, юзим қора бўлиб қолади-ку, деган ўй, мулоҳаза йўқ эди уларда.

- Топдим, улар бир қунлик — бугуннинг одами экан-да! Бугуни инкор этмайди, эртани кўролмайди...

- Олимлар ичida Абдуллаевдан чўчийдиган ҳам, ҳурмат қилалигани ҳам, иккilanадигани ҳам бор эди. Чунки, янги ФОЯ билан чиққан, фандаги мавжуд йўналишни ўзгартира олган олимдан чўчишарди-да! Чўчимай илож қанча?

Менинг илмим, дунёқарашим, илмий йўналишним ҳеч кимга кепрак бўлмаса, менинг нархим ҳам тушиб кетади-да! Бу томонини ҳам ўйланг. Айниқса, Москва, Ленинград, Новосибирскдаги олимлар Ўзбекистондан, ўзбекдан чиққан Абдуллаевни «Хуш келибсиз. Сиз жуда вақтида пайдо бўлдингиз, Сиз зўрсиз!» деб кутиб ололмаслигини тўғри англамоқ керак. Абдуллаев тан олинди, шакшубҳасиз, номи дунёга чиқди, аммо, унинг тан олинишида ИНКОРнинг таъсири бекиёс.

Рус геологиясининг устунлари академиклар Белянкин, Смирнов, Обручев, Билибин, Коржинский, Щербаков домлани ҳурматлар, талантини қадрлар эди.

Домла ҳеч қачон душманлари ёки тарафдорларининг кўпайиши-камайиши билан ҳисоб-китоб қиласдилар. Ўз йўллари бор эди. Домланинг кучи, устунлиги ҳам шунда! Ҳаёт буни тасдиқлади.

-Ҳабиб Муҳамедовични диндорликда айблаштан экан, шу ростми?

- Геологияни «қолипга солиш» ёки осонгина у ёқса, бу ёқса буриб юбориш мумкин эмас. Чунки, геолог ер тагида 100-200-500 миллион йил олдин кечган тарихий геологик жараённи ўрганади.

УСТУН

Үшта даврда пайдо бўлган маҳсулотнинг шу кундаги қолдигини ўрганиши билан узоқ ўтмишни реставрация қиласди — таъмирлайди. Шунинг учун хоҳлайсизми-йўқми қандайдир илоҳий кучлар таъсирида бўласиз. — Ҳақиқий геологлар ҳеч қачон ўзини, билимни марксча-ленинча гоялар билан тўсиб қўймаган. Ҳатто даҳрийлик медицинага ҳам сўқилиб кирган... Ижтимоий фанларни-ку, энди қўяверасиз, бу ҳақида мендан кўра Сиз далилларни кўпроқ билсангиз керак. Сувга ботмас номзодлик, докторлик ишлари озмунчами?

Геология, бу, бутунлай бошқача соҳа, табиат билан боғлиқ, табиат қонунлари билан узвий алоқада. Аммо, бу, геологияда қонунлар ўзгармайди, қотиб қолган, дегани эмас. Қабул қилинган, билган нарсангизни ҳадеб олга сураверсангиз, тез орада ҳеч кимга керак бўлмай қоласиз. Чунки, янги далиллар топилиши билан янги тушунчалар пайдо бўлади. Мисол учун илгариги вақтларда бирор катта-катта қитъалар қимирлаб, силжиб юради, деса, бу одам жинни бўлибди, дейишарди. Мана энди, бугун космосдан кузатиш усуллари ёки замонавий аниқликка эга ўлчов асбоблари ёрдамида океанларнинг 10-11 километр чуқурликкача қазилиши, ер қимирлаши, силжиши, нафас олиши каби ҳодисаларни ўрганиш жараёнлари янгича қарашларга сабаб бўлянти. Масалан, Америка қитъаси Тинч океан томонга силжияпти, Америка қитъаси билан океаннинг ораси тирик вужуддек нафас олиб, нафас чиқариб турибди. Океаннинг таги ер қобигига кириб боряпти.

Абдуллаев даврида замонавий ўлчов асбоблари, фанда эришилган бутунги имкониятлар йўқ эди. Булар ҳаммаси кейинги 20-25 йил ичиди, айниқса, инсоннинг космосга қадамидан бошланди.

Ер, бу тирик вужуд. Домлагача бўлган кўплаб олимларнинг гоясида докматик қарашлар бор эди. Улар бошқа мактабнинг маҳсулни эдилар. Улар «Рудали босқич, бу, бир марта ўтадиган жараён» деган тўхтамга келган эдилар. Магматик ҳолат тугагандан кейин бир марта рудали жараён кечади-да, сўнг тамом, бошқа бўлмайди.

Бутунги аҳвол қандай?

«Одно этапный — (бир босқичли)» деган тушунчадан ҳамма возкечди. Чунки, далиллар шунчалар кўпки, «Рудали жараён, бу, кўп босқичли» деган ҳажикат билан юзма-юз бўлиб турибмиз. Бу — Ҳабиб Муҳамедович гоясининг тасдиги.

Абдуллаев илмий йўналиши, дунёқарашдаги қотиб қолган — докматик қарашни парчалаб ташлади.

Домланинг ўша машҳур «Руда ҳосил бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик алоқаси» номли китоби Бутуниттифоқ баҳсига қўйилган эди. Тасаввур қилаяпсизми буни? Бутуниттифоқ баҳсига ҳамма олимларнинг ҳам китоби қўйилавермайди-да! Абдуллаевнинг асари СССР Фанлар академиясининг маҳсус қарори

билан қўйилган. Баҳс Приморье ўлкасидан бошланиб, Ленинградда тутаган.

Бунинг бошқа томони ҳам бор: баҳсни шунга олиб келишмоқчи эдики, Абдуллаевни Иттифоққа шарманда қилиш. Шу йўл билан ўсаётган, номи дунёга чиқаётган ўзбекнинг йўлини тўсиш, уни бўгиб қўйиш — мақсад шу эди.

Даврнинг чатоқ томони партия — КПСС деган куч бор эди. Худо ҳам, пайгамбар ҳам, суд ҳам шу эди! Абдуллаевни йўққа чиқаришга партия бош-қош, унинг гоясини, назариясини йўқотиш партияга керак эди-да!

Домланинг бошини кундага тўғрилаб қўйиштан эди. Мўъжиза юз берган каби ноҳос китоблари четта чиқиб қолди: Хитойда, Америкада чоп этишиди. Сўнг Францияда, Буюк Британияда босилди. Бирин-кетин дунё тан олди...

- Дунё тан олди, деган гап қанчалик фахр-а?

- Ҳа, эрта-индин олимликдан маҳрум бўлиш, номи, шахси қораланиш арафасида турган Ҳабиб Абдуллаев шу тариқа рўёбга чиқди. Агар ўшанда уларнинг нияти амалга ошанида, бугун Сиз билан мен домла ҳақида сұхбатлашиб ўтиргмаган бўлар эдик.

- Бу, КПСС дегани кўзга кўринган ҳар қандай талантнинг күшандаси экан-да! Бир тўп тўда — гуруҳ, ақли ноқис, ёки ўртача фикрлайдиган, ёт деса ётиб, тур деса — туриб, доим буйруққа шай, ижрочи, тилсиз, юраксиз бандаларнинг жисмоний кучига таяниб давлатни бошқартган экан-да! Шунинг учун ҳам кўпга бормади, нам тортган девордек уваланиб тушди. Кўпга бормади, деялман-у, аммо, халқимиз 70 йил давомидаги йўқотганларининг ўрни 100 йилларда ҳам тўлмаса керак. Шундай ўйлаб, шундай тушунсаккина ОЗОДЛИКнинг нима эканига яқинроқ борамиз.

- Тўгри, кўп улур биродарларимизни йўқотишиди. Бундай зулмини унутишга ҳаққимиз йўқ. Собиқ тузумнинг энг даҳшатли қуроли Алдов эди.

Теран ўйласангиз, Абдуллаевнинг қисматида илоҳий деймизми — шунга ўхшаш нимадир бор. Уни беҳудага «Хизр назар қилган» деб айтишмасди. Йўқса, воқеалар 180 даражага бурилиб кетмасди.

Ҳозир шу воқеаларни эслаялман-у, хаёлим, барибир, мустақиллик томон кетиб қоляпти. Тўгри, орамизда тўнини ўзгартирганлар бор, дилини ўзгартирганлар бор. Ҳаммаси ўтаверсин, инкор этиш мумкин бўлмагани, бу, Ўзбекистон, ўзбек халқи! Менимча, Ҳабиб Муҳамедовични тутиб турган, ич-ичдан суяган нарса ҳам шу — Ватан — эътиқод! Домла ўзига, миллатига ҳеч қачон хиёнат қилмади, охиригача ўзбек халқига содиқ қолди.

Ким нимани қанча ва қандай қабул қилиши унга Оллоҳ томонидан берилган имконга — иқтидорга боғлиқ. Ўйлайманки, Сиз, Ра-

жаббой ука, Ҳабиб Абдуллаевни тушунасиз, сезиб турибман. Шуни ёдда тутингки, Абдуллаевнинг жисми қанчалик кучли, келбатли бўлса, кўнгли шунчалик нозик эди. Нозик қалбли одамларгина шундай юксак фикрлайди. Бундайларга етиш, уларни тушунни осон эмас, лекин, барибир, уларга ҳавас қилиш керак.

Дили тоза одамлар зўравонликни кўтаролмайди. «Нодон қутурса, дононинг ҳолига ной!» деб бежиз айтишмаган. Ўшанда нодонлар қутурган пайт эди. Ҳабиб Абдуллаев уларнинг тор дунёсига сигмади. Чунки, ҳақсизликни, зўравонликни ўз бошидан - жисмидан кечирган одам келажакка ишонади, келажакдан умидини узмайди.

Боя Сизни ажаблантирган кишиларга «Бир кунлик одамлар!» деб дурустгина ном топдингиз.

Ҳабиб Муҳамедовичга ўхшашиб кишилар бир куннинг гами, ташвиши билан яшамайди, улар доим бугуннинг эмас, эртанинг одами бўлиб келишган. Шунинг учун ҳам домла мана, шукрки, бизгача — мустақилликкача етиб келди.

ЭЪТИРОФ

Ниҳоят узоқ йиллик меҳнат ва кутишларимнинг маҳсули бўлмиш роман-хотираларим етти йил деганда (2002 й.) ёргулик юзини кўришидек қувончга мушарраф бўлди. Йиллар, фасллар ўзгарганидек, мени Ҳабиб Абдуллаев ҳақида роман ёзишга унданаган Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида ҳам ўзгаришлар юз берди..

Қўмитанинг янги раиси Нурмуҳаммад Аҳмедов ўзидан олдинги раҳбарнинг ишини давом эттириб, «Устун»ни эътибор билан ўқиди ва яна масъул кишиларнинг асар ҳақидаги фикрларини йигиб, муаллиф билан астойдил сұхбатлашди.

Нима ҳам дердим? Бирор бошлаган ишни бирор давом эттираса - ниҳоясига етказса, бунинг савобига не етсин! Дейдиларки, эзгулик, яхшилик, устозларга садоқат ҳеч қачон унутилмайди. Вақти келганда шогирдлардан, ўзгалардан, албатта, қайтади. Кўлиғиздаги асар бунга ёрқин далиллар.

* * *

«Устун»ни ёзишда ўзининг даъватли, самимий фикрлари билан ёнимда турган Ўзбекистон Ҳалқ шоюри Жамол ҚАМОЛга на ёзувчиларнинг Дўрмондаги Ижод уйи директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Амир ТЎРАга ҳамишалик миннатдорчилик билдираман.

**СҮНГИ СҮЗ
ёки
АЛЛОМА ҲАҚИДА**

«Улуг кишилар чекка жойларда туғирилб, пойтахтда вафот этишади». Атоқли француз ёзувчисига иисбат берилган бу учқур ифоданинг тұғрилигини қўлингиздаги роман қаҳрамони Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳәёти ҳам тұла тасдиқлайды.

Асримизнинг қарийб бошларида - 1912 иили ӽаш вилоятида дүнёга келган бир боланинг Тошкентта келиб, ўзбек фанининг етти иқлимга довруги кетган намояндасига айланиши ва шу ерда ўзининг сўнгти масканини топиши мумкинлиги кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз. Шак-шубҳасиз, унинг ота-онаси Ҳабибулланинг ақлли-хушли, баҳтли-саодатли йигит бўлиб ўсишини, меҳрибон фарзанд бўлишини орзу қилишган. Лекин унинг жаҳоншумул олим бўлиши, ўзбек фанининг беқиёс ва бетакрор ташкилотчиси бўлиши уларнинг тасаввур доирасига сифмаган, албатта.

Гарчи ҳар бир кишининг ҳәёти Илоҳий құдрат томонидан идора этилиб, ҳатто ҳәётий йўлининг энг муҳим нуқталари олдиңдан чизилиб қўйилган бўлса-да, ҳеч ким ўз фарзандининг келажагини кўра билмайди. Ҳатто энг доно кишилар ҳам ўз ҳәётларини қандай сўқмоқлар оша ўтиши ва қаерда тўхтаци мумкинлигини башиборат эта билмайдилар. Бир томондан, ҳәётнинг, яшашнинг қизиги ҳам шундадир.

Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев XX асрда ижод этган ўзбек ёзувчилари, олимлари ва санъаткорлари орасида алоҳида маъқени эгалайди. У вафот этган 1962 йилдан бери қарийб қирқ уч йил ўтанига ва унинг ўзбек фани равнақига қўшган ҳиссасини илғаш имконияти бўлганига қарамай, Ҳабиб Абдуллаев ҳали ўзининг тарихий ўрнини тўла-тўқис топгани йўқ. Бунинг учун у билан авлодлар ўртасидаги масофа қисқариши, олимнинг бугун бўй-басти авлодлар қаршисида яққол гавдаланиши лозим. Агар турли -туман қомусларда берилган маълумотнинг ўзи билангина чеклансан ҳам Ҳабиб Абдуллаевга Оллоҳ томонидан ажратилган нақтнинг кичик бир қисмигина илм-фанга, олим ҳәётнинг мазмунини ташкил этган геологияга багишланганини кўрамиз. Негаки, у Ўрта Осиё Индустрисиал институтидаги ишлагандаги ҳам, Марказий Кўмитада саноат бўлими мудири, Ҳалқ Комиссарлари Советида раис, сўнг яна Министрлар Советида раис ўринбосари лавозимларида хизмат қилганида ҳам ўзининг илмий ихтисослиги бўйича шугуулланиш имконига эга бўлмаган. Лекин у худди шу лавозимларни эгаллаб турган пайтда ҳам ҳалқ

учун, она юрт учун жон куйдирган. Унинг инсоний савиясидаги ана шу жонкуярлик, халқи, Миллати учун ёниш, айниқса, Ўзбекистон Фанлар академиясига президент этиб сайланган йилларида яна ҳам кучайди.

Камина 1958 йилнинг охирларида Тил ва адабиёт институтига ишга кирганимда Ўзбекистон Фанлар академиясида яшариш, жонланиш, уйғониш жараёни кечмоқда эди. Гарчанд бу жараён бошида геолог олим турган эса-да, академия тизимидағи барча институтларга илмий жамоаларни ёшлар ҳисобига кенгайтириш имкони берилган эди. Шу йилларда Ҳабиб Абдуллаевнинг ташаббуси билан кўплаб ёшлар Москва, Ленинград каби шаҳарлардаги нуфузли институт ва университетларга талаба ва аспирант сифатида юборилмоқда эди. Кўп ўтмай, ана шу ёшлар Фанлар академиясида шу пайтгача ҳукм сурин келган турғун бир вазиятни ўзгартириб юборди. Илм-фан юраги зарб билан ура бошлади. Ўзбек фанинг байроти баланд кўтарилиди. Бу, биргина кишининг Ҳабиб Абдуллаевнинг гайрат ва шижаоти, ташкилотчилик истеъоди туфайли содир бўлди.

Аммо шу билан олимнинг ўзи ҳам тинч турмади. У геологик изланишларни умумлаштириб, петрологиянинг муҳим назарий масалаларини ишлаб чиқди, руда конларини пайдо бўлиши, скарнлар ва улар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиши ҳақидаги таълимотга багишланган асарлар яратилди. Ер қобигида асосий фойдали қазилмаларнинг юзага келиш ва тарқалиш қонуниятини кашф этди. Унинг кашфиёти геология ва петрология фанларидаги фавқулодда буюк воқеа сифатида эътироф этилди. Ҳабиб Абдуллаевнинг номи жаҳон фани тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди.

Шуниси ачинарлики, инсон қанчалик юксакка кўтарилса, унинг оёғидан тортувчи кимсалар шунчалик кўп бўлади. Бундай кимсалар жамият тараққиётiga тўғаноқ бўлиб турган унсурларга эмас, балки ўзининг улкан меҳнати билан, илмий ва ижодий салоҳияти билан шу жамиятга фойда келтираётган шахсларга қарши бирлашдилар. Ҳабиб Абдуллаев яшаган замон эса бундай галамисларнинг ҳатти-ҳаракати учун катта майдон яратибина қолмай, айни пайтда уларни уюштириб ва йўналтириб ҳам турди.

Мен Ҳабиб Абдуллаев аталмиш карвоннинг аксар йўли саклар орасидан ўттани ҳақида ўйлар аканман, Беруний, Улугбек сингари буюк аждодларимиз хотирамга келади. Нафақат улар, ҳатто Алишер Навоийнинг ҳам умри охирида ҳаж баҳонаси билан ўз юртидан кетмоқчи бўлгани ўйлатиб қўяди. Ҳа, бу дунёда яшаш осон ҳунарлардан эмас. Айниқса, халқнинг пешқадами бўлган, вижидони, ор-номуси ҳисобланган, ифтихор даражасига кўтарилиган сиймоларнинг ҳаёти осон кечмайди, осон кечмаган эҳтимол, бундан

кейин ҳам осон кечиши қийин. Негаки, инсоннинг руҳий олами ва табиатида эзгу фазилатлар билан бирга шайтоний ҳислар ҳам йўқ эмас. Модомики, ҳасад, иғво, фитна, макр сингари ҳислар бор экан, Ҳабиб Абдуллаев сингари потларнинг улардан «дод» деб яшаши табиийдир.

Шубҳасиз, юқорида муборак номлари тилга олинган ва тилга олинмаган ўтмишдошларимизнинг ҳаётини яхши кечган, деб бўлмайди. ГПУ-НҚВД-КГБ даҳшатлари... Даҳшат деганимиз бу ташкилотлар Ҳабиб Абдуллаевни ўзларининг кўплаб қўллари билан бўғибина қолмай, Унинг номи-насибасини заҳарлаб ҳам келганлар.

Қўлингиздаги «Устун» деб номланган романда муаллиф худди шу масалага эътиборни қаратган.

Ражаббой Раупов – бугуиги насримизнинг истеъоддли вакилларидан бири. Бухорода таваллуд топган бу ёзувчининг Ҳабиб Абдуллаев тақдиди билан қизиқишида гайритабиийлик йўқ. Тўғри, унинг шу кунга қадар яратган асарлари марказида бухоролик кишилар, Бухоро билан боғлиқ муаммолар туради. Аммо ижод эркинлиги, бадиий адабиётнинг биринчи шарти бўлгани учун, бошقا қалмакаш биродарлари сингари, Ражаббой Рауповнинг ҳам маҳаллий мавзулар доирасидан ҳикбет кетиши табиий. Сирасини айтганда, ёзувчининг қизиқиши доираси, бадиий олами қанчалик кенг ва ранг-баранг бўлса, бадиий тафаккури ҳам шунчалик жозибали бўлади.

Бухоролик ёзувчининг Ўнда тугилган ва ҳаётининг аксар бўлали Тошкентда кечган қаҳрамон билан қизиқишида ибратли жиҳатлар оз эмас. Биринчидан, Ҳабиб Абдуллаевдек қаҳрамонни топиш ва ўрганиш ёзувчига кўп нарсани беради. Ўзбек адабиёти ўз тарихининг бугунги янги босқичига кирганда ва қаҳрамон муаммоси ҳаммани қизиқтираётган ҳозирги даврда Ражаббой Рауповнинг ўз романи учун Ҳабиб Абдуллаевни қаҳрамон этиб танлаши унинг дидидан, журъатидан далолат беради.

Ҳабиб Абдуллаев нафақат Фанлар Академиясининг президенти, балки аввало геолог олимmdir.

У олиб борган ишнинг моҳиятини кўрсатиш, унинг фан ва маданият олдидаги, миллат олдидаги хизматларини кўрсатиш учун шу соҳаларни билиш сув билан ҳаводек зарурдир. Шундагина бадиий асарнинг ҳаётийлиги таъминланади.

Иккинчидан, Ҳабиб Абдуллаев гарчанд ўз давридан илғорлаб кетган бўлса-да, у, аслида, совет даврининг кишиси. У шу давр ҳавоси билан нафас олишга мажбур бўлган. Уни, сир эмас, шу давр олим сифатида етиштирган ва шу давр уни маҳв этган. Бино-барин, унинг шаклланиш ва яқунланиш йўлини мустабид тузумнинг иштирокисиз тасаввур этиш маҳол. Шу маънода Ҳабиб Аб-

дуллаев ҳаётига багишиланган асарда тузумнинг ички анатомияси-ни кўрсатмай илож йўқ. Роман муаллифи ҳам худди шундай йўлни тутиб, ўз олдига мустабид тузумнинг Ҳабиб Абдуллаев тақдирида ўйнаган ролини очишга кўпроқ эътибор берган.

Асарнинг ўзига хослиги ва долзарб аҳамияти ҳам худди шунда бўлса, ажаб эмас.

Тақдир шу кунларда каминага мустабид тузумнинг ғайриинсоний моҳиятини фош этувчи ҳужжатлар билан танишиш ва шу тузум қурбонлари «иш»ини ўрганиш имконини берган. Мен авжи қирчиллама йигит фаслида турли -туман баҳоналар билан қириб ташланган ватандошларимнинг ўнлаб «иш»лари билан танишиш жараённида, ҳамкасб биродарларим сингари, шундай хуносага келдимки, биз яшаган даврдек фожиали давр жаҳон ҳалқларининг минг йиллик тарихида кўп учрайди. Совет давлатидек ўз ҳалқини мунтазам равища қириб-хонавайрон этиб келган бошқа давлат эса ер юзига келмаган.

Ана шу ҳақиқатни авлодлар билишлари керак.

Ана шу қонли тарихнинг кичик бир саҳифаси ушбу романнинг бош қаҳрамони билан боғлиқ.

Агар Ҳабиб Абдуллаев мустабид тузумнинг қурбони бўлмаганида ва унга эл-юрт баҳтига ишлаш имкони берилганда илмий зиёлиларимиз сафи қанчалар кенгайтан, фан ва маданиятимиз янада камол топган, илмий қашфиётларнинг акс-садоси ўлароқ техник прогресс кенг қанот ёзган, демак, мамлакатимиз ҳар томонлама юксалган бўларди. Зоро, ақл-заковат юксалиш қалитидир.

Дарвоҷе, ақл-заковат тўғрисида.

Ҳабиб Абдуллаевнинг ватандошлари орасида Иzzат Султон ҳам бор. Одатда, Иzzат Султон шўх кайфият ёғдулари билан чирмалган пайтида бирор ҳамроҳи ё ҳамсухбатидан ақлли гап чиқиб қолгудек бўлса, секингина: «Сиз ҳам Ўздан эмасмисиз?» — деб сўрайди. Унинг назарида, ақлли одамларнинг бари Ўздан чиқишиган. У шу сўзларни айтганда, биринчи навбатда, Ҳабиб Абдуллаевни назарда тутади. Ўз, унинг мастона назарида, ақл-заковатнинг бепиги-ю, бу бешикда улгайган энг улуг инсон Ҳабиб Абдуллаевdir.

Мен юқорида Фанлар академиясига ишга келган йилларимни тилга олган эдим. Ўшанда Ҳабиб Абдуллаевнинг номи дилларда достон бўлиб турган пайтларда, қўққисдан, бу забардаст арбоб ишдан четлатилди. Кўп ўтмай, унинг вафоти ҳақида хунук хабар илмий оламни ларзага келтирди. Ўша мусибатли кун Академия ўзининг улуғ президенти билан видолашди. Мотам мусиқасининг садолари остида машиналар карвони Форобий қабристони сари йўл олди. Машиналар Навоий номидаги кутубхонанинг эски биноси ёнидан ўтиб, марҳум яшаган кўчага гудок чалиб кирди. Бу шунчалик

гудоклар эмас, балки машиналарнинг нолалари ва фарёди эди. Сўнг марҳумнинг жасади минглаб одамлар иштирокида, худди забаржад тўла сандиқдек, ер остига қўйилди.

Орадан бир йил ҳам ўтмай, шу ердан оппоқ бир ҳайкал ўсиб чиқди. Машҳур ҳайкалтарош Вучетичнинг хаёлот оламида туғилган бу гўзал асардан энди ҳеч қачон ўлмайдиган, авлодлар билан ҳамиша якнафас яшайдиган улуг Аллома бизга тийран нитоҳлари билан ҳамон қараб турибди.

Азиз замондошим, йўлингиз тушганда шу ўлмас Аллома пойита бир дона бўлса-да гул қўйиб, унинг хотираси олдида таъзим бажо этинг!

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор
«Шаҳидлар хотираси» хайрия
жамгармаси раиси.

МУНДАРИЖА

Азизлар!	3
Муаллифдан	4
БИРИНЧИ ҚИСМ	
Қанот	10
ИККИНЧИ ҚИСМ	
Тегирмөн тоши	84
Учинчи қисм	
Қатагон	164
Романдан сүнгти ҳикоя ёки тасаввуримдаги Ҳабиб Абдуллаев	195
Синалган ва сийланган олим	199
Құл етмас чүккі	205
Ҳабибға ўхшаганлар кам әди	210
Миллатимизнинг фахри	219
Эътироф	233
Сүнгти сүз ёки аллома ҳақида	234

РАЖАББОЙ РАУПОВ

Адабий-бадиий нашр

УСТУН

роман – хотира
(иккинчи тўлдирилган нашри)

Муҳаррир:

Миролим Аҳмедов

Дизайнер ва саҳифаловчи: Иброҳим Сагдулаев

Мусаҳҳиҳлар:

Шоира Раупова,

Муаззам Ҳайитова

Босишга 12.07.05 да рухсат этилди. Бичими 60x84¹/16.

Офсет босма. Шартли босма тобоги - 16,5.

Нашриёт ҳисоб тобоги - 15,0. Адади 1000 дона. Буюртма №94.

Баҳоси келишилган нархда.

«Fan va texnologiya»нашриёти, 700003.

Тошкент ш., Олмазор, 171.

Шартнома № 20-05.

«Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.

Тошкент ш., Олмазор, 171.